

НИШОНОВА.З.Т Алимова.Г.К

**БОЛАЛАР ПСИХОЛОГИЯСИ ВА УНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ
МУАММОЛАРИ**

2005

Ушбу қўлланма ижодий гуруҳ томонидан яратилган

Уни: I - боби- катта ўқитувчиси Н.Ҳамдамова;

II- боби- доцент М.Зуфарова;

III - боби – ўқитувчи Г. Ашурова;

IV - боби – ўқитувчи М. Исахонова;

V - боби – катта ўқитувчи Н.Ҳамдамова;

VI - боби – ўқитувчи Д.Солиева;

VII - боби –ўқитувчи Д. Ваҳобова;

VIII - боби- катта ўқитувчи М.Шобековалар томонидан

нашрга тайёрланган.

Бу методик қўлланма асосан ёш ўқитувчилар томонидан ишлаб чиқилди. Авторлар гуруҳи сиз азиз китобхонлардан қўлланма ҳақидаги танқидий фикр ва мулоҳазаларингизни нашриёт адресига юборишингизни илтимос қилади.

Маъсул муҳаррир:

п.ф.н.доц. Р. Ашуров

Такризчилар:

психо.ф.н.доц. Н. Ёқубов

психо.ф.н.доц. М. Обиджонова

Ушбу илмий рисола Муқимий номидаги Қўқон Давлат педагогика институти ўқув – услубий кенгаши йиғилишида кўриб чиқилган ва нашрга тавсия этилган.

Тошкент “Фан” нашриёти 2005 йил

Муқаддима

“Ҳаммамизга аёнки, таълим дарсликларидан бошланади”

И.А. Каримов

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан кейин таълим жараёнини такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Улуғвор деб ҳисобланган таълим

тизими олдида турган устувор вазифалардан бири –бу “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” асосида Республика таълим тизимида олиб борилаётган ислохатлар ёшларни ўз хоҳиши, иродаси ва интилишига қараб, уларга чуқур билимлар бериш, ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлардан тўла холи бўлган юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берадиган рақобатбардош малакали кадрлар тайёрлашни таъминлашдир.

Комил инсонни, яъни ўзида рухий бойлик, ахлоқий поклик ва жисмоний етукликни тўла мужассамлаштирган талабаларни келгуси фаолиятга психологик жиҳатдан тарбиялаш учун таълим-тарбия ишларини тўғри йўлга қўйиш лозим. Бунинг учун болаларнинг психик тараққиёти қонунларини, уларнинг ёшлик ва индивидуал хусусиятларини билиш муҳимдир.

Мазкур дарслик педагогика университетлари, институтлари, педагогика коллежи талабалари ва ўқитувчиларига мўлжаллангандир. Шу боисдан у турли ёшдаги болаларнинг психик ривожланишига хос хусусиятларни, асаб тизими тараққийси ва уни психик тараққиётга таъсири, билиш жараёнлари, ҳиссиёт ва ироданинг ривожланишини, ҳар бир ёш даврда бола шахсининг шаклланиши, ўйин ва меҳнат фаолияти муаммоларини ёритишни мақсад қилиб қўйди.

Қўлланма таълим мақсадларига, Давлат таълим стандартларига ва 2006 йили “Болалар психологияси”дан чоп этилган дастур асосида тайёрланди. У талабаларни зарур билимлар мажмуаси билан қуроллантириш, уларни мустақил фаолият кўникмаларини ривожлантириш, кундалик турмуш амалиёти билан боғлаш, мавзуларга оид маълумотларни мужассамлаштирилган.

Болалар психологияси фанининг предмети, вазифалари.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов асарларида, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисидаги” қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”да белгиланган ҳар томонлама етук, баркамол шахсни тарбиялаш ҳозирги кун таълим тизими олдида турган долзарб муаммолардан биридир.

Баркамол шахсни тарбиялашда, болани дунёга келганидан бошлаб то вояга етгунига қадар бўлган даврдаги психологик хусусиятларини билиш тарбиячилар, педагоглар ва психологлар, ота – оналар учун муҳим аҳамиятга эга. Боланинг психик тараққиёти ҳақидаги билимларни эса психологик билимларнинг махсус соҳаси – **Болалар психологияси** фани ўрганади.

Болалар психологияси – психология фанининг алоҳида тармоғи бўлиб, боланинг туғилганидан то етуклик даврида психик тараққиётини, турли ёш даврлардаги бола психик тараққиётининг қонуниятларни, ривожланишининг турли босқичларида бола психикасига хос хусусиятларини ўрганади.

Болалар психологияси фанининг асосий эътибори туғилганидан етуклик давригача инсон психикаси ва онгининг қандай ривожланишига қаратилган, яъни ҳар бир шахс узоқ болалик даврини бошдан кечирадими, бу даврда унда алоҳида психик жараён ва хусусиятлар юз беради. Шунинг учун ҳам бу даврни фанда алоҳида ажратиб ўрганилади ва уни онтогенетик (туғилгандан улғайгунгача ўсиб етилиш даври) тараққиёт йўли дейилади.

Болалар психологияси бола психикасининг тараққиёти ҳамда шахсий хусусиятларининг юзага келишига таъсир қилувчи омилларни ҳам ўрганади. Болалар психологияси бу муаммоларни ҳал қилишда мустақил фан сифатида ўзига хос вазифаларни ҳал этмоғи лозим.

Бугунги кунда **болалар психологияси** фанининг олдида бир қанча муҳим назарий ва амалий вазифалари туради. Болалар психологиясининг назарий вазифалари унинг назарий муаммоларини ечишга қаратилган. Жумладан, унинг назарий вазифаларига қуйидагилар киради:

1. Турли ёшдаги болаларга хос бўлган психологик хусусиятларни, яъни болаларнинг идрокига, сезги – туйғуларига, диққатига ва хотирасига, нутқи ва тафаккурига, хаёлига, иродасига хос хусусиятларни ўрганиш;
2. И.П.Павловнинг олий нерв фаолияти ҳақидаги таълимоти асосида турли ёшдаги болалар психик процеслари хусусиятларининг нерв– физиологик асосларни ўрганиш;
3. Боланинг психик тараққиётига фаол таъсир қилувчи омилларни аниқлаб бериш;
4. Турли ёшдаги болаларнинг ривожланишига хос бўлган қонуниятларни ўрганиш;
5. Бола шахси ва шахсига хос бўлган психологик хусусиятларни ўрганиш;
6. Болани мактаб таълимига тайёрлаш;
7. Мактабда муваффақиятли ўқиш учун боланинг ақлий жараёнларини фаоллаштириш;
8. Таълим жараёнида боланинг мустақил, ижодий, фаол тафаккурини шакллантириш;
9. Таълим – тарбия жараёнида боланинг махсус қобилиятларини шакллантириш;
10. Таълим – тарбия ишларини психологик мазмунини очиб беришдан иборатдир. Унинг амалий вазифаларига турли ёшдаги болаларнинг психик тараққиёти хусусиятларига доир билимларни тарбиячилар, ўқитувчилар, ота – оналар яъни жамоатчилар ўртасида кенг ёйишдан иборат. Болалар психологиясининг амалий вазифаси - кенг жамоатчилик бола руҳий тараққиётига, ёшлик хусусиятлари орасидаги фарқлар ва уларга индивидуал муносабатда бўлиш йўлларига доир, руҳий тараққиёт қонунларига доир психологик билимлардан баҳраманд бўлмоқларини таъминлашдан иборат. Жамоатчиликни психологик билимлардан хабардор қилиш, рўзнома ва ойномаларга мақолалар ёзиш, радио ва телекўрсатувларда турли эшиттиришлар ташкил қилиш, ота–оналар билан суҳбатлашиш, маҳаллаларда бола тарбияси ҳақида маъруза, суҳбат ва баҳслар уюштириш

йўли билан амалга оширилади. Бу вазифаларни амалга ошириш комил инсонни шакллантиришда муҳим роль ўйнайди.

Болалар психологиясини бошқа фанлар билан алоқаси

Болалар психологияси фани ўз предметини ўрганишда фалсафа, умумий психология, педагогика, мактабгача тарбия педагогикаси ижтимоий психология, ёш психологияси бир қатор тиббиёт фанлари: болалар гигиенаси, педиатрия, болалар анатомияси ва физиологияси фанлари билан чамбарчас боғлиқдир.

Ҳозирги кунда болалар психологияси фани предметининг кенгайиб бориши кузатилмоқда. Бу ҳодиса боланинг ҳомила давридаги ривожланишини тобора чуқурроқ ўрганиш натижасида рўй бермоқда.

Болалар психологияси фанининг илмий текшириш методлари

Хар бир фаннинг ўз предметига қараб бир қанча ўрганиш ва текшириш методлари бўлади. Метод латинча «methodas» сўздан олинган бўлиб, маълум бир фаннинг предметини текшириш, ўрганиш ва тушунтириб бериш усулларининг ёки воситаларининг йиғиндисидир.

Болалар психологияси умумий психологиянинг махсус соҳаси бўлгани туфайли у ўз предметини ўрганишда умумий психологиянинг деярли ҳамма методларидан фойдаланади. Лекин умумий психологиянинг методларидан болаларнинг асосий фаолиятларига мослаштириб қўлланилади.

Болани ўрганиш 2 асосий шаклда: “кўнадалангига кесим” ва “узунасига кесим” методи деб номланган тадқиқот шаклларида амалга оширилади.

Тадқиқот “кўнадалангига кесим” шаклида ўтказилганда турли ёшдаги болалар гуруҳларида муайян психологик жараён, ҳолат ёки хусусият ўрганилади ва ҳар хил ёш босқичида болалар устидан олиб борилган тадқиқот натижалари ўзаро солиштирилади. Масалан: Д. Б. Эльконин кичик, ўрта ва катта мактабгача ёшдаги болаларнинг сюжетли – ролли ўйинларига хос хусусиятларни ўрганиб, ўзаро солиштириб болалар ўйинлари тараққиётига хос умумий қонуниятларни аниқлаган. Кўнадалангига кесим шаклидаги тадқиқотга асосий эътибор синалувчи болалар ёшидаги фарқларга қаратилиши керак. Фарқ қанчалик кичик бўлса, психолог тадқиқотчи бола психикаси ва шахсидаги муҳим ўзгаришларни пайкаш учун кўпроқ имкониятларга эга бўлади. Тадқиқот “узунасига кесим” шаклида ўтказилганда бир ёки бир неча боланинг муайян вақт оралиғидаги ҳаёти ўрганилади. Тадқиқотчи узлуксиз равишда бир ёш босқичидан иккинчисига ўтишда бола психикаси ва ҳулқ – атворида рўй берувчи ўзгаришларни аниқлаб боради. Масалан: мактабгача таълим муассасаларида янги дастур бўйича иш бошланган бўлса, муассасага энди қабул қилинган болаларни 4 – 5 йил узлуксиз ўрганиш орқали дастурнинг бола тараққиётига таъсирини аниқлаш ва у ҳақида ҳулоса чиқариш мумкин бўлади. “Узунасига кесим” шаклидаги тадқиқот шунингдек, айрим болаларда лонгитюд тадқиқот ҳам деб аталади. Тадқиқотнинг бу шакли анча мураккаб ва кўп вақт талаб этади. Лонгитюд методи орқали бир жинсли (Хасан – Хусан, Фотима – Зухра) ёки аралаш жинсли (Хусан – Зухра) эгизаклар кузатилади. Шунинг учун бир қатор тадқиқотларнинг “Она кундалиги” деб номланиши бежиз эмас. Лонгитюд методи ёрдамида субъектив омилларнинг ўзига хослиги, объектив шарт – шароитлар ва ижтимоий муҳитнинг синалувчига таъсири ўрганилади. Масалан; эгизакларнинг ўхшашлиги ва тафовути; таъсирланиши, ҳис – туйғуларнинг ўзгариши; ҳулқ – атвордаги иллатлар, индивидуал фарқлар ўрганилади.

1. Бола психикасини ўрганиш принциплари.

Бола психикасини ўрганишда тадқиқотчи бир қатор принциплар – қоидаларга таяниши, уларга риоя этиши лозим бўлади.

Бу қоидалар қуйидагилардан иборат;

1). Объективлик принципи – бу тадқиқотчидан маълумотлар билан уларнинг талқинини аралаштириб юбормасликни талаб қилади. Масалан: машғулот давомида “ бола ойнадан ташқарига қараётган эди” – деб айтилса, бу муайян ҳодиса ҳақидаги маълумот бўлиб ҳисобланади. Лекин, “бола эътиборсиз” – деб айтиш ҳодисанинг талқинидир. Ҳодисанинг ўзи билан унинг талқинини аралаштириб юбормаслик керак чунки юқоридаги мисолда ҳам бола ойнага қараб турган бўлсада, тарбиячининг сўзларига катта эътибор бераётган бўлиши мумкин.

2). Сабабийлик принципи – бу бола шахси ва онгида янги сифатларнинг ҳосил бўлишини таъминловчи барча шарт – шароит ва омилларни имкон қадар ўрганишни талб қилади. Масалан: машғулот давомида бола тез – тез ойна тарафга қараган бўлса, бу ҳодисанинг иложи борича сабабини аниқлаш керак: кўчадаги бирор нарса бола эътиборини ўзига тортдими? Машғулотда бола чарчаб қолдими? Ўтилаётган материал болага яхши танишми? ва ҳ.к;

3). Синчковлик ва мунтазамлик принципи – бу бола психикасини шаклланиши жараёни, бунда психолог ва педогоглар таъсири синчковлик билан кузатиб боришни талаб қилади.

Ушбу принципларга мувофиқ олдиндан;

а) тадқиқот жойи ва қилаладиган иш мазмуни аниқланиши керак:

б) тадқиқотда ўрганиладиган синалувчилар танланмаси тузилиши лозим:

с) тадқиқот қайси вақтда ва қандай вақт оралиғида ўтказилишини белгилаш зарур. Ушбу бандлар белгилангач, улардан четга чиқмаслик керак, яъни қандайдир субъектив сабаблар билан шошилиш хулосалар чиқармаслик, тадқиқотни бевақт тугатиш ҳолларига йўл қўймаслик керак. Акс ҳолда объективлик принципи бузилган бўлади.

Болалар психологияси фанининг асосий методларидан бири кузатиш методидир. Кузатиш методи 2 га бўлинади:

1) объектив ; 2) субъектив кузатиш методи.

Болалар психологиясида субъектив, яъни ўз-ўзини кузатишдан фойдаланилмайди. Болалар психологиясининг асосий методларидан бири субъектив, яъни болаларни ташқаридан кузатиб ўрганиш методидир. Объектив кузатиш методи ҳар доим маълум мақсадга қаратилган бўлиб, унинг ёрдамида кишиларнинг турли психик процесслари ҳамда шахсий психологик хусусиятлари ўрганилади. Бунда тарбиячи ва текширувчи психолог болаларнинг хулқ – атворлари ва хатти ҳаракатларини уларнинг турли – туман фаолиятларида табиий шароитда мавзули тарзда кузатади. Объектив кузатиш методи куйидаги коидаларга асосланиб ташкил қилиниши керак: 1) Ҳар қандай кузатишнинг аниқ мақсади, режаси бўлиши керак. Масалан: болалар диққатининг барқарорлигини ёки тафаккур билан боғлиқ бўлган анализ қила олиш қобилиятини кузатиш. 2) Бола шахсининг яхлитлиги принципига асосланиб, яъни аналитик – синтетик нуқтаи назардан кузатиш. 3) Болани жамоада ва жамоа аъзоси сифатида ўрганиш; 4) Кузатиш табиий шароитда олиб борилар экан, болалар ўзларининг кузатилаётганларини мутлақо билмасликлари керак. 5)Кузатишдан яхши натижалар олиш учун, уларни турли шароитларда (шахснинг хислатларини турли хилда намоён бўлишни назарда тутиб) системали тарзда кун сайин ўрганиш керак.

Кузатиш методидан фойдаланилганда болалар турли уйин фаолиятлари, дидактик машғулотлар, меҳнат фаолиятларида хилма–хил психик– процессларнинг ва индивидуал хусусиятнинг намоён бўлишини ўрганиш мумкин.

Кузатиш методи узлуксиз ёки фаолиятни танлаб вақти – вақти билан ўтказилиши мумкин. Болаларни узлуксиз кузатиш методи билан ўрганилганда уларнинг барча феъл – атворлари ва хатти – ҳаракатлари кундалик фаолиятлари давомида комплекс ҳолда ўрганилади. Узлуксиз кузатиш бир неча кун ёки бир неча ой давом этгандан сўнг тўпланган маълумотлар анализ қилиниб, болага психологик характеристика тузилади, вақти – вақти билан танлаб кузатилганда боланинг барча хулқ – атвори ва хатти – ҳаракатлари эмас, балки

фақат маълум хатти – ҳаракатлари (диққати ёки хотираси) билан боғлиқ бўлган томонлари ўрганилади.

Болалар психологиясида кузатиш методининг алоҳида турли болалар тараққиётини сермазмун кирраларини кузатиш ва унда олинган далилларни кундаликларга ёзиб бориш ўрганишдан иборатдир. Бола тараққиёти ҳақидаги биринчи кундалик XIX асрнинг иккинчи ярмида Ч.Дарвин томонидан нашр этилган. Ундан сўнг И.Мадыгинакоте, Н.А.Менчинская, В.С.Мухиналар болалар психик тараққиёти юзасидан системали тарзда олиб борган ўз кундаликларини нашр этганлар.

Болалар психологиясида кенг қўлланиладиган яна бир асосий метод – эксперимент методидир. Эксперимент методи кузатиш методига нисбатан актив метод ҳисобланади. Эксперимент методида у ёки бу психик процессни қачон юзага келишини кутиб ўтирмай, бу процессни экспериментаторнинг ўзи юзага келтиради. Шунингдек ўрганилаётган психик процессни болаларда бир неча марта такрорлаб ўрганиш мумкин, яна қулай томони шундаки, бу метод кузатиш методи сингани кўп вақт талаб қилмайди. Эксперимент методи 3 га бўлинади: 1) лаборатория эксперименти, 2) табиий эксперимент. 3) педагогик- психологик эксперимент методи. Лаборатория эксперименти махсус ташкил қилинган лабораторияларда турли асбоблар ёрдами билан ўтилади. Табиий экспериментда бирор психик процесс ўрганилаётганда махсус шароит юзага келтирилади. Болалар психологиясида экспериментнинг ҳар иккала туридан кенг фойдаланилади. Бироқ бу методлардан болалар психологиясида фойдаланишнинг ўзига хос томони шундаки, боғча ёшидаги болалар лаборатория шароитида ўтказиладиган экспериментлар билан табиий шароитда ўтказиладиган экспериментларнинг фарқи бормайдилар.

Ҳар иккала ҳолда ҳам, тажрибалар вазифа тарзида эмас, балки ўйин тарзида ўтказилса яхши натижа беради. Эксперимент методидан гуруҳларда ўтказиладиган машғулотлар пайтида кенг фойдаланиш мумкин. Масалан: турли ёшдаги боғча болалар билан ўтказиладиган дидактик машғулотларда табиий эксперимент методини қўллаш мумкин. Бунда болаларга ҳар хил ҳайвонлар, паррандалар, мевалар, сабзавотлар тасвирланган расмлар карточкаларни аралаш ҳолда бериб, уларни гуруҳларга ажратиш топширилади. Болалар бу нарсаларни қандай белгиларига қараб гуруҳларга ажратишларида уларнинг умумлаштириш хусусиятларини ўрганиш мумкин. Одатда, гуруҳ шароитида ўтказиладиган бундай экспериментни табиий эксперимент деб юритилади. Болалар психологиясида таркиб топтирувчи эксперимент методидан ҳам фойдаланилади.

Бунда болаларнинг у ёки бу хусусияти (психологик хусусияти) таркиб топтирилади ва мустақамланади. Масалан: боғча ёшидаги болалар айна бир вақтнинг ўзида бутунни ва унинг таркибий қисмларини тўла идрок қила олмайдилар. Улар ўз диққатларини ёки бир бутун нарсанинг ўзига ёки унинг бўлақларига қарата олмайдилар.

Таркиб топтирувчи эксперимент орқали болаларни бир бутун нарсани унинг қисмлари билан бир пайтда идрок қилишга ўргатилади. Бунинг учун болаларга бир бутун нарсанинг образини ярата олиш машқ қилдирилади. (турли геометрик фигуралар – доира, квадрат, куб, фойдаланилади)

Педагогик эксперимент орқали бирон таълим – тарбия методининг эффективлиги аниқланади. Масалан: Бирон тадқиқотчи болаларни сон – санокқа ўргатишнинг қандайдир янгича методини ишлаб чиққан бўлса, уни педагогик эксперимент методи орқали синаб кўради. Бунинг учун олдиндан боғча маъмурияти билан келишиб 1 та экспериментал ва 1 та назорат гуруҳини белгилаб олади. Шундан сўнг тадқиқотчи экспериментал гуруҳда янгича метод билан элементар мавҳум тасаввурларни ўстириш машғулотини ўтказилади. Назорат гуруҳида эса бу машғулотлар одатдаги эскича метод билан давом эттирилади. 1-2 ойдан сўнг ҳар иккала гуруҳдаги болаларнинг ўзлаштиришлари таққсолаб кўрилади. Агарда экспериментал гуруҳ болалар янгича метод билан ўзлаштиришлари назорат гуруҳдаги болаларнинг ўзлаштиришларидан анчагина самарали бўлиб чиқса, бу метод бошқа ҳамма боғчаларга ҳам тарқатилади. Борди-ю, агар натижа назорат гуруҳдаги болаларнинг

ўзлаштиришларидан ёмон, яъни паст бўлиб чиқса, янгича метод билан машғулот ўтиш дархол тўхтатилади.

Болалар психологида асосий методлардан ташқари ёрдамчи методлардан ҳам кенг фойдаланилади. Болалар психологиянинг ёрдамчи методларидан – фаолият маҳсулотларини ўрганиш методидир. Болалар ҳам худди катта одамлар сингари доим маълум фаолият билан машғул бўладилар. Фаолиятлари жараёнида турли нарсаларни, маҳсулотларни юзага келтирадилар. Ана шу нарсаларда, маҳсулотларда болаларнинг психик процесслари ва психологик хусусиятлари ўз аксини топади. Боғча ёшидаги болаларнинг фаолиятлари – уйин, расм чизиш, пластилин ёки лойдан бирон нарса яшаш, аппликация, куриш – яшаш кабилардан иборатдир. Ана шу фаолиятларининг натижасига қараб болаларнинг майл ва истаклари, эҳтиёж ва қизиқишлари, қобилият ва лаёқатларини ўрганиш мумкин. Масалан: болаларнинг чизган расмларида улар идрокининг хусусиятлари ва атрофдаги нарса ва ҳодисалар ҳақидаги тасаввурларини кўриш мумкин. Шу сабабли бу методдан болалар психологиясида кенг фойдаланилади.

Болалар психологияси сўраш – суҳбат методидан кенг фойдаланилади. Бу методни 5-6 ёшли болаларга нисбатан қўллаш мумкин. Бунда болаларга турли мавзуларга доир саволлар берилди ва улардан оғзаки суҳбатнинг мавзуи ва суҳбат пайтида болаларга берилдиган саволлар олдиндан яхшилаб уйлаб олинади. Суҳбат жараёнида жавобларни ёзиб олиб, кейинчалик жавобларни таҳлил қилиш мумкин. Суҳбат методини ўтказишда қуйидагиларга риоя қилиш талаб этилади:

- 1) Суҳбатнинг мавзуси ва мазмуни болаларнинг тараққиёт даражаларига ва ёш хусусиятларига мос бўлиши керак.
- 2) Саволлар режали ва мақсад асосида тузилиши керак.
- 3) Суҳбат пайтида «ҳа» ёки «йўқ» демай, тулиқ жавоб олиш керак.
- 4) Суҳбатни ҳаддан ташқари чўзиб юбормаслик керак.

Суҳбат орқали болаларнинг билишлари, нарса ва ҳодисалар ҳақида тасаввурлари, қизиқишлари ва одамлар билан бўлган муносабатларни ўрганиш мумкин.

Болалар психологиясида сўнгги йилларда тест методи қўлланила бошланди. Тест сўзи инглизча бўлиб, ўлчаш деган маънони билдиради. Тест методи орқали болаларнинг умумий ақлий тараққиёт даражалари ва айрим психик процессларининг (тафаккур, хаёл, хотира) қанчалик ривожланганлик даражаси аниқлаб таққосланади. Тест методи ёрдами билан болаларнинг ўз ёшларига нисбатан нормал тараққий этганликлари ёки орқада қолганликларини ҳам аниқлаш мумкин. Қўлланиладиган тестлар орасида интеллектуал тестлар деб (аталадиган) тестлар катта аҳамиятга эга. Интеллектуал тестлар – болаларнинг умумий ақлий тараққиёт даражалари аниқланади.

Тест вазифалари болаларнинг уйин фаолиятлари билан боғланса, болалар бундай вазифаларни бажону дил бажарадилар. Масалан: бирон бутун нарсанинг майда бўлақларга ажратиб ташланган қисмларини бирлаштириш, майда бўлақчалардан мураккаб ва чиройли анимациялар ясай олиш, турли лабиринтли суратлардан туғри йулни топа билиш вазифаларидан фойдаланиш мумкин.

Масалан: тест методида болаларга топширилидиган вазифалар бир неча вариантда бўлиб, улар кучлари етган вариантлардаги вазифаларни бажарадилар. Хар бир бажарилган вазифага балл сисмасида баҳо қуйиб борилади. Вазифалардан қанчасини бажарганлиги ва туплаган балига қараб, болаларнинг ўртача тараққиёт даражаси белгиланади, аниқланади.

Болалар психологиясида сўнгги йилларда социометрия методдан фойдаланила бошланди. Социометрия метод ёрдамида шахсларнинг коллективдаги муносабатлари масаласи ўрганилади. Болалар психологиясида эса социометрия метод ёрдами билан хар бир гуруҳда болаларнинг ўз тенгқурлари уртасида юзага келаётган ўзаро муносабатлари ва уларнинг гуруҳда тутган мавқеилари ўрганилади.

Болалар психологиясида тадқиқот методлари билан танишиш тарбиячилар ва педагоглар учун амалий аҳамиятга эгадир. Бу методлардан таълим – тарбия ишларида болаларнинг психик процессларини тараққиётини билиб олиш учун, шунингдек болалар

билан индивидуал муносабатда бўлишда, уларнинг индивидуал – психологик хусусиятларини билиб олишда кенг фойдаланилади. «Агар педагогика одамни хар жихатдан тарбияламокчи бўлса, у олдин уша одамни хар жихатдан билиб олиши керак» - деб ёзган эди. К.Д.Ушинский. Шунинг учун таълим – тарбиявий ишларни туғри ташкил қилиш учун бу методлар билан таниш бўлиш лозим.

II Боб

Болалар психологиясининг тарихи ва психик тараққиёт муаммолари

Ҳар қандай фан, жумладан болалар психологияси ҳам илмий тушунчалар мажмуасидан таркиб топган.

Болалар психологиясининг асосий ва марказий муаммоси боланинг психик жихатдан ўсиши, унга хос хусусият ва қонуниятларини ёритиб беришдан иборатдир. Бу муаммони туғри хал этиш болалар психологиясининг фан сифатида янада тараққий этиши учун ҳам, ўсаётган авлодни комил инсон қилиб тарбиялаш амалиёти учун ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Хали психология фани, жумладан болалар психологияси пайдо бўлмасдан аввал болани рухий тараққиёти ҳақидаги масалаларга катта эътибор берилган эди. Боланинг ривожланиши ҳақидаги фикрлар жуда содда бўлишига қарамай, улар бола тараққиёти ҳақида муҳим аҳамият касб этар эди. Ўтган аждодларимиз болалар психологиясидаги муаммоларни изчил ва атрофлича ўрганмаган бўлсалар ҳам, лекин уларнинг ўз асарларида ўзининг қимматли фикрларини баён қилганлар.

Маълумки, Ўрта Осиё халқлари узоқ ўтмишга, кўп асрлик тарихга, бой маданий меросга эга эдилар. Ўрта Осиёни марказида жойлашган Ўзбекистон Шарқнинг энг қадимий, маданий учоқларидан бири бўлиб, у жаҳон фани тарихига муносиб ҳисса қўшган. Хоразмлик олим ал Хоразмий номи «алгоритм» деган термин орқали, Европада Альфрачанус номи билан махшур бўлган олим Аҳмад ал Фарғоний «Астрономия асослари» асари билан бизгача етиб келди. Абу Райҳон Беруний иждодида «Тана ва Рух» га оид ҳодисалар талқин қилинди. У одамлар ўз табиати жихатидан бир-биридан фарқ қилишини, бу фарқ унинг мижози, феъл атвори ва табиий хусусиятларида намоён бўлишини таъкидлади. У инсон ҳаётини биологик ва ирсий омиллар билан боғлайди.

Унинг замондоши Абу Наср Фаробий инсоннинг рухий жараёнлари билан физиологик жараёнлари орасидаги боғлиқлик, дунёни билиш ҳақидаги таълимоти билан шуҳрат қозонди. У ахлоқий сифатлар туғма бўлмай, балки машқлар, кўникма ва малакалар, одатлар натижаси деб уқтиради. Бу ерда ироданинг аҳамияти ўлканлигини, унинг ёрдамида киши ўзида ҳиссий ва маънавий эҳтиёжларни онгли равишда танлаш кўникмасига эга бўлади дейди.

Фаробийнинг таълимоти Ибн Сино қаршиларининг шаклланишига кучли таъсир қилади. Ибн Сино «Тиб қонунлари» асарида организмнинг тузилиши, ундаги асаб ва асаб йўллари, физиологик жараёнлар билан боғлиқ психик жараёнлар ҳақида фикр юритади. У бола тарбиясига алоҳида эътибор берди ва жисмоний тарбия соғлом ва тетик инсонни шакллантиришнинг муҳим омили эканини, боланинг туғилгандан бошлаб, болаликдан ўсмирликка ўтиш даврида соғлом турмуш тарзини шакллантиришни тавсия этди. Ибн Сино атроф-муҳит ва организм орасидаги ўзаро боғлиқликни ҳисобга олиб, хар бир аъзо учун махсус машқлар мажмуасини тузди.

Шунингдек, Юсуф Хос Хожиб ўзининг «Қутадғу билик» асарида энг комил, жамиятнинг талабларига жавоб берадиган инсонни тарбиялаш, А.Жомий асарларида («Тухфатул ахрор») илм-маърифат, таълим-тарбия, касб-хунар ўргатиш, ёшларда яхши ҳислатларни, одоблиликни шакллантириш ҳақидаги фикрлар баён этилган.

Аҳмад Яссавийнинг меҳр-саҳоватли бўлиш ҳақидаги қарашлари, Имом ал-Бухорий ижодидаги шахслараро муносабатлар, Баховуддин Нақшбандий ижодида ақл ва дунёқарашнинг шаклланиши, А.Навоий фаолиятида илмий таълим –тарбиянинг

асосланиши кабилар бой мерос сифатида аҳамиятлидир. Улар ижодида айнан болаларда руҳий жараёнларнинг пайдо бўлиши ёки шаклланиб бориши ҳақида батафсил фикр юритилмаган бўлса ҳам уларнинг шахс халовати ҳақидаги фикрлари болаларда руҳий жараён ва хусусиятларни шаклланиши учун имкон яратади.

Турли ёшдаги болалар психологияси ўз тараққиёти тарихида узоқ машаққатли даврни бошидан кечирди. Турли ёшдаги болалар психикаси хусусиятларини муайян тартибга солиш ва уни илмий тарзда тушунтириб бериш бола психикаси тараққиётининг турли ёш даврларига тааллуқли хусусиятларни, далилларни тўплашни талаб қилар эди. Бундай далиллар фақат фанни ғайри илмий тарзда тушунтиришга олиб келар эди. Чунки олимларнинг, педагогларнинг ўтмишдаги фалсафий йўналишлари ғайри илмий руҳда бўлган эди.

Болалар психологияси фан сифатида XIX асрнинг ўрталарида умумий психологиядан ажралиб чиқди. Материалистик фалсафа майдонга келган даврдан бошлаб болалар психологиясини фан сифатида яратиши имконияти туғилди. Боланинг психик тараққиётининг қонуниятлари, хусусиятлари ўрганила бошланди. Булар асосида асарлар яратилди. Чунончи, бола психикасининг тараққиётининг илмий кузатишга дастлаб машҳур табиатшунос олим Чарльз Дарвин йўл очди. У бола психикасининг тараққиётига доир “Кундалик хотира” типидagi асарини кашф қилди.

XIX асрнинг II ярмида тажриба психологиясининг ривожланиши билан бола психикасининг айрим томонларини (диққат, хотира, тафаккур, нутқ, ирода) ўрганила бошлади.

Бола психикасининг ривожланиши муаммосини ўрганишда К.Д.Ушинский кўрсатиб берган йўли алоҳида аҳамият касб этади. Яъни у бола психикаси тараққиётини ҳар томонлама ўрганадиган бир бутун фан сифатида ривожлана бошлади. Рус педагоглари Белинский ва Добролюбовлар бола психик тараққиётининг бир бутунлиги, мураккаблиги, ижтимоий тарихий шароит билан боғлиқлиги, психик тараққиётда таълим - тарбиянинг роли ҳақидаги фикрлари хатто ҳозир ҳам ўз қийматини йўқотмади.

Шунингдек, чет эл психологлари ҳам айрим психик жараёнлар бўйича илмий текширишлар олиб бордилар. Жумладан, болаларнинг идроки бўйича Вернер, Канц, хотира бўйича Э, Мейман, В. Штерн, тафаккур бўйича Бине, Бюллер, нутқдан Штерн, Мак-Карти ва бошқалар кўплаб илмий тадқиқот ишлари амалга оширдилар.

XIX асрнинг 60-йилларида рус физиологи И.М. Сеченов (1829-1905) инсон психикасининг онтогенезини рефлектор табиати ҳақидаги таълимотини яратди. У ўзининг 1863-йили ёзган “Бош мия рефлекслари” номли асарида одам психик ҳаётига, болалар психик ҳаётига реалистик нуқтаи назаридан ёндошишни асослаб берди ва психик тараққиётининг асосини рефлекслар ташкил қилади деган таълимотни яратиш билан фанга зид бўлган қарашларга зарба берди.

И.М.Сеченовнинг ишини И.П.Павлов давом эттирди, у одам ва ҳайвонлар олий нерв фаолиятининг хусусиятлари, қонуниятларини очиб берди. Болаларнинг шартли рефлектор фаолиятларини ўрганиш юзасидан қимматли илмий тадқиқот ишлари бошлаб юборилди.

Болалар психологиясининг ривожланишига биринчи хисса қўшган олимлардан бири П.П.Блонский (1884-1941) У ўзининг “Психология очерки” “Хотира ва тафаккур “ “Мактаб ўқувчиларининг тафаккурини ривожланиши” каби асарларида психологик ҳодисаларни тушунтириб бермаган бўлса ҳам, аммо уларни шаклланишига педагогик йўл топиб берди. У билим, кўникма ва малакаларнинг шаклланиши, кичик, ўрта ва катта мактаб ўқувчиларининг ассоциациялар доираси, болалар тафаккурида тушунчаларнинг пайдо бўлиши, хотира ва тафаккурларни ўқув фаолиятида ривожланиши масалаларини ишлаб чиқди.

Болалар психологиясини ўрганишда олий нерв фаолиятини билиш аҳамиятли эди. Шунга биноан 1920 йили Санкт-Петербургда психиатр ва невролог В.М. Бахтеров (1857-1927) бошчилигида “Мия” институти ташкил қилинди. Унда болаларни туғилган

кунидан бошлаб 3 йилгача бўлган вақт мобайнида мия тузилишидаги ўзгаришлар ўрганилди. Олинган маълумотлар психологлар томонидан боланинг психик тараққиётини ўрганишга тадбиқ қилинди.

1980йиллардан бошлаб психологиянинг назарий ривожланишини тарихий – маданий жиҳатини, унинг (илдизини) асосини, яъни болани дунёга келиши, унинг биологик типнинг охири эканлигини, сифат ўзгаришлари жиҳатидан эса ижтимоийликка айланишини ёритиб бердилар. Л.С.Виготский боланинг психик ривожланишида ташқи-муҳитнинг ролини ва болани муҳит билан эффектив муносабатини, таълим билан ривожланишининг ўзаро муносабатлари, мураккаб психик функциялар таълим жараёнида шаклланишини, актуал тараққиёт босқичида мустақил фаолиятни яқин тараққиёт босқичи асосида бўлинишини, психик тараққиёт қарама-қаршилик, зиддиятларидан иборат эканлигини кўрсатиб бердилар. У кишилар ўзининг психологик фаолиятида меҳнатдан фойдаланиши, турли белгилар орқали нарсаларнинг номларини англаб олиши, белгилар билан номлар, атамалар орасидаги муносабатларни пайдо бўлиши юксак психик функцияларни ривожланишига олиб келади, деб кўрсатади. Унингча “Ҳар қандай юксак психик функциялар ўзини ривожланишида ташқи таъсирлар орқали ривожланади, чунки у ижтимоий функцияни бошланғич кўринишидир”. Виготский буни бола нутқининг ривожланишида асосий механизмдир дейди. Демак, олий психик функциялар инсонинг ижтимоий муносабатларида пайдо бўлишини ёритиб беради.

Психик ривожланишда онг ва фаолиятнинг бирлиги муаммоси С.Л. Рубинштейн томонидан, психик тараққиётни ҳаракатга келтирувчи куч ва сабаблар, болаларнинг етакчи фаолиятлари ва уларни тараққиётга таъсири А.Н.Леонтьевнинг илмий текширишларида ўз аксини топди.

Бола ривожланишининг биогенезация ва социогенизацияси муаммосида А.С.Макаренко ҳам ўз фикрлари билан қатнашди. У жамоада ўзаро муносабатлар, бола шахсини лойиҳалаш, фаолият мотивларини бола фаолиятидаги аҳамияти каби қатор масалаларини ўрганди ва ундан амалиётда фойдаланди.

XX асрнинг ўрталарига келиб болалар психологияси фани дунё миқёсида кенг тармоқларда ривожланди. Ҳозирги кунда болалар психологиясини турли муаммолари чет эллик психологлар ва жумладан Ўзбекистон психолог олимлари томонидан ҳам илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Одам психикасининг онтогенезида биологик ва ижтимоий шароитнинг роли (А.И.Леонтьев), таълим тарбия ва ривожланишнинг ўзаро муносабати (Д.Н. Богоявленский, Л.В. Занков, Н.А. Менчинская), ташқи (материя) ва ички (ақлий) таъсирларнинг ўзаро муносабати, бола фаолиятининг мазмуни ва унинг шаклланиши (А.В.Запорожец, А.Н.Менчинская); бола гидрокига фаолият шароитининг таъсири (Б.Г. Ананьев, А.В. Запорожец, А.Н. Леонтьев, А.Р. Лурия, Д.Б. Эльконин, В.В. Давидов); эса сақлаш жараёнлари (Л.В.Занков, А.А.Смирнов, Л.И. Зинченко) текширила бошланди ва кўплаб илмий –услубий мақолалар чоп этилди.

Болалар фаолияти турларига хос хусусиятлар (ўйин – Д.Б. Эльконин, Славина, ўқиш – Б.Г. Анаев, А.Н. Леонтьев, Л.И. Бажович, меҳнат – А.А. Смирнов, Гурянов ва унинг болани психологик томондан ривожланишига таъсири, қобилиятларнинг ривожланиши (Н.С. Лейтес) ўзига онгли муносабатда бўлиш (Б.Г. Ананьев), характер, қобилиятларни шаклланиши масалалари ўрганилади.

Ғарбий Европа ва АҚШда шахснинг индивидуал хусусиятлари ва психик жараёнларнинг шаклланишига йўналган илмий изланишлар давом этмоқда. Жумладан, болалар психологиясининг ривожланишида Швейцария психологи Ж.Пиаженинг роли каттадир. У бола ақлий томондан ривожланиши, кўникма ва малакаларни таълим жараёнидаги роли масаласини амеркалик психолог Дж.Брунер, Анно Фракл болаларда тафаккурининг ривожланиши, Францияда А.Валлон, Р.Заззо, Англияда Б.Саймон,

О.Коннор ва бошқалар болаларнинг психик тараққиётини илмий жиҳатдан асослаб беришга ҳаракат қилдилар.

Ҳозирги кунда бизда ҳам кўпчилик олимлар боланинг психик тараққиёти муаммоларини, унга таъсир этувчи факторларни, таълим жараёнини фаоллаштириш, қобилиятларини шакллантириш муаммоларини назарий жиҳатдан ишлаб чиқдилар. Жумладан, П.И.Иванов психология фанининг умумий масалалари, таълимнинг психологик асослари, турли ёш даврларда психик жараён ва хусусиятларнинг ривожланиши муаммоларини, М.Г.Давлетшин ўқувчиларда техник қизиқишлар, қобилиятларини шаклланиши, ёшлар меҳнат таълими ва касбга йўналтириш, кадрлар тайёрлаш самарадорлиги ошириш ёш ва педагогик психология, қобилият психологияси каби масалаларни кенг ёритиб бориш имкониятига эга бўладилар. Э.Ғозиев таълим жараёнида ўқувчилар тафаккурининг ривожланиши, уларнинг ақлий тараққиёти, ўқув фаолиятини бошқариш, комил инсон тарбиясининг психологик муаммоларини, Б.Р. Қодиров ёшларнинг индивидуал хусусиятлари, уларнинг фаолиятга йўналишлари, лаёқат ва бирламчи қобилиятларнинг шаклланиши, иқтидорли ўқувчиларнинг хусусиятларини, касб танлаш ва бошқа катта муаммони илмий жиҳатдан асослаб бердилар.

Ўзбекистонлик психологлар ҳам психологиянинг ривожланишида кўпгина илмий тадқиқот ишларини олиб бордилар. П.И.Иванов психологиянинг умумий масалалари, психик ҳодисаларнинг болаларда ривожланиши, таълим психологияси соҳасида (“Умумий психология”, “Таълимнинг психологик асослари”), М.Г. Давлетшин “Қобилиятларни ривожланиши”, “Техник қизиқишлар”, “Қизиқ ва таълим”, каби кўплаб илмий–услубий қўлланмалар, М.Воҳидов “Болалар психологияси”, Э.Ғозиев “Тафаккур психологияси”, “Хотира психологияси”, “Шахс психологияси”, Б.Қодиров “Қобилият ва иқтидор”, Ғ.Шоумаров “Оила психологияси” ва бошқа шу каби кўплаб дарслик ва қўлланмалар яратдилар.

Лекин шунга қарамай ҳам болалар психология фанида кўплаб муаммоларни ечиш лозим. Бу бизнинг галдаги вазифамиздир.

Болаларнинг психик жиҳатдан ўсиши ҳақидаги таълимотлар

Боланинг психик ривожланиши қандай бўлади, у қандай шаклланади ва унга таъсир этувчи омиллар нимадан иборат деган муаммо жуда қадим замонлардан бери психолог ва педагогларнинг диққатини жалб этиб келмоқда.

Болалар психологияси фанининг асосий масаласи бола психик тараққиётини ўрганишдан иборат экан, бу масалани ҳал қилишда, уни тушунтириб беришда турли хил қарашларни ўрганиш, таҳлил қилиш муҳимдир.

Болалар психикасини тараққий этишини тушунтириб беришга уринган энг кекса назария “Бола катта ёшли кишининг кичик нусхаси” деган сўз билан таърифланади. Бу назария тарафдорлари бола сифат эътибори билан катта ёшли кишидан ҳеч бир фарқ қилмайди. Бола бўйи, шунингдек тасаввурлари, хотираси, диққати, тафаккури ва бошқа жараёнларидан анчайин кичкина бўлган катта ёшли кишилардир деб кўрсатишга уринадир. Лекин бола психикасининг сифат жиҳатидан ўзига хослигини тушунтириб бера олмайдилар ва тараққиётнинг асосий сабабларини ёритиб бера олмайдилар.

XVIIIасрдан бошлаб философик ва психологик йўналишларда боланинг тараққиёти ҳақида кураш боради: психологик йўналиш тарафдорлари психик тараққиёт бутунлай муҳитга ва турмуш тажрибасига боғлиқ дейдилар. Хўш одам психикаси ва хатти ҳаракатларида бор бўлган ўзига хос хусусиятларни нима боғлайди –табиий, туғма хусусиятларми ёки ҳаёт давомида орттирган хусусиятларми? деган муаммода турлича қарашлар майдонга келди .

“Идеялар туғма бўлади” деган назариянинг ёрқин намоёдаси Декарт(1596-1650) эди. Унинг фикрича, туғма идеялар интеллектда бошланғич ҳолатда бўлади бу идеялар мойиллик сифатида “туғма бўлиб, фақат кейинчалик тўла англунча секин аста

тараққий этади, шу билан бирга, ташқи тажриба идеялар фаолияти учун фақат туртки бўлиб хизмат қилади, уларнинг янада такомиллашуви учун, материал ҳисобланади деб кўрсатилди. Кейинчалик бундай қарашлар философия доирасидан чиқиб, буржуазия идеологлари томонидан кенг фойдаланила бошланди.

Буржуа психологияси психикасининг табиати биологик омилларга боғлиқ деган нуқтаи назарда турдилар, яъни психик хусусиятлар туғма пайдо бўлади, уларнинг инсон дунёга келишидан олдинроқ унда бўлган биологик имкониятга боғлиқ деб кўрсатдилар. Улар инсон психикасининг барча умумий ва индивидуал хусусиятлари табиат томонидан белгиланган, биологик тузилишига жойлаштирилгандир, психик тараққиёт эса, ирсий йўл билан азалдан белгиланиб организмга жойлаштирилган шу хусусиятларнинг пишиб етилиш жараёнидан иборат эмиш. Жумладан, ҳар бир одам қобилиятларининг ривожланиш даражаси (имкониятларнинг ниҳояси, энг юксак нуқтаси) тақдир томонидан, “қобилиятларнинг табиий фонди” томонидан илгаридан белгилаб қўйилган эмиш.

Сўнгги вақтларда микробиологиянинг наслий хусусиятнинг ген билан боғлиқ бўлган механизмини ёритишдаги ютуқлари муносабати билан “ген аслоҳаларининг туғма даражаси”, шахсининг хусусиятлари ва қобилиятлари генларда режалаштирилганлиги ҳақида фикр юритила бошлади. Англиялик генетик Ш.Ауэрбах бу фикрни ниҳоятда аниқ ва образли қилиб ифодалаб беришга уринди.

“Ҳар бир одам, - деб ёзган эди у, - худди карта боз қўлига карта олиб ўйин бошлагани каби, ўз ҳаётини, қўлига генларни олиб бошлайди. Баъзан карта шунчалик ёмон сўзиладики, хатто сал-палл ютукни ҳам, орзу қилиш қийин бўлади. Айрим холларда карта шундай ажойиб сўзиладики, муваффақият қозониш учун ҳеч қандай ҳаракат қилмаса ҳам бўлаверади.”

Унинг фикрича “Ақлий тараққиёт даражаси, махсус қобилиятлар, шахсий сифатлар –генетик факторлар билан муҳит факторлари ўзаро муносабатининг натижасидан иборатдир”. (Генетика М.Атомидат, 1966, 157-158 бет) Бу фикрдан: юксак истеъдодли кишиларнинг кўпайишига хайрихоҳлик билдириш лозим; инсониятнинг энг яхши намоёндаларини кўпайтириш керак “истеъдодсиз” кишилар эса кўпайишдан ўзлари сақлашлари керак” – деган хулоса чиқади. Идеялар туғма бўлади деган назария бир томонлама назариядир, чунки бу назария боланинг психик жиҳатдан ўсиш сабабларини фақат ирсиятда деб билади. Бу назария техник тараққиётини оддий такрорланишдан иборат қилиб қўяди. Улар ҳар бир янги авлод нега олдинга силжишини, билимлар, қобилият ва имкониятлари кенгайтиб ва чуқурлашиб бориш сабабларини, ирсият эса аждодлардаги сифатларнинг фақат мустаҳкамланиб ва такрорланиб қолишига сабаб бўлишини тушунтириб бера олмайди.

XIX асрда биология фани тез ривожланди. Техника тараққий қилиб, нозик ва аниқ асбоблар вужудга кела бошлайди. Микроскопнинг такомиллаштирилиши микроорганизмлар дунёсини ўрганиш имконини берди. Биологиянинг эмбриология ҳаётини ўрганадиган янги соҳаси – эмбрион майдонга келди. Олимлар юксак даражадаги ҳайвонларнинг эмбрионлари бир-бирига ўхшашига, улар уруғланиш (оталаниш) пайтига қанча яқин бўлса, ушанча кўп тафовут қилишига эътибор беришди.

Э. Геккель ва Ф. Мюллер биологияда онтогенез филогенезни қисқача такрорлайди деган “биогенетик қонун” ни таърифлаб беришди. Бунга мувофиқ индивиднинг тараққиёт тарихи авлоднинг тараққиёт тарихини қисқача ва тез такрорлайди. Биологияда бу қонун тарифлаб берилиши биланоқ уни америкали психолог Стэнли Холл, Болдуин болалар психологиясига кўчиришди. Бу қонунга мувофиқ янги туғилган боланинг ҳамма ҳаракати онгсиз рефлекслар асосида бўлиб, бу даврда унда кишиларга хос бўлган хусусиятлар бўлмас эмиш. Бола 6 ойдан 1 ёшгача маймунлар даврини (ер қовлаш) кечириб, уларга ўхшаб нарсаларга эргашар эмишлар ва 4 оёқлаб юрадилар деб уқтирадилар. 1-2 ёшгача 2 оёқлаб тикка юрадилар ва унда бола ибтидоий инсонлар ҳаётини кечирадилар, 3-7 ёшгача афсоналар даврини, мактаб ёшига

етганда қадимги аср даврини, ўсмирлар эса христианлик даврини, ўспиринлар “ирқлар ўтмишининг кашфиётчилари” бўлишда давом этади, яъни 15 ёшгача ўрта асрлар даврини, 15 ёшдан кейин ҳозирги замон маданиятига ўтиши бошланади деб қарайдилар.

Америкалик психолог олим Стэнли Холл томонидан кашф қилинган бу назария бола она қорнида ҳайвонларнинг ота-боболари босиб ўтган даврларни қисқача такрорлаши тўғрисидаги “биологик қонунга механик равишда асосланишдан келиб чиқди. Бу назария дин ва капиталистик мафқурани болалар учун табиий бир нарсадир деб исбот қилишга уриндилар. Биогенетик қонун кейинчалик педалогия (болалар ҳақидаги фан) нинг асосий “қонуни” бўлиб қолди. Педалогия XIX асрнинг охирида АҚШ да майдонга келди ва бола тараққиётида тарбиянинг ролини камситди. Улар боланинг психик тараққиётини биологик ва бола психик муҳити фактларга боғлиқ деб кўрсатдилар.

1. Биологик фактор бу наслдан-наслга ўзгармасдан ўтадиган хусусият бўлиб, бундан қутилиш мумкин эмас эмиш. Уларнинг фикрича ирсиятни таъсирини ўзгартириш мумкин эмас, у бола тақдирини белгилайди деб уқтиришга ҳаракат қиладилар.

2. Боланинг яшаш муҳити ва болага бўлган таъсир факторида муҳит ва унинг таъсирини ўзгармайдиган нарса деб ҳисоблайдилар. Улар ишчи синфининг боласи яшаган муҳит билан хусусий мулкчининг боласи яшаган муҳити ўзига хос хусусиятни сақлаб қолади ва бу хусусиятлар ҳар иккала синф боласининг психик тараққиётини қатъий белгилайди. Шунинг учун меҳнаткаш болаларининг психик тараққиёти паст даражада қолади деб даъво қиладилар бу билан улар бола тараққиётида таълим тарбиянинг ва болани фаолиятдаги фаоллигини психик тараққиётга таъсирини рад қиладилар. Улар эксплуататор синфлар ва “олий ирқлар”нинг алоҳида истеъдодли ва махсус яшаш ҳуқуқи борлигини иккинчи томондан, меҳнаткаш синфлар ва “туб ирқлар”нинг жисмонан ва руҳан қашшоқлигини исбот этишни ўз олдига вазифа қилиб кўяди.

Педагогларнинг бу таълимоти тезда Россия ва бошқа мамлакатларга тарқалди ва уларга ўз таъсирини ўтказишга ҳаракат қилинди. Бундай ғайри табиий ҳол Марказий Комитетнинг 1936 йил 4 июлда чиқарган “Наркомрос тизимидаги педагогик бузғунчиликлар ҳақида” деган қарори билан фош қилинади. Бу эса педагогика ва психология фанига шифобахш таъсир кўрсатди ва боланинг психик жихатдан ўсиш муаммоларини илмий асосда ишлаб чиқиш имконини беради. Кейинчалик болалар психологияси фанида реалистик таълимотлар вужудга кела бошлайди ва боланинг психик тараққиётдаги нотўғри назариялар фош қилинади. Болалар психологияси турли назарияларни анализ қилиб, ўзига тегишли хулосалар чиқарди ва психология фани илмий текшириш ишлари билан фактларни бойита бошлади.

Болалар психологияси қобилиятларнинг тараққиётини теварак –атрофдаги муҳитнинг таъсири билан тушунтиришга асослана бошлади. Бу таълимот ўз замонаси учун прогрессив ҳисобланган XVIII аср француз философи К.А. Гельвечий томонидан илгари сурилди. Унинг таълимотида кўра, ҳамма одамлар ақлий ва ахлоқий тараққиёт учун туғилишданок мутлақо бир хил табиий имкониятга эга бўладилар. Шунинг учун одамларнинг психик хусусиятларидаги фарқ фақатгина муҳит ва тарбиянинг турлича таъсир қилиши билан вужудга келади, деб тушунтирилади. Бу концепция одамларнинг психик-руҳий ва ижтимоий тенгсизлиги уларнинг туғма хусусиятлари деган ва ўша даврларда ҳукмрон бўлган назарияларга қарши қаратилган эди. Бу йўналишнинг намоёндалари психиканинг ривожланишида ижтимоий муҳитнинг ғоят даражада муҳим роли борлигини эътироф этадилар. Бироқ ижтимоий муҳит қандайдир ўзгармайдиган, инсон тақдирини илгаридан белгилаб берадиган бир нарса тарзида тушунилади, инсонга эса муҳит таъсири остида бўлган объект сифатида қаралади.

Ҳар иккала йўналишнинг қарашлари бир-бирига қарама-қарши бўлишига қарамай, инсоннинг психик хусусиятлари ё наслий биологик имкониятлар таъсири

остида ёки ўзгармас муҳит таъсири остида илгаридан белгиланган ўзгармас нарса деб, эътироф этилади. Бундай фикрлаш бола тараққиётининг асл сабабларини, унга таъсир этувчи омилларнинг ролини илмий жиҳатдан ёритиб бера олмайди. Чунки : 1-нчидан ирсият тақдирни белгилайдиган куч эмас; 2-нчидан ирсиятни инсон ҳаётидаги ролини ҳисобга олиш лозим; 3-инчидан, ирсиятнинг у ёки бу кўринишлари ижтимоий-тарихий ҳаёт шароитига, болаларни ўқитиш ва тарбиялаш шароитига боланинг фаоллигига боғлиқдир.

Ирсият шахс тақдирини белгиламайди. Агар бола соғлом ирсий хусусиятлар билан туғилса-ю, лекин ноқулай муҳит ва ноқулай таълим тарбиявий шароитга тушиб қолса комиллик даражасига етиша олмайди. Аксинча, қулай муҳит ва таълим тарбиявий шароит бўлса-ю, лекин бола носоғлом ирсий белгилар (генлар) билан туғилса, унда ҳам инсон ҳар томонлама комиллик даражасига етмайди. Шунинг учун ҳам биз “ирсият ўзгармас хусусиятдир” деган фикрини рад қиламиз ва “у бола тақдирини белгиламайди” –деб ҳулоса чиқарамиз.

Шунингдек, муҳитнинг таъсирини ўзгартириш мумкин эмас” деган фикрни рад қиламиз, лекин уни “таълим –тарбия жараёнида ўзгартириш мумкин” –деган фикрга асосланамиз.

Боланинг психик тараққиётидаги қарама-қаршиликлар ва ривожланиш қонуниятлари.

Боланинг психик тараққиёти мураккаб жараёндир. Буни ҳал этишда болалар психологияси, аввало ҳаётда синалган, тажрибаларда пишиб етилган қуйидаги асосларга суянади: 1) Тараққиёт, ўсиш, ривожланиш қарама-қаршиликлар кураши ва зиддиятлардан иборатлиги; 2) болалар камолоти ҳақидаги фанга хилоф назарияларни, қаршиликларни танқидий таҳлил қилинганлиги; 3) ҳозирги кунга қадар болалар психологиясида олиб борилаётган илмий изланишлар, тажрибаларнинг натижалари; 4) комил инсонни тарбиялашда эришилган амалиёт натижалари. Буларга асосланиб боланинг психик тараққиёти қандай ривожланади, унга таъсир этувчи омиллар нимадан иборат, унда биз нималарга эътибор беришимиз лозим деган мураккаб масалаларни ҳал қилишимиз мумкин.

Маълумки бола психикасининг тараққиёти (ўсиш-миқдорий жиҳатдан ортиш; тараққиёт ҳам миқдор, ҳам сифат жиҳатидан ўзгаришдир . бола жисмонан ўсади, психик жиҳатдан тараққий қилиши) ҳақида 2 хил қарашлар мавжуд.

1-қарашларга мувофиқ, тараққиёт аввалги нарсанинг оддий такрорланишидан, организмида мавжуд бўлган муайян сифатларнинг шунчаки кўпайиши ёки камайишидан иборат. Бундай йўналиш тарафдорлари ўз-ўзидан шахс тараққиётининг туб сабабларини очиб бера олмайдилар.

2- қарашларга мувофиқ, тараққиёт зиддиятлар, қарама-қаршиликлар курашидан иборатдир. Бу илмий йўналиш бўлиб, бола тараққиётини организмнинг хусусиятлари билан ташқи муҳит шароити организмга тобора янги талаблар қўяди; организм янги шароитга мослашар экан, янги сифатлар ҳосил қила бошлайди ва тараққий қилади.

Демак, психик тараққиёт ҳам қарама-қаршиликлар курашидан иборатдир. Бу қарама-қаршиликлар:

1-дан боланинг шу чокқача эришган тараққиёт даражаси, имкониятлари билан янги эҳтиёжларига орасидаги қарама-қаршиликлар, унда эҳтиёж олдин пайдо бўлади, лекин имконият етарли бўлмайди. Мисол: хали юришга ўрганмаган бола юриб кетишига эҳтиёж сезади, лекин бола ўз мувозанатини сақлай олмагани, оёқда тик тура олмагани учун у юра олмайди.

2-нчидан боланинг эски ҳулқ –атвор шакллари билан янги ҳатти-ҳаракатлари, янги ташаббуслари орасидаги қарама-қаршилк (тақлид-ташаббус). Яъни бунда ташаббус олдин пайдо бўлади ва боладан мустақилликни талаб қилади, лекин мустақил ҳаракат қилиш учун бола катталарга тақлид қилишдан воз кечиши ва мустақил ҳаракатланиши керак.

3-дан, боланинг ҳаёт мазмуни билан унинг шакли ўртасидаги қарама-қаршилик. Ҳаёт мазмуни илгари, ҳаёт шакли эса кейин шаклланади. Мисол: мактаб ҳаётини мазмуни ҳаммага таниш. 1- синфга қадам қўйган бола мактаб қоидаларини хали яхши тушунмайди. Лекин мактабда тизимли таълим жараёни болани ўз талабларига қўниктира бошлайди, бунда болада кўпгина психологик қийинчиликлар рўй беради. Бола эса аввало қийналиб, кейинчалик унга ўрганиб, янги ҳаёт шаклига ўрганади.

Болалар ҳаётида учрайдиган турли қийинчиликлар, қарама-қаршилик ва зиддиятлар болани психологик томондан ривожланиб, шаклланиб боришига сабаб бўлади.

Болани психик тараққиёти қандай шаклланишидан қатъий назар, у мўайян қонуниятларга бўйсунди. Лекин муҳит таъсирига нисбатан бу қонуниятлар (кенг маънода олганда) иккиламчидир. Чунки бу қонуниятларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳаёт шароитига, фаолиятига ва тарбияга боғлиқдир.

Психик тараққиёт қонуниятларига:

1. Нотекстлик қонуни.
2. Психика интеграцияси қонуни.
3. Пластиклик ва компенсация қонуни киради.

1. Психик ривожланишнинг нотекстлиги шундан иборатки, ҳар қандай шароитда, ҳатто таълим тарбиянинг энг қулай шароитларида ҳам шахснинг турли психик белгилари, психик функциялари ва психик хусусиятлари ривожланишининг битта даражасида тўхтаб турмайди. Болаларга бир хил тарбия берилса ҳам болалар уни турлича қабул қиладилар. Чунки уларнинг ўзига хос индивидуал хусусиятлар мавжуд, нерв тизимининг хусусиятлари, типлари турлича, яшаша шароити тарбиявий таъсирлар турлича бўлгани учун ҳам психик тараққиёт ё тезлашиб, ё секинлашиб баъзан тўхтаб тутилиб қолиши мумкин. Шу сабабли психик тараққиётни нотекис ривожланиши мумкин деб эътироф этилади.

2. Интеграция қонуни – инсон психикасини ўз тараққиёти давомида тобора кўпроқ яхлитлик, бирлик, мустақиллик ва доимийлик хусусиятларини касб эта боришидир. Бунда ёшликда ҳосил бўлган психик хусусиятлар тараққиёт давомида бора -бора кишининг асосий хусусиятига, ёки характер хислатига айланади ва бу хислат шу кишининг ҳаётида яққол кўзга ташланадиган бўлиб қолади. Бу қонунга биноан психик ривожланиш психик ҳолатларнинг аста-секин ўсиб, шахс хисларларига айланишдан иборат бўлган қонундир.

3. Пластиклик ва компенсация имконияти қонуни. Бу қонун асаб тизимининг пластиклик хусусияти билан боғлиқдир. Ёш бола ижтимоий муносабатларга киришар экан у албатта уларни ўзига ўзлаштиради, таҳлид қилади. Натижада у ҳам ақлий томондан шаклланади. Таълим–тарбия шароитида болани, мактаб ўқувчисининг психикасини мақсадга мувофиқ ўзлаштиришнинг бой имконияти асаб тизимининг ана шу пластиклигига асосланади. Пластиклик компенсация (тўлдирувчанлик, товон, бадал) учун ҳам йўл очиб беради: бир хил психик функциянинг ривожланиши заиф ёки нуқсонли бўлса, унинг фаолиятини зўр уюшганлиги ва аниқлиги билан компенсация қилиш мумкин, кўришдаги нуқсонлар, қисман, эшитиш анализаторининг ўткир даражада ривожланиши билан компенсация қилинади(тўлдирилади). Тарбиячи ва ўқитувчилар болага таълим–тарбия бериш жараёнида психик тараққиётнинг қонунларига амал қилишлари ва боланинг тараққиёт хусусиятларини билган ҳолда уларга таълим ва тарбия беришлари мақсадга мувофиқдир.

Психик тараққиёт ва таълим

Тараққиёт боланинг ижтимоий тажрибаларини ўрганиш, ўзлаштириш жараёнидир. Ижтимоий тараққиёт болаларга таълим –тарбия ва ўзаро муносабатлар орқали таъсир этади.

Болаларнинг психик жиҳатдан ўсишида таълим ва тарбия шакллантирувчи роль ўйнайди, деган ғоя XIX асрнинг ўрталарида авж ола бошлади. Боланинг тараққий этиши

билан таълим - тарбиянинг ўзаро муносабати ҳақидаги масалани хал этишга уринаётган йўналишлар вужудга келди. Булар 3 хил йўналишда фаолият кўрсатадилар.

Биринчи хил йўналиши тарафдорлари ижтимоий таълим-тарбия билан психик тараққиёт ўртасида ҳеч қандай муносабат йўқ дедилар.

Иккинчи хил йўналиши намоёндалари психик тараққиёт билан таълим тарбия ўртасида ҳеч қандай фарқ йўқ деб кўрсатдилар.

Учинчи хил йўналиши намоёндалари психик тараққиёт билан таълим тарбия бошқа – бошқа жараён бўлса ҳам бир – бирига мос келадиган яъни бир бирига таъсир ўтказадиган жараёндир. дейиш билан дастлабки икки назарияни келиштиришга уриндилар. Бу назария намоёндалари боланинг психик тараққиётида тарбия ва актив фаолиятнинг ролини пайқамайдилар.

Рус психологи Л.С. Виготский юқоридаги йўналишларнинг фикрларини кўп жиҳатдан илмий таҳлил қилиб чиқди ва таълим жараёни тараққиётга мос келмайди деган ғояни илгари сурди. Унингча таълим жараёни тарққиётдан илгарилаб кетади, болалар психикасининг тараққиёти унинг кетидан эргашиб боради ва унга энг яқин истиқбол очиб беради деб уқтиради. Л.С. Виготскийнинг фикрича тараққиётнинг 2 босқичи бор:

1. Ақтуал тараққиёт босқичи (яъни боланинг катта ёшдаги кишилар ёрдамисиз мустақил ҳаракат қила олиши).

2. Энг яқин тараққиёт зонаси босқичи (боланинг катта ёшдаги кишилар ёрдами билан қилинадиган хатти ҳаракатлари) бор.

Боланинг психик ривожланиши яъни тараққиёт йўли унинг энг яқин истиқболидир. Тараққиётнинг бу икки босқичи боланинг ҳозирги вақтда қандай эканлиги, яъни қандай билим, кўникма ва билимларга, характер сифатларига эга эканлиги ва келажакда боланинг қандай билим, кўникма ва малакаларга, характер сифатларига эга бўла олишига имконият беради.

Л.С. Виготскийнинг назарий-илмий фикрлари педагог А.С. Макаренко фикрига мос келади. У ҳам ҳар бир боланинг комолот имкониятларига ва тараққиётнинг истиқбол йўллари аниқлаш лозимлигига эътибор беради. А.С. Макаренко “шахс лойихасини тузишга”: ўз тарбияланувчиларида ҳосил бўлган ижобий сифатларни мустаҳкамлаш, такомиллаштириш ва салбий сифатларни эса олдини олиш, тўхтатиш ёки уларга барҳам бериш учун ижобий сифатларга таянишга интилар эди.

Психик ва биологик тараққиёт

Инсон шахси ўз моҳияти билан ижтимоий зотдир. Шахсдаги барча психик хусусиятларнинг ижодий фаоллигининг ривожланиш манбаалари унинг теварак атрофдаги ижтимоий муҳитда, жамиятдадир. Инсон шахси детерминлашган (сабабий боғлиқликда) бўлиб ижтимоий турмуш билан боғлиқдир. Шахснинг тараққиёти одамлар билан муносабатда юзага келадиган ижтимоий тажрибани эгаллаш жараёнидан иборатдир. Бу келажакда инсоннинг психик хусусиятлари, яъни унинг ахлоқий сифатлари, характери, иродавий хислатлари, қизиқишлари, майл ва қобилиятларини ташкил топишига таъсир қилади.

Шунингдек, психик ва биологик тараққиёт муайян шарт-шароитларда таркиб топади.

Биз одамни ижтимоий зот деймиз. Лекин унинг биологик моҳиятини инкор қилиб бўлмайди. Чунки одамнинг психик ривожланиши учун табиий, биологик имкониятлар ниҳоятда зарурдир. Инсоннинг психикаси қонуниятлари нормал таркиб топиши учун биологик тузилиш, инсон мияси ва асаб тизими бўлиши шарт. Инсоннинг биологик тузилиши психик тараққиёт учун муҳим шартдир. Бу табиий хусусиятлар психик ривожланишни ҳаракатга келтирувчи кучлар, факторлар эмас, балки фақат дастлабки шарт-шароитлардир холос. Мия биологик тарзда ташкил топган аъзо сифатида онгнинг

юзга келиши учун дастлабки шартдир, онг эса инсон ижтимоий тузилишининг махсулидир. Асаб тизими теварак атрофдаги оламни акс эттириш учун туғма органик имкониятга эга. Лекин тегишли қобилият фақат ижтимоий ҳаёт шароитидаги фаолиятда таркиб топади. Қобилият куртакларининг, яъни асаб тизими ва мия баъзи бир туғма анатомик ва физиологик хусусиятларнинг мавжудлиги қобилиятнинг ривожланиши учун табиий шарт-шароитдир. Бу шарт-шароитлар қобилият ривожланишини таъминлайди. У таълим тарбия таъсирида таркиб топади.

Биологик хусусиятлар психик тараққиётни ҳаракатга келтирувчи куч эмас, лекин унинг тараққиётига маълум даражада таъсир кўрсатади.

1) Табиий хусусиятлар психик хусусиятлар тараққиётининг турли йўллари ва усуллари белгилаб беради. Инсон асаб тизимининг хусусиятлари ўз-ўзича шахснинг ҳеч қандай психик хусусиятларини белгиламайди. Ҳеч бир яхши ривожланган бола дадил ёки кўрқоқ, иродали ёки иродасиз, меҳнатсевар ёки дангаса бўлиб туғилмайди. Агар тарбия тўғри ташкил қилинса асаб тизимининг исталган типи асосида характернинг барча ижтимоий қимматли хислатларини ҳосил қилиш мумкин.

2) Табиий хусусиятлар одамнинг бирор соҳада эришган ютуқлари даражасига таъсир қилиши мумкин. Масалан, қобилият куртакларида туғма индивидуал фарқлар бўлади. Шу сабабли баъзи одамлар бошқа одамлардан маълум бир фаолиятни эгаллаш имконияти жиҳатдан устун туришлари ва унинг билан бир пайтда фаолият турини эгаллаш имконияти жиҳатдан улардан ожизлик қилишлари мумкин.

Демак, одамнинг ижтимоий ташкил топган ва рағбатлантирилган фаолияти унинг психик ривожланишини асосий, воситаси ва шартдир.

Фаоллик бола тараққиётининг манбаи эканлиги

Боланинг психик тараққиётида биологик ва ижтимоий факторлардан ташқари болани фаоллиги ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Болалар психологияси болага тарбиянинг пасив “объекти” деб қарамайди, балки бола психикасининг тараққиётида боланинг актив фаолиятини тўғри ташкил қилиб, йўлга солиб турса, ундаги мавжуд сифатлар фаолиятининг ҳар хил турларида намоён бўлиб ўсаётганини ҳисобга олиб турсагина тарбия мувоффақиятли бўлади.

Бола психикаси ўйин, ўқиш, ўрганиш, меҳнат ва ижтимоий фаолият жараёнида тарққий этади. Ҳар бир фаолият боланинг ҳаётини ўзгариши билан турли ёшда турлича характер касб этади. Агар боғчагача ва боғча ёши давридаги болаларнинг етакчи фаолияти ўйин бўлса, мактаб ёшидаги болалар фаолияти ўқиш, ўрганишдан иборатдир. Ўйин ёки ўқиш, ўрганиш, меҳнат ёки ижтимоий фаолият турлари орасида кескин чегара бўлиши мумкин эмас. Мактаб ёши даврида ўйин ҳам сақланади, у ҳатто катта ёшли кишилар ҳаётида ҳам у муҳим аҳамият касб этади. Меҳнат фаолиятига эса биз болаларни жуда ёшлигидан жалб қиламиз. Лекин ҳар бир фаолият тури ҳам ўз мазмуни билан боланинг ҳам жисмоний, ҳам психологик томондан ривожланиши имконини беради.

Бола психикасининг тарққий этишда ўйиннинг роли бекиёсдир. Биз боланинг психик тараққиётини ўйинсиз тасаввур қилишимиз қийин. Чунки, ўйин орқали бола фақат жисмоний томондан эмас, балки психологик томондан ҳам ривожланади. Ўйин орқали бола оламни, ундаги нарса ҳодисаларни, уларга хос хусусиятларни ўрганибгина қолмай, балки нутқ сўзлашга, мустақил фикрлашга ҳаёл қилишга, ижод қилишга, муомала маданиятига ўрганади. Рус педагоги А.С. Макаренко “Бола ўйинда қандай бўлса, ўсиб улғайгач ишда ҳам кўпинча, кўп жиҳатдан шундай бўлади” –деб тўғри айтган эди. А.М. Горький “Ўйин болалар яшаётган ва ўзгартириши иш лозим бўлган дунёни билиш йўлидир”-деб бежиз айтмаган. Ҳақиқатдан ҳам ўйин ҳар бир ёш босқичда боланинг теварак атрофдаги ҳаётни ва кишилар ўртасидаги турли муносабатларни ҳар томонлама билиб олишга қаратилган фаолиятидир. Боланинг ўйин фаолияти мазмун жиҳатдан ҳар кунги вазиятга қараб ўзгариб туради. Ўйин доимо ўзгариб турганлиги

туфайли бола ўйнаб чарчамайди, зерикмайди. Боланинг атроф муҳитга кишиларга, нарсаларга ва ўзига бўлган турли муносабатлари мазмун ҳамда шакл жиҳатдан ҳар доим ўзгариб турадиган ўйин жараёнида намоён бўлади. Болаларнинг турли эҳтиёжлари, истак ва қизиқишлари, қобилиятлари ҳамда бир қанча шахсий фазилятлари ўйин жараёнида бевосита ривожланади.

Ўйин жараёнидаги болалар фаол фаолиятининг психик тараққиёт учун аҳамияти шундаки, болаларнинг турли сифат ва фазилятлари ўйин жараёнида фақат намоён бўлибгина қолмасдан, бунда сифат ва фазилятлар мустаҳкамланади, ўзлаштирилади. Шунинг учун психология нуқтаи назардан оқилона яъни тўғри ташкил қилинган ўйин бола шахсини ҳар томонлама ўстиради ва шунинг билан бирга боланинг бутун психик жараёнларида – сезиш, идрок, диққат, хотира, тафаккур, хаёл ва иродани илдам ривожланишига ёрдам беради. Ўйин ўз моҳияти жиҳатидан катта кишиларнинг ҳатти – ҳаракатлари ва хулқ-атворларига фаол тақлид қилишдан иборат бўлиши туфайли болаларда маънавий сифатларнинг мустаҳкамланиши учун ва одоб – ахлоқ қоидаларини билиб олишлари учун кенг имкониятлар беради. Бола ўйин жараёнида табиблик ёки муаллимлик ролини бажараётган бўлса, шу касбга тегишли барча сифатларни намоён қилишга интилади. Улар ўйинга жуда берилиб кетсалар, бажараётган ролларига хос сифатлар шунчалик самимий, ижодий тарзда намоён бўлади. Болалар учун ўйин мазмунининг ҳеч бир чегараси йўқ. Болалар катталар ҳаётини ҳамма томонларини ўз ўйинларида акс эттира оладилар. Ўйиннинг аҳамияти бола шахсининг ўсиб камолотга етишига таъсир кўрсатишдин иборатдир. Ўйин ҳар бир ёш босқичда боланинг теварак атрофдаги дунёни ва кишилар ўртасидаги муносабатларни билиб олишни ифодалайди. Боланинг моддий дунёга, кишиларга ўз-ўзига муносабати ўзгараётган ўйинда намоён бўлади. Болаларнинг эҳтиёжлари, истак, қизиқиш (хавас) лари бевосита ўйинда ифодаланади. Ўйин болаларнинг хаёлпарастлиги туфайди нарсалар ва кишилар дунёсини улар учун маъқул томонга “ўзгартириш” имкониятини берадиган фаолиятдир.

Боғча ёши даврида бола ўйин фаолияти билан бирга таълимий машғулотларда ҳам иштирок этадилар. Мактабгача тарбия ёши давридаги таълимий машғулотнинг асосий мазмуни болани атроф ҳаётдаги нарса ва ҳодисаларнинг асосий хусусиятлари билан таништириш, оғзаки нутқни луғат бойлиги, товушларни тўғри талаффуз қилиш, грамматик томондан тўғри сўзлашликка ўргатиш, боғланишли нутқни шакллантиришдан иборат, элементар мавҳум тушунчаларга эга бўлиш, жисмоний тарбия, тасвирий санъат қирқиб ёпиштириш, расм, лой ёки пластилиндан турли буюмлар яшаш, қурилиши материаллар билан ишлаш, музыка ва бошқа мазмундаги машғулотлар болани ақлий жиҳатдан мактаб таълимини эгаллашга тайёрлаш имконини беради.

Кейинчалик боланинг ҳаётга алоҳида фаолият тури кириб келади. Бу фаолиятни шундай турики унинг бевосита мақсади янги-янги информациялар, ҳаракатлар ва иш-ҳаракатлари шакллари ўзгартиришдан иборатдир. Субъектнинг ўз мақсади ўрганишдан иборат бўлган мана шундай махсус фаолият таълим жараёнидир.

Таълим мактабда етакчи фаолият бўлиб у қуйидаги таркибий қисмларни ўз ичига олади:

а) маълум бир фаолият турини мувафақият билан ташкил қилиш учун оламнинг зарур хусусиятлари ҳақидаги маълумотларни ўзлаштириш (бу жараённинг маҳсулоти билимдир);

б) мана шу фаолият турларини юзага келтирадиган усул турли ҳаракатларни ўзлаштириши (бу жараённинг маҳсулоти кўникмадир);

в) кўзланган мақсад ва берилган масала шартига мос равишда тўғри йўл ва ҳаракатни танлаш ҳамда назорат қилиш учун кўрсатилган маълумотлардан фойдаланиш усуллари эгаллаш (бу жараённинг маҳсулоти малакадир).

Инсоннинг билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришда онгли мақсад билан бошқариладиган барча характерлар таълим билан боғлиқ бўлади.

Болаларнинг қизиқиш ва қобилиятлари ўқиш-ўрганиш жараёнида намоён бўлади ва мустақамланади. Билиш, ирода ва ҳиссиёт жараёнлари таълим жараёнида юзага чиқади ва тараққий этади. Болалар ақлий жиҳатдан анча ривожланибгина қолмай, ўқувчиларнинг характер хислатлари ҳам ўзгаради, ахлоқий жиҳатдан шаклланади. Таълим-тарбия жараёнида психиканинг қанчалик тез ва самарали тараққий этиши ўқитувчиларнинг диққат –эътиборига ва ўйлаб иш тутишига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Бола шахсининг таркиб топишига ўйин ва ўқиш – ўрганиш ҳар қанча таъсир этмасин, бола шахси меҳнатда такомиллашади.

Меҳнат маълум ижтимоий фойдали моддий ёки маънавий ишлаб чиқаришга қаратилган фаолиятдир. Меҳнат фаолияти инсоннинг асосий фаолиятидир. Агар катта кишилар меҳнат қилишдан тўхтаб қоладиган бўлса, инсоният зоти ўз ҳаётини тугатган бўлар эди.

Меҳнат одам психикасининг таркиб топиши фактори сифатида болалар ҳаётида ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ёш бола ҳам том маъносида меҳнат қилмайди. Унинг меҳнат жараёни аввало ўйин кейинчалик ўқиш-ўрганиш жараёни билан боғлиқ ҳолда ривожланади. Агар ёш болага “ана уни менга олиб келиб бер” – десангиз уни сизга қийналиб олиб келади. Бола бунда ҳаракат қилади ва уни ўйнаб бажариши мумкин, лекин у ўз ҳаракатида меҳнат элементларини бажаради.

Меҳнат ижобий, онгли муносабатни тарбиялаши лозим. Чунки бола меҳнат қилиб, аввало қийинчиликларга бардош беришга, ўз-ўзини бошқаришга, сабр тоқатли бўлишга ўрганади. Кейинчалик кишиларнинг меҳнатини қадрлашга, уни моҳиятини англашга, ундан завқланишга, жиддий меҳнатга мухаббат билан қарашига, меҳнатсиз бахтли бўлиш мумкин эмаслигини англашга ўрганади. Ҳаммадан ҳам муҳими у меҳнат қилиб, ундан завқланади ва меҳнатни қадрига етадиган бўлиб қолади.

К.Д. Ушинский (1860 йилда) “Меҳнатнинг психологик ва тарбиявий аҳамияти” деган мақоласида бундай деб ёзган эди, меҳнатнинг моддий самаралари одамзод мулкидир; лекин меҳнатнинг ички, маънавий, ҳаётбахш кучи одамзод кадр-қимматининг манбаи бўлиб хизмат қилади, шу билан бирга одоб-ахлоқ ва бахт-саодат манбаи бўлиб ҳам хизмат қилади. Ишлаётган киши учун қилинадиган шахсий меҳнатгина ана шундай ҳаётбахш таъсир кўрсатади. Меҳнатнинг моддий самараларини тортиб олиш, мерос қолдириш, сотиб олиш мумкин, лекин меҳнатнинг ички, маънавий, ҳаётбахш кучини тортиб олиш ҳам, мерос қолдириш ҳам, Калифорниянинг жами тилласини бериб сотиб олиш ҳам мумкин эмас; бу куч меҳнат қилган кишида қолади.”

Дарҳақиқат, бундай завқ фақат меҳнат қилган кишида қолар экан, у шу кишининг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшади. Биз ёшарни ёшлигидан бошлаб меҳнатга мухаббатини уйғотишимиз ва уларни мумкин қадар меҳнатга эртароқ жалб қилишамиз, ахлоқий ва иродавий сифатларни шаклланириб беришимиз, комил инсонни тарбиялашимиз ҳозирги замон талабидир.

Мактабгача тарбия ёшидаги болалар меҳнат тарбияси билан бирга ижтимоий ишларда қатнашиши ҳам муҳимдир, чунки у ҳам бола учун меҳнатдир. Боғчада турлитуман ишларга қатнашиши, жумладан, гуруҳларда навбатчилик қилиш, гулларни суғориш, пластилин ва лойдан буюмлар яшашда, қирқиб ёпиштириш, қурилиш материаллари билан ишлаш машғулотларида тарбиячига ёрдам бериш, меҳнат анжомларини, ўйинчоқларни жой-жойига қўйиш кабилар ҳам болани масъулиятни ҳис қилишга, ўз бурчини англашга, уни садоқат билан бажаришга ўргатиб боради.

Болалар психологияси тараққиёт факторларини таълим-тарбия жараёнида ҳисобга олиш билан бирга, қайси фактор қайси фаолиятда фаоллик даражасида эканлигидан катъий назар тарбияда уларнинг аҳамиятига, қудратига асосланади.

Шунингдек болалар психологияси тарбия боланинг ички томондан фаоллигини ҳисобга олишга асослансагина, тарбиявий таъсир натижалари қандай бўлишини психик

хусусиятларига ва фаол фаолиятига қараб айтиб бергандагина тарбия тараққиётининг қудрати ва ҳал қилувчи фактори бўлади деб ҳисоблайди.

Болаликни даврларга ажратиш муаммолари

Болаликни ёш даврларга ажратиш, уни табақалаш болалар психологиясида жуда қадимий муаммолардан биридир. Боланинг ақл-идроки, феъл-атвори, воқеликка муносабати, жисмоний ва психик ўсиши, ривожланиш хусусиятлари унинг тараққийси билан ўзгариб туради. Бу ўзгариш унинг фаолияти ва ҳаёт кечиришидагина эмас, балки ёшига ҳам боғлиқдир. Масалан: Ҳозир туғилган бола билан ундан бир ҳафта илгари туғилган бола орасида ҳам фарқ бор. Янги туғилган бола гавдасининг сондан бўйингача бўлган қисми узун, оёқлари калта, боши нисбатан катта, бўйни қисқа, бош суяги эса ҳали қотмаган бўлади. У шартсиз рефлекслар билан дунёга келади ва вақт ўтган сари у ҳам жисмоний, ҳам психологик томондан шаклланиб боради. Бундай ўзгаришлар турли ой ва турли ёшларда яққол кўзга ташланади. Ўсиб улғайиш боланинг жисмоний тараққиёти билан бўлса, сифат ўзгаришлари боланинг психик тарққиёти билан боғлиқдир. Болада юз берадиган сифат ўзгаришлари бирданига содир бўлмайди, аста – секин юзага келади. Болаларни турли ёш даврларга ажратишда уларнинг ҳаётида юз берадиган сифат ўзгаришлари, яъни уни психик тараққиёти жиҳатидан янги босқичга кўтаришлари асос қилиб олинади. Болаларни турли ёш даврларга ажратишда турлича фикрлар жуда қадим замонлардан бери фанга маълумдир. Кўпчилик олимлар болаларни турли ёш даврларга ажратишда фақатгина жисмоний ўсишни асос қилиб, уни:

- 1) чақалоклик даври,
- 2) балоғатга эришиш даври,
- 3) балоғатга эришгандан кейинги давр деб табақаланган бўлсалар, баъзи бирлари

эса:

- 1) эмиш даври
- 2) эмаклаш даври,
- 3) икки оёлаб юриш даври деб даврларга ажратишган яна баъзи олимлар масалан

П.П. Блонский

- 1) тишсиз болалик даври
- 2) сут тиш даври
- 3) доимий тиш даври

4) доимий тишни тушиш даври (қарилик) деб ажратганлар. Бундай болаликни даврларга ажратишда фақат уларни физиологик ва биологик белгиларигагина суяниб, психик хусусиятлар ҳисобга олинмаган.

Шарқ мутафаккири Абу Али ибн Сино ҳам болаликни қуйидаги даврларга ажратган:

- 1) подшолик даври 5 ёшгача
- 2) қуллик даври (6-12 ёшгача)
- 3) Ўртоқлик дўстлик даври деб боланинг кейинги тараққиёти даврини назарда тутган.

Подшолик даврида боланинг ёшлиги уни айтганини катталар томонидан бажарилишини, бола ўзини “ширин” қилиқлари, гаплари билан катталарни ўзига ром қилишни эътиборга олади. 6-12 ёшгача бўлган даврни қуллик даври деб бежиз айтмаган, албатта Чунки бу даврда болани хулқ атворга ўргатиш, кишилар билан ўзаро муносабатларда қоида –қонунларга бўйсунуш, меҳнатга ўргатиш, унга нисбатна ижобий муносабатни шакллантириш, билим олиш ўқиш, ўрганиш, меҳнат қилишда қийинчиликларга бардош бериш, миллий анъаналаримизга садоқатли бўлиш, катталарни, меҳнатини қадрлаш кабиларга муҳаббат руҳида тарбиялашда болага нисбатан эътибор қаратган.

Дўстлик даври эса болага дўстларга муносабатда бўлиш уларни хурмат қилиш, қилган ишларини қадрлаш, муносабатларда самимий бўлиш лозимлигини назарда тутди.

Чет эл психологлари ҳам болаликни давларга ажратиш масаласига катта эътибор берилган. Жумладан Швейцариялик психолог Ж. Пиаже боланинг ақл гидрокига хос бўлган хусусиятларига қараб : 1) сенсомотор интеллект (0-2 ёшгача); операциялардан илгари тафаккур даври (2-7 ёшгача) 3) аниқ операциялар даври (7,8-11,12 ёшгача); 4) расмий операциялар даври деб ажратади. Француз олми, психолог А.Валон боланинг жисмоний ривожланишга қараб (хомиланинг она қорнидаги даври, импульсив ҳаракат даври- 0-6 ойгача, хис-туйғу даври -6 ойдан-1 ёшгача сенсомотор даври -1-3 ёшгача; шахсга айланиш даври -3-5 – ёшгача; фарқлаш даври -6-11 ёшгача; жинсий етилиш ва ўспиринлик даври (12-18 ёшгача) деб ажратган. Шунингдек чет эл психологиясида болани психик ривожланиши томонидан давларга ажратиш тўғрисида кўпгина материаллар тўплаган. Бу материаллар асосида болаликни 2 кескин даврга ажратилган.

1) гўдақлик даврдан мактабгача тарбия даврига ўтишдаги инқироз даври (3 ёшлик инқироз даври деб аталади);

2) кичик мактаб даврдан ўсмирлик даврига ўтиши (балоғатга етиш инқирози даври)

Бу икки давр ўртасида жуда катта фарқ ва ўхшашликлар мавжуд. Жумладан ҳар иккала давр ҳам ўзининг мустақиллиги ва катталар билан ўзаро муносабати жиҳатидан фарқланади.

Рус психологлари П.П. Блонский ва Л.С. Виготскийлар болаликни давларга ажратишда боланинг яшаш шароитини ўзгариши, таълим-тарбия мазмуни ва усулларини ўзгаришини ҳам тараққиётга таъсир этишини алоҳида эътиборга олиш лозимлигини кўрсатадилар. Улар ҳар бир ёш давр психик ривожланишда алоҳида сифат ўзгаришларига, бола шахсининг тузилишида турли хусусиятларнинг шаклланиши билан фарқланишига асосланадилар. Шунингдек Л.С. Виготский ақлий тараққиётни икки босқичини: актуал ўсиш босқичи ва энг яқин ўсиш босқичини ажратади. У ёш давларга ажратишнинг илмий манбаи ривожланишни вужудга келтирувчи рухий янгиланишларга таяниб деб болаликни қуйидаги босқичларга ажратади.

1. Чақалоқлик даври -2 ойгача бўлган давр инқирози.

2. Гўдақлик даври -2 ойликдан 1 ёшгача бўлган инқироз даври.

3. Илк болалик даври 1-3 ёшгача бўлган инқироз даври.

4. Мактабгача давр -33 ёшдан 7 ёшгача инқироз бўлган давр.

5. Мактаб ёши даври -8-12 ёшгача инқироз бўлган давр.

6. Пубертат (жинсий етилиш) даври -14-18 ёшгача бўлган инқироз даври.

Кйинчалик, рус психологи Д.Б.Эльконин болаликни психик тараққиёт ва бола фаолияти характериға қараб 3 асосий гуруҳга ажратади.

I гуруҳ: 1) бевосита ҳиссий алоқада бўлиш (0-1 ёшгача);

2) предметларни қўл билан ҳаракатга келтириш даври (1-3 ёшгача)

II гуруҳ: 1) ролли ўйинла фаолияти даври (7-10 ёшгача);

2) ўқиш фаолияти даври (7-10 ёшгача) ;

III гуруҳ: 1) ўзаро самимий , муносабатда бўлиш даври (10-15 ёшгача);

2) ўқув профессионал фаолият даври, касб танлаш даври (17 ёшгача)

Д.Б. Элькониннинг ёш давларни табақалаш ҳақидаги таълимоти болалар психологиясида муҳим ўрин эгаллайди. Болалар психологияси фанининг яна бир намоёндаси А.А. Люблинская ижодида ҳам ёш давларни табақалаш малакасиға катта ўрин берилган. Олима бола камолотини унинг фаолиятиға қараб давларга ажратади.

1. Чақалоқлик давр (0-1 ёшгача).

2. Кичик мактабгача даври –(1 ойдан -1 ёшгача).

3. Мактабгача тарбиядан аввалги даври 1 ёшдан 3 ёшгача.
4. Мактабгача тарбия даври (3-7 ёшгача).
5. Кичик мактаб ёши даври (7-11-12 ёшгача).
6. Ўрта мактаб ёши даври (13-15 ёшгача).
7. Катта мактаб ёши даври (15-18 ёшгача).

Педагогик психология фанининг намоёндаси В.А. Крутецкий ҳам бола камолотини қуйидагича таъкидлайди:

1. Чақолоқлик (0-10 кунгача).
2. Гўдаклик (10-кундан -1 ёшгача).
3. ИЛК болалик (1-3 ёшгача).
4. Боғчагача давр (3-5 ёшгача).
5. Боғча ёши (5-7 ёшгача).
6. Кичик мактаб ёши (7-11 ёшгача).
7. Ўсмирлик (11-15 ёшгача).
8. Илк ўспиринлик ёки катта мактаб ёши (15-18 ёшгача).

Ҳозирги замон психологиясининг кўзга кўринган йирик психологи А.В. Петровский турли ёш даврларнинг ўзига хос психологик хусусиятларини ҳисобга олиб, ёшликни қуйидаги даврларга ажратади.

1. Илк болалик (0-3 ёшгача).
2. Боғча даври (3-7 ёшгача).
3. кичик мактаб ёши даври (7-11 ёшгача).
4. Ўрта мактаб ёши ўсмирлик даври (11-15 ёшгача).
5. Юқори синф ўқувчиси (илк ўспиринлик) даври (15 ёшдан 17 ёшгача).

А.В. Петровский даврларга ажратишда ҳар бир ёш давр орасида босқичлар ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб ифодаламаган.

Юқорида келтирилган кўпчилик олимларнинг бола камолатини даврларга ажратиш муаммолари ўзларига хослиги билан ажралиб туради. Биз уларни ҳам физиологик ва ҳам психологик тараққиёти, фаолият турларининг ўзгариб туриши ва организмдаги содир бўладиган хусусиятларни ҳисобга олиб болаликни қуйидаги даврларга ажратишни тавсия этамиз.

1. Чақолоқлик даври (0-1 ойгача);
2. Гўдаклик даври (1 ойдан -1 ёшгача);
3. Илк болалик даври (1-3 ёшгача);
4. Боғча ёши даври (3-7 ёшгача);
5. Кичик мактаб ёши даври (7-11 ёшгача);
6. Ўрта мактаб ёши ёки ўсмирлик даври (12-15 ёшгача);
7. Илк ўсмирлик (коллеж, лицей) даври (15-18 ёшгача);

Албатта бу даврларни бир-биридан қатъиян бир ёш билан чегаралаб қўйиш мумкин эмас. Бола ўзининг ўсишда шу даврларни эртароқ ёки кечроқ кечиради, аммо бу даврлар бир-бирига табиий боғланиб боради ва олдингиси кейингисига замин ҳозирлайди. Ҳар бир даврда боланинг айрим руҳий томонларигина эмас, балки унинг умумий сиймоси, афти ангори ҳам бошқача кўрина бошлайди ва уларнинг ёш белгиларига қараб таълим тарбия муассасаларига қабул қилинади.

Боланинг ёш белгиси унинг тараққиёти даражасини кўрсата олмайди. Чунки 2 та бир ёшдан бола белгиси жиҳатидан бир хил бўлса ҳам, тараққиёт даражаси ҳар хил бўлиши мумкин.

Шунга биноан биз бола шахсининг индивидуал хусусияти ва ёшлик хусусияти деб уларни бир-биридан фарқ қиламиз.

Ҳар бир ота-она, тарбиячи ва ўқитувчилар бола шахсининг хусусиятларини билиши ва унинг кўнглига йўл топа олиши лозим.

III - боб

Илк ёшдаги болаларнинг психологик хусусиятлари

Гўдаклик даврининг психологик хусусиятлари.

Гўдаклик даври боланинг туғилгандан 1 ёшгача бўлган даврини ўз ичига олади. Унинг дастлабки 1-ойи чақалоқлик даври деб юритилади. Болани дунёга келишини ўзи бир мўъжиза, бу эса оилада ҳомиладор аёлга нисбатан ижобий муносабатда бўлишни талаб қилади.

Оилада фарзанд дунёга келиши сезилиши биланок ҳомиладор аёлга қулай шароит яратиш атрофдагилар учун шартдир. Чунки аёл ҳомиладорликнинг 2-3 ойлигида муҳитда ва ўзида ўзгаришлар сеза бошлайди. Аёлдаги жисмоний ўзгаришлардан ташқари унинг руҳиятида ҳам бир қанча психик ўзгаришлар содир бўлади, аёлнинг руҳий ҳолати туғилажак фарзанднинг психик ривожланишига, жисмоний ривожланишига таъсир қилади. Ҳомиладор аёл психик ҳолатига қараб фарзанд ривожланиб боради. Шунинг учун фарзанд ҳар жиҳатдан соғлом ўсиши учун ота –онанинг соғлиги ва атроф муҳитнинг софлиги, оила тинчлиги катта аҳамиятга эга. Буюк бобомиз Амир Темур ҳам аёллари ҳомиладор бўлсалар, уларни тоғли, хавоси мусаффо жойларга олиб бориб турарканлар. Аёлни турли жиддийлик ҳолатларидан сақлаш ва манзарали табиати гўзал жойларга кўпроқ сайр қилишни таъминлаш, тинч сокин бўлишни таъминлаш керак. Бу тавсиялар аввало ҳомиладор аёлларни ўзларига тегишлидир, чунки энг масъул шахс аёлнинг, онанинг ўзидир.

Шундай қилиб, бундай тадбирлар воситаси ила бола дунёга келди дейлик, энди ота – она зиммасида бу гўдакни ҳар жиҳатдан соғлом қилиб вояга етказишдек улкан вазифа турибди, чунки янги туғилажак чақалоқ ҳам жисмоний, ҳам психик жиҳатдан жуда заиф бўлади. Чақалоқнинг барча ҳаётий функциялари овқатланиш, нафас олиш, нафас чиқариш, хавонинг ўзгаришига, моддалар алмашинувига мослашиши ва бошқалар уни организми орқали амалга оширилади.

Чақалоқнинг туғилиши сифат ўзгаришлари дақиқаси, ижтимоий ривожланишнинг янги кўриниши бошланғич нуқта эканлиги билан аҳамиятга эга.

Чақалоқлик даври хусусиятлари

Боланинг илк ёш даври 3 даврга ажратамиз.

1. Туғилгандан 1 ойликкача чақалоқлик даври.
2. Бир ойликдан 1 ёшгача гўдаклик даври.
3. Бир ёшдан 3 ёшгача илк ёш даври яъни боғчагача ёш давридир.

Боланинг чақалоқлик даври жисмоний жиҳатдан жуда тез ривожланиш давридир. Янги туғилган бола организмнинг 75 % сувдан, 25 % қаттиқ моддалардан иборат бўлади унинг бўйи 48-52 см, вазни 2800-3500 гр бўлади. унинг суяклари тоғайсимон моддадан иборат бўлиб, у боланинг ўсиши билан ривожланади. Янги туғилган боланинг оғирлиги ярим йилгача 600-700 гр дан, иккинчи ярим йилда 400-500 гр дан қўшилади. Бўйига ҳар ойда 2-3 смдан қўшилади. Бир ёшли боланинг оғирлиги 10-10,5 кг га етади, бўйи эса 74-75, 5 см га етади. Янги туғилган бола ҳатто ўзидан бир ҳафта олдин туғилган боладан фарқ қилади, шунинг учун ҳам ҳар бир даврнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб улар билан муносабатда бўлиши керак.

Бу даврда бола деярли фақат она сути билан овқатланади, у хали гапира олмайди ва мустақил ҳаракат қила олмайди. Янги туғилган боланинг боши гавдасига нисбатан катта, бўйни деярли йўқ даражада қисқа, гавдаси узун оёқ – қўллари гавдасига нисбатан қисқа бўлади. Чақалоқ бола 1 минутда 50-60 марта нафас олади. Агар чақалоқ бола ўринга ўнғай ҳолатда ётқизилмаса, сиқиб йўргакланса ва очик хавога олиб чиқилмаса, нафас олишида қийинчиликлар бўлади.

Чақалоқ боланинг юраги 1 минутда 120 марта уради. Бундан ташқари чақалоқ болалар юрагининг нисбатан тез уриши улар организмида моддалар алмашинуви интенсивлиги билан ҳам боғлиқдир. Бу ёшдаги болаларнинг ҳар одатлари ўзгарувчан бўлади. Булар боланинг ортиқча ҳаракати, овқат ейиши ҳам ҳар одатига таъсир қилади. Шунинг учун кун тартибининг аҳамияти каттадир. Чақалоқнинг овқат ҳазм қилиш аъзолари жуда кичкина, ошқозон ва ичак мускуллари ривожланмаган, жуда заиф бўлади. Шунинг учун болаларнинг энг яхши овқати она сутидир.

Янги туғилган боланинг суяклари деярли юмшоқ тоғайдан иборат бўлади. Кейинги тараққиёт даврида, яъни 1 ёшга тўлгунча скелети суякка айлана бошлайди. Унда боланинг териси ҳам юмшоқ бўлади. Агар каттиқроқ жойга ётқизилса ёки таъсир ўтказилса мускул юмшоқлиги ва ўта нозиклиги учун терида из қолади. Шунинг учун янги туғилган гўдак эҳтиёткорлик билан ювинтирилади ва эҳтиёткорлик билан ушланади. Чақалоқнинг 20 кун ўтгач териси таранглаша бошлайди. Гўдакнинг яшаш шароитига қараб суяк ва мускуллари ўсиб боради. Агар гўдак кўп ётса, бош суяги ҳамшунга мос равишда ривожлана бошлайди. Шунинг учун гўдак ухлаганда бир маромда ухлаши керак. Агар гўдак овқатланиш жараёнида нотўғри ушланса ёки ётса суяк системаси нотўғри ривожланиб қолиши мумкин. Чунки гўдак суягида минерал моддалар унчалик кўп бўлмайди.

Боланинг суяк ва мускуллари билан унинг суяк системаси унинг ухлаш жараёнига боғлиқ. Бола юришни ўрганаётганда ҳам гоҳ ўнг, гоҳ чап қўлидан ушлаб унга ёрдам бериш керак. Шундагина суяк системасини нуқсонлардан сақлаш мумкин. Боланинг суяк ва мускуллари унинг барча органлари, шу жумладан боланинг оғирлиги 2800 гр дан 3500 гр гача, унинг бўйи 48 см дан 52 см гача бўлади, бу хусусиятлар фақат яхши туғилган болаларга хосдир. Янги туғилган боланинг суягини оҳак ва бошқа тузлар кам бўлиб, у асосан тоғай тўқималаридан иборат бўлади, бош суяклар 2-3 ойлик бўлгандагина туташади. Янги туғилган болани калла суяги ҳам яхши қотмаган бўлиб, у асосан тоғайдан иборат бўлади, унинг олдинги қисмида пешона лиқилдоғи ва орқа қисмида энса лиқилдоғи бўлади. Лиқилдоқларнинг бири 2-3 ой мобайнида, 2 –си 12-14 ойлик бўлганда туташиб битиб кетади.

Гўдак ҳар ойда 2-3 см дан ўсиб боради. У 8 ойлик бўлганда бўйи 2 бараварга, 9 ойлик бўлганда 14 мартага ошади. Бола ёшига тўлиб юриб кетса, у жисмоний жиҳатдан соғлом бўлади.

Гўдак боланинг асаб тизими хусусиятлари

Бола психик тараққиётининг анатомик ва физиологик асосини ташкил этувчи нерв системасининг ривожланиши боланинг бир ёшгача бўлган даврида жадал бўлади. Чақалоқнинг бир суткасини 75 % и уйқуда ўтади (кейинчалик бу нарса камайиб боради). Янги туғилган боланинг 15-20 кунга қадар эшитмаслиги мумкин, чунки унинг қулоғига суюқлик тўлиб қолган бўлади, бир неча кундан кейин бу суюқлик йўқолиб қулоқ очилади ва бола яхши эшитадиган бўлади, кўриш анализаторлари ҳам мураккаб йўл билан ривожланади. Янги туғилган болада кўриш анализатори мавжуд бўлиб, у ёруғликни, қоронғуликни сезади. Лекин унинг кўриш сезгиси мукамал бўлмайди.

Чақалоқ болалар асаб тизимининг ҳамма қисмлари баравар ривожланмайди, уларда энг олдин асаб тизимининг қуйи қисмлари, яъни орқа мия, узунчоқ мия такомиллашади. Чунки асаб тизимининг бу қисмлари туғма йўл билан ўтадиган шартсиз рефлексларнинг маркази ҳисобланади. Кейинчалик асаб тизимининг юксак қисмлари яъни олий асаб фаолияти билан боғлиқ бўлган катта мия ярим шарлари ва пўстлоқ қисми такомиллашади. Чақалоқ болалар бош мия ярим шарлари пўстининг бурмалари саёз бўлади. Янги туғилган чақалоқ боланинг асаб мия катта ярим шарлари пўстидан асаб ҳужайралари 14-15 миллиард бўлади, бу нерв ҳужайраларини бирлаштирувчи асаб толаларининг усти миэлин деб ном олган маҳсус парда билан қопланиб боради. Чақалоқларни йўргаклаш олдидан бир оз ҳаракатга солиш, яъни қўл –оёқларини ҳаракатга келтириш лозим. Бу жараённинг тезлашуви бош мия пўстининг жадал ривожланишига ёрдам беради. Бола 1 ёшга тўлгунча жисмоний

жиҳатдан тез ўсар экан унинг асаб тизими ҳам тез ривожланади. Чунончи янги туғилган бола миясининг умумий вазни 1 ёшга тўлгунча 600- гр га ортади. Бола тери яъни бадан анализаторлари орқали ҳароратни, бирор нарса текканини ва оғриқни сезади. Чақалоқ боланинг бадани ҳароратга жуда сезгир бўлади, шунинг учун тез совқотади. Агар боланинг юзи ёки лабига қўл теккизилса, у дархол ўз ҳаракатларини бошлайди. Бола туғилган кунидан бошлаб ҳид ва таъм билиш анализаторлари нормал ишлай бошлайди. Агар унинг оғзига тахир суюқлик теккизилса, у афтини буриштириб безовталаниб, чиқариб ташлайди. Бола қўланса ҳиддан ҳам безовталанади. Демак чақалоқларда анализаторлар нормал ҳолатда бўлади. Буларнинг ҳаммаси психик ривожланишнинг асаб –физиологик асоси бўлади. Бир ойлик болани қўлга олиш билан йиғиси тўхтаб тинчиб қолади. Бу боланинг қўлга ўрганиб қолганлигини кўрсатади. Нотўғри тарбияланган болада бу рефлекс ниҳоятда тез ўрнашиб қолиб натижада ўз ўрнига ётмайди, фақат қўлда ухлашни хоҳлайди. Бу эса болани нормал ўсишига зарар етказиши.

Ўтказилган тажрибалар шунини кўрсатадики, ҳатто 8 кунлик бола қўлга олиш билан ерга ётқишини фарқига борар экан.

Гўдак психикасининг ўсиши.

Илк ёшдаги болалар жисмоний жиҳатдан тез ривожланиш билан бирга психик жиҳатдан ҳам тез ривожланади. Чақалоқлар психикасининг ривожланиши 1 –дан анализаторларни такомиллашуви билан боғлиқ бўлса, 2 –дан мустақил ҳаракатларнинг ўсиши билан боғлиқ. Анализаторларни тез такомиллашуви натажасида бир ойлик бўлгандан сўнг унда дастлабки шартли рефлексларнинг шаклланиши идеаллашади. Шу даврда бола психикасининг тез ривожланиши йўлга қўйилади. 2-3 ойлик болаларда анализаторларни фаолияти такомиллашуви натажасида таъсир қилаётган кўзғатувчиларни фарқлаш қобилияти юзага кела бошлайди. Овозларни, сўнгра ёрқин рангларни, таъмларни фарқлай бошлайди. Бола бир ойга тўлгач, ўзини парвариш қилаётган одамга интилади, ўзига яқин инсонини афт башарасига қараб ижобий ҳис туйғулар уйғонади. Таъсирга берилиши ва таъсирланишнинг бу шакли бола билан катталар ўртасидаги алоқанинг бошланғич кўринишидир. Шахслараро алоқанинг бу шакли чақалоқлик даврининг тугаши ва илк болаликнинг бошланғич давридир.

Чақалоқда пайдо бўладиган ижобий туйғуларнинг оддий табиий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ эмас. Чунки психик дунёдаги ўзгаришларни ўрганган М.Ю. Китяковскаянинг ўқитишича, уйқусизликдан қийналиш ва очлик уйғотувчи ва кўзғотувчиларни бартараф қилиш салбий кечинма ва ҳис –туйғуни пасайтиради.

Психолог Д.Б. Эльконин назариясига кўра чақалоқлик давридаги илк болалик, гўдаклик даврига ўтишнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд: булар

1) кўз ва қулоқ ёрдамида диққатни муайян бир объектга тўплашнинг пайдо бўлиши, бола ҳаракат фаолиятининг қайта қурилиши бошлангани, алоҳида намоён бўлиши, ҳаракатнинг хулқ ҳодисасига айланиши.

2) сиртдан идрок қилинувчи барча объектларга (субъектларга) алоҳида кўзғатувчига нисбатан ҳосил бўлиши.

3) катта ёшдаги одамларга (онасига ва яқин кишиларга) нисбатан эмоционал реакциялар (ҳис –туйғулар ва кечинмалар) янги эҳтиёж пайдо бўлишининг кўрсаткичи эканлиги.

4) Боланинг катталар билан мулоқотда бўлиш эҳтиёжи унинг кейинги психик ўзгариши ва негизда ташкил этиши.

Гўдакнинг бир ёшгача давридаги психологик хусусиятларининг ўрганиш бўйича бир қатор тадқиқотлар мавжуд. Шулар орасида Н.Л. Фигурин, М.П. Денисова, М.Ю. Китяковская, Д.Б. Эльконин, С.А. Аркин, С. Фаянсларнинг асарлари катта аҳамиятга эга, С. Фаянс тажрибасида гўдакка чиройли ва жозибадор ўйинчоқлар 9 см дан масофадан кўрсатилган, у бутун вужуди билан уларга интилган, кейинчалик оралик 60 см бўлганда

боланинг интилиши сустлашган ва ниҳоят улар 100 см дан кўрсатилган боланинг интилиши мутлако ўчган.

У ўйинчоқ билан бир қаторда турган катта кишига ҳам ана шундай бефарқ қараган, масофа қанчалик қисқарса, боланинг унга интилиши шунчалик кучайган. Кўпгина психиологлар болаларда катталар билан бўлган муносабатда юзага келадиган эмоционал реакцияларни жонланиш комплекси деб атаганлар. Бунда бола унинг билан муносабатда бўлаётган одамга мулойим тикилиб жилмаяди, қўл ва оёқлари билан овоз чиқаради. Болада қандайдир кучли мамнунлик ҳисси юзага келади.

Гўдак ёшига тўлгунча жуда кўп ҳаракатларни ўзлаштиради. Боланинг қиладиган турли туман ҳаракатлари орасида қўл –ҳаракатлари психик тараққиёти учун муҳим аҳамиятга эга. 4 ойлик бола нарсаларга қўл чўзадиган, аммо у хали ўзининг қўл ҳаракатларини идора қилолмайди. 5 ойлик бўлгач нарсаларни пайпаслаб кўрадиган бўлади.

Боланинг психик тараққиётида мураккаб ҳаракатларни эгаллаб бориш катта роль ўйнайди. 6 ойлик бўлгач, мустақил ўтара оладиган бўлади. 3-6 ойликача болалар катта ёшдаги одамлар билан танлаб муносабатда бўлади. Болада яқин кишиларга боғланиш содир бўлади, шу сабабли она ёки энагасини кўриш билан қичкириб қаршилайди, талпинади. Ярим ёшга тўлганида атрофдагилар қатори қариндошларига, кўни – кўшниларига кўникиб боради.

8 ойлик бўлгач яна бир мураккаб ҳаракатни - эмаклашни ўрганади. Бола психикасининг ривожланишида бу янги ҳаракатнинг аҳамияти катта. Эмаклай бошлагач, боланинг атрофдаги нарсалар билан муносабати кенгаяди. У бир нарсани олиб иккинчи нарсага ўриб тақиллатади ва чиқаётган овозга қулоқ солади. Бу ёшдаги болалар бирор нарсанинг қопқоғини очиб ёпишни ёқтирадилар. Бундай ҳаракатлар боланинг қўл мускулларини мустаҳкамлайди. Оғир касалликка учрамай, жисмоний жиҳатдан соғлом ўсган бола 9 -10 ойлик бўлганда юра бошлайди. Юра бошлаган боланинг фаоллиги кун сайин ортиб, эркин ҳаракат қила бошлайди. Бемалол юрадиган бола тор уй доирасидан ташқарига чиқиш имкониятига эга бўлади.

Хотиранинг дастлабки кўринишлари. Тафаккур ва нутқнинг ўсиши.

6-7 ойлик болаларда тақлид қилиш ҳаракатлари пайдо бўлади. Бола психикасининг тараққиётида тақлиднинг роли катта, бола жуда кўп ҳаракатларни ва нутқни асосан тақлид орқали эгаллайди. Гўдакларда катта ёшдаги кишиларнинг фаолиятини ташкил қилиш асосида унга атрофдаги олам ҳақида дастлабки тафаккур қилишнинг оддий формалари вужудга келади. 6-7 ойлик бола исми айтилган нарсани кўрсатади. Яъни ҳаракат хотираси пайдо бўлади. хотиранинг дастлабки кўринишлари аста –секинлик билан пайдо бўлади. Масалан, гўдак ўйинчоқни ўйнапти, ўйинчоқ овоз чиқарувчи мосламага бириктирилган бўлади. Гўдак ўйинчоқни қўллари ёрдамида эзса ундан овоз чиқади. Бола орадан анча ўтса ҳам ўша ўйинчоқни олиб эзади. Чунки ундан товуш чиқиши мумкинлигини билади. Демак, хотирасида ўйинчоқни босиш ҳаракати қолган ва у шу туфайли ҳам эзиш ҳаракатини бажаради.

Гўдак шу тариқа кичик ҳаракатларни эслаб қолади ва кейинги гал шу ҳаракат орқали натижага эришиши мумкинлигини билади. Масалан боладан “Кўлингиз қани” деб сўралса, унга қўл аъзоси қайсилигини тушунтирилса ва уни хотирасида қолиши учун бир неча марта шу машқ такрорланилса, у қўл аъзоси қайсилигини тушунади. Кун сайин ҳам такрорлаб беради. Агар 10-11 ойлик гўдак қизча қўлига кўғирчоқ олса албатта уни “тебратиб” ухлатишга ҳаракат қилади. Бола ҳаракатланганда ўз хотирасида сақлаб қолган кўникмалардан фойдаланади. Унинг ҳаракати асосан хотиранинг кучли ишлаши орқали ривожланади. Масалан, бола иссиқ печга бехосдан қўлини теккизиб олди ва оғриқ сезди кейинги сафар у печга умуман яқинлашмайди. Чунки у аввал печга қўл текканда, оғриқ

бўлишини тушунади. Булардан кўриниб турибдики, болада тафаккур ривожланади. Гўдак 5-6 ойлигидан “сермахсул” ҳаракат натижасида яъни 2 та жисмдан фойдаланиш 7 ойликда уйғунликда фикрлашни юзага келтиради. Эмаклаш орқали атрофда турган ўйинчоққа интилади ва уни олиб ўйнайди. Гўдакнинг жисмлар билан бевосита алоқага киришуви улар ёрдамида ҳаракатланиш нарсаларнинг янги хосса ва хусусиятларини билиб олишга имкон яратади.

Ҳаётининг иккинчи ярим йиллигида боланинг предметлар билан ҳар хил ҳаракатларнинг амалга оширишдаги илдамлиги фаолиятининг мураккаблашуви фазода ўрин алмаштиришнинг янги шакллари вужудга келиши уни катта ёшдаги одамларга боғлайди. У ўйин орқали фикрлаган нарсаларини ташқарига чиқаришга ҳаракат қилади. Бу унинг мулоқотга киришувида кўринади.

Гўдак ярим ёшида улар билан мулоқотга киришиш жараёни икки хил хусусият касб этади. Аввал мулоқот бир томонлама, фақат таъсир ўтказиш билан чегараланса, энди тескари муносабат ҳам вужудга келади. Бола катталарнинг кийимини тортқилайди. Уларга қичкиради ва бошқа ҳаракатлардир. Мазкур ҳолат боланинг катталар билан мулоқоти ривожланишининг юқори босқичга кўтарилишидан далолат беради. Бола ҳаётининг иккинчи ярим йиллигида катталар нутқини идрок қилиш ва уни тушуниши ривожланади. Боланинг ҳамкорлигидаги ўйин фаолияти ҳам ҳис –туйғуга берилиши ҳам нутқ ва фаолияти билан чамбарчас боғлиқ бола жуда кўп ҳаракатларни тақлид асосида эгаллайди. Болани 5-6 ойликдан нутқни тушунишга ўргатиш лозим. Бунинг учун болага ўйинчоқ ёки бирор нарсанинг бир неча марта номини айтиб кўрсатиш керак. Кейинчалик болага баъзи нарсаларнинг номи айтилганда, у кўзлари билан шу нарсани қидириб топади. Масалан чапак –чапак деб, такрорлаб туриб чапак чалинса бола шу сўз айтилиши билан чапак чаладиган ёки болага “ассалому алайкум” таъзим қилиб кўрсатилса, бола сўзни эшитиши билан таъзим қиладиган бўлади.

Бола айрим сўзларга тушуна бошлагач, катталар билан кўпроқ алоқада бўлишни хоҳлайди. Бундан фойдаланиб бола билан кўпроқ муносабатда бўлишга уни нутқини ўстиришга ҳаракат қилиш керак. Бунинг энг осон йўли у билан ўйин ўйнашдир. Масалан кучукни расмини кўрсатиб “мана вов-вов”, хўроз ёки товукнинг расмини кўрсатиб “Кук-кук” дейиш мумкин, бунда болалар шу каби элементларни равон талаффуз қилишга ўрганади. Бундан ташқари 9-10 ойлик болаларда ўз тана аъзоларининг номларини ўргатиш лозим. Болага “мана оғзи, мана кўзи” деб бир неча марта такрорлаб кўрсатилгандан кейин бола ўз аъзоларининг номини айтиш билан бирин-кетин кўрсатадиган бўлади. Хали ёшига тўлмаган болалар ҳар бир сўзни шу сўз орқали фойдаланган аниқ нарсалар билан боғлай олмайдилар. Бунда нутқни ассоциатив тарзда боғлаш орқали эмас, балки интонация ва имо –ишоралар орқали тушунади. Ўзгалар нутқини тушуниш кўриш идрокининг замирида вужудга келади. Бунда катта одам ўзи жисм ва расмларга боланинг диққатини жалб этади.

Агар гўдак 3-4 ойлигидан гу-гулашга интилса 5-6 ойлигида айрим товушларни қийқириқ орқали ифодалайди. Нутқни идрок қилишни ва тушунишни охирги босқичи 9-10 ойлигидан бошланади.

Тадқиқотчи Ф.И.Фраткина катталарнинг гўдакка қаратилган нутқидан қуйдагича таъсирланиш ҳолатларини аниқлаган:

- 1) номи айтилган буюмга жавоб тарикасида бурилиб қараш. (7-8 ойлигида)
- 2) турмуш тажрибасида эгаллаган ҳаракатларини катталар эслатиши билан бажаришга интилиш (8-9 ойлигида)
- 3) катталарнинг нутқ орқали кўрсатмасидан оддий нутқ топшиқларини бажариш (9-10 ойлигида)
- 4) катталарнинг нутқ орқали кўрсатмаси бўйича зарур предметни танлаб олиш (10-11 ойлигида)
- 5) мумкин эмас таъқиқловчи сўз ёрдамида ҳаракатни тўхтатиш (12 ойлигида)

Гўдакдан ўзгалар нутқини идрок қилиш ва унга жавоб беришга интилиши ҳаракатни амалга ошириши мураккаблашиб бораверади. Булар ақлий имкониятлар даражасига бевосита боғлиқ. 1 ёшгача даврни нутққача давр деб аташ одат бўлиб қолган. Бу даврда гўдак бош мия ярим шарлари пўстида иккинчи сигналлар системаси фаолияти билан боғлиқ анчагина ишларни яъни нутқ тараққийси билан боғлиқ бўлган кўникма ва малакаларни амалга оширади.

Нутқни тушуниб идрок қилиш кун сайин ортади. У бир нимани олишни сўрашни, айтишни ҳоҳлайди, аста-секин биринчи сўзлар 10-12 та гача пайдо бўлади. Болалар нутқининг ўсиши улар идроки, хотираси, тафаккури, хаёли ва иродаси каби юксак психик жараёнларнинг ривожланишига ёрдам беради.

Гўдаклик маълум бир мақсадга қаратилган онгли фаолиятида том маънога эга бўлган иродаси бўлмайди. Гўдак ҳаракатлари жуда ихтиёрсиз бўлиб, унда ҳаракатларни назорат қилиш заиф ҳолатда бўлади, лекин иродавий ҳаракатнинг баъзи кўринишлари бор. Болани мустақил ҳаракатларини ташкил этишдан эътиборан, унда иродавий ҳислатлар тарбиялана бошлайди. Сочилган ўйинчоқларни йиғиштириб, ўз жойига қўйишнинг ўзиёқ бола учун муҳим топшириқдир. Шунга ўхшаш топшириқлар болани мустақилликка ва матонатлиликка ўргатади.

Гўдакни ўз иродасини тарбиялаш учун унга шароит яратиш лозим. Унга иродавий ҳислатлар фақат доимий равишда машқ қилиш орқали тарбияланади. Масалан, овқатланиш, онаси алла айтганда ором олиш, одамлар орасида ўз яқинларини ёки онасини кўрганда унга талпиниш кабилардир.

Шундай қилиб, илк ёшдаги боланинг психикасининг актив фаолияти, турли –туман ҳаракати ўз атрофидаги нарсаларни кўпроқ билиб олиши жараёнида ривожланар экан, унинг эркин ҳаракатлари учун қулай шароит яратиш лозим. Бола ҳаракатларини чеклаш эса психикасининг нормал ривожланишига маълум даражада зарар етказади.

Бу ёш даврида болани ҳам жисмоний, ҳам руҳан соғлом қилиб ўстириш, кейинги даврлар психик тараққиёти учун муҳим замин яратади.

Мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Болани илк ёш даврларини санаб беринг.
2. Гўдаклик даврининг психологик хусусиятларини ёритиб беринг.
3. Жисмоний ривожланиш асосан қайси даврда кечади ?
4. Гўдак асаб тизими қайси даврда жадал ривожланади ?
5. Чақалоқ психикасининг ривожланиши нималарга боғлиқ ?
6. Чақалоқлик давридан илк болалик гўдаклик даврига ўтишнинг хусусиятлари мавжуд бўлган назарияни ким илгари сурган.
7. Гўдак қайси ёш даврида жуда кўп ҳар акатларни ўзлаштириб олади.
8. Гўдак ҳар томонлама соғлом бўлса қайси даврда юра бошлайди.
9. Гўдак тафаккури ўсишида нималар туртки бўлади ?
10. Бола нутқини ривожланиши нималар билан боғлиқ ?
11. Бола нутқини ўстиришда қандай машқлардан фойдаланиш самарали ?

IV - боб

Боғчагача тарбия ёшидаги болаларнинг психологик хусусиятлари.

Боғчагача тарбия ёшидаги болаларнинг умумий таърифи ва жисмоний жиҳатдан ўсиши, нерв системасининг тараққий этиши.

Бола ёшидан ошгач, унинг илк гўдаклик даври тугайди 1 ёшдан 3 ёшгача бўлган давр одатда боғчагача тарбия ёшидаги (ёки ясли ёшидаги) давр деб юритилади.

Инсон онтогенезида унинг ана шу 1 ёшдан 3 ёшгача даври алоҳида аҳамият касб этади. Чунки бу даврда инсон зотиغا хос энг муҳим сифатлар, характер хислати, атроф муҳитга ўзгаларга муносабат, хулқ – атвор, тафаккур ва онг каби психик акс эттиришнинг турли кўринишлари шаклланади. Буларнинг барчаси қарама-қаршиликлар кураши остида таркиб топади.

Боланинг юришга уриниши, турли нарсалар билан овуниши ва машғул бўлиш имкониятлари кенгайиши унинг катталарга бевосита тобелиги уларга боғлиқлиги нисбатан камайишига олиб келади. Бинобарин, унинг мустақил ҳаракат қилиши учун зарур шарт-шароитлар яратилади.

Р.Я.Абрамович–Лехтманнинг тадқиқотларида ифодаланишича, 1 ёшли ва 1 ёшу 2 ойлик болада турли нарсалар билан ҳаракат қилишининг оддий тури жадал ривожланади. Бошқача айтганда, унда жисмлар билан муайян ҳаракатни амалга оширишнинг нисбатан барқарор усуллари шакллана боради.

Шундай ҳаракатлар тобора ортади ва мураккабланиши, уларнинг моҳияти борган сари чуқурлашади. Бу ёшдаги болалар бемалол юрадиган бўлиб қолади, қўлларини аниқ ва тўғри ҳаракатлантира олади. Болада ўз-ўзига хизмат кўрсатишнинг дастлабки кўникмалари ҳосил бўлади, у тобора фаол ва мустақил бўла бошлайди. Бола гапира бошлашга ўрганиши уни атрофдагиларга муносабатини ўзгартиради ва болани атрофдагилар ҳаёти ҳақидаги билимлари кенгайди, янги билимлар олади. Боланинг ҳаётида рўй бераётган ўзгаришлар унинг жисмоний томондан ривожланишини мустаҳкамлайди.

Боғчагача ёшдаги болаларнинг жисмоний ривожланишини хусусиятлари

Боғчагача тарбия ёши даврида болалар жисмоний томондан тез ривожлана бошлайдилар. Бола ёшидан ошгач, унинг ташқи қиёфаси ҳам анчагина ўзгаради. Бу ўзгариш турли аъзоларнинг нисбати бошқача бўлиб қолганлигида кўринади. Бир ёшдан ошган боланинг бош суяклари илгаригидек тез ўсмайди. Бошининг ўсиши бироз секинлашиб, унинг эвазига қўл ва оёқлари тез ўса бошлайди.

Агар туғилгандан бир ёшга тўлгунча бўлган боланинг бўйи 25 см ўсса, 1 ёшдан 2 ёшга тўлгунча боланинг бўйи 10 смга ўсади 2 ёшдан 3 ёшгача эса, боланинг бўйи фақат 6-7 смга ўсади. Боғчагача бўлган даврда боланинг вазни ҳам ана шу тариха ривожланади. Агар туғилгандан 1 ёшга тўлгунча бўлган боланинг вазни 3,5 кг ортади. Икки ёшдан 3 ёшгача эса фақат 1,5 кгга ортади. Бу маълумотлар ҳамма болалар учун ўртача ҳисобга тўғри келади.

Боғчагача тарбия ёшидаги болалар суякларининг ривожланишида ҳам жиддий ўзгаришлар юз беради. Бу ёшдаги болаларда тоғайсимон суякларнинг ўсиши ва қотиши тезроқ давом этади. Умуртқа суяклари борган сари мустаҳкамланиб, суякланиш (қотиш) жараёни тезлашади. Умуртқа суякларининг бундай ўзгариши бола юрганда, югурганда ва мураккаб сакраш ҳаракатларини бажарганда гавда оғирлигини кўтариш имконини беради. Бироқ боғчагача тарбия ёшидаги болалар умуртқа суяклари ҳали жуда ожиз ва эластик бўлади. Тўғри ўтирмастик, текис қилиб солинмаган ўринда ётиш натижасида боланинг умуртқа суяклари қийшайиб қолиши мумкин. Қийшайиб қолган умуртқа суягини тўғрилаш жуда қийин ишдир. Бола бир умрга майиб бўлиб қолиши

мумкин. Шунинг учун ота-оналар, агар эрта боғчага борса, боғча тарбиячилари бола суякларининг тўғри ва нормал ўсишига аҳамият беришлари керак.

Бола 2 ёшга бориб қолганда бош суякларида ҳам ўзгариш юзага келади. Калла суягининг туташмаган жойи, яъни калла лиқилдоқлари битиб кетиб, энса ва тепа қисмлари ўсади. Боланинг дастлабки сут тишлари чиқиб, жағи аввалгига нисбатан барқарор фаол ишлай бошлайди. Бир ёшга тўлган боланинг ҳаракатчанлиги орта борган сари унинг органлари фаолиятида ҳам муҳим ўзгаришлар юзага келади. Маълумки, ҳар қандай ҳаракат қон айланиши билан нафас олишнинг актив ишлашини тақозо қилади. бола бир ёшга тўлгач бемалол юриб, ҳар хил ҳаракатларни қиладиган бўлгач, унинг юрак вазни ҳамда ўпкасининг ҳажми анчагина катталашади. Юрак мускуллари ҳам бир мунча мустаҳкамланиб қон босими бир қадар ошади. Бу эса қон томирлари уришининг секинлашишига олиб келади. Масалан, чақалоқ боланинг қон томири минутига 120-130 марта урса, боғчагача тарбия ёшида боланинг юраги 110-120 марта урадиган бўлиб қолади. Боғчагача тарбия ёшидаги бола организми жисмоний жиҳатдан жадал ривожланишида давом этар экан, ўсаётган организм жуда кўп озуқа моддаларни талаб қилади, ёшидан ошган бола турли хил озуқа моддаларни асосан овқатдан олади. Бола ёшидан ошгач, кўкракдан ажратилади. Ана шу даврдан ошлаб уни катталар истеъмол қиладиган овқатларга секин-аста ўргатила бошланади. Боланинг фақат она сутини истеъмол қилишидан бошқа овқатларни ҳам истеъмол қилишга ўтиши унинг овқат ҳазм қилиш органларида ўзгариш ясади. Бир ёшдан ошган боланинг ошқозони бир мунча кенгайди, ичаклари мустаҳкамланади. Лекин боғчагача тарбия ёшидаги болаларни ҳали катта одамлар истеъмол қиладиган юқори калорияли овқатлар билан овқатлантириб бўлмайди. Боланинг бу ёшдаги даврида ҳам асосий овқати сут ва сутдан тайёрланган овқатлар, яъни енгил ҳазм бўладиган овқатлар бўлиши керак. Бу ёшдаги болалар овқатида сутнинг ўрнини ҳеч нарса билан алмаштириб бўлмайди. Сут ва сутдан тайёрланган овқатлардан бола ўзининг жисмоний ўсиши учун зарур бўлган минерал тузлари (кальций, фосфор каби), ҳар хил витаминларни (А,В,С,Д) олади. Бола организмнинг ўсиши учун зарур бўлган жуда кўп озуқа моддалар ўсиши учун зарур бўлган жуда кўп озуқа моддалар асосан нондан ва дондан (ёрмалардан) тайёрланган овқатларда бўлади. Бола шунинг учун ҳам нонни жуда ёқтиради. Лекин бу ёшдаги болаларни асосан нон билан овқатлантириш ярамайди, чунки” нон анча оғир ҳазм бўладиган овқатдир. 2 ёшдан бошлаб болага доимий равишда ҳар хил сабзавотлар (сабзи, помидор, картошка каби) ва мевалар (олма, апельсин, нок, қулупнай, гилос, олча каби) ёки шуларнинг шарбатларини (соки) бериб бориш керак.

Шубҳасизки, боғчагача тарбия ёшидаги болаларнинг жисмоний жиҳатдан нормал ўсишлари учун уларга жуда кўп оқсил моддалар керак бўлади. Болалар кўп миқдордаги оқсил моддаларни сут ва сутдан тайёрланган овқатлардан ҳамда гўшт, мол ёғи, тухум каби оқсилга бой овқатлардан оладилар.

1 ёшдан 3 ёшгача бўлган болаларнинг жисмоний жиҳатдан нормал ва соғлом ўсишлари учун оилада ҳам, яслида ҳам уларни қатъий тартибга асосланиб сифатли овқатлантиришга жиддий эътибор билан қараш керак.

Боғчагача тарбия ёшидаги бола овқатланишида юзага келадиган кўп ўзгаришлар боланинг қон таркибини ҳам ўзгартиради. Овқатнинг хили ортган сари қондаги энг муҳим элементлар бўлиши гемоглабин ва эритроцитлар миқдори ортади. Лекин шундай бўлса ҳам бу ёшдаги бола организмни юқумли касалликлардан муҳофаза қилиб турадиган оқ қон таначалари (лейкоцитлар) ҳали етарли миқдорда бўлмайди ва улар турли юқумли касалликларга тез чалинадиган бўлади. Бунинг учун нима қилиш керак. Шундай қилиб, боғчагача тарбия ёшидаги бола жисмоний жиҳатдан тез ўсишда давом этса ҳам, у ҳали ташқи муҳит ўзгаришларига яхши мослаша олмаган бўлади. Шунинг учун муҳитнинг салгина ўзгариши болага дархол таъсир қилади. Бола янги муҳит шароитида тез толиқади, боланинг соғлом ўсиши учун унинг организмни

мустаҳкамлайдиган тадбирларга, яъни қатъий кун тартибига, гигиена қоидалари ва организмини мунтазам тарзда жисмоний жиҳатдан чиниқтиришга риоя қилиш керак.

Боғчагача ёшдаги болаларда асаб тизимини ривожланиши

Боланинг боғча ёшдаги даврида ҳам асаб тизими тез ривожланишда давом этади. Бу даврда бош миянинг ҳажми ва вазни анчагина ортади. Масалан, бир ёшдан 2 ёшгача киргунча бош миясининг вазни 940 г дан 1025 г га ортади. 2 ёшдан 3 ёшгача бўлган даврда эса бола миясининг вазни 1025 г дан 1112 г га ортади.

Бу даврда бола мияси вазнининг ортиши билан бирга миянинг ички қисмларида ҳам жиддий ўзгаришлар содир бўлади. Мия пўстидаги асаб хужайраларининг (нейронларининг) тизилиши мураккаблашади, яъни нейронларнинг шохсимон ўсимталари тобора орта боради. Бош мия пўстидаги асаб хужайраларининг такомиллашуви турли ассоциацияларнинг (муваққат алоқаларнинг, шартли рефлексларнинг) юзага келишини осонлаштиради ва тезлаштиради.

Боғчагача тарбия ёшидаги болани асаб тизимининг ривожланишида ҳам асаб толаларининг миэлинизацияланиши давом этади. Бу даврда асосан бош мия ярим шарларидаги асаб ҳароратларини бир – бири билан боғловчи асаб толалари миэлин пардаси билан қорилиб, бир-биридан ажратилади. Бола психикасининг ривожланишида бунинг аҳамияти ғоят каттадир. Чунки шу муносабат билан, яъни асаб толаларининг бир-биридан ажратилиши билан турли таассуротлар (қўзғолишлар) асаб тизимида тезроқ тарқалади ва равшанроқ акс эттирилади асаб хужайраларини бир-бири билан боғлайдиган жуда ҳам нозик асаб толаларининг миэлин пардаси билан қорилиб, бир-биридан ажратилиши бутун асаб тизимининг тобора уйғун ва пухта ишлашига ёрдам беради. Бош мия ярим шарлари пўстидаги асаб ҳароратларининг такомилланиши натижасида мия пўсти нерв системасидаги барча қуйи бўлимлар фаолиятини аста-секин ўзига бўйсундира боради. Ана шу тариқа боланинг бутун ҳаётида олий асаб фаолиятининг роли орта боради.

Гўдак болаларга нисбатан боғчагача тарбия ёшидаги болаларда шартли рефлекслар дифференциялашган характерга эга бўла боради, яъни шартли рефлексларнинг хили орта боради. Боғчагача тарбия ёшидаги болалар асаб тизимининг ривожланишига энг характерли томонлардан бири шундан иборатки, бу даврда шартли тормозланишининг ишлай бошлаши туфайли бу ёшдаги болалар айрим ҳаракатлардан ўзларини дарҳол тўхтата оладиган бўладилар. Масалан, 2 ёшли болага “тегма”, “жим бўл”, “тўхта”, “йўқ” каби сўзларни тегишли қўл ёки бошқа ишоралар билан айтилса, у ўзини баъзи ҳаракатлардан тия олади.

Боғчагача тарбия ёшидаги болалар олий асаб фаолиятининг ишида сигналлар тизимининг нисбати ўзгаради. Агар 1 ёшгача бўлган бола асосан 1-сигналлар системаси орқали ташқи муҳитни акс эттирса, 2 ёшга тўлгандан сўнг 2-сигналлар системаси ҳам ишга туша бошлайди. Лекин боғчагача тарбия ёшидаги даврда 1-сигнал системасининг фаолияти барибир устун бўлади. Боғчагача тарбия ёшидаги даврда 2-сигнал тизими доирасида, яъни нутқ материаллари, сўзлар, гапларга нисбатан шартли рефлекслар юзага кела бошлайди. Бу ёшдаги болалар анчагина сўзларнинг маъносини тўғри тушуна оладиган бўладилар.

Боғчагача тарбия ёшидаги болалар анализаторлари ҳам тобора такомиллашиб боради. Уларнинг кўриш, эшитиш, таъм ва ҳид билиш, тери ҳамда ҳаракат сезгиларининг сезгирлиги анча ўткирлашади. Ана шуларнинг ҳаммаси боғчагача тарбия ёшидаги болалар психикасининг янада ривожланиши учун қулай шароит туғдиради.

Маълумки, боланинг боғчагача тарбия ёшидаги даври бутун сезги аъзоларининг жадал тараққий этиш даври, яъни сензитив давр ҳисобланади. Аслини олганда боланинг 3 ёшгача бўлган даври сензитив тараққиётининг бошланиш давридир. Бу даврдан бошала боланинг турмуш тажрибаси орта боради. Болаларнинг ташқи оламни

билишдаги фаолликлари ортган сари умр бир-биридан индивидуал жихатдан фарқ қила бошлайдилар.

Бунинг сабаби шундаки, ҳар бир бола бола махсус шароитда ўзига хос равишда фаоллик кўрсатади ва теварак – атрофидаги турли-туман нарса ва ҳодисаларни билишга ҳаракат қилади. Бу эса уларда ҳар соҳага доир ўнлаб саволларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Мана шуларнинг барчаси боланинг боқча ёшидаги даврида бошланадиган ҳақиқий сензитив давр учун асос яратади.

Боғчагача тарбия ёшидаги болалар психикасининг тараққий этиши идрок, хотира тасаввурнинг ўсиши.

Боғчагача тарбия ёшидаги болаларнинг анализаторлари яхши такомиллашгани ва улар эркин ҳаракат қила олиш имкониятига эга бўлганликлари туфайли бу даврда болалар психик жихатдан тез ривожланадилар.

Боғчагача тарбия ёшидаги боланинг турмуш тажрибаси деярли йўқ бўлгани учун уни ҳамма нарса қизиқтиради. У ўзининг кундалик тинимсиз ҳаракатлари давомида катталарга тақлид қилиб, мустақил равишда кийиниш, ечиниш, овқат ейиш, ювиниш каби ҳаракатларни ўзлаштира бошлайди. Бу даврдаги бола ўзининг кундалик ҳаракатлари давомида ҳеч бир эринмай, кўз ўнгидаги ҳамма нарсаларни текшириб кўради. Натижада жуда кўп янгиликларни билиб олади, ўзининг сезги идрокини, тасаввур ва хотирасини, тафаккур ва нутқини, ҳиссиёт ва хаёлини –умуман ҳамма психик жараёнлари ривожланади.

Бу ёшдаги даврда сезгиларнинг ривожланиши анализаторни тобора такомиллашуви билан боғлиқдир. 2,5 ёшли боланинг сезгилари (кўриш, эшитиш, ҳид ва таъм билиш, тери ва ҳаракат каби) унинг ҳар кунги хилма-хил ҳаракатлари давомида турли нарсаларга бевосита тўқнаш келиши натижасида ривожланади. Сезгиларнинг нормал ривожланиши бола идрокининг тараққиёти учун замин бўлади боғчагача тарбия ёшидаги боланинг идроки анча ривожланган бўлса ҳам, хали катта одамлар идрокдан кескин фарқ қилади. биринчидан боғчагача тарбия ёшидаги болаларда турмуш тажрибаси йўқлиги туфайли уларнинг идроклари ҳам англашилмаган характерга эга бўлади. Улар кўп нарсаларга биринчи марта дуч келадилар. Шунинг учун болалар идрок қиладиган кўп нарсалар уларга энгиллик, яъни дастлабки таассурот кучига эга бўлади. Иккинчидан эса боғчагача тарбия ёшидаги болаларнинг идроки кўпинча ихтиёрсиз характерга эга бўлади, яъни уларнинг идрокида муайян бир мақсадни кўзлаш хали сезилмайди. Шунинг учун уларнинг идроки бир нарсадан бошқа бир нарсага беихтиёр кўчиб кетаверади. Лекин бу ёшдаги болаларда ҳиссиёт кучли бўлгани учун улар ўзларини қизиқтирадиган, ҳайрон қолдирадиган, ҳиссий кечинмалар уйғотадиган нарсаларни идрок қиладилар.

Масалан, ёрқин рангли ва товушли ўйинчоқлар суратлар ва ҳоказоларга қизиқадилар.

Одатда, аффектив ҳолатга берилишини ёки аффектив таъсирланиши бола катталар билан мулоқотда психик жихатдан қониқмаслик ҳосил қилади. Психологик маълумотларга кўра, “портлаш”, “лов этиш” хусусиятига эга бўлган аффект қуйидаги сабаблар билан вужудга келади.

- 1) катталар боланинг ҳоқиш-истакларини тушунмаслигини, имо-ишораси ва юз-чеҳра ҳаракатларига, пантомимикасига (юз билан тана ҳаракатлари қўшилиши) эътиборсизлиги;
- 2) боланинг ихтиёрсиз хатти-ҳаракатига батамом қаршилиқ кўрсатиши, шунингдек, унинг талабини бажармаслиги, қониқтирмаслиги;
- 3) боладаги ўзгаришларга оид билимлардан беҳабарлиги, бу ўзгаришларни олдиндан сеза олмаслиги ва бошқалар.

Жазавага тушишнинг хусусияти ва даражаси боланинг яшаш шароити ҳамда, катталарнинг муносабатида ўз ифодасини топади ва маҳаллий мезонлар ёрдами билан аниқланади, катталар ёрдами билан аниқлаб борилади.

Бир ёшли ва ундан сал ошган боланинг ҳар хил ҳаракатли ўйинларда муваффақиятсизликка учраши кўзланган ишни бажаришидаги нохуш кечинмалар унинг руҳий дунёсида дастлабки жазава (аффектив) туйғу ва ҳисни вужудга келтиради. Шунингдек, ўз фаолиятида учрайдиган кўнгилсиз воқеаларга шахсий муносабатни билдириш акс эттиришнинг янги шакли таъсирланиш (реакцияга киришни таркиб топтиради. (йиғлаши, қайсарлик қилиш, кулиш, гапириш)

Аччиқланиш, жаҳл кўзғалиши, гапириши, қаҳру-ғазаб туйғуларининг хусусиятини тадқиқ қилган Т.Е.Конникова маълумотларига биноан, бир ёшли болада кўпинча безовталаниш, хатти-ҳаракатдаги “портлаш”, қаҳри қаттиқлик юзага келади. Олиманинг фикрича, унинг психикасида пайдо бўлаётган хулқ ҳосиласи тиришқоқликнинг ўзига хос кўринишидан иборат бўлиб, у ўзи ёқтирган нарсани тезроқ кўлига олиш хоҳиши билан узвий боғлиқдир.

Боғчагача тарбия ёшидаги болаларнинг тили чиқиши билан идрокида ҳам ўзгариш юзага келади. Чунки бола атрофидаги катта одамларнинг нутқини тушуниб идрок қилиш билан нарсалар ҳақидаги тажрибасини оширади ва шу йўл билан нотаниш нарсаларни билиш имконияти кенгайди. Болалар идрокининг такомиллашувида сўзнинг аҳамияти шундан иборатки, сўз ўз моҳияти жиҳатидан умумлашган характерга эга бўлиб, у нарсаларни умумлаштириш имконини беради. Бола сўз ёрдамида ўхшаш нарсаларни оддийгина гуруҳларга ажрата бошлайди. Боғчагача тарбия ёшидаги болаларнинг нутқи чиққан бўлишига қарамай, улар ҳали вақт ва фазо каби мураккаб тушунчаларни тўғри идрок қила олмайдилар, чунки уларда ҳали турмуш тажрибаси йўқ. Бундай мураккаб тушунчалар кундалик ҳаёт давомида секин-аста ҳосил қилиб борилади.

Шундай қилиб, боғчагача тарбия ёшидаги болалар идрокининг ривожланишида нутқнинг роли ниҳоятда катта. Ана шуни назарда тутиб, ота-оналар, тарбиячилар катталар нутқдан идрокни ривожлантирувчи восита сифатида кенг фойдаланишлари керак. Бунинг учун болалар билан кўпроқ гаплашиш, уларга эринмай теварак-атрофдаги турли хил нарсалар ҳақида сўраб бериш, боланинг турли туман саволларига тушунарли қилиб жавоб бериш керак.

Боғчагача тарбия ёшидаги болаларнинг диққат, хотира, тафаккур, хаёл, ҳиссиёт ва ирода каби мураккаб психик жараёнларда ҳам жиддий ўзгаришлар юзага келади. Бир ёшгача бўлган болаларнинг диққати ниҳоятда беқарор ва ихтиёрсиз бўлса, 2 ёшга тўлганда диққатида янги сифатлар юзага кела бошлайди. Бола ўсиб улғайган сари унинг диққати барқарорроқ бўла бошлайди. Диққатнинг озми-кўпми барқарор бўла бошлагани шунда кўринадики, бола ўзини қизиқтирган бирон нарса билан узоқ вақт мобайнида шуғуллана олади.

Боғчагача тарбия ёшидаги болаларда диққатнинг ихтиёрсизлиги ва беқарорлиги уларда тормозланиш жараёнининг ҳали кучсизлиги билан боғлиқдир. Бу ёшдаги болаларга тормозланишга нисбатан кўзғолиш жараёни кучли (устун) бўлганлиги сабабли кўзғолиш жараёни мувозанатлаша олмай, кўзғолиш устунлик қилади ва бош мия ярим шарларининг тобора янги-янги қисмларига тарқалиб кетаверади. Боғчагача тарбия ёшидаги, яъни икки ёшга тўлиб уч ёшга қадам қўйган болаларда диққатнинг ихтиёрий тури ҳам ривожлана бошлайди. Бу ёшдаги болаларда кўринадиган ихтиёрий диққат аломатлари катта одамларнинг буйруқ ва топшириқларини бажариш билан боғлиқ бўлган фаолиятларда ривожлана бошлайди.

Боғчагача тарбия ёшидаги боланинг ёши улғайиб атроф-муҳитдаги турли-туман нарсалар ҳақида тасаввурлари кўпайган сари унинг хотираси ҳам тез ривожлана бошлайди. Бу ёшдаги боланинг хотираси асосан ихтиёрсиз хотирадир. Ҳар кимнинг ўз тажрибасидан маълумки икки-уч ёшлик даврида боланинг кўрган билган нарсалари

эсида яхши сақланиб қолмайди, чунки бу ёшда турмуш тажрибаси хали жуда оз бўлади ҳамда эсида олиб қолишда ҳеч қандай система бўлмайди. Шу сабабли эсида олиб қолиш туфайли юзага келган ассоциациялар (муваққат алоқалар) локал характерга эга бўлади. Бошқача қилиб айтганда, бу ёшда эсида олиб қолинган нарсалар узук-юлук, яъни бир-бири билан боғланмаган бўлади. Шу сабабли бир-бири билан боғлиқ бўлмаган, якка-якка ҳолда юзага келган муваққат алоқаларни тиклаб бўлмайди. Шунинг учун ҳам одатда “мен эс-эс биламан” ёки “сал-пал эсимда қолган” деб гапирилади. Боғчагача тарбия ёшидаги болаларнинг хотираси эсида олиб қолишлари ихтиёрсиз бўлиши билан бирга механик характерга ҳам эга. Болалар нарсаларни мантикий тарзда эсларида олиб қололмайдилар, чунки уларнинг нутқи етарли даражада ривожланмаган ва турмуш тажрибалари (тасаввур бойликлари) жуда оз. Бу ёшдаги болаларнинг механик хотиралари жуда кучли. Буни болаларнинг жуда кўп сўзларни тезда эслаб қола олишида кўриш мумкин, лекин улар ҳамма сўзларнинг ҳам маъносига тушунавермайди, боланинг нутқи ўсиб, сўз бойлиги тобора ортган сари мантикий хотираси ривожлана бошлади. Лекин уларда эмоционал хотира жуда кучли бўлади.

Боғчагача тарбия ёшининг охирига келиб, яъни уч ёшга тўлиш олдида бола нутқидан алоқа воситаси сифатида бемалол фойдалана оладиган бўлади, боланинг бундай хусусиятларга эга бўлиб бориши бутун психик тараққиётига ва айниқса тафаккурнинг ривожланишига кучли таъсир кўрсатади. Болалар тили чиқа бошлагач, даставвал ўзига энг яқин бўлган кишилар ва энг кўп кўрадиган нарсаларнинг номини, масалан “ойи”, “опа”, “да-да”, “а-да”, “ма” “ол”, “бер” каби сўзларни айтадилар.

Икки ёшга тўлган бола кўрган нарсаларини сўз билан ифодалаб, идрок қилаётган нарсаларнинг маъносини яхшироқ тушунадиган бўлади. Бола энди айрим узук-юлук сўзлардагина эмас, балки содда гаплардан фойдалана бошлайдилар. Бироқ бу ёшдаги боланинг товуш чиқариш аппарати ҳам етарлича такомиллашгани сабабли унинг талаффузида анча камчиликлар учрайди. У айрим сўзларни катта одамлардек аниқ ва тўғри талаффуз эта олмайди. Бундан ташқари сўз бойлиги етишмаслиги туфайли имо-ишоралардан фойдаланадилар. Шунинг учун айрим ҳолларда энди гапира бошлаган боланинг тилига тушуниш қийин бўлади. Буни ситуатив яъни, айни шу шароит билан боғлиқ бўлган тил деб юритилади. Боланинг бундай ўзига хос тилини унинг энг яқин одами бўлмиш онаси ва отасигина тушунади. Сўз бойлиги орта боргач, боланинг ўзига хос бўлган ситуатив тили ҳақиқий, яъни ҳамма учун тушунарли тилга айланади.

Боғчагача тарбия ёшидаги болалар тафаккурининг ўсишига нутқ жуда катта таъсир кўрсатади. Чунки тил билан тафаккур ўзаро узвий боғлиқ жараёндр. Лекин боғчагача тарбия ёшидаги болаларда хали том маънодаги тафаккур бўлмайди. Бу ёшдаги болаларнинг тафаккурлари ўзига хос хусусиятларга ҳамда аниқ характерга эгадир. Бу деган сўз шуки, улар айни чоғда идрок қилиб турган нарсалари ҳақидагина жуда содда тафаккур қила оладилар бундан ташқари, бу ёшдаги болаларнинг тафаккур жараёнларида ҳаракат элементлари кўп бўлади. Шунинг учун ҳам уларнинг тафаккурини баъзан ҳаракатли тафаккур деб ҳам юритилади. Боғчагача тарбия ёшидаги болаларда хали тафаккурнинг фикрий операцияларини, яъни анализ, синтез, умумийлаштириш қабиларни кўрмаймиз. Улар қўлларидаги ўйинчоқларини ёки қўлларига тушиб қолагн нарсаларни амалий (айлантирадилар, пайпаслайдилар, бузиб кўрадилар таҳлил қиладилар. Лекин синтез қилишга ҳам қурбилари етмайди). Лекин бундан боғчагача тарбия ёшидаги болалар фикрий жараёнларни амалга оширишга кодир эмаслар, деган маъно келиб чиқмайди. Боғчагача тарбия ёшининг охирига келиб тафаккурнинг ўсишида нутқнинг роли жуда ошади. Бола янги сўзларни мумкин қадар кўпроқ билиб олиб, улардан ўз тафаккурида кенг фойдалана бошлайди. Бу эса фикрлаш жараёнларининг ўсишига ёрдам беради. Болада сўзлар воситаси билан таҳлил ва синтез қилиш, абстракциялаш ҳамда умумлаштиришнинг дастлабки аломатлари кўрина бошлайди.

Тафаккурнинг ўсишида яна бир босқич шундан иборатки, боғчагача тарбия ёшининг охирига келиб бола айрим тушунчаларни билиб олишга ва бу тушунчаларнинг энг муҳим белгиларини ўзлаштиришга муваффақ бўлади. Масалан, бола кўпинча катта кишилар билан болалар ўртасидаги фарқни билишга қизиқади. У бу фарқни кузатиб, таққослаб, кўпгина саволларга жавоб топади. Натижада бола тегишли тушунчаларнинг айрим белгиларини билиб олади. 3 ёшга тўлай деб қолган бола катта ёшдаги ҳамма одамларнинг ишга барвақт кетишларини жуда яхши билади. Агар бу ёшдаги болага “аданг энди барвақт ишга кетмайди” дейилса, у ҳайрон бўлиб қолади. Чунки катта одам бўлган адасининг ишга бормаслиги унинг тушунчасига тўғри келмайди. Унинг тушунчасида ҳамма катта одамлар эрталаб барвақт ишга кетиши керак. Шунинг учун у ҳеч бир ўйлаб ўтирмай, “дадам катталар-ку!” деб жавоб беради.

Боғчагача тарбия ёшидаги болалар тушунчалардан фойдаланиб, содда хулосалар чиқаришга ўргана бошлайдилар. Улар бир неча ҳукмлардан фойдаланиб, катта, кичик, баланд, паст, кўп, оз каби содда хулосалар чиқара оладилар, бу эса тафаккурнинг янада ривожланиши учун замин яратади. Бу даврнинг яна бир муҳим жиҳати, бундан амалий ҳаракат тафаккури ҳам ривожлана бошлайди. Бунда катталар ҳаракатнинг моҳиятини тушунтирадилар ва ҳаракатни қай йўсинда бажаришини ўргатадилар: Болани “олиб кел”, “жойига қўй”, “расм чиз”, “ушлаб тур” каби сўз бирикмаларидан иборат топширикнинг моҳияти билан таништириб, кейин унга ҳаракатни бажариш йўллари (“қаламни мана бундай ушла”, “аввал қўлингга ол”, «Олдин ўнг қўлинг билан тут», “Қошиқни бундай ушлаб оғзингга олиб бор” деб) кўрсатилади ва аста-секин бола бу ҳаракатларни ўзлаштириб, бажаришга ҳаракат қиладилар.

Шунинг учун ҳам болада предметли ҳаракатни ўстириш мураккаб жараён дир.

Илк болалик даври амалий ҳаракат тафаккури вужудга келадиган давр ҳисобланиб, қўл жараёнлари турли нарсалар ва қурилмалар билан алмашинади. Жисмлар билан турли ҳаракатларни ўзлаштиришда улардаги муҳим ва ўзгармас аломатларни ажратиш кўникмаси ҳосил бўлади, натижада умумлаштириш ва умумий тушунчаларни ўзлаштириш жараёни рўй беради. Янги шароитда предметли ҳаракатдан фойдаланиш боланинг ақлий ўсишига ижобий таъсир қилади. Боланинг ўз ҳатти ҳаракатини катталарнинг ҳаракати билан солиштириш (онасига, ёки онасига ўхшатиб пиёлага кўтариш, ёки арғимчоқни айлантириш, сакрашга интилиш) ва унинг ўхшаш жиҳатларини топиш боланинг ақлий ўсиши учун муҳим аҳамиятга эга.

Хаёлнинг ўсиши.

Хаёл 2 ёшнинг охири ва 3 ёшнинг бошларида болалар жуда тез ривожланади. Боғчагача тарбия ёшидаги болаларда мураккаб психик жараёнлардан бири бўлиши хаёл ўзига хос хусусиятларга эга дир. Бу ёшдаги болаларнинг хаёли асосан ихтиёрсиз хаёл бўлади холос. Улар хали маълум мақсад асосида ихтиёрсиз тарзда хаёл юргиза олмайдилар. Боланинг туш кўриши ҳам ихтиёрсиз хаёл фаолияти билан боғлиқ дир. Боғчагача тарбия ёшидаги болаларда хаёлнинг ривожланиши улар ўйнайдиган ўйинлар мазмуннинг ўзгариб туришида яққол кўринади. Бу ёшда боланинг ўйинлари хали жуда оддий бўлади. Аслида улар том маънодаги ўйин бўлмай балки чинакам ўйинга тайёргарлик дир. Бу ёшдаги болаларнинг содда ўйинларини машқ ўйинлари, ҳаракат ўйинлари, манипуляция (тимирскилаш) ўйинлари деб аташ мумкин. Бундай ўйинларда бола ўйинчоқларни бир жойдан 2-жойга олиб бориб қўяди, машиналарни юргизиб кўради ёки қиз бола бўлса, қўғирчоқларига гапиришга ҳаракат қилади, кубикларни устма-уст қилиб таклайди ва шу каби ҳаракатларни бажаради. Бундай содда ўйинларда ҳам бола хаёлини бойитадиган мазмун йўқ

Бола 2 ёшга тўлгач, унинг ўйинларида жиддий ўзгариш рўй беради. Боланинг ўйинига энди тақлидий ҳаракатлар қўшилади. Болани катталардан кўрган-билганларини ўйинда тақлиддан такрорлай бошлайди. Бу даврда бола машиначасини у ёқдан бу ёққа силжитиш ёки тепаликдан сирғантириб тушириш билан чекланмай, шофёрларни ҳаракатини бажаради. Қиз болалар эса қўғирчоққа ўзларига хиргойи қилиб аллалар

айтибгина қолмай, ўйинчоқ краватчаларга ётқизиб тебратишга, агар ит хурса “ту тет” деб хайдашга уринадилар. Боланинг бундай ўйинларида эса энди тикловчи хаёлнинг юзага кела бошлаганини кўрамыз.

Нутқнинг ўсиши бола хаёлининг ривожланишига катта таъсир кўрсатади. Бола катталарнинг гапларига тушунадиган бўлгач, ҳар турли эртак ва ҳикояларни қизиқиб тинглайдиган бўлади. Болалар ўзлари биладиган, ўзларига яхши таниш бўлган нарсалар (хайвонлар, болалар каби) ҳақидаги ҳикояларни жони-дили билан эшитадилар бола бундай ҳикояларни эшитишда бевосита ўзининг идрокига, тасаввурларига таянади. Бундай ҳикояларда (“уч айик”, “қизил шапкача”, хўрандалар ҳақида) ўйлаб чиқарилган воқеа боланинг ўзи ҳақиқатда иштирок қилган, идрок қилган воқеаларга уланиб кетади. Натижада боланинг тажрибаси ортади ва мустаҳкамланади. Бу эса ўз навбатида бола хаёлининг ўсишига ёрдам беради. Ҳар бир ҳикояни эшитганда болада хилма-хил тасаввурлар юзага келади. Бола бу тасаввурлари ёрдамида хаёл қилиш қобилиятига эга бўлади. Бола ҳикоя эшитиш орқали олган тасаввурларини сўзлар билан ифодалайди, тажрибаси ошиб боради. 3 ёшда боланинг хаёл образлари теварак атрофдаги предметларнинг таъсирида туғилади ва маълум мақсадга бўйсунди. Бола кўғирчоқни кўриб бўлгандан кейин, уни кийинтиради ва “ухлашга” ётқизади. Борди-ю шу он “айикча”ни кўриб қолса диққатини қуйидаги кўғирчоқдан олиб, ана шу “айикча” га қаратади ва у билан “ўрмонга сайр қилишга” кетади. Болада тажриба ортиб бориши билан хаёл ҳам бойиб боради. Кичкина болаларда хаёл анча ривожланган бўлади.

Бола предмет билан кўпроқ алоқа қилиши, улар билан муносабатда бўлиши ва уларнинг хусусиятларини текшириб кўриши керак. Бу билан унда дастлаб айрим предметлар ва ҳодисалар ҳақида тасавурлар тўрежаа боради, мантикий тафаккур ривожлана бошлайди.

2-3 ёшли бола кўп нарсани кўришни, кўп нарсани билишни ва тушунишни истайди, бу унинг қизиқувчанлик ва синчковлик хусусиятидан келиб чиқади. У ҳамма жойга “тиқилади”, катталарга ҳалақит бериб, уларни тинкасини қуритиб жуда кўплаб саволар беради. Катталар мана шу саволларнинг ҳаммасидан болаларда тафаккурни ўстириш ва теварак - атрофдаги оламни тўғри тушунтиришни тарбиялашда фойдаланишлари керак. Бола бу саволларга тушунарли жавоб олганидан кейин, уни ўз ўйинларида акс эттиради ва шу йўл билан уларни хотирасида мустаҳкам сақлаб қолади.

Бола 2,5 ёшлардан савол бера бошлайди. Аввал саволлар кўпроқ предметларнинг номи ҳақида бўлса, кейинчалик нималарга ишлатилиши ҳақида бўлади.

Боғчагача ёшдаги болаларнинг 2-муҳим ютуғи ота тилини ўзлаштириб олишларидир. 1 ёшдан 3 ёшгача бўлган давр нутқнинг жадаллик билан ўсиш даври ҳисобланади. Бола 2 ёшга тўлганда ҳаракатларнинг ҳам номларини билиб олади. Бу ёшдаги бола нутқида луғат ҳажми кам –атиғи ўн-15 та сўз бўлади. Лекин бола хаёлдаги образ билан борлиқдаги идрок қиётган нарса ва предметларни аралаштириб юборади.

Бир ярим ёшдан кейин актив ёки мустақил нутқ жадаллик билан шакллана бошлайди. Бола катталар билан алоқа қилишда сўзлардан фойдаланишга киришади, бу билан боланинг нутққа ўтиш даври бошланади. Нутқ алоқа қилиш воситаси бўлиб қолади. Сўз бойлиги ҳам сон, ҳам сифат жиҳатидан ўса бошлайди. Луғат бойлиги бола бир ёшга кирганда бир неча сўздан тахминан 12-20 та 2 ёшга кирганда 200-300 сўздан, 3 ёшга кирганда 1500-2000 сўздан иборат бўлади. Луғат бойлигининг ўсиши, шу билан бир қаторда, боланинг ўсиши, унинг ҳаёт шароити ва тарбиясига боғлиқдир.

Боғчагача тарбия ёшидаги болаларнинг ҳиссиётларида ҳам анчагина ўзгаришлар юзага келади. Боладаги биринчи ҳис-туйғулар овқатланиш, ухлаш ва иссиқлик каби биологик эҳтиёжларни қондириш ёки қондирмасликдан пайдо бўлади. Кейинчалик ҳаракатланиш, предметларни идрок қилиш, одамлар билан муносабатда бўлиш каби янги эҳтиёжлар ўса бошлайди.

2-3 яшар болалар жуда импульсив –ихтиёрсиз бўладилар. Болада пайдо бўлган ҳис-туйғу ва истакларини дарҳол ҳаракатларда кўрсата бошлайди. Шу сабабли бола

ўзига ёққан қулай ва қизиқарли фаолиятдан қаноатланади ва ҳамиша шундай фаолиятга интилади. Боланинг ҳис-туйғуси ўзининг кайфиятини ва кечинмаларининг тезлашиб туриши билан ҳаракатланади. Шодлик билан ҳафалик бир-бирига яқин туради: кулги орқасидан йиғи, йиғи орқасидан эса кулги келади. Норозилик, ғазаб, ўжарлик ва жахл каби оффектларнинг жуда узоқ давом этиши бола учун ғайри –табиий ҳодисадир. 2-3 ёшли болалар ўз туйғуларини тутиб тура олмайдилар, болалар катта одамларнинг “мумкин эмас” деб огоҳлантиришларига қарамай, бирданига қаттиқ йиғлашлари, кулишлари ёки қичқиришлари мумкин. 2-3 ёшли болаларга бошқаларнинг туйғулари тез таъсир этади. 1-2 ёшли бола йиғлаши биланоқ бошқа болалар ҳам йиғлашга тушадилар. Демак, болалар бир –бирига ихтиёрсиз тақлид қиладилар. Лекин бу хусусият бола ўсган сари заифлашиб боради.

Кейинчалик болалар катталарнинг эркалашини, норозилик кўпинча, рад этиш ва талаб қилишларини фарқ қила бошлайдилар. Боланинг хатти-ҳаракатларига нисбатан теварак-атрофдаги одамларнинг муносабати ва бола ҳаётининг қандай ташкил этилганлиги унинг хатти-ҳаракатларида ўзининг ижобий ёки салбий ифодасини топади.

Болада ижобий ёки салбий туйғунинг устун бўлишига қараб, унда тетиклик, хушчақчақлик, эзмалик, пассивлик ва хаяжонланиш каби кайфиятлардан бирортаси пайдо бўлади. Ғазаб, қўрқиш, норозилик ва жахллик каби салбий эмоцияларнинг пайдо бўлишига йўл қўймаслик керак. Бола ўзининг ҳис-туйғуларини, ўзидаги ҳиссий ҳолатни хали яхши бошқара олмайди. Арзимаган нарса билан кулиб турган боланинг бирдан йиғлаб юбориши ёки йиғлаб турган боланинг бирдан кулиб юбориши ҳеч гап эмас. Бироқ бундай ҳолатни катта одамларда мутлақо ажратиб бўлмайди. Катта одамлар ўзларининг ҳис-туйғуларини жуда яхши идора қила оладилар.

Боғчагача тарбия ёшининг охирига келиб, боланинг турмуш тажрибаси ўсиши ва нутқининг ривожланиши натижасида юксак ҳиссиётлар, яъни интеллектуал, эстетик, ўртоқлик ҳислари юзага кела бошлайди бола ўзини ажаблантирган янги нарсаларни кўриб хайратда қолади бу билан ақлий туйғулари номоён бўлади. 2 ёшдан ошган бола чиройли жозибатор нарсаларни ёктиради. Чунончи, бу ёшдаги болага чиройли кийим кийгизилса, у ўзини ғоят мамнун сезади. Бола боғчагача тарбия ёшининг охирига келганда мусиқага, яъни шўх ва чиройли куйларга нисбатан жуда ижобий ва актив муносабатда бўла бошлайди. Мусиқага истеъдодли болалар ҳатто ўзлари ашула ҳам айтадиган, рақсга тушадиган бўладилар, болаларнинг ана шундай фаолиятларида уларнинг эстетик туйғулари яққол намоён бўлади.

Боғчагача тарбия ёшидаги болаларда барча психик жараёнлар маълум даражада ривожланар экан, бу умуман, улар онгининг ривожланишига замин бўлади. Тили чиқиб, идрок ва тафаккур анчагина ўсган бола теварак – атрофдаги ҳар турли нарсаларга онгли муносабатда бўла бошлайди. Бола ўзининг турли эҳтиёжларини англаб, ўзининг шахсини шакллантира бошлайди. Машҳур рус физиологи И.М. Сеченовнинг тили билан айтганда, бола ана шу даврдан бошлаб ўз сезгиларини теварак – атрофдаги нарсалардан ажратиб, ўз-ўзини англай бошлайди. Бу ёшдаги болаларнинг сўз бойлигида ўз шахсини билдирувчи “мен” деган олмош тез-тез учраб турадиган бўлади. 2-3 ёшли бола ўзининг кайфияти таъсирида ўйламай ҳаракат қилади. Шу ёшдаёқ болалар бир-биридан ўзларининг ахлоқий ҳислатлари билан фарқ қиладилар. Бир бола бошқа бир боланинг қўлидаги хавас қиладиган нарсасига ҳасадсиз, хотиржам қарай олади, иккинчи бир бола бировларнинг нарсасини сўроқсиз олмайди, бу ҳаракат ахлоқий тормознинг ифодасидир. Лекин худди шу ёшдаги бошқа бир бола уринади. Уни ўзини, истагини идора қилиш одати йўқ, чунки унга бундай одат ўргатилмаган. Ана шу тариха бола жуда элементар тарзда бўлса ҳам ўзини шахс сифатида англай бошлайди. Бинобарин, ана шу даврдан бошлаб боғчагача тарбия ёшидаги болаларнинг шахсий (индивидуал) хусусиятлари камол топа бошлайди.

Болани мустақил ҳаракатларини ташкил этишдан эътиборан унда иродавий хислатлар тарбиялана бошлайди. Сочилган ўйинчоқларни йиғиштириб, ўз жойига қўйиш, йўқолган нарсаларни ўзига топтириш вазифасининг ўзиёқ бола учун муҳим топшириқдир.

Бундай топшириқлар болани мустақилликка ва сабот –матонатлиликка ўргатади ва бу билан болада характер, ирода ва тафаккурнинг жуда муҳим сифатлари таркиб топади.

Боланинг катталарнинг талабларини бажариши учун, бу талаблар асосли ва унинг кучи етадиган даражада бўлиши лозим. Болага топшириқ берилгач, унинг бажарилишини сўзсиз кузатиш керак.

Боланинг ўз иродасини тарбиялаш учун унга шароит яратиш лозим. Чунки иродавий хислатлар фақат доимий равишда машқ қилиш орқали тарбияланади. Кундалик тартиб –қоидаларга риоя қилиш ирода, интизомлилик, уюшқоқлик ва озодалиликни тарбиялашда ғоят катта аҳамиятга эгадир.

Катталарнинг яхши хулқи болалар учун намуна бўлиши керак. Лекин биргина намунанинг ўзи етарли эмас. Балки ижобий иш ва ҳаракатларга доимо ўргатиб туриш керак, актив фаолият жараёнидагина болада энг зарур кўникма, малака, одат ва ахлоқий хислатлар пайдо бўлади ҳамда мустаҳкамланади.

Бу даврда болада “мен ўзим” концепциясининг вужудга келиши шахсий фазилатлар шаклланишига олиб келади ва худди шу пайтларда бола шахс сифатида таркиб топа бошлайди. Болада шахсий ҳаракатлар пайдо бўлиши ўсишнинг янги даври бошланганини билдиради.

V – боб

Боғча ёшидаги болаларнинг психологик хусусиятлари.

Боғча ёшидаги болаларнинг яшаш шароити ва психик ривожланишини хусусиятлари.

Боланинг психик жиҳатдан ўсишда боғча ёшидаги давр анча мураккаб ва жуда масъулиятли даврдир.

3 ёшдан 7 ёшгача бўлган давр боғча ёши даври ҳисобланади. Асосан мана шу даврдан бошлаб боланинг мустақил фаолияти кучая бошлайди. Боғча ёшида бола мустақил бўла олиш учун зарур бўлган иккита қудратли кучга эга . Биринчидан , маълум даражада ўзига бўйсундирилган ҳаракат аппаратига эга. Иккинчидан эса , атрофидаги катта одамлар ва ўз тенгдошлари билан бир қадар эркин муосабатда бўла оладиган нутққа эга . Мана шунинг учун боғча ёшидаги болаларнинг хулқ – атворлари, қизиқишлар ва эҳтиёжлари боғчагача тарбия ёшидаги болаларникидан фарқ қилади. Бу эса, ўз навбатида, боғча ёшидаги болалар билан боғчага тарбия ёшидаги болалар тарбиясига ҳам турлича муносабатда бўлишни тақозо этади.

Агар янги туғилган ҳамда боғчагача тарбия ёшидаги болаларга бериладиган тарбия асосан уларни овқатланиши гигиеналарини тартибга солиш ва сезги органларини ривожлантиришга қаратилган бўлса боғча ёшидаги болаларга бериладиган тарбия уларнинг мураккаб ҳаракатларини такомиллаштириш, элементар гигиена, маданий ва меҳнат малакалари ҳосил қилиш, нутқларини ўстириш ҳамда ижтимоий ахлоқ ва эстетик диднинг дастлабки куртакларини юзага келтиришга қаратилгандир. Демак, асосан боғча ёшидан бошлаб боланинг бундан кейинги бутун шахсий ҳаёти давомида таркиб топа борадиган индивидуал хусусиятлари ҳам юзага кела бошлайди. Ана шу сабабли ҳам инсоннинг хар томонлама камол топа бориши ва хусусан , психик жиҳатдан боғча ёшидаги даврида олган таълим тарбиясига боғлиқдир. Бу ҳақида Н.К.Крупская шундай деб ёзган эди: “ёш болалик чоғларидан қолган таасуротлари жуда катта аҳамиятга эга”.

Машҳур рус педагогларидан Лестгафнинг фикрича, инсоннинг бошқа ёшдаги даври шундай бир даврки, бу даврда унда келгусида қандай характер хислатлари пайдо бўлиши белгиланади ва ахлоқий характернинг асослари юзага келади. Инсоннинг камол топа

боришда боғча ёшидаги даврнинг аҳамиятига доир Лестгафнинг бу фикри буюк рус педагоги А.С.Макаренконинг қуйидаги фикрига тўла мос келади. А.С.Макаренко болаларни жуда кичиклик давридан бошлаб тарбиялаш зарурлиги ҳақида гапириб, тарбиянинг энг муҳим асослари боланинг 5 ёшгача бўлган даври мобайнида юзага келтирилади. Мана шу даврда қилинган иш бутун тарбия процессининг 90 % ни ташкил этади , деган эди.

Ҳақиқатдан ҳам боланинг боғча ёшидаги даври шу қадар мазмундор ва актив даврдирки , бу давр боланинг келгуси ўсишида албатта ўз аксини қолдиради. Лекин бундан боланинг боғча ёшидаги даври , унинг қандай одам бўлиб чиқишни батамом белгилаб беради, деган маъно келиб чиқмайди . Мана шунинг учун бола шахсининг шаклланиши фақат боғча ёшидаги давр билангина боғлаб бўлмайди. Умуман инсон ўз табиати жиҳатидан деярли бутун умри давомида тарбияланувчи мавжудоддир. Лекин ҳар бир одам характерига хос бўлган шахсий хислатларнинг юзага келишида унинг ҳар бир ёш босқичида олган таълим тарбиясини акси сезилиб туради.

Боғча ёшидаги давр ўз таъсир кучи жиҳатидан ғоят маъсулиятлидир

Бола ясли даврени ўтиб , боғчага келгач , унинг яшаш шароитида жиддий ўзгаришлар юз беради. Биринчидан, бола боғча ёшига ўтгач, унинг фаолият доираси анча бошқача мазмунга эга бўла бошлайди .

Иккинчидан, бола боғчага ўтгач, муайян асосида маҳсус педагог томонидан тарбиялана бошлайди.

Боланинг яшаш шароитида юзага келган бу ўзгаришлар унинг психик жиҳатдан ўсишига таъсир этмай қолмайди. Мана шунинг учун бола боғча ёшидаги даврида фақат жисмоний жиҳатдангина ўсмай, балки психик жиҳатдан ҳам таракқиётнинг яна бир юқори поғонасига кўтарилади. Боғча ёшидаги боланинг ҳар бир хатти – ҳаракатидан унинг мустақиллиги, нутқнинг элементар бўлса ҳам , грамматик жиҳатдан тўғри шаклини амалий ўзлаштира бошлаганлиги кўриниб туради. Боғча ёшидаги болаларнинг кўзга ташланиб турувчи хусусиятларидан яна бири уларнинг тақлидчанлик ва серҳаракатликларидир.

Боғча ёшидаги даврида болаларнинг нақадар серҳаракат бўлишлари барча ота – оналарга тарбиячиларга маълум бу ёшдаги бола бутун кун давомида хилма – хил ва тинимсиз ҳаракат қилиш орқали атрофдаги муҳит ва одамлар билан муносабатда бўлади. Бинобарин, шундай хилма – хил ҳаракатлар туфайли ўз тасаввури ҳамда билим доирасини кенгайтириб боради.

Боғча ёшидаги боланинг жисмоний жиҳатдан ўсиши.

Боғча ёшидаги боланинг жисмоний жиҳатдан ўсишини ҳарактерли томони шундан иборатки, бу даврда ҳам боланинг танаси билан қўл-оёқлари баробар мутаносибликда ўсмайди.Боғча ёшидаги болаларнинг оёқлари нисбатан кўпроқ ўсади.

Бирок, шунга қарамай, 6 ёшгача бўлган боланинг суяклари хали яхши қотмаган, яъни тоғайсимон бўлади. Мускуллари ҳам хали бақувват бўлмайди.Шунинг учун боғча ёшидаги болалар маълум муддат давомида қийшиқ ўтириб қолишлари ёки бўлмаса, қалтис ҳаракат қилишлари орқасида умуртқа суякларини қийшайтириб қўйишлари мумкин. Ана шунинг олдини олиш учун бу ёшдаги болалар скелетининг тўғри ўсишига алоҳида эътибор бериш керак. Боғча ёшидаги болаларнинг скелетлари кичик болаларники каби эластик (эгиловчан) бўлишга қарамай, унинг асосий қисмлари бу ёшда тез қота бошлаб, суяк шаклига киради.

Бола 7 ёшга етгач, умуртқа суягининг бўйин қисмида олдинга томон, кўкрак қисмида эса орқага томон маълум даражада эгилиш юз беради.Кейинчалик боланинг умуртқа суяги мана шу шаклда сақланиб қолади.Боғча ёшида боланинг бош суяги ҳам тез ўсади. 3 ёшдан бошлаб бош мия суягининг орқа ва тепа томонлари тез ўсади. Боланинг бош суяги 6 ёшдан 7 ёшгача бўлган даврда тез ўсади.

Боғча ёшидаги болаларнинг жисмоний жиҳатдан ўсишлари давомида уларнинг ташқи қиёфалари ва скелетлари билан бирга ички органлари ҳам анча тез ўсади. Боғча ёшидаги боланинг юраги хажми жиҳатдан, чақалоқ боланинг юрагига нисбатан 4-5 баробар улғайган бўлади. Лекин барча ёшида улар бир қанча марта улғайган бўлса ҳам унинг мускуллари хали

етарли даражада мустахкамланмаган бўлади. Мана шунинг учун боғча ёшидаги боланинг юраги бир қисқаришда организм учун етарли қон сиқиб чиқара олмайди. Боғча ёшидаги бола юрагининг катта одамлар юрагига қараганда нисбатан тезроқ уришини сабаби ҳам мана шундадир. Чунончи, агар бир ёшдаги боланинг юраги 1 марта қисқаришда 10,2 куб.сантиметр қон сиқиб чиқарса, 7 ёшли боланинг юраги 1 марта қисқарганда 23 куб.сантиметр қон сиқиб чиқаради. Катта ёшдаги одамларнинг юраги эса 60 куб.сантиметрдан ортиқроқ қон сиқиб чиқаради. Шу нарсани ҳам айтиш керакки, боланинг боғча ёшидаги даврида қон босими бироз кучаяди. Бу ҳодиса барча ёшдаги даврда юракнинг нисбатан кучли ишлаши билан боғлиқдир.

Маълумки, ўпканинг нормал ишлаши ва ривожланишга кўкрак қафасига ўсиши кўп жиҳатдан таъсир қилади. Чунки, ўпканинг фаолияти асосан кўкрак қафаси шакли ва эластиклиги боғлиқдир. Манашу жиҳатдан кичик ёшдаги ва боғча ёшдаги болаларнинг ҳам кўкрак қафаслари нафас олиш қулай эмас. Болаларда диафрагманинг бир қадар тик жойлашганлиги қисқартириб қўйган. Бундан ташқари, боғча ёшдаги болаларда кўкрак қафаси вертикал узунлигини қисқартириб қўйган. Бундан ташқари, боғча ёшидаги болаларнинг нафас олишлари катта одамларнинг нафас олишларига нисбатан юзакирок бўлади. Болалар ўпкасининг ҳажми етарли даражада катталашмагунча чуқур нафас олмайдилар. Натижада болалар чуқур нафас олишнинг урнини тез нафас олиш билан қоплайдилар. Боғча ёшдагиларни бошқа органлар каби кўкрак қафаси доирасининг кенгайиши бу даврда ҳам анча тез давом этади. Бола кўкрак қафасининг доираси йилига 1-2 смдан кенгайиб бориб, 13-14 ёшга етганда ўз шакли ва ҳажм жиҳатдан катта одамларнинг кўкрак қафасларига яқинлашади. Кўкрак қафасининг торлиги ва ўпкаларнинг кичиклиги туфайли болалар тез-тез нафас оладилар.

Боланинг боғча ёшидаги даврида, яъни 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган даврида нафас олиш миқдори деярли ўзгармайди. Бироқ боғча ёшидаги даврида бола ҳаддан ташқари ҳаракатчан бўлгани туфайли унинг организми жуда кўп миқдорда оксилни талаб қилади. Шунинг учун боланинг боғча ёшида мумкин қадар очиқ хавони таъминлаш керак бўлади.

Боғча ёшидаги болаларнинг асаб тизимининг ўсиши

Маълумки болалар асаб тизимининг энг кучли тараққий этадиган даври 1 ёшдан 3 ёшгача бўлган даврига тўғри келади. Юқорида айтиб ўтганимиздек янги туғилган бола бош миясининг ўртача оғирлиги 380 – 400 грамм келади. Бола боғча ёшига етгунча унинг мияси ғоят кучли равишда ўсиб , деярли 3 баробар кўпаяди. Демак , боғча ёшига етган бола миясининг оғирлиги 1200 граммга етади. Боғча ёшидаги боланинг мияси фақат ҳажми жиҳатидан ҳам анча мураккаблашади. Масалан: 3 ёшли бола миясидаги кўзгалишларни тегишли марказларга элитувчи асосий асаб толалари (асосий ўтказгичлар) миэлинизациялашади, яъни бир – биридан ажратувчи юмшоқ оқимтир модда билан қилинади.

Боғча ёшидаги болалар асаб тизимининг тараққиёти давомида бош мия ярим шарлари пўстидаги асаб хужайралари тобора мураккаблашиб боради. Аввал ҳеч қандай шохчаларга эга бўлмаган асаб хужайралари боланинг жисмоний жиҳатдан ўсиши давомида ҳар томонлама тарқалиб кетган жуда нозик шохчаларга эга бўлиб боради.

Натижада бош мия ярим шарлари ўртасида мувофиқ боғланишлар ҳосил бўлиш имконияти орта боради. Бироқ , боғча ёшидаги болалар марказий асаб тизимларида деярли фарқ қилмаса ҳам фаолият жиҳатдан анча фарқ қилади.

Боғча ёшидаги болалар олий асаб фаолиятларининг ўзига ҳос хусусиятларидан яна бири шуки, ташки муҳитдаги бирон қузгатувчининг таъсири билан юзага келадиган кўзгалиш ва тормозланиш процеслари ёш болаларники каби ирадиацияланиш хусусиятини сақлаб қолгандир. Натижада боғча ёшидаги бола мия пўстининг маълум марказида жойлашган бошқа марказларга ҳам кенг тарқалиб кетади. Шунинг учун боғча ёшидаги болалар ўз диққатларини бирон нарсага узок муддат давомида қарата олмайдилар Шуни айтиб ўтиш

керакки, марказий асаб тизимининг тараққиёти боғча ёшидаги ҳамма болаларда бир хил темп билан давом етмайди. Бу мураккаб тараққиёт болаларнинг индивидуал хусусиятларига , хусусан яшаш шароитларига яъни оилада ҳамда ясли билан боғчада қандай тарбияланаётганларига боғлиқдир. Боланинг тарбияси қанчалик тўғри йўлга қўйилган бўлса , унинг асаб тизими шунчалик нормал тараққий этади. Бола асаб тизимининг тараққий этишда унинг атрофдаги нарса ва ходисалар билан бевосита ва мустақил муносабатда бўлиш жуда катта рол ўйнайди. Чунки бунда боланинг асаб тизими актив фаолиятда бўлади ва бинобарин , тез ривожланади шунинг учун бола қанчалик активлик билан ташқи муҳитни мустақил ўрганса , яъни актив равишда акс эттирса унинг марказий асаб тизими ҳам шунчалик тез такомиллашади. Мана шу хислатни назарда тутиб , тарбиячилар болаларнинг мустақил фаолиятларини тўғри ташкил этишга алоҳида эътибор бериб боришлари лозим .

Боғча ёшидаги болалар асаб тизимининг такомилланиши давомида уларнинг сезги органлари, яъни анализаторлари ҳам бора ривожланиб боради. Сезги органлари атрофимиздаги дунёни билишда асосий қурол бўлиб хизмат қилади. Бу хусусан боғча ёшидаги болаларга таълуқлидир.

Боғча ёшидаги болаларнинг ўйин фаолиятлари. Болалар ўйинининг психологик хусусиятлари.

Боғча ёшидаги болаларни энг асосий ва етакчи фаолиятларидан бири ўйиндир . Етакчи фаолият деб боланинг айна шу ёшида тез – тез кўзга ташланиб турадиган хатти – ҳаракатига айтамыз. Етакчи фаолият шундай фаолиятки, бу фаолият туфайли боланинг психик жиҳатдан ўсишида жиддий ўзгаришлар юз беради. Бошқача қилиб айтганда , мана шундай асосий фаолият жараёнида боланинг барча психик процесслари анчагина ўсади. Ўйин бола ҳаётида мана шундай асосий фаолиятлардан биридир. Ўйин шу қадар универсиал, шу қадар кўп қиррали ва қудратли фаолиятдирки, барча ёшдаги болаларни ўйиндан бошқа камолга етказишни тасаввур этиш қийин.

Болалар ўйин фаолиятларининг моҳияти рус психологларидан Л.С. Виготский , С.К.Рубинштейн , А.Н.Леонтьев, Е.А.Аркин, Д.Б. Элконин ва бошқаларнинг асарларида илмий асосда ёритиб берилган. Рус психологлари ўз асарларида буржуа психологларининг ўйин назарияларини қаттиқ танқид остига олишлари билан бирга болалар ўйин фаолиятларининг моҳиятини материалистик асосда илмий нуқтаи назардан тушунтириб берганлар. Бу жиҳатдан , хусусан, С.К.Рубинштейн, А.Н.Леонтьев, Е.А.Аркинларнинг асослари диққатга сазовордир.

Боланинг психик тараққиётини ўйинсиз тасаввур қилиш қийин. Маълумки боланинг ёши улғайиб , мустақил ҳаракат қилиш имконияти ошган сари унинг атрофдаги нарса ва ходисалар дунёси ҳам кенгайиб боради. Боланинг боғча ёшидаги даврида, унинг фаолият доирасига атрофидаги кучи етадиган, қўлидан келадиган нарсалардан ташқари, катталарнинг фаолиятларига доир, яни уларнинг ҳали мутлақо ақллари етмайдиган , жисмоний жиҳатдан кучлари етмайдиган нарсалар ҳам киради. Чунки улар турмуш тажриба-ларининг озлиги ва бинобарин , ҳаддан ташқари қизиқувчанликлари туфайли атрофдаги ҳамма нарса ва ходисаларни билишга интилаверадилар.

Боғча ёшидаги болалар учун мавхум назарий фаолиятнинг , яъни назарий йўл билан билиш фаолиятининг бўлиниши мумкин эмас. Бу ёшдаги болаларнинг атрофдаги нарсаларни билиш фаолиятлари фақат бевосита ҳаракат шаклида бўлади. Боғча болаларининг ҳаддан ташқари фаол (бетиним,ҳаракатчан) эканликларининг сабаби ҳам шундадир.

Боғча ёшдаги бола атрофидаги нарсалар дунёсини билиш жараёнида шу нарсалар билан бевоисита амалий муносабатда бўлишга интилади. Бу ўринда шу нарса эътиборлики, бола билишга ташналигидан атрофдаги ўзининг кучи, ақли етадиган нарсалар билангина эмас, балки катталар учун мансуб бўлган, ўзини кучи ҳам, ақли ҳам етмайдиган нарсалар билан ҳам амалий муносабатда бўлишга, яъни билиб олишга интилаверади. Бунинг натижасида боланинг ҳаддан ташқари тез ортиб бораётган турлари эҳтиёжлари билан

уларнинг тор имкониятлари ўртасида кескин қарама – қаршилик юз беради. Масалан бола автомашинани, трамвайни ўзи хайдагиси, ростакам отга миниб юргиси, учувчу бўлиб самолётда учкиси, ростакам милиционер бўлгиси келади. Бироқ , бола ўзидаги бундай эҳтиёжларни бирортасини ҳам ҳақиқий йўл билан қондира олмайди. Чунки бу ёшдаги болада бундай касбларга мансуб бўлган мураккаб кўникма ва малака йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас. Бу ўринда табиий бир савол туғилади. Болаларнинг тобора ортиб бораётган турлича эҳтиёжлари билан уларнинг тор имкониятлари ўртасида қарама – қаршилик қандай йўл билан ҳал қилинади? Бу қарама – қаршилик фақат биргина фаолият орқали, яъни боланинг ўйин фаолияти орқалигина , ҳал қилиниши мумкин. Чунки биринчидан , болаларнинг ўйин фаолияти қандайдир моддий маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилган эмас. Болаларни ўйинга ундовчи сабаб (мотив) ҳам ўйиндан келиб чиқадиган натижага эмас,(ўйиндан кўпинча ҳеч қандай натижа келиб ҳам чиқмайди), балки шу ўйин процессидаги турли характерларга боғлиқдир. Иккинчидан эса болалар ўйин жараёнида ўз ихтиёр-ларидаги нарсаларни, уларни қизиқтирган, аммо катталаргагина мансуб бўлган нарсаларга айлантириб (чўпни от қилиб, стулчани автомашина қилиб) кучлари етганча эркин фаолиятда бўлаверадилар. Шундай қилиб , болалар атрофларидаги катталар учунгина мансуб бўлган , хали ўзларининг кучлари ҳам, ақллари ҳам етмайдиган жуда кўп нарсаларни фақат ўйин фаолияти орқали ўзлаштирадилар. Ўйин орқали улар воқеликдаги нарса ва ходисаларни биладилар.

Ўйин болалар ҳаётида шундай кўп қиррали фаолиятдирки , унда болаларга мансуб бўлган меҳнат ҳам, нарсалар ҳақида тафаккур қилиш ҳам, санъат ҳам , ҳаёл, дам олиш ва хушчақчақлик манбалари ҳам мужассамлангандир, яъни мана шу процесларни барчаси ўйин фаолиятида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам ўйин болалар талаб қилаётган даражадаги тўла қонли ҳаётни таъмин эта олади. Ўйиннинг болаларни мафтун этувчи кучи ҳам шундадир.

Ўйин фақат ташқи муҳитдаги нарса ва ходисаларни билиш воситасигина эмас, балки қудратли тарбия воситаси ҳамдир. Ижодий ва сюжетли ўйинларда болаларнинг барча психик процеслари билан бирликда индивидуал (шахсий) хислатлари ҳам шаклланади. Мана шу нуқтаи назардан ўйин боғчадаги таълим – тарбия ишлари орасида энг асосий, марказий ўринда туради. Демак , боғчадаги таълим – тарбия ишларини муваффақияти кўп жиҳатдан болаларнинг ўйин фаолиятларини мақсадга мувофиқ ташкил қила билишига боғлиқдир.

Боғча ёшдаги болалар ўйинлари куйидагича психологик хусусиятларга эга.Боғча ёшидаги болалар ўйинларининг биринчи характери хусусияти, ўйин тематикасини ҳаддан ташқари сермазмунлиги бойлигидир.

Боғча ёшидаги болалар ўйин фаолиятларининг иккинчи характерли хусусияти болалар ўйинларида миллий туйғуларнинг акс этишидир.

Боғча ёшидаги болалар ўйинларининг учинчи хусусияти – ўйин жараёнида ватанпарварлик туйғуларининг намоён бўлишидадир. Ўрта ва катта боғча ёшидаги болалар Ватанимизнинг пойтахти Тошкентни жуда яхши биладилар ва уни севадилар, шу туйғуларни ўйинчоқлардан зўр мароқ ва ғурур билан ясадилар. Бундан ташқари , турли миллат болалари тусида ясалган қўғирчоқлар ясашга интиладилар.

Боғча ёшидаги болалар ўйинининг кейинги хусусияти барча жараёнларининг диққати, сезги ва идроки, хотираси, тафаккур ва нутқи , ҳаёли, хис – туйғу иродаси, характери ва қобилиятининг намоён бўлишидир.

Шундай қилиб , боланинг ўйин фаолияти уни ҳар тимонлама шакллантирувчи , барча психик жараёнлари ва психология хусусиятларини ривожлантирувчи етакчи фаолият бўлиб хисобланади.

Боғча ёшидаги болалар эҳтиёжи ва қизиқишларининг ортиб бориши

Даставвал эҳтиёжнинг ўзи нима эканлигини тушуниб олайлик. Инсон барча бошқа организмлар сингари ўз ҳаётини сақлаб қолиши учун ҳар доим ўзидан ташқаридаги муҳитда мавжуд бўлган турли нарсаларга муҳтож бўлади. Мана шу инсон организмнинг

нималаргадир мухтожлиги эҳтиёжни келтириб чиқаради. Демак, эҳтиёж деганда биз организмизнинг қандайдир бир нарсага нисбатан бўлган мухтожлигини тушунамиз.

Кичик ёшдаги болалар (янги туғилган болаларда) асосан органик эҳтиёжлар бўлади (масалан: овқатланиш, ташналикни қондириш, ухлаш каби) боғчагача тарбия ёшдаги болаларда бундай органик эҳтиёжлардан ташқари ижтимоий ва интеллектуал эҳтиёжларнинг дастлабки куртаклари юзага кела бошлайди. Чунинчи, боғчагача тарбия ёшидаги болалар хали яхши гапира олмасалар ҳам, хаддан ташқари қизиқувчан бўладилар. Улар кўзларига кўринган ҳар қандай нарсани кўплари билан тимирскилаб ушлаб кўрмагунча тинчимайдилар. Боғчагача тарбия ёшидаги болаларда учрайдиган мана бундай қизиқувчанлик, уларда интеллектуал эҳтиётларнинг юзага келаётганлигидан далолат беради.

Боғча ёшидаги болаларда ижтимоий, интеллектуал ва ахлоқий эҳтиёжлар яққол кўрина бошлайди. Агар боғчагача тарбия ёшдаги бола узоқ вақт давомида ёлғиз ўзи бирон ўйинчоқ билан машғул бўлиб ўтира олса, боғча ёшдаги (хусусан ўрта ва катта гуруҳ болалари) бола бундай ёлғиз ўйнашга тоқат қила олмайди. Боғча ёшидаги болалар нутқини бир мунча тўлароқ ўзлаштирганликлари ва хаддан ташқари ҳаракатчанликлари туфайли уларда ўзларига яқин бўлган катта одамлар ва тенгдошлари билан муносабатда бўлиш эҳтиёжи туғилади. Мана шунинг учун боғча ёшидаги болалар тор оила доирасидаги муносабатлар билан ўз эҳтиёжларини қондира олмай, кенгроқ доирадаги муносабатларга интила бошлайдилар. Улар энди кўни – кўшнларининг болалари билан коллектив бўлиб ўйнайдилар. Шундай қилиб, барча ёшдаги болаларнинг ижтимоий муносабат ва фаолият доиралари тобора кенгайиб боради.

Боғча ёшдаги бола табиатига хос бўлган кучли эҳтиёжлардан яна бири ҳар нарсани билиб олишга бўлган эҳтиёжидир. Боланинг фаолият доираси кенгайган сари атрофдаги нарсаларни билишга бўлган эҳтиёж ҳам кучая боради. Бунга сабаб унда турмуш тажрибасининг озлигидир. Ҳар бир нарса бола учун янгилик ва бинобарин, бола уни ҳар томонлама билиб олишга интилаверади. Шунинг учун у доимо сон – саноксиз саволлар бераверади.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, боғча мухити (яъни ундаги тартиб, интизом ва ҳар турли машғулотлар) болаларда юксак ижтимоий, интеллектуал, ахлоқий ва гигиеник эҳтиёжларнинг гармоник равишда юзага келиши учун шароит туғдиради. Психология нуқтаи назаридан қараганда, одат эҳтиёжга яқин нарсадир, яъни биздаги одатлар шу даражада чуқур сингиб кетиб, эҳтиёжга айланиб қолади. Мана шунинг учун болаларда ижобий ва фойдали эҳтиёжларни юзага келтириш деганда уларда ижобий ва фойдали одатларни тарбиялашни тушунамиз. Боғча ёшидаги даврда хосил бўлган мустақил ижобий одатлар (эҳтиёжлар) кишининг бутрун умри давомида сақланиб қолади. “қуш уясида кўрганини қилади” деган доно халқ мақоли шунчаки айтилган эмас. Боғча ҳам болаларни иккинчи уйи ҳисобланади. Шу ерда улар қандай билим, кўникма ва малака эгаллаган ҳамда одатлар орттирган бўлсалар, уларнинг акси бутун умрлари давомида ифодаланиб туради.

Боғча ёшидаги болалар ҳаётида ва уларнинг психик жихатдан ўсишларида қизиқишнинг ҳам роли катта. Қизиқиш худди эҳтиёж каби, болани бирор фаолиятга ундовчи (ҳаракатга солувчи) омиллардан биридир. Қизиқиш деганда биз воқеликдаги нарса ва ходисаларни бирмунча чуқурроқ билишга қаратилган махсус интилишни тушунамиз. Демак қизиқиш билиш процесси билан боғлиқ бўлган мураккаб психик ходисадир. Боғча ёшидаги болалар ҳамма нарсаларга бир хилда қизиқавермайдилар, айрим нарсаларга эса камроқ қизиқадилар. Лекин боғча ёшидаги болаларнинг қизиқиши, катта одамлардаги каби, бир нарсага нисбатан қатъий ва мустаҳкам бўлмайди. Бу ёшдаги болаларни қизиқишлари хали турғун эмас, бир нарсадан иккинчи бир нарсага тез – тез кўчиб туради.

Боланинг камол топиши учун қизиқишнинг аҳамияти шундаки, бола қизиққан нарсасини мумкин қадар чуқурроқ билишга тиришади ва бинобарин, узоқ вақт давомида қизиққан нарсаси билан шуғулланишдан зерикмайди (тоқати чидайди). Бу эса, ўз навбатида, боланинг диққати ҳамда иродаси каби муҳим ҳислатларни ўстиришга ва мустаҳкамлашга ёрдам беради. Бундан ташқари, болаларда бирор сохага нисбатан барвақт юзага келган

қизиқиш келажакда уларнинг шу сохани эгаллашлари учун қандайдир тайёргарлик ролини ўйнайди. Барча ёшдаги кўпчилик болаларнинг қизиқишлари жуда тарқоқ ва юзаки бўлади. Улар нарса ва ходисаларнинг моҳияти ёки натижасига эмас балки шу нарса ва ходисаларнинг ўзигагина қизиқадилар. Шунинг учун болаларда беқарор қизиқишларни юзага келтиришга интилиш керак. Чунки бундай қизиқишларнинг мактабдаги ўқиш процессига, яъни фан асосларини ўзлаштиришда роли ғоят каттадир.

Боғча ёшида меҳнат фаолиятининг хусусиятлари

Болаларнинг меҳнат фаолиятларини ўзида қамраган машғулотлар асосан боғча ёшидаги даврдан бошланади. Бу ёшда болаларнинг меҳнатлари жуда сода ва элементар бўлса ҳам уларнинг психик тараққиётларида жуда катта аҳамиятга эгадир.

Боғча ёшидаги болалар билан ўтаказиладиган суҳбатлар натижасида болаларда меҳнатга нисбатан ижобий муносабат, меҳнат қилиш даставвал болаларнинг ўйинларида намоён бўлади. Болалар катталарнинг меҳнат фаолиятларини ўзларининг ўйинларида тақлидан такрорлаш билан чекланиб қолмай, балки катталар меҳнатида бевосита қатнашиш учун ҳаракат қила бошлайдилар. Масалан, қиз болалар оналари кир юваётганда сув ташиш, айрим кичикроқ нарсаларни (дастрўмолчаларни) чайишда қатнашадилар, уй ва ховлиларни йиғиштириб супуришга, уғил болалар эса отаси бажараётган ишга қатнашишга интила бошлайдилар. Бу ёшдаги болалар меҳнатининг натижаси эмас, балки меҳнат жараёнининг ўзига қизиқиши психологик жиҳатдан характерлидир.

Боғча ёшдаги болаларнинг ишига баҳо бериб бориш уларда меҳнатга нисбатан ижобий муносабатни тарбиялашда катта рол ўйнайди. Болалар кучлари етадиган ишларни бажараётганларида кўп хатоларга йўл қўйишлари турган гап. Лекин бунда болаларни меҳнатга жалб қилмаслик керак, болаларнинг бажариладиган ишларини катталарнинг ўзлари бир пасда қилиб қўйишлари мумкин, деган маъно келиб чиқади. Шарқ халқларида бир мақол бор: “Болага иш буюр, кетидан ўзинг югур”. Бу жуда тўғри, хаётий гап. Бу болаларга бирон юмуш бажарилганда, уни қандай бажараётганликларидан кўз-қулоқ бўлиб туришлари керак, деган маънони билдиради.

Болаларда, хусусан, кичик ёшдаги боғча болаларида хали меҳнат малакалари йўқ, қўл мускуллари яхши ривожланмаган бўлади. Ана шунинг учун болалар қасддан ёки анқовликларидан эмас, балки эплай олмасликларидан бирор нарсани тушириб, синдириб юборишлари мумкин. Ана шундай “фалокат” юз берган пайтда болани “анқов, меров, кўзинга қарасанг бўлмайдими” деб уриниши ёки қойиш ярамайди. Бунинг ўрнига болага шу меҳнатни қандай қилиб бажаришни кўрсатиб бериш лозим.

Боғча ёшидаги болаларни меҳнатсеварлик руҳида тарбиялашда уларни иноқ жамоага уюштириш катта аҳамиятга эгадир. Жамоа бўлиб меҳнат қилишда тарбиячи ҳар бир болага маълум бир меҳнатни бажаришни буюради. Ана шу тариқа болалар жамоа бўлиб меҳнат фаолияти билан шуғулланадилар.

Масалан: , катта гуруҳ болалари жамоа бўлиб навбатчилик қиладилар. Бунда бир бола столга дастурхон ёзиб чиқса , иккинчиси қошиқ ва вилкаларни қўйиб чиқади, учинчи бола эса стулчаларни қўйиб чиқса , тўртинчи бола столга нонларни қўйиб чиқади. Боғчада навбатчиликка ўрганган болалар оилада ҳам ёрдамлашадиган бўладилар.

Умуман ўрта ва катта ёшдаги боғча болаларига оилада кучлари етадиган меҳнат топшириқларини бериш керак. Бу уларни меҳнатсеварлик руҳида тарбиялашда ва уларни айрим меҳнат малакаларини ҳосил бўлиши учун жуда катта имкониятлар яратади. Ижтимоий фойдали меҳнатда иштирок этадиган болани кейинчалик меҳнатга жалб қилиш жуда қийин бўлади.

Боғчада болалар жалб қилинадиган меҳнат фаолиятининг тури жуда хилма – хилдир. Масалан; табиат бурчагидаги жонивор ёки ўсимликларни парвариш қилиш, боғча ховлисида ишлаш, ошхонада ва гуруҳда навбатчилик қилиш, кичкинтойларни кийинтиришга ёрдам бериш ва бошқалар.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, кичик ёшдаги боғча болалари ўзларининг меҳнат фаолиятларини хали йўлга қўя олмайдилар. Шунинг учун улар меҳнатнинг жуда содда турлари билан, яъни ўсимликларга сув қуйиш, балиқларга овқат бериш, ховлига сув сепиш ва шу кабилар билан шуғулланадилар.

Ўрта ва катта гуруҳ болалари меҳнат фаолиятини ўйиндан батамом фарқлаб, унга нисбатан жиддий муносабатда бўла бошлайдилар. Улар меҳнатдан келиб чиқадиган натижани, яъни меҳнатнинг ижтимоий моҳиятини, ким учун, нима учун лозимлигини тушунадилар. Улар катталарнинг оиладаги уй – рўзгор ишларига зўр иштиёқ билан ёндошадилар, кичкинтойлар учун қоғоз, картон панер ва пластилидан турли ўйинчоқлар ясаيدилар. Педагогик жиҳатдан тўғри ташкил қилинган меҳнат фаолияти болаларнинг ҳар томонлама, ҳам жисмоний, ҳам психик, ҳам эстетик, ҳам ахлоқий томондан баркамол ривожланишларига жуда катта таъсир қилади.

Боғча болалари бирон ўйин, таълим ёки меҳнат фаолияти билан машғул бўлар экан, улар асосида ҳаракатга солувчи майллар ётади. Кичик боғча ёшидаги болаларнинг хатти – ҳаракатлари амалга оширилаётган шароитга боғлиқ бўлади. Улар хатти – ҳаракат мотивларини англаб ҳам етмайдилар. Шунинг учун кўпинча ўзларича мутлақо хисобот бермай, маълум бир вазиятда у ёки бу хатти – ҳаракатни амалга ошира бошлайдилар.

Бу ёш даврида болаларнинг хатти – ҳаракатлари ва хулқ – атворларининг мотивлари ҳам ўзгариб, ривожланиб боради. Катта ёшли боғча болаларининг хатти – ҳаракат мотивлари тўла англаган мотивлардан иборат бўлади. Масалан; катта ёшдаги боғча болаларнинг хатти – ҳаракатлари, хулқ – атворлари асосида ётган мотивлар ҳар томонлама катта одамларга ўхшашдан иборат. Улар ана шундай кучли майл асосида тақлидий ўйинларни, таълимий, яъни етакчи машғулотларни ва меҳнат машғулотларини ташкил қилиб ўтказадилар. Болаларнинг асосий мақсадлари катта одамлар билан ўзаро муносабатни мустаҳкамлашдир. Болалар катта кишилар билан яхши муносабатлар ўрнатишга киришар эканлар, улар катта кишиларнинг буйурган топшириқларини бажаришга, ўрнатган тартиб қоидаларига сўзсиз бўйсунушга ҳаракат қиладилар.

Боланинг боғча ёшидаги даврида ўз кадр – қимматини англаши ҳам юзага кела бошлайди. Болалар боғчага келганда даставвал ўз тенқурларини сезмасликка, пайкамасликка ҳаракат қилади. Кейинчалик турли ўйин ва мажбурий машғулотлар давомида болалар жамоасига қўшилиб, ўз тенқурларининг хурматини қозонишга ҳаракат қиладилар, яъни бошқа болаларга ҳар томонлама яхши кўринишга интиладилар. Боғча ёшидаги болалар хатти-ҳаракатлари мотивларининг ривожланишида ахлоқий мотивларнинг роли ниҳоятда каттадир. Болалар ўз хатти-ҳаракатларини англаганлари сайин ахлоқий қоидаларга риоя қилиш мотивларининг яъни ижтимоий ахлоқий қоидаларга риоя қилиш мотивларининг ўрни кучайиб боради. Болалар энди ўзларининг эгаистик манфаатлари юзасидан эмас, балки ижтимоий манфат нуқтаи назаридан ҳаракат қилишга ўргана бошлайдилар. Масалан: болалар ўзлари ёқтирган ўйинчоқларини бошқа болаларга берадиган ва хаттоки ўзларини уйдан олиб келган ширинликларини бўлиб берадиган бўладилар. Шу тариқа болаларда ижтимоий мотивлар ривожлана бошлайди. Катта ёшдаги боғча болалари ҳар доим кичик ёшдаги болаларга ёрдам беришга, яъни ижтимоий мотивлар асосида ҳаракат қилишга интиладилар.

Боғча ёши болаларида билиш жараёнларининг тарақий этиши Сенсор тарбия тизимининг психологик асослари

Сезги ўз моҳияти жиҳатидан бирмунча содда психик жараён (акс этириш жараёни) бўлишига қарамай, барча билимларимизнинг асосий манбаидир. Нарса ва ходисаларнинг айрим белгилари, хусусиятларини акс этиришдан иборат бўлган сезиш процессининг физиологик моҳияти машҳур физиолог М Сеченов ва И.П.Павловларнинг анализаторлар ҳақидаги таълимотларида атрофлича очиқ берилган. Академик И.П.Павлов организмнинг хиссий акс этириш аппаратларини анализаторлар деб атайди. Мана шунинг учун ҳар бир

сезги органи анализаторларнинг барча қисмларини ўз ичига олади. Маълумки, академик И.П.Павлов таълимотига кўра, ҳар бир анализатор асосан уч қисмдан иборат: 1) ташқи таъсирларни қабул қилиб олувчи периферик қисм (бу одатда рецептор деб юритилади); 2) таассуротни марказга олиб борувчи (афферент) ва марказдан тегишли жавоб реакциясини олиб қайтувчи (ефферент) нерв толалари; 3) анализаторнинг орқа ёки бош миядаги марказий қисми.

Сезги мана шу қисмларнинг яхши ва равоиш ишлашига боғлиқдир. Анализаторларнинг биронта қисми ишдан чиқса, сезиш бўлмайди. Демак сезишнинг физиологик асосида анализаторлар ишдан иборат бўлган организмнинг рефлектор фаолияти ётади.

Анализаторларнинг асосий вазифаси организмга таъсир этаётган турли кўзғовчиларни айрим бўлақларга ажратишда, яъни анализ қилишдан иборатдир. Шунинг учун ҳам сезги органлари анализаторлар деб аталади.

Сезги ва идрок ривожланиши бошқа, тобора қийинроқ бўлган билиш жараёнларининг (хотира, хаёл, тафаккур) пайдо бўлиши учун замин яратади. Ривожлантирилган сенсорика замонавий одамнинг амалий фаолияти такомиллашувининг асосидир.

Сенсор тарбия ҳақидаги собиқ совет психоологларининг фикри ғарб олимлари фикрининг психологик асосларидан принципиал тарзда фарқ қилди.

Ҳар икки томон нуқтаи назарлари, авваламбор, бола сезгиси ва идроки ривожланишини ҳаракатга келтирувчи сабаблар ва уларнинг бу жараёндаги тарбиявий ролини тушунтиришда фарқланади. Кўпгина ғарб психологлари сенсор жараёнлар гўёки болада тайёр ҳолда туғма мавжуд бўлади, дейишади. Сенсор тарбиясидан мақсад — бу жараёнларни машқ қилдириш деб ҳисоблашади.

Рус психологларининг нуқтаи назарлари бўйича, ривожланиш янги, болада илгари бўлмаган сенсор жараёнларини шакллантиришдир. Албатта, анализаторларнинг такомиллашуви (эшитиш, кўриш, тери орқали туйиш, хид билиш ва б.қ.) сезги ва идрок ривожланишининг зарур шартларидан ва унинг ролини рад этиш мумкин эмас. Лекин бу фақат сенсор ривожланишининг органик имконияти, шарт, бироқ, буларнинг барчаси сезги тажрибасини эгалламай туриб содир бўлмайди. Тафаккур, нутқ сенсор тажриба ортиши натижасидир.

Сенсор эталони бўлиб мусиқий товушлар (до, ре, ми,...), она тилининг товушлар системаси, геометрик фигура, ранглар ва бошқалар хизмат қилади. Сенсор намуналарини ўлчов тизими тарзида эгаллаш идрокни сифат жиҳатидан ўзгартиради.

Бола сезгиси асосий турларининг ривожланиши ва идрок

Бола ҳаётининг дастлабки 1-йилида идрок ривожланиши анча мураккабдир. Бу давр мобайнида жуда кўп ўзгаришлар рўй беради, биринчи ўринда бу ўзгаришлар сезгирлик соҳасида содир бўладиган ривожланишга тааллуқлидир.

Бутун боғча ёш даври мобайнида кўз сезгирлигининг ўткирлиги ортади. Шунингдек, кўз ўткирлиги даражаси фаолият шароитига боғлиқлиги ҳам аниқланган - ўринда ўтирган вазиятида тадқиқот ўтказилганда кўзнинг ўткирлиги сезиларли даражада ортади.

Боғча ёш даврида рангларни фарқлашда ҳам анча ўсиш кузатилади: аниқ ва тиниқлиги ортади.

З.М.Истоминанинг тадқиқотари бўйича бола ҳаётининг иккинчи йилида ихтиёрсиз тарзда тўрт асосий рангни фарқлайди: қизил, сариқ, яшил, кўк. Оралиқ рангларни дифференсировка қилишда, яъни қовоқ ранг, хаво ранг ва сиёҳ рангларни ажратишда бироз қийналади.

Эшитиш сезгирлиги ҳам боғча ёшидагиларда ўзига хос тарздаги хусусиятларга эга. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, эшитишнинг нозиклиги 13 ёшгача бўлган болаларда катталарникига нисбатан анча паст бўлади ва бу ёш ортиши билан ўсиб боради.

Боғча ёш даврида, шунингдек, товушларнинг баландлигини фарқлаш қобилияти ҳам ривожланади. Бироқ, фонематик (оғзаки) ва мусиқани эшитиш параллел тарзда

шакланмайди. Фонетик эшитиш биринчи йилнинг охирларига бориб ривожланиб боради ва бола боғча ёш даврининг дастлабки боскичларида ўз она тилининг деярли барча товушларини амалий фарқлай олади, пассив нутқ билан бир қаторда фаол нутқни ҳам эгаллайди.

Бу даврда хид билиш сезгиси ҳам ривожланади. Катта гуруҳ болалари хидларни фарқлашда кам хатоликларга йўл қўяди, аниқроғи уларни аниқ айта олади. Тери орқали туйиш ҳамда оғирликни сеза олиш хусусияти ҳам ривожланади. 4 ёшдан 7 ёшгача болган болаларда бу қобилият тахминан икки баробарга ортади, А.Я.Холоднаянинг тадқиқотлари кўрсатишича, фазода мўлжал олишнинг ривожланиши боланинг ўз тана аъзолари фазовий муносабатларини дифференцировка қилишдан (ўнг ва чап қолни, жуфт тана қисмларини ажратиб номлашдан) бошланади. Идрок жараёнига сўзнинг қўшилиши, мустақил нутқнинг ўзлаштирилиши сезиларли даражада фазовий муносабатлар, йўналишлар ҳақидаги билимларнинг мустаҳкамланишига ёрдам беради (Д.А.Люблинская, А.Я.Холодная, Е.Ф.Рибалко ва б.к.).

Баъзи чет эл психологлари 5 ёшдан 7 ёшгача болган болалар шаклни фарқлашга жуда ожиз ва улар предметни идрок қилишда одатда рангига таянадилар, дейишади. А.А.Люблинская ва Н.Х.Швачкиннинг олиб борган тадқиқотлари ҳатто кичик боғча ёш давридаги болалар ҳам таниш предметларни идрок қилишда шаклга — предметнинг мазмун ва моҳиятидан ажралмас бўлган бирор-бир белгисига асосланадилар, дея хулоса чиқариш, имкониятини берди. Бироқ шаклни ажратиб, мавҳумлаштиришни бунчалик тез бажара олмайди.

Кичик боғча ёш давридаги бола геометрик шаклни идрок қила туриб одатда уни бирор бир предмет билан ўхшатади (квадратни кўпинча "дераза", "кубик" ва б. деб; айланани - "копток", "ғилдирак" каби номлайди).

Ўрта ва катта боғча ёшидагилар дуч келган шаклни фарқлашга эҳтиёж сезадилар. Улар кўпинча предмет нимага ўхшаши ва уларда мавжуд тушунчалар орасидаги бошқа турли шакллардан нимаси билан фарқланишини аниқлашга уринишади.

Вақтни идрок қилиш болалар учун анча қийинчилик уйғотади ва буни тушуниш ҳам мумкин. Ахир вақт кўйгазмали шаклга эга эмас, ўтиб кетувчи, қайтарилмас, уни идрок қилиш субъектив ҳолларга боғлиқ ҳамда шахсий характерига эга.

Сутка қисмларидан болалар эрталаб ва кечкурунни осонроқ, тун ва кунни эса бироз қийналиб идрок қилишади. Дастлаб бола вақтнинг сифат белгиларига асосланиб, кетма-кетликда ва систематик тарзда кечадиган ҳодиса, фаолиятлар ҳисобига, кун тартибига қараб (эрталаб — "бу нонуштагача", кун - "куннинг ўртаси, яъни тушлик қила", кечкурун — "онам ишдан чиқиб мени олиб кетадиган пайт") мўлжал оладилар. Кўпинча илк ёш ва кичик боғча даврида вақтни мўлжаллашдаги хатоликлар билан боғлиқ чалкашликлар содир бўлади.

Ҳафта кунларини тартибсиз тарзда ўзлаштирадилар. Боғчага борувчи катта ёшдагилар "Ҳафта кунларидан қайси бирларини биласан?" деган саволга кўпинча шанба, якшанба ва душанбани — эмоционал бой, улар учун алоҳида аҳамиятга эга бўлган кунларни атайдилар (шанба ва якшанбани — оила аъзолари билан бирга ўтказадилар; душанба - яна дўстлари, тарбиячи, табиат бурчагидаги ҳайвонлар билан учрашув кутаётган боғчага борадилар).

Ҳозирги замон ҳақидаги тушунчалар эрта шакллана бошлайди, ўтган замон ҳақидаги тушунчалари эса ҳали аниқ эмас (айниқса кичик боғча ёшдагиларда).

Бироз кечроқ болалар мақсади ҳаёт учун катта аҳамиятга эга бўлган келгуси замонни ўзлаштиришни бошлайдилар. Эртанги кунга назар ташлаш, режаларни тузиш "эртанги кун" ни, келажакни англамай туриб бўлиши мумкин эмас.

Келгуси замон ҳақидаги элементар тушимчаларнинг шаклланиши ҳаётнинг учинчи йилига, яъни "қиламан", кейинчалик эса янада аниқроқ бўлган "кейин", "эртага", "сал туриб" каби сўзларнинг пайдо бўлиш даврига тўғри келади.

Психологлар боладаги вақт ва фазони идрок қилишдаги умумийликни эътироф қиладилар. Махсус тадқиқотлар тушунчалардаги умумийлик боланинг дунёни ягона вақтли-

фазовий комплексда акс эттира олиш қобилиятига эга эканлигидандир, деган фикрга асос бўла олади.

Рус психологлари бадий идрокнинг ривожланишини шахс ривожланишининг натижаси сифатида кўришади. У инсонга туғма равишда берилмайди. Бола санъат асарини айнан шу тарзда дарҳол идрок қила олмайди; ривожланишнинг дастлабки поғоналарида бола учун унга нисбатан ҳаракатли, утилитар муносабат хос (расмдаги тасвирни болалар ушлаб, пайпаслаб кўрадилар, уни ушлаб кўрадилар ва ҳ.). Бирок бадий идрокнинг илк куртаклари боғча ёш даврида намоён бўла бошлайди. Таълим ва тарбия инсонга хос бўлган ушбу қобилиятларнинг ривожланишида ҳал қилувчи рол ўйнайди.

Француз психологи А.Бине ва немис психологи В.Штерн болалар томонидан расмларни идрок қилишнинг гўёки бир-бирини тўлдирувчи ва мазкур тартибдагина содир бўлувчи босқичларини ишлаб чиқадилар. А.Бине идрокнинг қуйидаги босқичларини ажратади: 1) предметларни тарқоқ тарзда ҳисоблаш (3 ёшдан 7 ёшгача); 2) расмдаги предметлар орасидаги алоқани илғаган тарзда таҳлилий идрок қилиш босқичи (ўсмирлик давридан). Шунга ўхшаш босқичларни В. Штерн ҳам кўрсатган.

Л.С.Виготцкий экспериментал йўл билан В.Штерн томонидан илгари сурилган идрок босқичлари идрок қилишни эмас, балки идрок ҳамда нутқ ривожланишининг маълум бир босқичидаги ўзаро муносабатни изоҳлайди, деган фикрни билдиради. Бадий идрокда — тасвирнинг мазмунини тушунишда асарнинг композицияси, расмнинг мазмуний ва структуравий моҳиятининг мувофиқ келиш даражаси катта аҳамиятга эга.

Эстетик идрок боланинг турли хил бадий ҳамда кундалик фаолияти давомида ривожланади. Катталар томонидан тўғри йўналтирилиши боғча ёш давридаёқ эстетик идрокнинг анча юқори даражага кўтарилишига олиб келади.

Инсоннинг инсон томонидан идрок қилиниши каби мураккаб психик жараён идрок қилувчининг ўз ривожланиши билан баробар унинг мулоқот эҳтиёжининг ўзгариши, билиш ҳамда меҳнат натижасида шаклланади. Ҳаётининг биринчи ойи охири, иккинчи ойининг бошида дастлаб жилмайиш билан кейинчалик унга нисбатан жонланиш комплекси биланбола катталарни асраб турган муҳитдан ажралади. Ушбу ижтимоий – перцептив жараён гўдақлик ва илк болалик даврида фаол тарзда ривожланади.

Боғча ёш даврида инсонни идрок қилиш фаол тарзда шаклланишда давом этади. Буни эса янги фаолият турларининг (айниқса жамоа) бола томонидан ўзлаштирилиши, мулоқот доирасининг кенгайиши ва носитуатив шахсий мулоқотнинг пайдо болиши тақозо этади. Бола томонидан инсонни акс эттиришнинг фаол шакли бу ўйиндир. Унда бола ўз яқинларининг образларини яратади. Айтиқса, боланинг тасвирий ижоди инсонни идрок қилишининг яққол намунасидир. Боланинг қандай кишиларни тасвирлаб беришига, уларнинг образларини қай тарзда очиб чиқишига қараб маълум маънода боланинг уларга нисбатан муносабатига баҳо беришимиз, инсондаги нимадан осон таъсирланади, нимага кўпроқ диққатини қаратади каби саволларга жавоб топишимиз мумкин.

Ёрқин ижобий баҳони болалар ўраб турган кишилардан фақатгина ишончли муносабатда бўлганларига, боғлиқликни ҳис қилган яқинларигагина берадилар.

Болаларда диққатнинг ривожланиши

Болаларда диққат жуда эрта ривожлана бошлайди. Бир-икки ҳафталик чақалоқларда диққатнинг ҳеч қандай аломати кўринмаса ҳам, орадан сал ўтмай, яъни боланинг бир ойлик давридан бошлаб, ихтиёрий диққат аломатлари яққол кўрина бошлайди. Демак, боланинг бир ойлик даврида унинг диққатини ҳар турли кучли қўзғатувчилар (қаттиқ товуш, ортиқча ёруғлик каби) ихтиёрсиз равишда ўзига жалб қила бошлайди. Икки-уч ойлик болалар эса, шақир-шуқурга кулоқ соладиган (шақилдоқларнинг товушига овунадиган) бўла бошлайдилар. Бу ёшдаги болаларнинг диққатларини ёрқин (ялтироқ) рангли нарсалар ҳам беихтиёр жалб қила бошлайди. Боланинг кўз ўнгидаги нарса қанчалик ранг-баранг болса, бола унга шунчалик кўп эстетик беради.

Боғчагача тарбия ёшидаги болаларнинг диққати ниҳоятда беқарор бўлиши билан характерланади. Масалан, болага янги ўйинчоқ берсангиз у ўйинчоқни жуда қизиқиб кўра бошлайди. Лекин айна шу пайтда яна бир бошқа ўйинчоқни кўрсатсангиз, биринчи ўйинчоқни ташлаб, иккинчисига талпинади. Ясли ёшидаги болалар диққатининг беқарорлиги физиология нуқтаи назаридан уларда ҳали тормозланиш процессларининг кучсизлиги билан боғлиқдир. Тормозланиш жараёни қўзғалиш жараёнининг кенг ёйилиб кетишини тўхтата олмайди. Ана шунинг учун кичик болаларнинг диққати бир нарсадан иккинчи нарсага чалғиб кетаверади.

Илк болалик давридаги болалар диққатининг ғоят беқарор бўлиши турмуш тажрибаларининг жуда озлиги билан ҳам боғлиқдир. Болаларга ҳамма нарса янгилик бўлиб туюлаверганидан уларнинг диққатлари бир нарсадан иккинчи нарсага тез-тез чалғиб кетаверади. Бола кўз ўнгидаги нарсанинг ўзи болага жуда қизиқ туюлгани сабабли ҳам диққати чалғиб кетади. Масалан, Н.М.Менчинскаянинг ҳикоя қилишича, Саша (1 ёш 8 ойлик) эчки ва унинг болалари ҳақидаги эртани зўр қизиқиш билан тинглайди. Бўри келиб эшикни тақиллатгани ҳикоя қилинганда, Саша бўрининг қандай тақиллатганини кўрмоқчи бўлиб, деворга тап-тап етиб уради, лекин баъзан тақиллатишга шу қадар маҳлиё бўлиб кетадики, эртани тамомила унутиб қўяди.

Илк болалик давридаги болаларда диққатнинг бўлинувчанлиги жуда заиф, кўлами эса тор бўлади. Бу ёшдаги болалар диққатларини фақат кўзларига яққол кўришиб турган бир нарсагагина қарата оладилар. Илк болалик давридаги болалар диққатининг ривожланишида нутқнинг роли жуда каттадир. Боланинг тили чиқиб нутқни эгаллай бошлаши, катта кишилар билан мулоқотда бўлишдан ташқари, уларнинг кўрсатмаларини бажариш имкониятини ҳам беради. Юқорида айтиб ўтганимиздек, кичик ёшли болалар катталарга қарашишни, имкониятлари борица уларнинг меҳнатларига аралашини жуда ёқтирадилар. Катталарнинг илтимос ва топшириқларини бажонидил адо этадилар, ўз-ўзига хизмат кўрсатишга оид оддий юмушларни қизиқиб бажарадилар, ота-оналарининг уй-хўжалик ишларида қарашишга ҳаракат қиладилар. Мана шуларнинг ҳаммаси, диққатни маълум даражада тўплаш ва муайян бир мақсадга қаратишни талаб этади. Бу эса болаларда ихтиёрий диққатнинг ривожланишига асос яратади.

Боғча ёшидан бошлаб болаларда ихтиёрий диққат ривожлана бошлайди. Бироқ, кичик ёшдаги боғча болаларида ихтиёрсиз диққат устунлик қиладди. Кичик ёшдаги боғча болаларида кун сайин пайдо бўладиган янги-янги қизиқишлар, ўйин фаолиятларининг хилма-хил бўла бориши уларда ихтиёрсиз диққатни аста-секин такомиллаштириб боради. Боғчада жамоа томонидан талаб этиладиган тартиблаига бўйсуниб, қоидаларни ўйин шартларини сўзсиз бажариш, катталарнинг топшириқларини чидам, кунт билан адо этиш каби ҳоллар боғча ёшидаги болаларда диққатнинг ихтиёрий турини ривожлантиради. Болаларда ихтиёрий диққатни ривожлантиришда ўйиннинг роли жуда каттадир. Чунки турли ўйинлар пайтида болалар диққатларини бир жойга тўплаб, ўз ташаббуслари билан маълум мақсадларни илгари сурадилар. Ўйинларнинг қандай қоидалар асосида йўналишини ўзлари мустақил равишда танлаб оладилар. Ўйин қоидасидан четга чиқиб кетмаслик учун ўз ҳаракатларини ўйин қоидаларига мослаштиришга ва ўйинда қатнашувчи ўртоқларининг ҳаракатларини ҳам кузатиб боришга интиладилар. Ана шундай ўйинларда ихтиёрсиз диққат билан бирга ихтиёрий диққат ҳам фаол иштирок этади, бинобарин, болаларнинг ўйми учун шароит яратиб беради. Шуни ҳам назарда тутиш керакки, ихтиёрий диққат ирода билан боғлиқ, шунинг учун ҳам кўпинча болалар диққатнинг бу турини ўзларича мустақил ташкил эта олмайдилар. Дастлабки пайтларда диққатнинг ихтиёрий турини ҳар хил саволлар ва топшириқлар бериш йўли билан ривожлантириб бориш керак. Боғча ёшидаги болаларда диққатнинг айрим хусусиятлари, яъни диққатнинг кучи ва барқарорлиги ҳам таркиб топиб юксала бошлайди. Буни биз болаларнинг (хусусан ўрта ва катта гуруҳ болаларининг) бир иш устида узоқ вақт давомида ўтира олишларидан, баъзи ўйинларни зерикмай соатлаб ўйнай олишларидан, таълимий машғулотларда чидам билан ўтира олишларидан билишимиз мумкин.

Бола диққатини барқарорлаштириш усул ва воситалари

Боғча ёшдаги болалар диққатининг ривожланиши фақат боғчадаги шароитгагина эмас, балки кўп жиҳатдан оиладаги шароитга ҳам боғлиқдир. Шунинг учун ҳам болаларнинг диққати бир текисда ва бир даражада ривожланмайди. Айрим болалар оилада тегишли назорат остида бўлмаслиги, ёки ҳаддан ташқари эрка қилиб, талтайтириб юборилганлиги сабабли ўзларининг хатти-ҳаракатлари, ҳулқ-атворларини тартибга сололмайдилар. Бундай болалар ҳамма нарсаларга рухсатсиз тегаверадиган, бир жойда тиниб-тинчиб ўтира олмайдиган, тартибга чақирилганда гапга қулоқ солмайдиган бўладилар. Бундай болаларда диққат жуда беқарор бўлгани учун улар ҳеч бир нарса устида кунт билан машғул бўла олмайдилар. Диққатни бошқара билмаслик, яъни маълум муддат давомида бир нарсага йўналтира олмаслик машғулотларда интизом бузиш ва бошқаларга ҳалақит беришга олиб келади. Ана шунинг учун тарбиячилар бундай болаларга нисбатан индивидуал муносабатда бўлишлари (ҳар хил масъулятли топшириқлар бериш ва ҳоказо), уларда диққатнинг кучини ҳар онда барқарорлик хусусиятини тарбиялаб боришлари зарур. Боғча ёшида болаларда аввалги даврларга нисбатан диққатнинг кўлами (ҳажми) ҳам анча кенгайди. Болалар диққатининг кўлами катта одамларникига нисбатан ҳали ҳам жуда тор бўлади. Масалан, катта одамлар диққатининг кўлами айни вақтда 5-6 нарсани (бир-бири билан боғланмаган ҳарфларни ёки рақамларни) сиғдира олса, боғча ёшидаги болалар диққатининг қолами айни бир вақтда 1-2 нарсанигина (кичик гуруҳ болалари 1 та, ўрта ва катта гуруҳ болаиари 2 та) сиғдира олади. Кичик гуруҳ болалари диққатларини иккита нарсага бўлишга ҳаракат қилсалар ҳам, аммо бунинг уддасидан чиқа олмайдилар, Масалан, 3 ёшли болага бир пиёла сув олиб келиш буюрилса, у албатта сувни тўкиб сочиб олиб келади. Бу унинг уқувсизлиги, бўшанглигидан эмас, балки олз диққатини айни бир вақтда иккита нарсага бўла олмаслигидандир. Бола ўзининг диққатини юриб келиш билан пиёладаги сувни тўкмай, чайқалтирмай олиб келишга бўла олмайди. Шунинг учун бундай ҳолларда болаларни қойиш ярамайди.

Диққат кўламининг кенглиги аниқ идрок қилиш билан боғлиқ бўлган хусусиятдир. Бу хусусият айниқса бола диққатининг кўлами ўқиш фаолияти учун зарур. Шунинг учун боланинг боғча ёшидаги даврида барча имкониятлардан кенг фойдаланиб, диққатнинг бу хусусиятини ривожлантиришга жиддий аҳамият бериш лозим. Бунда асосан, экскурсиялар, инсценировкалар, ҳар соҳага доир расмлар билан ўтказиладиган суҳбатлар катта рол ўйнайди. Мактабдаги талим жараёни учун зарур бўлган ихтиёрий диққат боғчада дидактик машғулотлар, ҳикоялар ўқиб бериш давомида ривожлантирилади.

Боғча ёшидаги болаларнинг диққати кўпинча кўлами қизиқиши ҳамда ҳиссиётлари билан боғлиқлиги сабабли концентрлашган, яъни бир нарсага қаратилган бўлади. Ана шунинг учун бу ёшдаги бола диққатининг бўлинувчанлик хусусияти деярли ривожланмаган бўлади. Боғча ёшидаги болалар диққати бўлинувчанлик хусусиятининг заифлиги ва кўламининг торлиги сабабли улар айрим нарсаларни қайта-қайта идрок қилиб, эсларида олиб қолишга интиладилар. Масалан, боғча ёшидаги болалар, одатда, бир ҳикояни қайта-қайта эшита берадилар. Бу ҳодисанинг сабаби шундаки, болалар диққатининг кўлами ҳикоянинг сюжетини ва персонажларини бирданига сиғдира олмайди. Шунинг учун улар ҳикоя ва эртақларни қайта-қайта айлантириб эшита берадилар.

Шундай қилиб, боланинг боғчагача ва боғча ёшидаги даврида диққат анча тез ривожланади. Бу даврда асосан диққатнинг ихтиёрсиз тури кўпроқ ривожланади. Лекин боланинг боғча ёшидаги фаолият ва хусусан дидактик ҳамда меҳнат машғулотларининг тизимли тарзда ортиб бориши, уларда ихтиёрий диққатнинг ривожланишига олиб келади. Маълумки, мактабдаги таълим жараёни ихтиёрий диққатсиз бир қадам ҳам силжий олмайди. Шунинг учун боғчада турли мажбурий машғулотлар орқали болаларда ихтиёрий диққат ва диққатнинг асосий хусусиятларини ривожлантиришга ҳаракат қилиш керак. Диққатнинг бундан кейинги тараққиёти мактабда таълим жараёнида амалга оширилади.

Боғча ёшидаги болаларда хотиранинг ривожланиши.

Одамнинг бутун ақлий тараққиёти асосан хотиранинг тараққиётидан иборат экан, хотира бола ҳаётининг дастлабки кунларидан бошлабоқ ривожлана бошлайди. Болада хотиранинг дастлабки аломатлари яқин атрофидаги одамларни ва нарсаларни танишида кўрина бошлайди. Буни биз бола ўзига таниш бўлган нарсани кўрганида қиладиган ҳаракатлардан билишимиз мумкин. Масалан, бола ўзига яқин одамларни кўрганида унга талпинади ё нотаниш одамдан ётсирайди. Кичик ёшли болаларда таниб олиш қобилиятининг борлиги, идрок қилган нарса ва ҳодисаларини эсда олиб қолиш имконини беради.

Ёшига тўлгач, болада хотиранинг мураккаб турлари, яъни эслаш вужудга кела бошлайди, Болалар бу даврдан бошлаб илгари идрок қилган нарса ва ҳодисаларни эслай оладиган бўладилар. Бунда болалар тасаввурларининг роли ниҳоятда каттадир. Тасаввурлари туфайли болалар ўтган нарсаларни бемалол эслай оладилар, масалан, болага кўз ўнгида бўлмаган нарсанинг номини айтсангиз, у кўзлари билан чор атрофга қараб шу нарсани излай бошлайди.

Бола хотирасининг ривожланишида нутқининг ўсиши жуда катта аҳамиятга эга. Бу даврда бола нарса ва ҳодисаларни фақат бевосита кўриш орқали эмас, балки шу нарса ва ҳодисаларнинг номлари орқали ҳам идрок қила оладиган бўлади. Бундан ташқари улар катталардан сўраб билиб олиш, эшитиш орқали ҳам ўз хотираларини бойитадилар.

Илк болалик давридаги болаларда хотиранинг барча жараёнлари кўрина бошлайди. Масалан, кичик ёшдаги бола даставвал механик равишда, яъни маъносига тушунмасдан эсда олиб қолаверади. Бунинг ўзига хос жиҳати бор, албатта. Биринчидан, юқорида айтиб ўтганимиз каби болаларда турмуш тажрибаси жуда оз бўлади, улар кўп номларни ҳали мутлақо билмайдилар, лекин ҳаётда тўқнаш келганлари сабабли эсларида олиб қоладилар. Иккинчидан, болалар асаб тизимининг пластиклиги, яъни жуда эгилювчанлиги катталарникидан ҳам устунроқ бўлади. Ана шу сабабли болаларга механик эсда олиб қолиш ҳеч қандай қийинчилик туғдирмайди.

Болаларда маъносига тушуниб эсда олиб қолиш ҳам жуда эрта ривожлана бошлайди. Масалан, илк болалик давридаги болалар ўзлари ёқтирган ҳикояларнинг айрим қаҳрамонларини яхши кўрадилар, баъзиларини эса ёмон кўрадилар. Умуман, ҳикояларнинг мазмуни болаларга таъсир қилиб, уларда маълум туйғу-ҳиссиётларни уйғотади, бу эса болалар ҳикоянинг мазмунини тушунаётганликларидан дарак беради.

Илк болалик давридаги болаларда дастлаб ихтиёрсиз эсда олиб қолиш ва ихтиёрсиз эсга тушириш вужудга келади. Улар ўзларини бирон жиҳатдан қизиқтирган, диққатларини ўзига тортган нарса ва ҳодисаларни беихтиёр равишда эсларида олиб қоладилар. Бирон нарсани эслаш, эсига тушириш ассоциация тарзида намоён бўлади. Уларни ўзлари атайлаб эсга туширмайдилар. ўйин фаолиятида бирон нарсани эслаш лозим болиб қолганда, ассоциация тариқасида бошқа шунга ўхшаш нарсалар ҳам беихтиёр эсларига тушаверади.

Боғча ёшидаги болалар (хусусан кичик гуруҳ болалари) ўзларининг фаолиятлари учун қандайдир аҳамиятга эга бўлган, уларда кучли таассурот қолдирган ва уларни қизиқтирган нарсаларни беихтиёр эсларида олиб қолаверадилар. Улар бирор нарсани эсларида олиб қолишни ўз олдларига мақсад қилиб қўймайдилар ва ҳали мақсад қўйишни урдасидан ҳам чиқа олмайдилар.

Боғча ёшидаги болаларда асосан ихтиёрсиз эсда олиб қолишнинг ҳукмрон болиши тасодифий бир ҳол эмас. Бунинг ўз сабаблари бор. Ҳар бир тарбиячи-педагог болалар хотирасига доир хусусиятларни яхши билиши керак. Ана шунда болалар хотирасини тўғри ривожлантириш мумкин. Боғча ёшидаги болалар хотирасининг катта одамлар хотирасидан кескин фарқи, аввало, улар олий нерв фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқдир. Бир қатор психологлар томонидан ўтказилган илмий текшириш ишлари натижаларининг кўрсатишича, боғча ёшидаги болалар олий нерв фаолияти қуйидаги хусусиятларга эга.

Биринчидан, боғча ёшидаги болаларнинг нерв системаси худди илк болалик давридаги болалар нерв системаси каби жуда пластик характерга эгадир, яъни уларнинг нерв системалари ҳаддан ташқари эгилувчан, таъсиротга берилувчандир. Шиминг учун ҳам бу ёшдаги болаларда вақтли боғланишлар (ассоцициялар) жуда осонлик билан ҳосил бослади. Болалар нерв системасининг хусусияти уларнинг эсда олиб қолиш қобилиятларига ҳам таъсир этмай қолмайди. Шу сабабли боғча ёшидаги болалар ашула, ритмли шеър, кизиқарли ва чуқур таъсир этадиган нарсаларни беихтиёр ҳамда жуда тез эсларида олиб қолаверадилар.

Иккинчидан, боғча ёшидаги болалар нерв системаси енгил қўзғалувчан бўлиши билан бирга юзага келадиган вақтли боғланишлар (ассоциациялар) жуда беқарор бўлади, яъни мустақкам бўлмайди. Шунинг учун бу ёшдаги болалар томонидан идрок қилинган турли нарса ва ҳодисалар уларнинг хотираларида узоқ вақт сақланиб қолмайди. Улар тез эслаб қолишлари билан бирга тез унутиб ҳам юборадилар. Кўпинча нарса ва ҳодисаларнинг боғча ёшидаги болалар хотираларида мустақкам сақланиб қолиши шу нарса ва ҳодисаларнинг болага қанчалик эмоционал таъсир қилишига боғлиқ бўлади.

Учинчидан, боғча ёшидаги болалар нерв системасида қўзғалиш жараёнига нисбатан тормозланиш жараёни анча суст бўлганлиги туфайли улар ўхшаш ва бирданига, яъни бир вақтнинг ўзида жуда кўп идрок қилинган нарсаларнинг фарқини яхши ажрата олмайдилар. Шунинг учун улар бирданига идрок қилган жуда кўп нарсаларни бир-бири билан аралаштириб юборадилар. Агар боғча ёшидаги боладан кечаги байрам куни болган, яъни идрок қилган нарсаларини бир бошдан сўзлаб бериш илтимос қилинса, у маъноли ва системали қилиб сўзлаб беролмайди. Бола бундай ҳолда гапни тасодифий эсига тушиб қолган нарсалардан бошлаб кетаверади. Чунки бирданига кўрган жуда кўп нарсаларини бола тамоман аралаштириб юборган бўлади.

Бола эсида олиб қолган нарсаларида ҳали система йўқ, шунинг учун бола даставвал чуқур таассурот қолдирган, яъни эсида чуқур ўрнашиб қолган нарсалардан бошлаб гапираверади. Демак, бундан шундай хулоса чиқариш мумкин: агар боғча ёшидаги болага бир вақтнинг ўзида ҳаддан ташқари кўп нарсалар кўрсатилса, улар ҳамма нарсаларни бир-бири билан аралаштириб юборадилар ва биронтасини ҳам пухтароқ эсда олиб қолмайдилар.

Ўтказилган тажрибаларнинг кўрсатишича, кичик боғча ёшидаги болаларга нисбатан ўрта ва катта ёшдаги боғча болаларида ихтиёрсиз ва механик равишда эсда олиб қолиш ҳамда эсга тушириш қобилияти бироз сусаяди. Аммо бундан, болалар улғайган сари уларнинг хотираси кучсизланади, деган хулоса келиб чиқмайди. Бу ерда гап шундаки, болалар ўсиб, турмуш тажрибаси ортган ва нутқи ўсган сари улар нарса ва ҳодисалар сурункасига, яъни тўғри келганича эмас, балки танлаб, яъни ўзларига кераклигини эсда олиб қоладиган бўла бошлайдилар.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, кейинги йиллар мобайнида боғча ёшидаги болаларда мантиқий, яъни маъносига тушуниб эсда олиб қолишга нисбатан механик эсда олиб қолиш устун бўлади, деган фикр мавжуд болиб, шу билан бирга механик эсда олиб қолиш мантиқий эсда олиб қолишга қарама-қарши қўйилар эди. Сўнгги йилларда ўтказилган экспериментал текширишлар натижаларининг кўрсатишича, боғча ёшидаги болаларда ҳам нарса ва сўзларнинг маъносига тушуниб эслаб қолиш катта ўрин тутди. Лекин боғча ёшидаги болаларнинг мантиқий эсда қолдиришлари уларга тўла тушуниладиган материал берилганда яққол кўринади.

Боғча ёшидаги кичик болаларда кўпроқ образли хотира ривожланган бўлади. Шунинг учун улар эшитган нарсаларига нисбатан кўрган нарсаларни яхши эсларида олиб қоладилар. Унинг асосий сабаби, биринчидан, боғча ёшидаги болаларнинг идроклари конкрет образли характерга эга. Иккинчидан, уларда ҳали нутқ, тўла-тўқис шаклланмаган.

Болалар юқори гуруҳларда нутқни анчагина эгаллаб олганларидан кейингина сўз билан ифодалаб олинган нарсаларни эсда яхши олиб қоладиган бўладилар. Болалар жуда кўп нарсаларни асосан турли ўйин фаолиятлари давомида эсларида олиб қоладилар. Шунинг учун уларнинг эсда олиб қолишлари кўпинча эпизодик ва тасодифий характерга эга бўлади,

бу эса эсларида олиб қолинган нарсаларни маълум бир системага солишни қийинлаштиради. Шу туфайли болаларнинг хотираларидаги нарсалар тартибсиз, бир-бири билан аралашиб кетади. Натижада бирон нарсани эсга туширишлари қийин бўлади, Боғча ёшидаги болалар хотирасига хос бўлган тартибсизликни йўқотиш ва хотирасини ўстириш жуда кўп жиҳатдан тарбиячиларга боғлиқдир. Тарбиячи болаларни эсда олиб қолишлари лозим бўлган материални уларнинг ёш хусусиятларига мос қилиб танлаши керак. Болалар хотирасини машқ қилдиришда турли мазмунли ўйинлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Умуман, боланинг материални эсда олиб қолишини ва қайта эсга туширишини тарбиячи доимо бошқариб бориши зарур. Чунки боғча ёшидаги бола хотирасининг барча типлари ўса бошлайди. Бироқ шу нарса характерлики, хотиранинг асосий турлари орасида (масалан, образли, механик, матникий каби) ҳаракат хотираси нисбатан кучлироқ ривожланади. Шунинг учун ҳам турли ҳаракатларни ҳамда мусиқа оҳангида ўйнашни бу ёшдаги болалар осонлик билан ўзлаштирадилар. Механик тарзда ўзлаштириладиган нутқ материални ҳам қисман ҳаракат хотирасига киритади. Шу сабабли боғча ёшидаги болалар тез айтиладиган турли ритмдаги шеърларни бир-икки қайтаришдаёқ ёдлаб оладилар. Масалан, бекинмачоқ ўйинини ўйнаш олдидан айтиладиган "санашлар". Бекинмачоқ ўйинини ўйнашларида ҳеч қандай маъно йўқ, лекин жуда ифодали ва жарангли ритмика бор.

Боғча ёшидаги болаларда эмоционал хотира яхши болса ҳам, лекин хотиранинг бу тури болаларга нисбатан катта одамларда кучлироқ бўлади. Катта одамлар кучли эмоционал таъсир қилган баъзи нарса ва ҳодисаларни ҳеч вақт эсларидан чиқармайдилар. Боғча ёшидаги болалар эса кучли эмоционал таъсир қилган нарсаларни ҳам баъзан эсларидан чиқариб қўйишлари мумкин. Болалар хотирасини ўстиришда тарбиячи ва ота-оналарнинг нутқи ҳам ниҳоятда катта рол ўйнайди. Бола билан гаплашганда нутқ содда, талаффуз аниқ ва тушунарли бўлиши керак. Хотиранинг тараққиёти боланинг боғча ёши даврида тугалланмай, боланинг бундан ўсиб боради.

Боғча ёши боларининг тафаккури.

Тафаккур ҳам бошқа психик процесслар каби болаларда ёшлигидан бошлаб тараққий эта бошлайди.

Бола туғилишиданоқ тафаккур қилиш имкониятига эга бўлмайди. Айрим олимлар бола тафаккурини маймун тафаккурига ўхшатадилар психологларнинг маймун тафаккури ҳақидаги назарияси ҳақиқатга тўғри келмайди. Бола туғилиши билан инсондир, у инсонлар жамиятида яшайди, инсонлар билан муносабатда бўлади, уларнинг таъсирида ўсади. Бола тафаккури аввал бошдан инсон тафаккуридир. Боладаги тафаккур аста секинлик билан, билимли ва тажрибани ортиши, яшаш шароити ва оладиган таълим – тарбиясининг таъсири остида ўсиб оради. Бола дастлаб ташқи оламни ва уйдаги нарсаларни сезиш, идрок қилиш орқалигина билиб олади.

Бола аста секин ёши орта борган сайин нарсалар ўртасидаги ўхшашлик томонларини пайқай бошлайди, сўнгра ўхшаш нарсаларни умумлаштиради. Масалан: 6 – 7 ойлик бола ёлғиз қолган пайтида стол олдига эмаклаб келиб, дастурхонни тортиб ўзига керакли нарсани олади, сўнгра кроватни олдига бориб худди шундай йўл билан чойшаб ёки одеялни тортиб олади.

Ясли ёшидаги болаларнинг тафаккур стихияли эмас, балки катталарнинг раҳбарлигида ривожланади.

Болалар катталар ёрдамида инсоният ёрдамида яратилган билим ва тушунчаларни эгаллаб оладилар. Болаларда тафаккур 1 ёшга тўлгандан сўнг намоён бўла бошлайди. 1 ёшдан ошиб тили чиққач ўзига яқин нарсаларнинг нима учун кераклигини тушунадиган бўлиб олади. 2 ёшли бола тафаккурининг энг кўзга ташланган хусусияти, улар анализ қилиши ва умумлаштириши.

Бу ёшдаги болалар идрок қилаётган нарсаларни акс эттира олмайди.

Шунинг учун нарсаларни умумлаштириганда кўзга ташланиб турган ташқи белгиларга асосланади. Масалан: 1,5 ёшли бола олмани, коптокни, юмалоқ шарни умумлаштириб олма – дейди.

Тафаккур боланинг боғча ёшидаги даврида жуда тез ривожлана бошлайди. Бунинг сабаби, 1 дан боғча ёшидаги болаларда турмуш тажрибасининг анчагина кўпайиши, 2 дан бу даврда нутқнинг яхши ўсган бўлиши, 3 боғча ёшидаги болаларнинг жуда кўп эркин ва мустақил қилиш имкониятларига эга бўлишларидир. Болалар тафаккурининг ўсишида нутқнинг роли жуда катта. Чунки тафаккур нутқ воситаси билан амалга оширилади. Нутқи бор одамда сўзлар воситаси тафаккур бўлмайди. Тафаккурнинг реаллиги нутқда кўринади. Болалар атрофларидаги турли – туман нарса ва ҳодисаларнинг номларини билиб олганларидан сўнг аста – секин уларни умумлаштирадиган бўлади. Оилада боғчадаги катта одамларнинг болалар билан муомалалари орқали болалар фақат айрим тушунчаларнигина эмас, балки тайёр ҳолда берилган мантиқий нутқ формаларни тез ўзлаштириб оладилар. Боғча ёшига етган боланинг сўз запаси тезлик билан орта бошлайди.

Боғча ёши даврида боланинг нутқи фақат миқдор жиҳатдан эмас, бола сифат жиҳатидан ҳам такомиллашади. (р, л, и, ш, з) товушларни талаффуз қиладиган бўладилар.

Бола нутқининг тобора такомиллашиб, бориши, унинг тафаккурининг ўсиши билан чамбарчас боғлиқ. Бизга маълумки, боғчанинг кичик гуруҳ болаларида конкрет тафаккур хукмрон бўлади. Аста – секин унинг тафаккури мантиқий тафаккурга айлана бошлайди. Бунинг учун эса биринчи навбатда етарли даражада сўз запаси талаб этилади.

Бола сўз туркумларидан отни, феълни, сифатни ва олмошларни ўзлаштириб олади. Бу ўз навбатида болани фикр юритишига таъсир этади. Масалан: 3 ёшли болага кўғирчоқ ва қаламни кўрсатиб, бу нима? – деб сўралса, бола “бу кўғирчоқ, бу қалам” – деб номини айтади, 5 ёшли бола – “бу қалам, у қора, қизил” кўғирчоқни ўйнайди – дейди: 6 ёшли бола эса, “қаламда ёзади, унинг бўйи узун, ранги қора”, “кўғирчоқни ўйнайди, унинг боши, кўллари, оёқлари ва сочлари бор” – деб жавоб беради.

Боғ ёши даврида эркин ҳаракат қилиш майдони ясли ёшидаги даврга нисбатан жуда ҳам кенгайиб кетади. Бу эса болаларга жуда кўп нарсалар билан танишиш имкониятини беради.

Боғча ёшидаги болалар ўзларининг мустақил анализ қилиш ва умумлаштириш каби фикр қилиш процессларини вужудга келтиради ва таққослаштиради. Бола ўзининг тажрибасида анча нарсани билиб олганидан сўнг, нарсаларнинг ички хусусиятлари билан ҳам қизиқа бошлайдилар.

Шунинг учун уларда (бу нима? Нега бунақа? Нимага керак?) каби саволлар пайдо бўлади. Одатда, ҳар қандай тафаккур процесси бирор нарсага тушуна олмаслик, бирор нарсдан тажжубланиш хайрон қолиш ва натижада турли саволларнинг туғилиши туфайли пайдо бўлади.

Бола асосан ўзларининг турмуш тажрибалари доирасидаги нарса ва ҳодисалар ҳақида фикр юритадилар.

Шунинг учун улар жуда қизиқ савол берадилар.

Масалан: булутлар нега юради?

Юлдузлар нечта?

Қорбобо одамми?

Электр токи қаердан келади?

Симга қўнган чумчуқларни ток урмайдими?

Нега ёмғир ёғади?

Нега қор оқ бўлади?

Юқорида келтирилган саволлардан кўриниб турибдики, болалар ҳар соҳага доир саволлар берар эканлар уларнинг саволларини жуда қизиқ бўлишини бир нечта сабаблари бор:

1). Болалар теварак атрофдаги нарса ва ҳодисаларни қандай бўлса шундайлигича, яъни яхлит ҳолда акс эттирадилар:

2). Уларда нарса ва ҳодисаларни чуқур анализ ва синтез қилиш хусусияти ўсмаган бўлади:

3). Уларда табиат ва жамият ҳодисаларига доир илмий тушунчалар ҳали таркиб топмаган:

4). Уларнинг турмуш тажрибалари оз бўлади. Шунинг учун улар билишга интилиб саволлар бераверадилар.

Уларнинг бу саволларига аҳамият билан қараш керак. Болалар ўз саволига жавоб топа олмаса ёки катталар унинг саволига аҳамият бермасалар, боладаги қизиқувчанлик, синчковлик сусаяди. Жуда кўп ота – оналар ва тарбиячилар болалар ортиқроқ савол бериб юборсалар “кўп маҳмадона бўлма!” “Сен бундай гапларни қаердан ўргандинг?” деб жеркиб берадилар. Натижада бола ўксиниб, ўз билганича тушунишга ҳаракат қилади. У албатта кўп нарсаларни хато тушунади ва бу тушуниш жуда узоқ вақтгача сақланиб қолади.

Масалан: 6 ёшли болалар эндиликда ҳодисаларни сабабини изоҳлашаг уринадилар.

Юра исмли бола “менчи, юлдузлар нимадан пайдо бўлганини биламан – осмонда катта тешик – тешик тўр бор. Тўр устида катта гулхан ёниб туради. Тўрнинг тешикларидан юлдузлар кўриниб туради” – деб ўзича тушунишга ҳаракат қилади.

Тўғри, боланинг бундай саволларига жавоб бериш қийин, чунки улар ўзлари ҳали мутлақо тушунмайдиган нарса ва ҳодисалари ҳақида савол берадилар. Лекин тарбиячи боланинг ёшига мос қилиб, яхшилаб тушунтириб бериши зарур. Масалан: “Ёмғир қаердан ёғади?” деган саволга 6 ёшли бола: “Ёмғир осмонда яшайди, унинг уйи булутлардан ҳам баландда. Булутлар очилиб кетганда, ёмғир йиқилиб кетади” деб тушунтиради. Шундай пайтда тарбиячи совуқ ойнага иссиқ пар билан таъсир қилганда сув заррачаларининг юзага келишини мисол қилиб кўрсатиб, боладаги афсонавий тушунчасини йўқотиб, илмий тушунчани, ёмғирнинг юзага келишини содда ва тушунарли қилиб тушунтириши зарур.

Маълумки, айрим болалар ҳаддан ташқарикўп саволлар берадилар, бошқа бир болалар эса деярли ҳеч бир савол бермайдилар.

Болалар ҳар соҳага доир жуда кўп савол бериши ижобий характерга эга бўлиб, боланинг қизиқувчанлиги, активлиги ва мустақиллигидан дарак беради.

Одатда жуда пассив ва тортинчоқ болалар ҳеч бир савол бермайдилар.

Бундай болаларга турли машғулотлардан, экскурсиялар пайтида тарбиячининг ўзи савол бериши ва шу билан уларни активлаштириши лозим.

Боғча ёши даврига келиб болада тафаккур турлари ҳам тараққий эта бошлайди. Боғчанинг кичик гуруҳларида (3-4) боланинг тафаккури – кўргазмали ҳаракат тафаккуридан иборат бўлади. Бола билаётган объектларни ўз қўллари билан тимирскилаб, “амалий ҳаракат” орқали бўлакларга ажратиб куради, идрок қилаётган нарсаларни бирлаштиради, солиштиради ва таққослайди, анализ, синтез қилади. Масалан: бола ўз ўйинчоғини “ичида нима борлигини” билиш мақсадида бўлак – бўлак қилиб синдириб, уни анализ қилади: кубиклардан “уй” ясаб синтез қилади. Боғча ёши болаларида кўргазмали, образли – тафаккур хукмрон бўлади.

Болалар фақат ўзлари идрок қилган ва тасаввур қилиши мумкин бўлган тўғрисидагина тушунчаларга эга бўладилар. Бу ёшдаги болалар конкрет нарсалар тўғрисидагина фикр юрита оладилар. Шунинг учун ҳам уларда мавҳум тафаккур бўлмайди. Бола ўзининг фикр юритишидан конкрет фактларда асосланганлиги учун, у нарсаларнинг рангига алоҳида эътибор беради. Масалан: ўтказилган тажрибалар шунпи кўрсатадики, болаларга “Қизил шапкача” эртагини ўқиб берилгандан сўнг, улардан тарбиячи: “болалар, қизил шапкача чўғдек қизил ва хаво ранг шапкача кийиб олган эдида?” деб сўраганида, болалар: “йўқ, йўқ хаво ранг кўйлакда ва қизил шапкачада эди” – деб эътироз билдиришади. Бу мисолдан кўриниб турибдики, боланинг тафаккури конкрет, кўргазмали образли характерга эга экан. Шунинг учун тарбиячилар буни ҳисобга олган ҳолда таълимий машғулотларни доимо кўргазмали асосда ўтказишлари зарур.

Боғча ёши болаларида мантиқий тафаккур ҳам ўса боради. Айрим ғарб олимлари болаларда 7 ёшгача мантиқий фикр юритишга мутлақо қодир эмаслар” – деб

таъкидлайдилар. Шунинг учун улар болалар тафаккуридан ривожлантириш устида ишлашнинг ҳеч кераги йўқ деб да\во қиладилар. Бу фикрлар мутлақо нотўғри чунки бола ўзининг ўткир ва аниқ мулоҳазалари билан катталарни хайратда қолдиради. Бундан ташқари бола ўзи тушуна оладиган материаллар доирасида тўғрини нотўғридан фарқ қилади, у ўзи идрок қилаётган сўзларнинг реал воқеликка мофиқ келиши келмаслигини айтиб бера олади: масалан: 5 ёли қиз сувратга тушиб туриб, бундай дейди: “Ўрмондан арча олиб келишяпти, нега арчада юлдуз бор: юлдуз арчага уйда тақилладику? Ёки яна бир мисол: Отаси қизига поезднинг сувратини чизиб берди. Вагоннинг эшигини суръатини чизди-ю, аммо зинанинг сувратини солмади. Қиз отасидан сўради: “Вагоннинг зинаси қани?” – “Нариги томонда” – “ундоқ бўлса нега бу ерда эшиги бор?” бу мисоллардан ҳам кўриниб турибдики, бола мантикий фикр юритиб, тўғрини нотўғридан ажрата олар экан. Бола эндиликда боғча ёшига етганда мантикий тафаккурнинг формалари – ҳукм ва хулоса чиқаришнинг асосий турларини ўзлаштириб оладилар. Боғча ёшидаги боланинг тафаккурида бошқа кишилардан тайёр олади. Бу ёшдаги болаларда ҳали мантикий тафаккур ўсмаганлиги учун, улар катталарнинг фикрини чин деб қабул қиладилар ва “Ойим шундай деган эди” – важни келтирадилар. Боғча ёшидаги болаларнинг тафаккури чекланмаган бўлганлиги учун, улар асосан ўз турмуш тажрибаларини умумлаштириб, нарса ва ҳодисалар тўғрисида нотўғри ҳукм ва хулосалар чиқарадилар. Масалан: 6 ёшли қизчадан: “Нима учун тарелкадаги нонни столнинг утига қўйилади” – деб сўралганда – “тарелка ерга тушиб кетмаслиги учунда!” – деб жавоб берган. Боғча ёшидаги болаларнинг тафаккурлари уларнинг идрокига бевосита бўйсинган бўлади, шунинг учун болалар фазода ортиқроқ ўрин эгаллаган нарсани каттароқ бўлади, деб нотўғри хулоса чиқарадилар. Масалан: Француз психолог Ж. Пиаже қўйидаги тажрибани ўтказди. Болаларга ҳамирдан қилинган мутлақо бир хил ва хажм жиҳатдан барабар соққаларни кўрсатади. Ҳар бир бола диққат билан қараб, соққаларни, ўзаро бир – бирига тенг деб айтади.

Шунинг учун болаларнинг кўзлари олдида соққанинг биттасини эзиб, нон шаклидаги ҳамир стол устида кўпроқ жой эгаллаб турганини дарҳол кўрадилар ва соққага қараганда нон шаклидаги ҳамир кўпроқ деган хулосага келадилар. Боғча ёшининг катта гуруҳларига келиб, болалар нарса ва ҳодисалар ўртасида сабабларни тушуна бошлаганларидан сўнг, шу ҳодисалар ҳақида мулоҳаза юритиб, индуктив ва дедуктив йўллар билан тўғри хулосалар чиқара бошлайдилар. Масалан: “Темир оғир нарса бўлгани учун сувда чўқади, ёғоч енгил бўлгани учун у оқади”, “уруғни ерга экса, кўкариб чиқади” – деган хулосалар чиқадилар. Бу ёшдаги болалар ўзларининг тафаккур жараёнларида илгари идрок қилган нарсаларига таяниб ҳам хулоса чиқарадилар. Масалан: 6 ёшли боладан: “Ёнғоқ сувда чўқадими ёки оқадими?” – деб сўралганда у “оқади” деб жавоб берган, боланинг тўғри жавоб берганлигини сабаби, у ўзининг тажрибасида ёнғоқнинг сувга ташлаб кўрган. Болалар жуда қизиқувчан бўлганликлари сабабли ўз мулоҳазаларида аниқ хулосалар чиқара бошлайдилар. Масалан: Гулнора (5 ёш 8 ой) “Отам узоқ муддатли командировкага кетди” – деб айтади. “Сен қаердан биласан” – деб сўрашса, “Отам катта чамадонни олди” – деб жавоб берган. (ҳақиқатдан ҳам отаси қисқа муддатли командировкага кетса одатда кичик чамадонни олади). Боғча ёши даврига келиб, боланинг тушунчалари конкрет ва сермазмун бўла боради. Эндиликда боланинг тушунчалари ясли ёшидаги болалар тушунчасида сермазмун бўлади, яъни боғча болалари тушунчасида нарсаларнинг белгилари кўпроқ акс этган бўлади. Одатда улар нарсаларнинг истемол қилишини ва нима учун кераклигини шу нарсанинг энг муҳим белгиси деб билади. Масалан: “Пиёла нимага керак?” “пиёлада чой ичилади”, “Ўт нимага керак?” “Ўтни сугир ва қўй ейди”. “сугир қандай хайвон?” “Сугир сут берадиган хайвон”. “От қандай хайвон?” “от миниладиган хайвон”. Боғча ёши болаларининг тушунчалари конкрет бўлади., обстракт тушунчалар бўлмайди, болалар фақат ўзи идрок қилган ва ўзи тасаввур қилиши мумкин бўлган нарсалар тўғрисидагина тушунчаларга эга бўладилар. Масалан: бу ёшдаги болалар яхши буви тўғрисида, чиройли гул тўғрисида, бир – бирига тенг кубиклар тўғрисида фикр юритиши мумкин, лекин улар яхшилик, гўзаллик, тенглик тўғрисида фикр қила олмайдилар. Демак, бу ёшдаги тушунчалари конкрет бўлар экан. Шунинг учун улар обстракт тусда берилган оддий вазифаларни ҳал қила олмайдилар. Боғча

ёшига келиб, болаларнинг фикрлаш (процеслари) қобилиятлари ҳам такомиллашиб боради. Бола энди нарса ва ҳодисаларни анализ ва синтез, нарсаларни муҳим белгиларига қараб умумлаштиради. Бир – бирига таққолаб ўхшаш ва фарқ томонларини аниқлай бошлайди. Масалан: Болага кўғирчоқни кўрсатсак, у шундай анализ қилади. “Бу кўғирчоқ, унинг иккита кўзи, иккита қўли ва оёғи, бор: кўзлари қора рангда. Қуйидаги ҳам чиройли экан, манга ёқди” – дейди. Боладарда нарсаларни муҳим белгиларига қараб умумлаштириш қобилияти ҳам юзага келади. Масалан: бола – “Олма, ўрик, нон, олча, узум, анор, беҳи, шафтолиларни” мева”. Деб атайди. Бола энди “мева” деган умумий тушунчалардан ўз нутқида эркин фойдалана олади. Шунингдек, бола нарсаларни бир – бирига таққолаб, ўхша ва фарқ томонларини ажрата бошлайди.

Масалан: “Квадрат ва тўртбурчакни таққолаб, квадрат ва тўртбурчакни тўрт томони бор, шунинг улар ўхшаш. Лекин фарқи шундаки, квадратни тўртгала томони ва тўрт бурчаги тенг, тўртбурчакнинг эса қарама – қарши томонлари тенг.” Боғча ёши даврида болалар оддий масалаларни ечиш ҳақида фикр юритишга ва у ҳақида сўзлаб беришга имкон беради. Тўрт беш ёшли бола масалани амалий ҳаракат билан ечади ва у ҳақида нутқи орқали сўзлаб беради. Масалан: 4 ёшли бола куч билан илиниб қолган, турбадан байроқчали таёқчани тортади, лекин чиқара олмайди. Шунда бола труба ичига юқоридан қараб таёқчани эҳтиёткорлик билан айлантиради ва байроқчани чиқариб олади. Масала ҳал этилди. Демак кичик гуруҳ болалари масалани амалий ҳаракат орқали ечадилар ва бажарилган ишга нутқлари билан якун ясадилар. 5 – 6 ёшли болалар олдига қўйилган масалани олдиндан ўйлаб, унинг режаини тузиб оладилар. Бу ички, овозсиз нутқ орқали амалга оширилади. Масалани оғзаки ечадилар: Масалан: “Дарахтга 7 та қушча қўниб турибди. Улардан иккитаси учиб кетди, дарахтда нечта қушча қолди?” Ҳозирги кунда халқимиз олдига ҳар томонлама гармоник ривожланган кишини тарбиялашдек муҳим вазифани қўйди. Мустақил давлат қурувчиси ақлий жиҳатдан етук бўлиши лозим, бу эса киши тафаккурини юксак даражада ўсган бўлишини талаб этади. Тафаккур эса маълумки, боланинг жуда ёшлигидан, яъни боғча ёши давридан ривожлантириб борилади. Шунинг учун ҳам бу даврда болани тафаккурини ўстиришга алоҳида эътибор бериш зарур. Бола тафаккурини ўстиришда турли хил таълимий машғулотларни роли катта. Машғулотлар бола ақлини ўстиришда, мустақил фикрлашга ўргатади. Боланинг тафаккурини ўстиришда биринчи навбатда тушунчалар ҳосил қилишдан бошланади. Дастлаб, боғчанинг кичик гуруҳларида болаларда конкрет тушунчалар ҳосил қилинади. Масалан: стол, кўғирчоқ, дарахт, тарелка, шунингдек яқка тушунчалар ҳам ҳосил қилинади. Масалан: Лекин бобомиз ҳақида. Боғчанинг катта гуруҳларига келиб болаларда умумий тушунчалар ҳосил қилинади. Масалан: “ўсимлик:”, “мева”, “транспорт”, “мебел” кабилар, бундан ташқари болаларда ҳосил бўлган абстракт тушунчаларни предметларга боғланган ҳолда конкретлаштириб борилади. болаларнинг фикр юритиш қобилиятлари боғчада ўтказиладиган таълимий машғулотлар, санок ва нутқ ўстириш машғулотлари ёрдамида ўстириб борилади. Масалан: кубиклардан уй қурилади, перамидани бўлақларга ажратади. Нрсаларнинг умумий белгиларига қараб бир гуруҳга киритади. Стол, диван, шакар, кроват, стулларнинг расмини тўплаб, бир гуруҳга киритади ва “мебал” деб атайди. Ёки пальто, кўйлак, жемфер, костьюм шимни бир гуруҳга киритиб, “кийимлар” дейди. Болалар умумий тушунчалардан (мебел, кийимлар) фойдалана оладиган бўладилар.

Тарбиячи болаларга турли расмлар солинган квадрат лотоларни ўйнатиш билан уларнинг умумлаштиришга ўргатиб бориш керак. Элементар математик тасаввурларни ўстириш машғулотлар ёрдамида болаларда таққолаш қобилияти ўстирилади: уларни хулосалар чиқаришга ва содда масалаларни ечишга ўргатиб борилади. Кубиклар доирачалар, квадратлар ва полоскалар ёрдамида болаларга нарсаларни таққослашга, ўхшатиш ва фарқ томонларини ажрата олишга, айрим нарсалардан гуруҳ тузиш ва гуруҳ орасидан биттасини ажратиб олишга нарсаларни бир неча тенг қисмга яъни 2 га ва 4 га бўлишга ўргатиш ва уларни таққослашаг ўргатиб бориш зарур.

Тайёрлов гуруҳларга борганда ўн ичида тартиб билан санашга ва оғзаки масалалар ечишга ўргатиш билан бола тафаккурини ўстириш мумкин.

Болалар тафаккури турли ҳил сайр ва экскурсиялар ёрдамида ҳам ўстириб борилади.

Экскурсиялар болаларда тафаккур процессини активлашга ва ривожлантиришга ёрдам беради.

Болалар экскурсия ва сайллар пайтида кузатувчанлиги ортади, улар турли нарсаларни таққослашга, анализ – синтез қилишга ўрганади. Масалан: бокқа экскурсияга чиққан болалар боғнинг бир чеккасида ер қовлаётган тошбақани оёқларини белкуракка ўхшатса, иккинчи бола экскаваторнинг қовушига ўхшатади. Бундай таққоловчи мулоҳазалар болалар тафаккурини ўстиришга актив таъсир этади.

Ҳар бир экскурсия маълум мақсадда ўтказилиши керак. Бизга маълумки, болалар жуда қизиқувчан бўладилар. Улар ҳодисаларнинг сабабини билишга, ҳамма нарсанинг сиридан хабардор бўлишга интилади. Бу уларнинг билиш процесси билан боғлиқ бўлган қизиқишларидир. Улуғ рус педагог К. Д. Ушинский айтганидек: “Қизиқиш – бу тўла фикрлашдир. Болалар тафаккурини ўстиришда ана шу қизиқишлардан ҳам фойдаланиш лозим, чунки қизиқиш боланинг билимларини чуқурлаштиради. Демак, боғча ёши даврида боланинг тафаккури тез суратлар билан ўсиб борар экан, уни янада тараққий эттириш ва ривожлантириш ҳозирги кунда болалар муассасалари олдида турган энг муҳим вазифалардан биридир. Дидактик ўйинлар ҳам тафаккурни ўстиради.

Боғча ёши болаларда нутқ тараққиёти.

Бола нутқни эгалаган ҳолда туғилмайди. Бола нутқининг тараққиёти унинг атрофидаги катта одамлар тилининг таъсири остида ривожланиб боради. Боланинг атрофидаги катта одамлар онаси, отаси, акаси, укаси каби қайси тилда гаплашсалар, бола ҳам шу тилни ўрганади. Нутқни эгаллашдек жуда ҳам қийин процессни бола қисқа муддат давомида урдасидан чиқа бошлайди. Янги туғилган болада нутқ бўлмасада уларда қандайдир овоз чиқариш, яъни йиғлаш хусусияти бўлиб, бу хусусият ташқи ва ички муҳитдан келадиган сигналларга очлик, ташналик боғлиқ бўлади. Ортиқча қаттиқ товушлар ҳам болани чўчитиб юборади. Бола 2 – 3 хафталик бўлгач, унда товушларга нисбатан элементар тарзда бўлса ҳам реакция юзага кела бошлайди. Ундай кейинги даврда эса, яъни бола 2 – 3 ойлик бўлгач товуш билан товуш чиқараётган манба ўртасида ассоциация майдонга келади. Бунда бола товуш эшитилаётган томонга қараб бошини бурадиган бўлади. Ясли ёшидаги болалар нутқининг ривожланишига катта таъсир қилувчи моментлардан бири атрофидаги катталарнинг нутқ орқали қиладиган муносабатларига ижобий қарашларидир. Болалар борган сари катта одамлар билан кўроқ муносабатга бўлишга интила бошлайди. Катта одамларнинг гапларига тақлид қиладиган бўлади. Ана шу тариқа секин – асталик билан боланинг тили чиқа бошлайди. Бола 6 ойлик бўлгач айрим товушларни бирлаштириб “ая”, “а – йя”, “да – да” каби сўзларни қайта – қайта айтадиган бўлади. Ўтказилган текширишларнинг кўрсатишича, болаларнинг сўзларини тушунишлари ҳар бир сўзни ифодалаб берувчи товушларнинг аниқ идрок қила олишларига эмас, балки товушларнинг интонацияларини пайқаб ола билишларига асосланади. Масалан: кичик ёшдаги болага “чапагига хо –хо чапагига” деб, чапак чалишга ўргатилади. Ана шу сўз айтилиши билан бола чапак чалаверади. Борди–ю ана шу сўзни бошқа сўз билан алмаштириб қўйсак бола пайқамайди. Болалар сўзларни ифодалавчи товушларни секин – асталик билан фарқлайдилар. Болалар биладиган сўзларни миқдори турли болаларда турлича бўлади. Бу ўринда шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, Ўзбекистондаги жуда кўп оилаларда катта одамлар икки тилда рус ва ўзбек гаплашадилар. Бу икки тиллик муҳит, албатта боланинг тили чиқишига салбий таъсир кўрсатади. Бола ҳар иккала тилни ҳам баробар эгаллай бошлайди ва қайси тилда гапиришни билмайди. Ана шунинг учун бола ёшлик чоғида ўз она тилини эгаллаши керак. Иккинчи тил она тили ўзлаштирилгандан сўнг эгаллай бошланса, яхши бўлади.

Болаларнинг нутқни эгаллашлари икки даврга ажратилади. Биринчи давр бир ёшдан бир ярим ёшгача давом этади. Бу даврда болалар йигирмата – ўттизгача сўзларни биладилар. Масалан: “ойи”, “ая”, “бобо”, “дада” каби. Ана шу сўзлар билан боғлиқ бўлган сўзларни ҳам

биладилар. Чунончи “ма”, “ол”, “бер” каби сўзлар. Бола одатда африм сўзларни узук – юлук, имо – ишора билан бир амаллаб айтиб беради. Бундай нутқни “ситуатив нутқ” деб аталади. Чунки бундай чала – чулпа нутқнинг маъносини болага энг яқин одамгина, яъни унинг онасси ёки дадасигина тушунтириб бера олади.

Бола нутқининг тараққиётидаги бу даврнинг характерли белгиси шундан иборатки, бола айтиб бера оладиган сўзлар миқдори жуда кам бўлади. Чунки унинг актив луғати жуда секинлик билан бойиб боради. Бола кишилар нутқини тушуниш қобилятининг ўчиши йўлидан боради. Бола ўзига қарата айтилган сўзларни яхшироқ тушунадиган бўлади, яъни унинг пассив луғати бойиб боради, лекин гапира олмайди, бошқаларнинг сўзларини куўпроқ эшитади ва нутқ материалларини сингдириб бориб шу материаллардан кейинчалик ўз нутқида фойдаланади. Мадомики, шундай экан педагог – тарбиячининг вазифаси болалар идрок қиладиган нутқ материалларининг мумкин қадар бой ранг – баранг ва тўғри бўлишга ғамхўрлик қилишдир.

Нутқнинг ўсишидаги иккинчи давр одатда бола бир ярим ёшга тўлгандан кейин бошланади. Бу давр асосан актив луғатнинг тез ўсиши билан характерланади. Бола айтадиган сўзларнинг миқдори бирданига ортиб кетади. Боланинг катта одамлар нутқида тақлид қилиши янги сўзларни билиб олишга жуда муҳим роль ўйнайди. Шуни айтиш керакки, бола дастлабки сўзларни ҳам тақлид қилиб ўрганади. Лекин энди тақлид характери кескин ўзгарди. Илгари бола кўп жиҳатдан кўр – кўрона, яъни онгсиз равишда тақлид қилар эди. Энди боланинг тақлиди активроқ ҳамда мустақкамроқ бўла боради. Илгари бола янги сўзни анчагина қийинлик билан ўзлаштирган бўлса, энди ўз луғатини осонлик билан бойитиб боради. Икки ёшга тўлиш олдида боланинг нутқи маъноли бўлиб боради. Илгари боланинг сўзлари асосан унинг эҳтиёжларини ифодалаган бўлса, энди нутқнинг ном бериши функцияси тобора кучайиб боради. Нарсаларнинг ўз номи борлигига бола тажрибада кўриб ишонади. Боланинг ўта синчковлиги “бу нима?” “номи нима?” деган саволларида яққол кўринади. Бундан ташқари боланинг миясида нарса билан унинг номи яъни сўз ўртасида янги ассоциациялар пайдо бўлади. Биринчи ва иккинчи сигналлар системаларининг ўзаро боғланишлари тобора мустақкамланиб боради боғчага тарбия ёшида бола нутқининг грамматик томони анча ўзгаради. Дастлабки пайтларда нарсаларнинг номини билдирадиган отлар кўпроқ ишлатилади. Бола икки ёшга тўлиш олдидан иш – характатнинг номини билдирувчи феълларни ҳам тўғри ишлата бошлайди. Икки ёшга тўлиб уч ёшга қадам кўйганида эса бола фазовий муносабатларни билдирадиган баъзи бир равишларни, масалан: “орқада”, “юқорида”, “пастда” деган сўзларни билиб ишлатадиган бўлади. Бола икки ёшга тўлганда тили анча роса чиқиб унинг нутқида бош ва эргаш гапдан тузилган дастлабки кўшма гаплар ҳам пайдо бўла бошлайди. Лекин боғчага тарбия ёшидаги болаларнинг гапларидаги сўзларнинг грамматик жиҳатидан боғланиши анча ноаниқ бўлади. Бироқ, грамматик формаларни шу тариқа билишга интилиш бола нутқининг ўсишида сифат жиҳатидан янги босқич ҳисобланади. Боғчагача тарбия ёшининг охиригача бориб теварак атрофдагиларнинг нутқини тобора мукамалроқ тушунадиган бўлади. Катта ёшли кишиларнинг айтиб берган ҳикояларини кичик шеърларни, ашула ва эртақларни жон – дили билан тинглайдилар. Бола ўзига берилган саволларни тушуниб, уларга жавоб беради. Боланинг ўзи ҳам катталарга тобора кўпроқ савол берадиган бўлади. Шундай қилиб катталарнинг маъқуллаши, мақташи, қойиши ва тақиклашига тўғри муносабатда бўла бошлайди. Бола боғча ёшига етгач, сўз бойлигининг анча ортиши билан бирга айрим жумлаларни грамматик жиҳатдан тўғри ишлата бошлайди. Агар 2 яшар боланинг сўз запаси тахминан 250 тадан 400 тагача бўлса, 7 яшар боланинг сўз запаси 4000 тадан 5000 тагача бўлади, уч яшар боланинг сўз запаси 1000 тадан 1200 тагача бўлади. Демак боғча ёшидаги даврда боланинг сўз запаси жуда тез ортади. Бу ёшда боланинг нутқи фақат миқдор жиҳатдангина ортиб бормай балки сифат жиҳатидан ҳам анча такомиллашади. Масалан: ясли ёшидаги болалар анча сўз зонасига эга бўлишлариг қарамай, айрим товушларни р, л, й, ш, з каби яхши фарқлай олмайдилар ва шу туфайли сўзларни нотўғри талаффуз этадилар.

Бундан ташқари, боғча ёшидаги болалар ўз она тилларининг грамматик тузилишини амалий тарзда ўзлаштира бошлайдилар.

Сўз запаслари миқдор жиҳатидан боғча ёшидги болаларнинг ҳаммасида бир хил бўлмайди. Боғча ёшидаги болалар сўз запасининг миқдори асосан бола тарбияланиб ўсаётган оиланинг маданий савиясига боғлиқдир. Бир хил оилаларда бола нутқининг ўсиши билан махсус равишда шуғулланилади. Бошқа бир оилаларда эса бола нутқининг ўсиши билан мутлақо шуғулланмайдилар. Ана шунинг натижасида боғча ёшидаги болалар сўз запаси ўртасида сезиларли фарқ юзага келади. Агар ясли ёшидги болаларнинг нутқи асосан улар айна шу чоғда идрок қилиб турган нарсалар ва ҳаракатлар билан боғлиқ бўлса, боғча ёшидига болаларнинг нутқи ҳозир идрок қилиб турган нарсалардан ташқари илгари идрок қилинган нарсалар ҳамда ҳаёлий нарсалар билан ҳам боғлиқ бўлади. Шунинг учун боғча ёшидаги болалар катта кишилар айтиб ёки ўқиб борган эртакларни системали ва изчил равишда қайта айтиб бера оладилар. Боғча ёшида болалар нутқни фақат оғзаки нутқни жуда тез эгаллайдилар. Шунинг учун улар ўз она тилларининг грамматик тузилишини ҳам фақат оғзаки тарзда ўзлаштирадилар. Бироқ шуни айтиб ўтиш керакки, боғча ёшидаги болаларнинг ўз она тиллари грамматикасини айрим томонларини ўзлаштиришлари мактаб болаларининг ўзлаштиришларидан батамом фарқ қилади. Боғча ёшидаги болалар грамматик қоидаларни ўқиб ўрганиб ёдларида саклаб қолмайдилар. Улар от, феъл, сифат, олмош, суффикс, келишик каби грамматик категорияларнинг борлигини ҳам, нима эканлигини ҳам билмайдилар. Шунинг учун улар грамматиканинг жуда кўп қўлланиладиган энг содда қоидаларини катталарнинг нутқлари орқали мазмунли ўйинларда тақлидий йўллар билан амалий равишда ўзлаштира борадилар. Маълумки нутқнинг ўсиши жараёнида болалар сўз туркумларидан отларни тез ўзлаштирадилар. Бунга асосий сабаб шундаки, болалар нарсаларнинг номларини отларини ўз нутқларида кўпроқ ишлатадилар. Боғча ёшидаги болалар сўз запасларининг асосий кўпчилиги отлардан иборат эканлиги ажабланарли ҳол эмас. Ўрта ва катта ёшдаги боғча болалари отларни кўплик, бирлик, бўлишли, бўлишсиз шаклларида ва турли келишикларда тўғри ишлата оладиган бўладилар. Катта гуруҳ болалари сўзларни тўғри талаффуз эта оладилар. Шунинг учун улар ўзларидан кичик ёшдаги болалар гапларини грамматик жиҳатдан хат сўзлаганларида, “бунақа деб бўлмайди” деб уларнинг нутқларини тўғрилайдиган бўладилар. Отлардан сўнг болалар сўз туркумларидан феълларни ва сифатларни ўзлаштира бошлайдилар. Феълларнинг шахс қўшимчаларини осонлик билан эгалласалар ҳам, лекин феълларнинг замонга қараб ўзгаришини ҳозирги, ўтган ва келаси дарҳол тўғри ўзлаштира олмайдилар. Боғча ёшидаги кичик болаларда турмуш тажрибаси жуда оз бўлганлиги туфайли уларда ўтган ва келаси замон тушунчалар хали шаклланмаган бўлади. Шунинг учун улар ўз нутқларида феълларнинг замон қўшимчаларини алмаштириб юборадилар. Ўрта ва катта гуруҳ болалари феълларнинг тусланиши ва замонга қараб ўзгариб боришини ҳам амалий тарзда тўғри ишлатадиган бўладилар.

Тарбиячи – педагог болалар нутқининг ривожлантириш билан шуғулланар экан, боғча ёшидаги болалар баъзи ҳолларда ўз нутқ аппаратларини тўла идора эта олмасликларини унутмаслик керак. Бундан ташқари боғча ёшидаги болаларда мураккаб нутқ товушларини бир – биридан фарқ қилиш қобилияти хали тўла такомиллашмаган бўлади. Шунинг учун боғча ёшидаги баъзи болалар айрим нутқ товушларини бузиб талаффуз этадилар. Одатда бундай болаларни тили чучук болалар деб ҳам юритилади. Тили чучуклик нуқсон эмас. Буни аста – секин тузатиш мумкин. Тили чучукликни тузатишнинг энг муҳим шартларидан бири бола билан тўла ва тўғри талаффуз этиб, равон тил билан гаплашишдир. Тарбиячи буни ота – онага ҳам тушунтириши керак. Чунки, одатда айрим ота – оналарга ўз болаларини ортиқ даражада эркалаб, улар билан болаларча, яъни болага ўхшаб тилини чучуклантириб гаплашадилар. Тили чучук болаларнинг “тили ширин” деб унинг талаффузига мослашишга ҳаракат қилдилар. Бундай қилиш асло йўл қўйиб бўлмайдиган хатодир. Чунки болалар талаффузидаги нуқсон мактабга боргунларича тўғриланмаса, бу нарса болалар нутқининг умумий ўсишига таъсир қилмасдан қолмайди. Тили чучук болалар нутқидаги бу нуқсонни тугатмай мактабга чақирилса, бошқа болалар уларга “соқов” деб лақаб қўядилар. Натижада

бундай лақабни ҳадеб эшита бермаслик учун бундай болалар кам гапирадиган, ўзларини четга олиб юрадиган бўлиб қоладилар. Боғча ёшидаги болаларнинг нутқи ясли ёшидаги болалар нутқига нисбатан анча тараққий этган бўлса ҳам хали уларнинг гаплашишларига қараб туриб ниҳоят даражада сўз етишмаётганини пайқаш осон. Чунончи кичик ва ўрта ёшдаги боғча болаларининг жумлаларида “анақа”, “ану”, “нима”, “индин”, “кейин” каби ноаниқ иборалар жуда ҳам кўп бўлади. Катта гуруҳ болаларида эса бундай иборалар камроқ учрайди.

Шуни ҳам эътирофдан четга қолдирмаслик керакки, нутқ фақат бошқа одамлар билан амалга ошириладиганалоқа воситасигина бўлиб қолмай, балки у болалар учун ҳулқ – атворларини бошқариш воситаси ҳамдир. Турли ёшдаги боғча болалари ўз ҳулқ – атворларини, яъни маълум ижтимоий шароитда ўзларини қандай тутишларини тафаккур орқали ўйлаб идора қиладилар. Бунда нутқнинг роли биринчи даражали аҳамиятга эгадир. Одатда кичик ёшдаги боғча болаларининг нутқлари иккинчи бир одамга эмас, балки ўзларига қаратилган бўлади. Масалан: “Анвар ухлайди”, “Анварнинг қорни очди” деб гапирадилар.

Болаларнинг ана шундай ўзларига қаратилган нутқларни эгоцентрик нутқ деб юритилади. Катта ёшли боғча болаларида эгоцентрик, яъни ўз – ўзига қаратилган нутқ тугалланиб нормал ҳолга келади.

Шундай қилиб асосий алоқа воситаси бўлган нутқ бола психикасининг тараққиётида бениҳоя катта роль ўйнайди. Боғчада ва оилада тўғри йўлга қўйилган таълим – тарбия ва хусусан, боғчада она тилидан ўтказиладиган махсус машғулотлар туфайли бола нутқини нормал ўстириш мумкин. Бола боғча ёшининг охириги босқичига келганда оғзаки нутқнинг ҳамма турларидан эркин фойдалана оладиган бўлади. Бола нутқининг бундай кейинги тараққиёти мактабда ўқиш процессида амалга оширилади.

Хаёлнининг болаларда ривожланиши.

Янги туғилган чақалоқ болаларда ҳали хаёл бўлмайди. Хаёнинг ривожланиши учун болагатурмуш тажрибаси, тасаввур зонаси ҳамда жуда кўп бўлимлар керак бўлади. Тажриба эса боланинг ташқи оламидаги нарса ва ҳодисаларни ўзи кузатиши, воқеялик ҳамда турли соҳаларга доир тасаввур ҳосил қилиш катта одамлар билан кенг муносабатда бўлиши натижасда ортиб боради.

Хаёл процессининг дастлабки кўринишлари болада 2 ёшга бўлиб, 3 ёшга қадам қўйганда кўрина бошлайди. Икки ёшли болаларда кўринадиган дастлабки хаёл маълум бир мақсадни кўзламайдиган ихтиёрсиз хаёлдир.

Тиш чиқиши болаларда хаёл процессини ўсишига таъсир кўрсатади. Ана шу даврдан бошлаб бола теварак – атрофдаги кишиларни сўзини яхши тушунадиган бўлиб ўзидаги тасаввурлар запасини бевосита идрок қилинган нарсалар орқалигина эмас, балки катта ёшли одамлар нутқи орқали ҳам тўлдириб борилади. Бола ўзига тушунарли мавзулардаги ҳикоя ва эртақларни қизиқиб тинглайди. Бундай ҳикоя болага жуда тушунарли бўлади, чунки бола ҳикояни эшитиб туриб бевосита, ўзининг идрокига таянади. Боланинг ҳикоя ва эртақларни, эшитишга жуда ҳам қизиқиши ва ҳикоя, эртақларни тинглаётганида болаларнинг тажрибасини орттирадиган ва хаёлини ўстиришга ёрдам берадиган хилма – хил ва аниқ тасаввурлар ҳосил бўлишини кўрсатади. Болалар хаёлининг ўсишида нутқнинг аҳамияти яна шундаки, нутқ боланинг янги таассуротлари ҳосил қилиши ва уни бойитиш билангина чекланиб қолмай, балки нутқ мияда ҳосил бўлган янги – янги образларни сўзлар билан ифодалашга ёрдам беради. “Қаранг, ойи, гўё денгизга ўхшайди. Мен чўмиляпман...” дейди. Бола нутқида шу гўё сўзининг пайдо бўлиши жуда ҳам характерлидир. Бола хаёлидаги вазиятни шу сўз билан ифодалайди, реал нарсалар билан хаёлидаги нарсаларни бир – биридан ажратадиган бўлади. Болалар хаёлининг дастлабки ривожланишида улар ўйинининг роли жуда каттадир. 2 ёшга тўлиши олдидан болалар ўйинида муҳим ўзгаришлар рўй беради. Бола турмушда кўрган иш – ҳаракатларини ўз ўйинида акс эттиради. Масалан, бола

қўғирчоғини “овқатлантиради”, “ёткизиб ухлатади”, уни “эркалайди”, “арғимчоқда” уиради. Кичик ёшдаги боғча болаларининг эркин хаёлий ўйинлар тасвирланган бунда болалар қўғирчоқларини хаёлан арғимчоқда учирмоқдалар, бир – бирлари билан гаплаштирмоқдалар. Бола катта бўлгани сайин ўйинида катта ёшли кишиларнинг характерларига тақлид қилиш тобора кўп ўрин эгаллайди. Масалан, бола ўзига ғамхўрлик қилаётган онасининг ҳаракатларига, дурадгорлик, шофёр, сартарошнинг ҳаракатларига тақлид қила бошлайди. Боғчага тарбия ёшидаги болаларнинг ҳаракатларида тасвирий фаолият элементларининг пайдо бўлиши хаёлнинг ўсатганидан далолат беради. Масалан, бола бир нималарни қоғозга чизиб, ниманидир тасвирлашга уриниб кўради. Лекин дастлаб бундай чизмакашлик фаолияти алмойи – алжойи чизиқлар чизишдангина иборат бўлади. Икки ёшга тўлганда боғчага тарбия ёшдаги боланинг тасвирий фаолиятида янги муҳим элемент пайдо бўлади. У энди ўзи чизаётган расмга ном берадиган бўлади. Тасвирий фаолиятни юзага келиши боғчага тарбия ёшдаги боланинг тасаввур хаёлини ўстиришга ёрдам беради. Аммо бу ёшда хаёлнинг дастлабки ниҳолларигина пайдо бўла бошлайди, бу ниҳолларни диққат – эътибор билан доимо парвариш қилиб туриш тарбиячи ва ота – оналарнинг вазифасидир.

Боғча ёшдаги болалар хаёл бир хилда ривожланмайди. Агар кичик ёшдаги боғча болаларида асосан тикловчи хаёл ўсган бўлса, ўрта ва катта ёшдаги боғча болаларида хаёлнинг ижодий тури ҳам ўса бошлаган бўлади. Шунинг эсдан чиқармаслик лозимки, айрим буржуа олимлари хаёл процессини нотўғри талқин этадилар. Уларнинг фикрча, хаёл болаларнинг ёшлик даврида жуда юксак даражада ўсган бўлиб, бола улғайиб, ўса борган сари хаёлнинг кучи пасайиб, унинг ўрнини тафаккур эгаллай бошлайди. Бу батамом хато фикрдир. Хаёл ҳам бошқа психик процесслар каби болаларда аста – секинлик билан, турмуш тажрибасининг орта бориши давомида ўсади. Лекин хаёл ҳеч вақт болалик чоғида ўзининг юксак ижодий тараққиёти чўккисига кўтарилмайди. Бунинг далили сифатида катта одамларнинг хаёл қилиш (хусусан ижодий хаёл) қобилиятини болаларнинг хаёл қилиш қобилияти билан таққослаб кўришни ўзи кифоя. Боланинг боғча ёшида ҳаракат доирасининг кенгайиши, билимларининг ортиши, турли хил янги эҳтиёж ва бирмунча тез суръат билан ривожланишига олиб келади. Шунинг учун боғча ёшидаги болаларнинг хаёл қилиш қобилиятлари боғчагача тарбия ёшидаги болалар хаёлидан ҳар томонлама устун туради.

Боғча ёшидаги болаларнинг хаёли асосан ихтиёрсиз ва тикловчи хаёл бўлиб, уларнинг турли – туман ўйин фаолиятларида ўсиб боради. Бироқ шу нарса диққатга сазоворки, агар боғча ёшидаги болаларда хаёл қилиш қобилиятлари уларни турли хил ўйинлар ўйнашга ундаса ўйин ўз навбатида уларнинг хаёлини ўстиради.

Боғча ёшидаги болаларнинг хаёли машғулотларда ҳам ўсиб боради. Масалан, болалар лой ўйнашни, яъни лойдан турли нарсалар қуришни, ясашни (шу жумладан, пластилиндан ҳам) қумдан турли нарсалар қуришни, расм чизишни яхши кўрадилар. Бу машғулотлар, айниқса, расм чизиш машғулоти болалар хаёлини ўстиришга жуда катта таъсир кўрсатади. Кичик ёшдаги боғча болаларида ҳали ижодий хаёлнинг йўқлиги уларнинг расм чизишда яққол кўринади. Масалан, кичикёшдаги боғча болаларнинг чизган расмлари ҳамма вақт уй рўзғор мавзуларидан нарига ўтмайди. Чунки бу ёшдаги болалар ҳар куни кўриб турадиган нарсалари ҳақидагина хаёл қила оладилар. Ўрта ва хусусан, катта гуруҳболаларининг расм чизишларида ижодий хаёлнинг юзага келиши аниқ кўринади. Улар расм чизишда тор уй – рўзғор мавзулари билан чекланиб чизмай, узоқ ўтмиши ва келажакдаги нарсаларга оид расмлар ҳам чизадилар. Бу ёшдаги болалар ўз ўйинларида ва солган чизмаларида катта одамларнинг турли – туман фаолиятларини мустақил тавирлашга интиладилар. Бундай пайтда улар фақат хаёлий тасаввур этиш ёки тақлид қилиш билан чекланиб қолмай, балки ўзлари ижодий равишда янгиликлар ҳам қўшиб берадилар. Масалан, улар сюжетли ўйин ўйнаганларида янги – янги расмларни ўйлаб чиқадилар (“поезд” ва “вокзал” ўйинида поездда ёки вокзалда хизмат қилувчи кишилардан ташқари пассажирларни вокзалга олиб келувчи транспорт, яъни такси шофёр ролларини ўйнайдилар).

Катта ёшдаги боғча болалари уларининг мавзутик расмларида хаёлий образларни (хатто орзуларни) акс эттирадилар. Шунинг учун улар кўпинча эркин мавзуда ўзларини

қизиқтирган ва айни чоғдаги эҳтиёжлари билан боғлиқ бўлган нарсалар ҳақида расм чизадилар. Ана шундай эркин мавзуда расм чизиш жараёнида болаларнинг ижодий ҳаёл қилиш қобилиятлари ўсиб боради.

Боғча ёшидаги болалар ҳаёлининг ривожланишига турли хил ҳикоя ва эртақлар ҳам таъсир кўрсатади. Халқ турли қизиқарли, ибратли ва таълимий эртақлар ижод этишда боғча ёшидаги болаларни ҳам унутмаган. Ўзбек халқининг оғзаки адабиётида ёш болаларга тушунарли, содда тил билан яратилган эртақлар мавжуд. Булардан ташқари, рус ва бошқа халқларнинг тилларидан ўзбек тилига таржима қилинган эртақлар ҳам кўпдир. Боғча ёшидаги болалар учун яратилган эртақларнинг кўпи атропоморфизм характериға эгадир. Бунинг маъноси шуки, эртақларнинг қахрамонлари одамларға ўхшаб “гапирадиган” ҳайвонлардан иборатдир. Болалар бундай эртақларни жуда ёқтирадилар ва ҳар доим мароқ билан тинглайдилар.

Боғча ёшидаги болалар ҳайвонлар ҳақидаги турли эртақларидан уларда шу эртақлардаги образларға нисбатан маълум муносабат юзаға келади. Масалан: доим ёзувлик қиладиган бўри образини, ҳаддан ташқари айёр тулки образларини болалар севмайдилар. Уларға кўрқоқ қуён, хўроз, ғоз, эчки, беозор ҳайвонларнинг ҳаёлларига тўғридан – тўғри таъсир этади. Улар эртақларидаги турли образларнинг қиёфасига қирадилар. Бошқача қилиб айтганда, эшитган эртақлари улар ўйинининг мазмуниға ҳам таъсир этади.

Болалар учун чиқарилган турли эртақларнинг тарбиявий аҳамиятини назарда тутиб, педогог – тарбиячилар болаларға эртақ айтиб бериш ва ўқиб беришға алоҳида этибор билан қарашлари лозим.

Шундай қилиб, ҳаёл боғча ёшидаги болаларнинг тараққий этишларида катта ўринни эгаллайди. Шунинг учун ҳам боғча ёшидаги даврда боланинг ҳаёли етарлича ўсган бўлиши керак, чунки мактабдаги ўқиш биринчи кундан бошлаб болалардан ҳаёл қилиш қобилиятининг, хусусан, тикловчи ҳаёлининг яхши ўсган бўлишини талаб қиладди.

Мактабға психологик тайёргарлик.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисидаги қонуни” ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий” дастуриға мувофиқ амалға оширилаётган ислохотлар узлуксиз таълим тизимини муваффақиятли амалға ошириш болани мактаб таълимиға тайёрлаш вазифасини илгари сурди. Мактабға бориш боланинг ҳаётида жуда катта воқеадир. Мактаб ҳаёти болаларға янги бир дунёни очиб беради, мактаб даврида боланинг асосий фаолияти ўзгаради. Энди боланинг асосий фаолияти, асосий вазифаси ва ижтимоий бурчи ўқиш бўлиб қолади. 6 – 7 ёшли болалар учун янги фаолият бўлган ўқиш улардан янги сифат, янги хусусиятларға эга бўлишларини талаб этади. Ўқиш фаолияти учун болаларда барқарор диққат, ўткир зехн, кузатувчанлик, идрок эта олиш; мустаҳкам хотира, мантикий тафаккур; маъноли нутқ; тасаввур ҳаёли; мустақиллик, интизомлилик, батартиблик каби хусусиятлар; ахлоқий ва иродавий сифатлар умумий қобилиятлар шаклланган бўлиши керак. Боланинг мактабға ўтиши унинг яслидан боғчаға ўтишиға қараганда мураккаб босқич. Боланинг мактабға ўтиши билан боғлиқ бўлган ана шундай жиддий ўзгаришларни назарда тутиб, уларни мактабға ҳар томонлама; жисмоний, ақлий, ахлоқий ва иродавий томондан тайёрлаш керак. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларни жисмоний жиҳатдан мактаб таълимиға тайёрлаш энг муҳим вазифалардан биридир.

Боланинг психологик имкониятлари деярли унинг антом – физиология ривожланишиға боғлиқ. Бола психологиясининг табиий асоси бўлган асаб тизими ўзига хос хусуситға эга. Катта ёшдаги кишиларда асаб тизимининг олий бўлими – бош мия пўсти – унинг фаолиятида етакчи роль ўйнайди. Катталарда қуйи бўлимлар (орқа мия, периферик нерв системаси) ҳаминша бош мияға бўйсиниб ҳаракат қиладди. Ёш болаларда эса бундай эмас. Аксинча, болаларда асаб тизимининг қуйи бўлимлари (орқа мия, периферик нерв системаси) асосий роль ўйнайди. Чунки, асаб тизимининг қуйи бўлимлари анча илгари пайдо бўлади ва

тезроқ етилади. Шартсиз рефлекслар асаб тизимининг мана шу қисмларида вужудга келади. 5 – 6 ёшли болаларда асаб жараёнларининг кучи ва ҳаракатчанлиги анча барқарор бўла бошлайди. Бундай физиологик ривожланиш болаларни мактаб таълимини муваффақиятли ўзлаштиришларида табиий асос ва дастлабки имконият бўлади.

Болани мактаб таълимига психология жиҳатдан тайёрлиги – объектив ва субъектив томондан қаралади.

Боланинг мактабдаги таълимга объектив тайёрлиги – унинг психологик ривожланиши даражасидир.

Боланинг мактаб таълимига субъектив тайёрлиги – 1) Боланинг мактабда ўқиши учун ҳошиш ва интилиши. 2) катталар билан янги шаклда ўзаро муносабатда бўлишга тайёрланишидир. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларда ўқишга, билим эгаллашга ҳошиш ва қизиқишлар кучли бўлади. Маълумки, ҳошиш – фаолиятни махсус ташкил этиш, анланган фаолият мотивидир. Болалар бу фаолитни ўзлари ташкил этадилар. Болалар ўзлари қизиққан, билишни хохлаган нарса ва ҳодисалар юзасидан саволра берадилар ва олинган жавоблар уларда янада кўпроқ нарсаларни билишга эҳтиёж туғдиради. Бу эса билим, кўникма ва малакалар ҳосил қилиш имкониятини яратади. Билимга қизиқиш болаларда турли фаолиятга мойилликни кучайтиради. Ҳаракат қилиш жараёнидан болада фаолиятга тезкор муносабат шаклланади. У фаолият мотивларини аниқлашга ҳаракат қилади, иродавий зўр беради, мақсадга интилади. Болада фаолиятга ижобий муносабат шаклланади. Боланинг мактабда ўқишга ҳошиши, унга қизиқиш ва мойилликнинг ўзиёқ фаолиятга бўлган ижобий муносабатни шакллантиради. Улар ўқиш, ёзиш, хатто 100 гача санашни ўрганиб оладилар. Санъатга қизиқиш расмларни моҳирлик билан чизадилар, турли буюмларни ясайдилар, конструктив материаллардан фойдалана оладилар. Буларнинг ҳаммаси мактаб таълимини муваффақиятли ўзлаштириш имконини беради.

Боғча ёшидаги болаларнинг билиш жараёнлари (диққат, сезги, идрок, хотира, тасаввур, хаёл, тафаккур) ўзининг ихтиёрсиз ва беқарор характерга эгаллиги билан ажралиб туради. Билиш жараёнларидаги ихтиёрсиз ва беқарорлик хусусиятининг шакланганлиги ҳам психологик имкониятдир. Чунки улар турли фаолият жараёнида, айниқса, ижтимоий таълим - тарбиянинг таъсири натижасида ихтиёрий жараёнларнинг шаклланишига сабаб бўлади. Лекин бу имконият қулай таълим – тарбиявий шароитни талаб қилади.

а) болаларда ихтиёрий диққатнинг ривожланиб бориши ва ўз ихтиёри билан олдига қўйган мақсадни амалга оширишда иродавий зўр бериш.

б) болада идрок қилишда идрок объектининг мазмуни, моҳияти ва эҳтиёжини шаклланиб бориши. Бола макон ва замонни идрок қилишда тажрибаси камлиги учун қийналади, лекин уларда макон ва замонни идрок қиладиган сезги аъзолари яхши тараққий қилиб, у болага катталарининг тўғри муносабатда бўлиши орқали ривожлана боради.

в) Болани мактаб таълимига тайёрлашда хотира жараёнининг ўрни айниқса муҳимдир. Боланинг хотираси шаклланиб борар экан, бу даврда вақтли боғланишлар тез пайдо бўлади. Уларда атрофдаги нарсаларга қизиқиш кучли бўлгани учун эмоционал, образли, сўз – мантик, ҳаракат хотираси кучли бўлади ва таълим жараёнини муваффақиятли ўзлаштириши имконини беради.

г) Маълумки, тафаккур жараёни таълимни ўзлаштиришнинг асосини ташкил этади. Боғча ёши болаларида тафаккур, нутқ тараққиёти ва боланинг билим бойлиги, тажрибасининг ошиши жуда кўп эркин, мустақил ва фаол ҳаракат қилиб бориши натижасида такомиллашиб боради. Бола тафаккури фаолият асосида атрофдаги нарса ва ҳодисаларга қизиқиш жараёнида, саволларнинг кўплаб пайдо бўлиши асосида, аввал идрок қилинган нарсаларга таяниш орқали такомиллашади. Бу эса болада фақат ҳаракатли ва яққол – образли тафаккурни эмас, балки мавҳум тафаккурни шаклланиши учун имконият ҳисобланади. Болаларда нарса ва ҳодисаларнинг энг асосий хусусиятларини ажрата олиш, улар орасидаги боғланиш ва муносабатларни ажратиш, уларни фикран анализ- синтез қилиш; солиштириб

ўхшаш ва фарқ томонларини ажратиш; умумлаштириш; ҳукм ва ҳулосалар чиқариш каби ақлий жараёнлари шаклланиб боради.

д) Мактабгача тарбия ёшидаги болаларда маънавий ҳислар анча шаклланган бўлади. Айниқса, бурч ҳисси, меҳрибонлик, тўғрисиўзлик, дўстлик – ўртоқлик ҳислари ва бир қатор иродага ҳос хусусиятлар: мустақиллик, интизомлилик, дадиллик, чидамлилик кабилар шакллана боради.

Шундай қилиб, болани мактабда муваффақиятли ўқиши учун уларни ёш ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда таълим – тарбия жараёни тўғри ташкил этиш талаб қилинади.

VI – боб

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг психологик хусусиятлари

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг жисмоний ривожланишига ҳос хусусиятлари.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар 7 ёшдан 12 ёшгача бўлган болалар бўлиб улар бошланғич синф ўқувчилари ҳисобланади. Бу даврларда боланинг ҳаёти ва фаолиятида муҳим ўзгаришлар юз беради. Уларнинг психикасида ҳамда жисмоний ривожланишида сезиларли даражада ўзгаришлар вужудга келади. Кичик ёшдаги ўқувчи мактабгача ёшдаги болаларга ва ўзидан каттароқ ёшдаги болаларга нисбатан бир қанча жисмоний хусусиятларга эгадир. Кичик мактаб ёшида суяк тизими мустаҳкам бўлиб қолган бўлса-да, бироқ суякларини қотиши жараёни хали тамомланмайди. Шунинг учун болалардан машғулотлар давомида партада тўғри ўтиришини талаб қилиб, ана шу ҳолга эътибор бериш керак. Болаларни кўп ёзиш билан чарчатиб қўймаслик керак, чунки хали улар қўл бармоқлари ва панжани аниқ ҳаракат қилдиришда қийналадилар. Уларнинг юрак-томир тизими системаси хали етарли, даражада ривожланмаган бўлади, шунинг учун ўқув машғулотлари ва ўйинлар двомида толиктириб қўйишга йўл қўймаслик керак. Кичик ёшдаги ўқувчида олий асаб тизими олдинги ёш даврларга нисбатан анча юқори даражада ривожланган бўлади. Бола миясининг оғирлиги 7 ёшдан кейин бирмунча ортади. Агар 3–6 ёшда мия ўртача 1100 г келса, 7 ёшга бориб у 1250г га, 9 ёшгача 1300г етади. Шу билан бирга 7ёшдан 11ёшгача бош миянинг пешана қисмлари ўсаётганлиги айниқса сезиларли бўлади. Бола 7 ёшдан 11ёшгача жисмоний жиҳатдан нисбатан осойишта ва бир текисда ривожланади. Бўйи ва оғирлиги организмнинг пишиқлиги, ўпкасининг ҳаётий ҳажми анча текис ва пропорционал ривожланади. Кичик мактаб ёшидаги болаларда юрак мускуллари аввал бошда ҳам анча кучсиз бўлади, тез ўсади. Қон томирларининг диаметри нисбатан катта бўлади. Миянинг функционал такомилланиши юзага келади - мия пўстининг аналитик ва синтетик функцияси ривожланади, кўзғалиш ва тормозланиш жараёнларининг ўзаро муносабати секин–аста ўзгаради; тормозланиш процесси устунлик қилади, шунинг учун кичик мактаб ёшидаги бола юксак даражада кўзғалувчандир.

7 ёшдаги боланинг жисмоний тараққиётини унчалик зўр бермасдан ва унчалик толиқтирмаслик 3–5 соат дарс машғулот ўтиш ва уй вафаларини бажариш имконини беради. Бола мактаб остонасига қадам қўйиши билан янги ҳаёт фаолиятига, янги муҳит шароитига кириб келади. Бу даврдан бошлаб бола фаолиятининг мазмуни ҳам, теварак атрофдаги нарсаларга муносабати ҳам ўзгаради. Энди у ўқувчи деган шарафли номга эга унинг муайян вазифалари ва ўқувчилик бурчи бор. Бу ёшидаги бола мактаб қодаларига риоя қилиши, дарс машғулотларига кечикмай ўз вақтида етиб келиши, дарсда ўқитувчининг тушунтираётган материалларини тинглаб уқиб олиш, топшириқларни ўзи бажариши лозим. Дарсда ўзини қандай тутиши, гигиена ва тозалikka риоя қилиши ўқитувчи ва катталар томонидан берилган буйруқ ва кўрсатмаларни сўзсиз бажариш, жамият орасида ўзини қандай тутиши, лозимлигини билиши керак. Яшаш шароитидаги бундай ўзгаришлар бола психикасининг ўсишига, ҳулқ атворига, шахснинг таркиб топишига таъсир кўрсатади. Мактабга кириш боланинг ҳаётида унинг фаолиятида бурилиш даври ҳисобланади.

Катталар ва тенгдошлар билан янги муносабатлар майдонга келади. Бола бутун бир янги жамоалар тизимига қўшилади. Ўқувчи олдига бир қатор жиддий талабларни қўядиган ўқишга- янги фаолият турига қўшилиши ўқувчиларни ўз ҳаётини қаътий тарзда ташкил қилишдаги қонун ва тартибга бўйсунушга мажбур қилади. Ўқувчи таълим жараёнида ахлоқий нормалар ва хати-ҳаракат қоидаларини ўзлаштира бошлайди. Кичик мактаб ёши даврида ахлоқий хатти-ҳаракатларга пойдевор қўйилади.

Мактабга кириш билан боғлиқ қайта қурилиш ва ундаги қийинчиликлар.

Таълимнинг бошланиши билан бола психикасида кескин ўзгаришлар рўй беради. У психик томондан қайта қурилишига дуч келади. Психологик қайта қурилиш бошланғич синф ўқувчиларида айниқса, I-синф ўқувчиларида қийинчиликларни пайдо қилади.

Бу қийинчиликлар:

1. Биринчи синф ўқувчилари кўп ҳаракатларни интизом қоидалари талаб қилган даражада чаққонлик билан, сифатли қилиб бажара олмайдилар. Лекин ўқиш фаолияти доимий равишда интизом қоидаларига риоя қилишни, 35-45 минутлик дарсларда сабр–тоқат билан ўтиришни, ўзини–ўзи тута билишни талаб қилади.
2. Таълимнинг бутун мазмуни боладан ихтиёрий жараёнларини: ихтиёрий диққат, ихтиёрий идрок, хотирани ривожланган бўлишини тақозо қилади. Лекин болада ҳали бундай жараён етарли ривожланган бўлмайди.
3. Ўқувчи мустақил фикр юритиши, вазифаларни мустақил бажариши лозим. Бу хусусият ҳамма болаларда ҳам бирдек ривожланмайди.
4. Бола ўз бурчини англаган бўлиши, яхши ўқиши ва яхши интизомга эга бўлиши, интизом қоидаларига риоя қилишни, уйга берилган вазифаларни бажариши унинг бурчи эканлиги ҳис қилиши керак.
5. Диққат эътиборни ўқитувчи айтганларига қаратиш уни идрок қилиб эса олиб қолиш ва керак вақтда уларни бошқара олиш қобилиятига эга бўлмоғи талаб қилинади. Бундай талабларга жавоб қайтариш сўзсиз ўқувчига қийиндир. Бундай қийинчиликларни мустақил равишда енга билиши аста – секин ва мунтазам ўқиш жараёнида материални осондан қийинга, оддийдан-мураккабга қараб тушунтириш, болаларни ўқиш фаолиятига қизиқтириш, дарсларни қизиқарли эмоционал ва образли баён қилиш орқали бартараф қилинади.

Кичик мактаб ёшида таълим жараёнини тизимли ташкил қилиш, болада беғамлик даврининг туганланганлигидан далолат беради ва ўқишга бўлган муносабатлар тобора ўзгариб боради. Бу даврда боланинг қизиқишлари ўйин фаолиятидан ўқув фаолиятига аста-секин кўчиб ўтади. Ўқишга хос қизиқишлар кўпинча болаларнинг ўйин фаолиятига таъсир этади, ўқишга хос қизиқишлар кўпинча ўйинлар характери ва мазмунига таъсир қилади. Ҳар қандай ишининг муваффақияти кўп жиҳатдан мотивларга боғлиқ бўлиб, одам ана шу мотивлар ёрдамида иш билан шуғулланади. Ўқиш мотивлари ҳар хил бўлади. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар ўзларини бўлажак меҳнат фаолиятига тайёрлашларида мотивларга камроқ амал қиладилар. Бола ҳали мотив ҳақида ўйлаб кўришдан анча узокда. Кичик мактаб ёшидаги бола ўз билим доирасини кенгайтириш, фойдали билимлар олиш, шунингдек, жамият олдидаги ўз бурчини бажариш ҳақида ҳам унча бош қотирмайди. Барча мана шу мотивлар унда иккинчи даражали нарсага айланади. Аммо, юқорида айтиб ўтганидек, унинг ўзи нима қилаётган ва мактабда билиб олаётган нарсага бевосита қизиқиши, шунингдек, ўқитувчи, ота–оналар талабларини бажаришга интилиши, мақтов эшитиши, қилган ишининг маъқул топилиши, яхши баҳолар олиши ва ҳақозолар ўқишга нисбатан қизиқиш уйғотишнинг энг муҳим воситаларига айланиб қолади.

Кичик мактаб ўқувчиларининг ўқиш фаолияти.

Ўқув жараёни I синф ўқувчиларини ўзига жалб қилади. Чунки ўқув фаолиятида завқли ўқувчи бўлиш, мактаб талабларини адо этиш мароқлидир. Сўнгра ўқиш жараёнининг ўзига бўлган қизиқиши ўқиш самарасига кўчади. Ўқитувчи болаларнинг муайян мақсадга қаратилган фаолиятга қизиқишларни ривожлантиради. Таълим жараёнида ўқув амаларини ўқитувчи томонидан назорат қилиб борилиши ўқувчини ўқишга бўлган қизиқишларини ривожлантиради ва ўқиш фаолияти мотиви муайян бир мақсадга аниқ йўналтирилмаган

бўлса, 3–4 синф ўқувчиларининг ўқув мотивлари аниқ бир мақсадни кўзлашга қаратилади. Улар нима учун яхши ўқиш, билим олиш, аълочи бўлишнинг мотивларини ҳис қилади. Улар яхши ўқиса, билим олса келгусида, муҳандис, ўқитувчи, шифокор бўлишини билади. Мактабга кирган давридан бошлаб унинг асосий фаолияти ўқиш эканлигини тушунган ўқувчи муҳим ижтимоий вазифа – ўқиш, билим орттириш вазифасидан иборат эканлигини билиб олади. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ўқиш фаолияти қатъий равишда мақсадга мувофиқлаштирилгандир.

Боланинг мактабга кириши билан бутун ҳаёт тартиби, ижтимоий ҳолати, жамоадаги, оиладаги аҳволи кескин ўзгариб кетади. Мактабга кирган давридан бошлаб унинг асосий фаолияти ўқиш бўлиб қолади. Муҳим ижтимоий вазифа – ўқиш билим орттириш вазифасидан иборат бўлиб қолади.

Боланинг мактаб ўқувчиси бўлиши унинг ҳаётида “бурилиш”ни юзага келтиради. Унинг асосий фаолияти, биринчи ва энг муҳим вазифаси ўқиш, яъни янги билимларни, кўникма ва малакаларни ортиришдан, табиат ҳамда жамият ҳақида системали маълумотлар тўплашдан иборат бўлиб қолади. Ўз – ўзидан маълумки, кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда ўқишга нисбатан юксак жавобгарлик муносабати бирданига таркиб топиб қолмайди. Бунда анчагина индивидуал фарқлар кузатилса ҳам ўқишга бўлган муносабатлар ва мотивларининг ривожланиш динамикаси одатда қонуний характерга эга бўлади. Етти ёшли болалар таълимнинг бошланғич даврида мактаб машғулотларининг яқин келажакдаги истиқболларини ижобий идрок қиладилар. Болаларда ҳатто характерли хусусиятларни жихатлардан фарқ қиладиган ўзига ҳос эҳтиёж ҳам пайдо бўлади. Бу аслида ҳали ўқишга билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришга бўлган эҳтиёж эмас, бирон янги нарсани, теварак- атрофдаги воқелик ҳодисаларни билишга бўлган эҳтиёждир. Бу эҳтиёж ўзининг кичкина болалик ҳолатини ўзгартириш, мустакилликнинг навбатдаги босқичига кўтарилиши, оилани катта ва иш билан банд аъзоси бўлиши истагидир. Бунда ўқишнинг ташқи белгилари янги форма кийиш хоҳиши, ўз шахсий папкасига эга бўлиш, машғулотлар учун ўз жойига эга бўлиш, китобларини қўйиш учун жавончага эга бўлиш худди отаси ёки онаси ишга борганларидек ҳар куни мактабга бориш хоҳиши катта аҳамиятга эга. Шу билан кичкина болалар кўзи олдида юксакликка кўтарилишдек ёқимли истиқбол уларни мафтун этади. Мактабга бўлган бундай муносабатнинг мустаҳкамланишига иккинчи сентябрдаги тантанали байрам шароити мактаб ўқувчиси деган ном бериш анъанаси ҳам анчагина ёрдам беради.

Бола ҳали мактабга бормасдан олдинок, яъни оиладан ва боғчада ижтимоий ҳаётимизнинг турли соҳалари билан, айниқса мактаб ҳаёти, уларнинг хилма-хил фаолиятлари билан танишади ва унда юксак ижтимоий қизиқиш-ҳавас куртаклари пайдо бўла бошлайди.

Бола мактаб ёшига кириб мактаб боришга, ўқувчи бўлишга ғоят даражада қизиқади. Бу унинг гап-сўзларидан ва қилаётган ҳаракатларидан ҳам кўриниб туради. Шу кезлари бола мактаб ва мактабда ўқиш учун керак бўладиган нарсалар тўғрисида кўпроқ гапирди. Сумка, “Алифбе”, қалам, дафтар ва санок чўпларини тезроқ тайёрлаб қўйиш устида кўпроқ бош қотиради. Шу билан бирга у ўзининг тўплаган ўқув куролларини ниҳоятда авайлаб сумкасига солиб, қайта-қайта сумкасидан олиб кўриб, буларни мактабга кўтариб боришга ошиқади ва бунга жуда ҳам ҳавас қилади. Бироқ ўқишга бўлган дастлабки бундай ҳавас унинг табиатга ҳос бўлган “Бу нима?” тарзидаги текшириш рефлекси асосида юзага келадиган фаолиятдан иборат бўлса ҳам, лекин уларда кўрина бошлаган бундай қизиқиш-ҳавас таълим-тарбия жараёнида такомиллаша боради. Ўқиш бўлса - боладан маълим уюшқоқликни, интизомлиликни, анчагина иродавий зўр беришликни талаб қиладиган жиддий меҳнатдир.

Мактаб таълимининг биринчи кунидан бошлаб кичик мактабгача ёшдаги боланинг ривожланишини ҳаракатга келтирувчи куч бўлган асосий қарама – қаршилиқ юзага келади. Бу қарама – қаршилиқ бола шахсига, унинг диққати, хотираси, тафаккурига нисбатан ўқув ишлари, ўқитувчилар ҳамда жамоа томонидан қўйилаётган ва доимо орттириб бораётган

талаблар билан ўқувчининг мавжуд психик ривожланиш даражаси ўртасидаги қарама-қаршилиқдир. Талаблар ҳамма вақт ўсиб бораверади ва боланинг мавжуд психик ривожланиш даражаси ана шу ўсиб бораётган талабларга тенглашишга тўхтовсиз равишда интилаверади. Тўғри ташкил этилган таълимда бу турдаги болалар ўрта мактаб дастурида кўрсатилган билимларга нисбатан кўпроқ билимларни тушунишлари ва ўзлаштиришлари мумкин. Кичик мактабгача ёшдаги болаларнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири шундаки, шу даврдан бошлаб, ўқув материални ўзлаштирмасликнинг дастлабки белгилари кўзга ташланади. Ўзлаштирмасликнинг асосий сабаблари: бу ақлий тараққиёт ва ўқувчанликнинг бир мунча орқада қолишидир. Н.С.Лейтес мулоҳазаларига кўра инсон ёши улғайган сари ақлий ривожланиш даражаси бир мунча кўтарилади, ўқувчанлик эса бир мунча пасаяди. Кичик мактабгача ёшдаги болаларнинг ўқувчанлиги албатта ўсмир ва ўспиринларга нисбатан юқори, лекин ўсмир ва ўспиринларнинг ақлий ривожланганлиги бошланғич синф ўқувчиларига нисбатан юқоридир.

Орадан маълум вақт ўтгач шодиёна лаҳзаларининг таъсироти камайиши билан мактабнинг ташқи белгилари ўз аҳамиятини йўқота боради ва ўқишнинг кундалик ақлий меҳнат, иродавий зўр бериш, ёқтирмаган нарса билан шуғулланиш, диққатни тақсимлаш, ўз хулқини идора қилиш эканлигини англайди. Шундай ақлий меҳнат кўникмасига эга бўлмаса, унинг ўқишдан кўнгли совийди, унда умидсизлик ҳисси вужудга келади. Ўқитувчи эса бундай ҳолнинг олдини олиш учун болага таълимнинг ўйиндан фарқи, қизиқарлилиги ҳақида маълумотлар бериши ва уни шу фаолиятга тайёрлаши керак. Биринчи синф ўқувчисига ўқиш фаолиятининг айнан ўзига қизиқиш кўзга ташланади. Психолог олимлар ўтказган махсус тадқиқотларда болалар билан кераксиз машқлар ўтказилган ва уларга олдиндан бу машқлар кейинчалик керак бўлмаслиги айтилган, лекин болалар уларни бажаришга киришганлар. Ўқувчи шахсий фаолиятида эришган дастлабки яхши натижа уни бошқа натижаларни эгаллашга ундайди. Унинг ўқиш фаолиятидаги биринчи меҳнат махсули шодлик ва қувонч ҳис-туйғусини келтириб чиқаради.

Масалан: айрим ўқувчилар у ёки бу матнни бир неча мартта ўқишга ҳаракат қилади. Ўқиш фаолиятига қизиқиш, унинг мазмунига ҳам қизиқишини вужудга келтиради, билим олиш эҳтиёжини туғдиради ва ўқиш мотивларини таркиб топтиради.

Шахс шаклланишида кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар фаолиятини баҳолаш ва унда ўқиш ижобий муносабатни шаклланишида муҳим аҳамиятга эгадир. 7 яшар бўлган болалардаги мактабга, ўқишга бўлган бу хилдаги дастлабки қизиқиш – ҳаваслар, асосан улардаги ихтиёрсиз диққат процессида рўй берадиган бевосита қизиқиш – ҳаваслардир.

Кичик ёшдаги ўқувчиларда кейинроқ бориб ўз диққат –эътиборини муайян бир нарсага, воқелик ва ҳаётнинг маълум бир соҳасига, маълум бир фаолиятга бирмунча узоқ вақт ва барқарор қаратилишида ифодаланадиган бавосита қизиқишлар секин- аста юзага кела бошлайди.

Дарс жараёнида ва дарсдан ташқи машғулотларда ўқувчилар теварак – атрофдаги нарса ва ҳодисаларни кенгроқ тушуниб борадилар. Ҳар хил нарсаларга қизиқа бошлайдилар, уларнинг қизиқишлари борган сари такомиллашиб, барқарор тус ола боради. Энди мактаб ўқувчиларини теварак – атрофдаги айрим ҳодисаларгина эмас, балки ўша ҳодисаларнинг содир бўлиш сабаблари ҳам кўпроқ қизиқтира бошлайди. Шунинг учун ҳам бу даврда бола томонидан бериладиган ҳар хил “Нега бундай?”, “Нимадан қилинган?”, “Бу нима учун керак?” сингари сўроқлар янада кўпайиб кетади.

Болада таълим-тарбия жараёнида кўпроқ нарсаларни билиб олишга, юқорироқ баҳоларга эришишга муайян даражада эҳтиёж ва зарурат пайдо қилиш керак. Шундагина у ўзидаги будай талабни қондиришга ҳаракат қилади ва актив фаолият кўрсатади. Дарс материалларини билиб олишга, ўқитувчининг топшириқларини яхшилаб бажаришга интилади. Бунинг учун эса болани муайян кун тартибига одатлантириш ва доимо дарс тайёрлашга ўргатиш лозим. Шундагина у ўқишда муайян даража муваффақиятларга эриша оладиган бўлади ва унда ўқишга ҳавас уйғонади.

Ўқишнинг дастлабки кунларида болалар синфдаги дарс машғулотларига жуда ҳам кизиқадилар. Уларни кўпроқ расм чизиш, ёзиш, доскага чиқиш, қўл кўтариб ўқитувчи саволларига жавоб бериш сингари ишлар кизиқтиради. Кейинроқ бориб улар фақат дарсдаги машғулот жараёнининг ўзигагина эмас, балки машғулотларнинг мазмунига ҳам кизиқа бошлайдилар. Шу кезлари бола ўзининг синф ва уйда бажариб келган ишларини, ёзма нарсаларни ўқитувчига тезроқ кўрсатишга ошиқади. Ўқитувчининг ўқувчи бажарган вазифани оғзаки мақуллаши ҳам уни ғоятда қувонтиради.

Болаларнинг бу хусусиятларини яхши билган мохир ўқитувчилар эътиборини кўпроқ ёзишга ва берилган топшириқларни тезроқ бажариш лозим эканлигигагина эмас, балки топшириқларни сифатли қилиб бажариш, тўғри ва чиройли қилиб ёзиш кераклигига ҳам жалаб этадилар ҳамда топшириқларни яхшилаб бажарган, тўғри ва чиройли ёзган ўқувчиларни ўз вақтида рағбатлантириб борадилар. Натажада ўқувчилар секин-аста дарс машғулотларининг мазмунига кизиқадиган ва уларни сифатли қилиб бажаришга ҳаракат қиладиган бўлиб қоладилар. Ўқувчилар ўқитувчиларнинг “яхши ёзибсан”, “тўғри бажарибсан”, “баракалла” сингари оғзаки маъқуллашигагина эмас, балки унинг ўзларининг дафтарларга қўйиб берадиган баҳоларига ҳам кизиқа бошлайдилар. Бу ёшдаги болаларда ўқишга кизиқишнинг ортиб боришида уларнинг ўз билим ва тушунчаларнинг такомиллашиб бораётганлигини сезиб боришлар, ўз имкониятларининг ўсиб бораётганлигини тушунишлари катта аҳамиятга эгадир.

Маълумки, мактабларда болаларни оғзаки баҳолаш одат тусига кириб қолган, чунки биринчи синф ўқувчиси ана шу баҳо таъсирида ўз фаолиятини кучайтиради, ижодий изланишга ҳаракат қилади. Ҳатто, ўқувчи дастлабки пайтларда “яхши” ёки “ёмон” баҳонинг фаркига ҳам бормайди, уни кўпроқ нечта баҳо олгани кизиқтиради. Ўқитувчининг рағбатлантириши унинг учун энг муҳим аҳамиятга эга.

Кўпчилик мутахассис олимлар кичик мактаб ёшдаги ўқувчиларни баҳолаш салбий оқибатларга олиб келади деб ҳисоблайдилар. Маълумки, фақат баҳо учун ўқиш билимнинг ижобий аҳамиятини пасайтириши мумкин. шунга кўра билимни текширишнинг бошқа усуллари топиш ҳамда қўллаш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан биридир.

Ўқувчиларнинг олган баҳоларига катталарнинг муносабати ҳам уларнинг ўқишга кизиқишларига муайян даражада таъсир кўрсатади. Чунончи, ўқувчининг олган баҳоларига ўқитувчи ва ота-оналарнинг бепарволик билан қарашлари ундаги ўқишга бўлган кизиқишнинг пасайишига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам ўқитувчилар ва ота– оналарни болаларнинг оладиган баҳоларига алоҳида эътибор беришлари, улар олган юқори баҳоларини маъқуллаб туришлари ва ҳаракат қилинса, ҳамма фанлардан ҳам юқори баҳо олиш мумкинлигини айтиб, уларни рағбатлантириб туришлари жуда муҳимдир.

Кичик ёшдаги ўқувчиларда юқорида кўрсатиб ўтилган хилма – хил кизиқишлар билан бирга индивидуал кизиқишлар ҳам туғила бошлайди. Баъзи ўқувчилар рассомлик ишларига кўпроқ кизиқсалар, бошқалари мусиқага ёки шеърятга муҳаббат кўядилар. Шунингдек, айрим ўқувчилар математика ёки техникага кизиқсалар, баъзилари она тили ёки тиббиётни яхши кўрадилар. Булардан ташқари, айрим ўқувчиларда ҳар – хил касбларга бўлган индивидуал кизиқишлар ҳам кўрина бошлайди. Лекин бу ёшдаги ўқувчиларнинг орзу – ҳаваслари ҳали тез – тез ўзгариб турадиган бўлади. Шунинг ҳам унутмаслик керакки, баъзи ўқувчилардаги айрим нарсаларга бўлган кизиқиш умрбод сақланиб қолмоғи ҳам мумкин. Муайян ва доимий кизиқиш – ҳаваслар ўқувчиларда асосан айрим ўсмирлик даврида таркиб топиб бораётган идеаллар билан боғлиқ равишда вужудга келади ва ўсади.

Ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги муносабатлар

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг муҳим хусусиятларидан бири улардаги ўқитувчи шахсига ишонч ҳисси ва юксак эҳтиромдир. Шунинг учун ҳам ўқитувчи болага тарбиявий таъсир кўрсатиш имконияти жуда каттадир. Бола ўқитувчини ақл-идрок соҳиби, тийрак, сезгир, меҳрибон, ҳатто донишманд инсон деб билади. Ўқитувчи сиймосида ўзининг эзгу нияти, орзу истаги, ажойиб ҳис-туйғуларини рўёбга чиқарувчи мўътабар шахсни кўради. Ўқитувчининг обрўси олдида ота–оналар, оиланинг бошқа аъзолари, қариндош-уруғлар,

таниш-билишларнинг нуфузи кескин пасаяди. Шу сабабли болалар ўқитувчининг ҳар бир сўзини қонун сифатида қабул қиладилар. Бошланғич синф ўқувчилари ўқитувчи томонидан қўйиладиган янги шартларни қабул қиладилар ва уларнинг қоидаларига тўла амал қилишга ҳаракат қиладилар. Бола учун ўқитувчи унинг психологик ҳолатини белгилаб берувчи асосий фигура ҳисобланиб, бу ҳолат унинг нафақат синфдаги, балки умуман тенгдошлари билан бўладиган муносабатига, бу муносабат эса оиласидаги муҳитларига ҳам таъсир кўрсатади. Шунингдек бу муносабатлар унинг ўқув фаолияти муваффақиятини ҳам белгилаб беради.

Ўқитувчининг ўқувчиларга таъсир кўрсатиш ва муносабатининг қуйидаги услублари мавжуд.

Авторитар услуб: бу қаттиқ қўллик бўлиб, бунда ўқитувчи ўқувчиларни сўзсиз ўзига бўйсунтиришни талаб этади. Лекин нима учун қаттиққўллик қилаётганини ёки ўқувчиларга нима учун ўз-ўзларини шундай тутишлари лозимлиги тушунтириб бермайди, шунингдек ўқувчиларни ўз хатти-ҳаракатларини мустақил бошқаришга ҳам ўргатмайди. Ўқитувчи дарс давомида ўқувчиларидан жим ўтиришини, саволларга доимо қўл кўтариб, ўқитувчининг руҳсати билан жавоб беришини, ўқитувчининг кўрсатмаларини сўзсиз бажаришни талаб этади. Бундай педагоглар ўқувчиларнинг қизиқишлари асосида эмас, балки асосан ўқув режаси асосида дарс ўтадилар. Дарс давомида ҳам баҳс-мунозара учун деярли имконият яратилмаган ҳолда асосан ўқитувчининг фикри сингдирилади. Ўқувчилари билан муомала муҳитида ҳам уларнинг индивидуал психологик хусусиятлари, жумладан асаб тизимининг кўзгалувчанлик даражасини ҳам эътиборга олмайдилар. Бу услуб ўқувчини синфдан, ўқитувчидан узоқлаштиради. Эмоционал совуқлик синфда интизомли ўқувчида яккалашув, хавотирлик, ҳимоя қилинмаганлик ҳиссини ҳам юзага келтиради. Бу услуб синфда юқори ўзлаштириш кўрсаткичинини бериши, лекин бу ўзлаштириш асосан хотира эвазига бўлиб, лекин мустақил тафаккур, ижодкорлик, ҳозиржавоблик каби хусусиятларни ривожланишдан ортда қолишга сабаб бўлади, унда доимий хавотирлик ўзига нисбатан ишончсизликни келтириб чиқаради.

Императив услубдаги ўқитувчининг ўқувчилари ўқитувчи синфда бўлмаган вақтларда ўз-ўзини бошқариш малакаси бўлмаганлиги учун ҳам интизомга мутлоқо бўйсунмайдилар. Бу асосан, тўполонда намоён бўлади. Бу услуб ўқитувчининг мустақкам иродасини кўрсатади, лекин бу иродада ўқувчига нисбатан муҳаббат ҳамда ўқувчининг “устозим мени яхши кўради” деган фикри эмас, балки у кўрқув ҳиссининг мавжудлигидандир.

Демократик услуб- ўқитувчи билан ўқувчи ўртасида дўстона муносабат ўрнатилишига асос бўлади. Дарсдаги интизом мажбурий эмас, балки муваффақиятга эришиш гарови сифатида болалар ижобий эмоцияни: ўзига ишонч ўз муваффақияти, ютуқларидан қувониш, дўстлари билан фаолиятда ҳамкорлик ҳиссини шакллантиради. Демократик услуб болаларни бирлаштиради. Шу билан бирга ўзининг фаолияти натижаларига қизиқиш уйғотган ҳолда ўзи учун ўзи ҳаракат қилиши лозимлигини англатади. Ўзини-ўзи бошқаришга ўз хатти-ҳаракатларини ўзи назорат қилишга ўргатади. Ҳар бир ишга маъсулият билан ёндашиш ҳисси ўқитувчининг шу ёшдаги болалар билан демократик муомала ва муносабати асосидагина шаклланади.

Либерал услуб- касбий лаёқати йўқ бўлган ўқитувчиларга хос бўлган услуб. Бундай ўқитувчи дарс жараёнини яхши ташкил эта олмайди. Бундай дарсларда ҳар бир бола ўзи тарбияланганлик даражасига қараб ўзини туттади. Бола ўз мажбуриятларини яхши ҳис қилмайди. Муомала муносабатидаги либерал услуб психология ва педагогика фанларига мутлоқо зид услуб ҳисобланиб болалар шахсини шакллантириш ва тарбиялаш жараёнида бу усулни қўллаб бўлмайди. Шундай қилиб, бошланғич синф ўқувчилари билан муомала муносабатидаги императив услуб, асосан маълум бир чегараларга асосланган ҳолда бола шахси ривожига салбий таъсир кўрсатади. Демократик услуб ўқитувчидан муомала муносабатда жуда катта касбий маҳоратни талаб қилган ҳолда, бола шахсининг ижобий томонларини ривожлантирувчи ягона услуб ҳисобланади. Либерал услуб эса ўқувчини эмоционал зўриқтирмайди, лекин унинг шахси ривожланишига ҳам самарали таъсир

кўрсатмайди. Ўқитувчининг муносабат услуби ўқувчининг фаолиликка бевосита таъсир кўрсатади.

Кичик мактабгача ёшдаги ўқувчиларда билиш жараёнларининг ўсиши.

Бошланғич синф ўқувчисининг билиш жараёнлари мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг билиш жараёнларидан кескин фарқ қилиши билан бирга у сифат жиҳатидан ҳам ўзгара бошлайди ва тез ривожланади. Маълумки, диққат ўқиш жараёнининг зарур шартли бўлиб ҳисобланади. Идрокнинг тўлаллиги, тўғрилиги, тезлиги, эса қолдиришнинг тез ва аниқлиги диққатга боғлиқдир. Фикрлаш жараёнлари диққат туфайли аниқ мантиқли, мазмунли бўлади. Чунки ўқувчиларнинг мустақил равишда масала ечиши ва бу масалани тушунтириши энг олдин улар диққатининг кучи ва барқарорлигини таъминлайди. Ўқувчиларнинг ақлий фаолиятининг зарур шартлари билан таъминлаш учун ўқитувчи кичик ёшдаги ўқувчилар диққатининг хусусиятларини яхши билиши керак. Қўзғалиш ва тормозланиш жараёнлари кичик ёшдаги ўқувчиларни бош мия ярим шарлари пўстида жуда тез пайдо бўлади. Шу сабабли, агар бир қўзғовчи боланинг мия қобиғида қўзғалишни вужудга келтирса, унда иккинчи қўзғовчи бош мияда жуда тезлик билан янги қўзғалиш ўчоғини тормозлаб қўйиши мумкин. Бу кичик ёшдаги болаларнинг диққатини жуда тез ва осон чалғитиш мумкинлигини кўрсатади. Ўқувчилар диққатининг бу хусусияти уларнинг дарсда ўқиш материалларини ўзлаштиришларига халақит беради. Шу сабабли ўқитувчи бола диққатининг бундай хусусиятларини доимо эста тудган ҳолда, дарсни унинг бир мазмуни билан иккинчисини боғлаб усталик билан ўтказиши ва буларни бир – бирини тормозлаб қўймаслиги учун дарснинг ҳар бир босқичини яхшилаб ўйлаб кўриши керак.

Ўқиш жараёнининг таъсири остида кичик ёшдаги ўқувчилар диққатининг барча хусусият ва сифатлари интенсив равишда ўсиб боради ва бу билан ихтиёрсиз диққатдан ихтиёрий диққатга кўчиш жараёни осонлаша боради. Кичик ёшдаги ўқувчилик даврида диққат тез ўсади мактабдаги таълим–тарбия ишлари синфларда олиб борилади. Ишлар боланинг диққатини шакллантирувчи ва тарбияловчи янги шароитдир. Ихтиёрсиз диққат қизиқиш билан мустаҳкамланиши сабабли, ҳар бир ўқитувчи ўз дарсини қизиқарли ва мароқли қилишга интилади. Лекин шу нарсани ёдда тутиш лозимки, ўқувчиларнинг диққатини бевосита қизиқарли ва мароқли бўлмаган нарсаларга ҳам қаратишга ўргатиш керак. Акс ҳолда нозик ва инжиқ диққат пайдо бўлиб қолади. Ўқувчи фақат қизиқ нарсаларга диққатини қаратишга ўрганиб қолса, ундай ҳолда фаолиятининг қандайдир элементлари бевосита қизиқиш уйғотмаса, ўқувчи ихтиёрий диққатини бу элементларга сафарбар эта олмайди. Диққат барқарорлигининг нисбатан кучли бўлмаслиги унинг ёш хусусиятидан иборатдир. Бу асосан I ва II синф ўқувчилари учун характерлидир. Кичик мактаб ёшдаги ўқувчилар диққатининг беқарорлиги тормозланиш жараёнининг ёш билан боғлиқ бўлган заифлиги натижасидир. I синф ўқувчилари, баъзан эса II синф ўқувчилари ҳам бирон ишга ўз диққатини узоқ вақт давомида тўплай олмайдилар. Уларнинг диққати осонлик билан чалғиб кетади. Шу сабабли улар вазифани ўзлари бажара олмасликлари, фаолиятининг темпини ва ритминини йўқотиб қўйишлари, сўзларда харфларни, гаплардан сўзларни тушириб қолдиришлари мумкин.

Тадқиқотларнинг кўрсатилишича I ва II синф ўқувчилари 30-35 минут давомида жим ўтиришлари ва ўз диққатларини сақлаб туришлари мумкин. Бундан ортиқ сақлаб тура олмайдилар. Дарсни ташкил қилишда буни ҳисобга олиб, ишда кичкина танаффуслар қилиш лозим. Бошланғич синф ўқувчилари диққатининг ўзига хос хусусиятларига асосланиб диққатни тарбиялашнинг айрим усуллари кўрсатиб ўтамыз.

1. Диққатни ривожлантиришда ўқув машғулотларини самарали ўтиш учун қулай бўлган ташқи шароитлар катта аҳамиятга эгадир. Ўқувчи шуғулланаётган хонада унинг диққатини чалғитувчи, қўзғатувчи (шовқин–сурон, ортиқча гап–сўз, ишга кераксиз буюм)лар бўлмаслиги тегишли гигиена шароитларига соф ҳаво, ёруғликнинг етарли бўлишига риоя қилиниши керак.

2. Ихтиёрсиз диққатни тарбиялаш учун мактаб ўқувчиларининг билимига оид кизиқишларини ривожлантириш унинг тасаввурлари доирасини кенгайтириш керак. Боланинг умумий ақлий ривожланиши қанчалик юқори бўлса, унда ихтиёрсиз диққат шунчалик кучли ривожланган бўлади.
3. Мактаб машғулотларининг дастлабки ҳафталарида ўқитувчининг ҳикоя ва эртаклар ўқиб бериши диққатни тарбиялаш учун яхши восита бўлиб хизмат қилади.
4. Дарсни яхши ташкил этиш диққатни жалб қилишнинг ва сақлаб туришнинг муҳим шартидир. Бунинг учун ўқитувчи дарсга виждонан тайёргарлик кўриши, машғулотлар режасини ва уларни тўғри тақсимлаш ва бошқаларни атрофлича ўйлаб иш кўриши зарур.
5. Дарсинг бошланишида ўқитувчилар ўз вазифаларини тушуниб олишлари, нима билан шуғулланишларини билишлари учун дарсинг мақсадини маълум қилган фойдалидир.
6. Ихтиёрсиз диққатни ихтиёрий жалб қилиш учун ўқув материалларининг мазмуни ва уни баён қилиш шакллари ўқитувчининг жонли, ёрқин, иложи борича таъсирли ҳикояси, аниқ масалалар келтириши, расмлар кўрсатиши, кўрсатмали курулларни кўлланилиши катта аҳамиятга эгадир.
7. Диққатнинг иккиланиши ва чалғишининг мавжудлиги, болаларнинг чарчаб қолиши бот–бот дам олишини, дам олиш дақиқаларни ўтказишни, шунингдек машғулотларни бир – бири билан ўзгартириб туришни талаб қилади.
8. Материални баён қилишнинг ўзи бир оҳангда ва бир хилда бўлмаслиги, балки жонли жўшқин характерда бўлиши зарур.
9. Диққатни жалб қилиш учун болаларнинг ўқув ишларини фаолаштириш зарур. Улар кўпроқ ўйлашлари ўз кучлари етадиган ишларнинг ҳаммасини ўзлари мустақил бажаришлари керак.
10. Диққатни ривожлантиришда ўқувчининг ўзига ўргатилаётган нарсани тушуниши катта аҳамиятга эгадир. Агар бирор нарса унинг учун ноаниқ бўлиб қолса, диққати сусайиши мумкин.
11. Ўқувчининг ихтиёрий диққатини ривожлантириш учун унда ўқишга онгли муносабатини, бурч туйғусини, ўз иши ва хулқ-атвори учун масъулиятни тарбияламоқ керак. Ихтиёрий диққат боланинг характери ва иродасига айниқса, боғлиқ бўлади.
12. Болаларда паришонхотирликни барҳам топтиришга, хатто иш ёки дарс қизиқ ва осон бўлмаган вақтда ҳам сабот–матонат ва тиришқоқлик кўрсатишга интилишини ҳам тарбиялаш керак.

Болалар билан ишлашда диққатнинг икки турини жалб қилиш учун иложи борича уларни бир–бири билан алмаштириб, ихтиёрий диққатдан кейинги диққатни вужудга келтиргандагина ўқитувчи таълим вазифасини ҳам, тарбиявий вазифани ҳам муваффақиятли ҳал эта олади. Шунингдек, ўқитувчи болани қайси диққат тури билан банд бўлса, ундан унумли фойдаланилиши лозим. Чунки агар болани доимо ихтиёрий диққат билан ўтиришини талаб қилинса бола тез толиқади. Бошланғич синфлардаги ўқиш фаолияти даставвал психик жараёнларнинг ривожланишини, яъни теварак – атрофдаги оламни бевосита билишини – сезги ва идрокнинг ривожланишини стимуллаштиради.

Кичик мактаб ўқувчиларида сезги ва идрокнинг ривожланиши.

Мактабга ёшдаги болаларда анализаторлар батомом таркиб топган бўлади, бироқ уларнинг ривожланиши мактаб ёшида ҳам давом этади. Анализаторлар бир хилда ривожланмайди. Кичик мактаб ёшида кўзнинг ўткирлиги бирмунча секинроқ суръат билан ортади, ўсмирларда эса бу суръат яна кучаяди. Шу билан бирга кичик мактаб ёшидаги ўқувчида кўриш ва эшитишга оид кўзғатувчиларни фарқлаш қобилияти тез ривожланади. Бу даврда яқин жойда турган предметларга (дафтар, китоб) ва бир мунча узоқроқда турган нарсаларга (синф доскаси, девордаги карта) қараш учун кўриш аппаратини тезда бошқача тўғрлаш кўникмаси ҳам сезиларли даражада такомиллашади. Болалар мактабга асосий рангларни билган ҳолда келадилар. Қиз болаларда рангларни сезиш хусусияти ўғил

болаларга қараганда бирмунча кучлироқ ривожланган бўлади. Бунга сабаб ўйин фаолияти кизлар нарсаларнинг ранги билан ўғил болаларга қараганда кўпроқ кизикадилар.

Эшитиш қобилиятининг ўткирлигига келганда шуни айтиш керакки, бу қобилият кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда мактабгача ёшдаги болаларга нисбатан бир мунча ўсган бўлади. Мактабдаги таълимнинг дастлабки йилларида сўзларни эшитиш қобилияти айниқса ривожланади, бунга ўқиш ва ёзишни ўрганиш ёрдам беради. Ўз навбатида фонематик эшитиш қобилияти етарли даражада ривожланади, ўқиш муваффақиятлироқ боради.

Мактабдаги бошланғич синфлар ўқитувчисининг муҳим вазифаларидан бири– ўқувчиларнинг сезгиларига ҳос бўлган хусусиятларга диққат билан қараш ва уларнинг сезгирлигини ошириш тўғрисида ғамхўрлик қилишдир. Ўқитувчи ўз ўқувчиларидан қайси бирининг кўзи равшан кўра олмаслигини (яқиндагини ёки узоқдагини равшан кўришини) қайсиниси етарли даражада яхши эшитмаслигини билиши лозим. Сезги органларида нуқсонлари бўлган болаларни табибга кўрсатиши зарур, синфда эса уларни яхшироқ кўрадиган ва эшитадиган қилиб ўтказиш керак. Шу билан бирга ўқитувчи болаларда сезгиларнинг ривожланиши тўғрисида ҳам ғамхўрлик қилиши лозим. Расм солиш, мусиқа, кўшиқ айтиш билан шуғулланиши, табиат кучоғига, музейларга, сурат кўргазмаларига экскурсиялар уюштириши ва бошқалар сезгиларини ривожланишига маълум даражада ёрдам беради.

Кичик мактаб ёшидаги болалар идрокининг ўткирлиги ва софлиги билан фарқ қиладилар. Ўқувчиларнинг идроки ўзига хослик билан фарқ қилади. Буни олий асаб фаолиятининг ёш хусусиятлари ва биринчи сигнал тизимининг нисбатан устунлиги билан тушунтириш мумкин. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчи ўзининг олдида ҳар куни қандайдир биронта янгилик очиб берадиган теварак–атрофдаги оламни жонли қизиқиш билан идрок қилади. Бироқ ўқувчининг бу идроки ўқув йили бошларида ўзига хос хусусиятлар унинг ёш жиҳатдан бўлган камчилиги ҳақида гапиришга имкон беради.

Кичик мактаб ёшидаги болалар идрокининг энг характерли томони – унинг кам дифференциалашганидир. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар ўхшаш объектларни ноаниқ ва хато дифференциалаштиради: баъзан ёзилиши жиҳатидан ёки талаффуз қилиниши жиҳатидан ўхшаш ҳарфлар ва сўзларнинг ўхшаш предметлар тасвирининг ва ўзаро ўхшаш предметларнинг фарқига бормайдилар ва уларни аралаштириб юборадилар. Бу ҳол идрок қилишдаги таҳлил қилиш функциясининг ёшга хос заифлиги билан боғлиқдир. Идрокнинг юзакилиги шунга олиб келадикки, кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар предметининг айрим белгиларини яхши сезмайдилар, уларни бир – бири билан боғламайдилар ва унинг энг муҳим сифатларини кўрмайдилар. Ёркин, катта, ҳаракат қиладиган ҳамма нарсалар уларнинг диққатини ўзига тортади. Шунинг учун кўзга яққол кўришиб турадиган нарсаларни болалар мавҳум абстракт материалга қараганда яхшироқ идрок қиладилар. Аммо йил сайин кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг идроки анча етук, тўлиқ бўлиб боради. Идрок қилинадиган предметдаги иккинчи даражали нарса кейинги режага ўтиб, муҳим, асосий нарса аниқ кўзга ташланади. Болалар идрокида кўпинча анализ ва синтезнинг етишмаслиги кўришиб туради, уларнинг ёшида идрок қилиш ҳис–туйғулар билан маҳкам боғланган бўлади. Бола атрофдаги муҳитни бефарқ идрок этмайди: кўп нарса уни қувонтиради ёки хафа қилади. Ўқувчиларда идрок қилиш кўпинча ноаниқ бўлади. Улар бир–бирига ўхшаш нарсаларни айнан бир хил нарсалар, деб қабул қиладилар. Масалан, шаҳарлик болалар читтакни қарға деб қабул қилишлари мумкин. Идрок қилишнинг ноаниқлиги I синф ўқувчиларида китоб ўқиш фаолиятида ўз таъсирини кўрсатади, улар бу вақтда ўқиладиган сўз ўрнига унга ўхшаш бўлган бошқа сўзни айтиб юборадилар. Масалан: “ўйлади” ўрнига “ўйнади”, ёки “баҳор” ўрнига “баҳо” деб ўқишлари мумкин.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда маконни идрок қилиши ҳам етарли даражада ривож топмаган. Улар асосий узунлик ўлчовларининг номини билдирадилар–у, лекин уларда масалан бир километрга тенг бўлган масофанинг қанча бўлиши тўғрисида аниқ тасавури йўқ. Ўқувчиларда вақтни идрок қилиш ҳам суст ривож топган. Баъзи болалар дарс ва соат вақт жиҳатидан бир–бирига тенг деб ҳисоблайдилар. Болалар идрокини заиф

томонларига шу нарса сабаб бўладики, уларда билим ва тажриба етишмайди. Лекин ана шу билим ва тажриба пайдо бўлиб боргани сари бола дунёни тобора аниқроқ ва тўғрироқ идрок қила бошлайди.

Ўқиш фаолияти кичик мактаб ёшидаги ўқувчининг ақл–идрокни сезгирлиги, кузатувчанлиги, эслаб қолиши ва эсга тушириш имкониятларининг ривожланиши учун муҳим шарт–шароитлар яратади, ҳисоблаш малакаларини шакллантиради. Таълим жараёнида уларнинг билимлари кўлами кенгаяди, қизиқишлари ортади, ижодий изланиш қобилияти ривожланади, уларда тафаккурнинг фаоллиги, мустақиллиги ортади, ақлий имкониятини ишга солиш вужудга келади. Мазкур ёшдаги болалар ўз идрокларининг аниқлиги, равшанлиги ўткирлиги билан бошқа ёш давридаги инсонлардан кескин фарқ қилади. Улар ҳар бир нарсага берилиб, ўта синчковлик билан қарашлари сабабли идрокнинг муҳим хусусиятларини ўзлаштириш имкониятига эга бўладилар.

Кичик мактаб ёшида ўқувчиларда хотиранинг ривожлантириш.

Кичик мактаб ёшида ўқувчиларда хотира таълимнинг таъсири билан икки йўналишда ривожлантирилади. Сўз–мантиқ хотирасининг ва маъносига тушуниб эсда олиб қолишнинг роли ва унинг салмоғи кучаяди ва бола ўз хотирасини онгли равишда бошқариш ҳамда хотиранинг намоён бўлишини, тартибга солиш имкониятига эга бўлади. Биринчи сигнал тизими фаолиятининг нисбатан устунлиги туфайли кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда сўз–мантиқ хотирага нисбатан кўрғазмали–образли хотира кўпроқ ривожланган бўлади. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар қоида ва тушунтиришларга қарорларда аниқ нарсаларни маълумотларни, воқеаларни, қиёфаларни, нарсаларни ва фактларни яхши, тез эсда олиб қоладилар ва хотираларида мустаҳкам сақлайдилар. Айниқса I – II синф ўқувчилари эсда олиб қолинадиган материалнинг ички маънавий боғланишларини англамаган ҳолда механик тарзда эсда олиб қолишга мойил бўладилар. Улар кўпинча ўқув материални қайта кўрмай, ҳеч ўзгартирмай, унинг мазмунини бошқа сўзлар билан айтиб беришга интирмай, сўзма–сўз ёдлашга ва қайта тиклашга интиладилар. Буни қуйидаги ҳолатлар билан тушунтириб ўтамиз.

Биринчидан, кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда механик хотира яхши ривожланган бўлади ва у кўпинча ортиқча меҳнат сарф қилмай, материални сўзма–сўз эсда олиб қоладилар;

Иккинчидан кичик мактаб ёшидаги ўқувчининг олдида эсда олиб қолиш вазифасини ажрата, дифференциация қила олмайди. Ўқитувчи бўлса, бу хусусда кўпинча ўқувчига ёрдам бермай, материални тўғри ва етарли даражада тўла қайтариб беришни талаб қилиш билан чекланади;

Учинчидан кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар айниқса I–II синфларда ҳали нутқни яхши эгалламаган бўладилар. Уларга материалнинг умумий маъносини ўз сўзлари билан айтиб бериш осонроқ бўлади;

Тўртинчидан кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар кўплари ҳали маъносига тушуниб, эсда олиб қолишни ташкил қила олмайдилар: улар материални маъносига қараб гуруҳларга бўлишни, мантиқий жадваллардан фойдаланишни, эсда олиб қолиш учун таянч пунктларни ажратишни ва материалларни қайта ўзгартириш билан боғлиқ бўлган текстнинг мантиқий режасини тузишни билмайдилар.

Мантиқий хотира, яъни материалнинг маъносини, моҳиятини, фикрларни, далилларни, асосларни, мантиқий жадваллар ва мулоҳазаларини эсда олиб қолиш ҳамда қайта эсга тушириш қобилияти таълим жараёнида ривожланиб, аста–секинлик билан юзага келади. Мантиқий хотирани ривожланишини ҳар томонлама стимуллаштириш, болаларни материални яхши эсда олиб қолиш учун унинг маъносини англашга ундаш, материални қайта қуриш ва уни асосий мазмунини сақлаб қолган ҳолда ўз сўзлари билан изоҳлаб беришга ўргатиш ўқитувчиларнинг бурчидир. Ихтиёрий эсда олиб қолишнинг самарадорлиги кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг интеллектуал фаоллиги даражаси билан белгиланади. Интеллектуал фаоллик даражаси кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг эсда олиб қолишини ташкил қилиш ва бошқариш воситаларини эгаллаш билан бевосита

боғлиқдир. Тадқиқотларнинг кўрсатилишича, эса олиб қолишнинг самарали усуллари ўқишни ўзини назорат қилиш, ўзини текшириб туриш орқали эса олиб қолинаётган материални қайта тиклашга уриниши билан алмаштириб олиб боришдан иборатдир. Кузатишлар шу нарсадан далолат берадики, кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар озми–кўпми мустақил эса олиб қолишнинг фақат биргина оддий усулларидан– такрорлаш усулидан фойдаланадилар. Болаларда хотиранинг индивидуал фарқлари ҳам кўзга ташланади. Бир хил болаларнинг хотираси юқори даражада тайёрлиги сабабли улар бирор нарсани тезда эслаб, зарур жавобларни беришлари мумкин. Бошқалари эса секин ўзлаштирадилар, тез ҳамда осонлик билан эса туширмайдилар. Ўқитувчининг шошма–шошарлиги, унинг сабр–тоқат қила олмаслиги ва ўқувчига ўйлаб кўриш, фикрларини бир жойга тўплаш учун имкон бермаслиги боланинг билимларини нотўғри баҳолашга олиб келиши мумкин. Бу эса унда ўқитувчига нисбатан салбий муносабатни келтириб чиқаради ва ўз кучларига бўлган ишончига путур етказиши мумкин.

Хаёлнинг кичик мактаб ўқувчиларда ривожланиши.

Мактабдаги таълим жараёнида болалар ҳали ўзлари бевосита идрок қилмаган борлик ва ходисалар ҳақидаги билимларини ўзлаштира бошлайдилар. Ўқувчилар бундай маълумотларни, албатта хаёлнинг фаол фаолияти орқали ўзлаштириб оладилар. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг хаёли унинг ўқув фаолиятининг таъсири ва талаблари билан таркиб топади. Шунинг билан барча бевосита таассуротлар ҳам хаёлни ривожлантиради. Бу даврда хаёлнинг ривожланишидаги асосий фикрларни (ғояларни) кўриш мумкин. Даставвал илгари идрок қилинган образларни тасаввур қилиш билан ёки мазкур тасвирга, схемага, суратга ва шу кабиларга мос келадиган образлар яратиш билан боғлиқ бўлган қайта тикловчи хаёл такомиллашади. Болаларнинг тетиклик, ёрқинлик ва конкретлиқдан маҳрум бўлмаган тасаввурлари секин–асталик билан янада аниқлашади, ўқув предметлари, болалар ўқиган китобларнинг мазмунини борган сари тўғри акс эттиради, ҳамда узук–юлуқлик ва фрагменторликдан озод бўлиб, бир системага бирлашади. Ўтмишдаги тажрибалардан олинган таассуротларини қайта ишлаш ва ўзгартириш билан боғлиқ бўлган ҳамда уларни янги образларга, комбинацияларга бирлаштиришдан иборат янги образлар ҳосил қилиш сифатидаги ижодий хаёл ҳам янада ривожланади. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчи хаёлида воқеликка зид бўлмаган образлар борган сари кўпроқ пайдо бўлади. Бу эса болада танқидий баҳолаш қобилиятининг ривожланиши билан боғлиқдир. Шундай қилиб кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг хаёли бир томондан, бевосита таассурот таъсиридан секин–аста озод бўлади, мана шунинг ўзи бола хаётига ижодий характер бағишлайди. Иккинчи томондан мазкур ўқувчилар хаёлининг ривожланиши яъни унинг реаллиги хаёл образларини мантиқий равишда объектив олам қонунлари асосида назорат қилиш ҳамда баҳолаш қобилияти ривожланиши билан боғлиқ бўлган реаллиги кучаяди.

Ўқитувчи ўқиш материални ўқувчиларнинг хаёл хусусиятига мувофиқ берилишида ўқувчиларнинг қайси билим бойлигига таяниши кераклигини мавжуд тасаввур бойликлари билан қайси бирини танлаб олишни ва ундан фойдаланиши кераклигини ҳамда уларнинг хаёл оқимини қайси томонга қараб ўзгартириши мақсадга мувофиқроқ бўлишини билиши керак. Бунда ўқитувчининг эпитет ва ўхшатишларни ўз вақтида тўғри ишлатиш муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки эпитет ва ўхшатишлар ўқувчилар онгидаги тасаввурларнинг имкониятларини ҳисобга олган ҳолда эҳтиёткорлик билан ёндашиш керак. Маълумки хаёл фаолияти тафаккур билан чамбарчас боғланган бўлади. Фикрлаш жараёнлари хаёл тасаввурларига таянади.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда тафаккурнинг ривожланиши. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар тафаккурининг хусусиятларини ўрганган олимлар боланинг тафаккурини қуйидаги уч йўналишда тадқиқ қилганлар: биринчидан тафаккурнинг ёш даврига хос хусусияти, иккинчидан унинг ривожланиши, учинчидан тушунчаларни шаклланиш омиллари.

Болалар нарсаларнинг ўзгармайдиган баъзи белгилари доимийлигини пайқай олмаслиги улардаги тафаккурнинг энг муҳим хусусиятларидан биридир. Таълимнинг

дастлабки босқичида болани умумлаштириши жуда содда бўлади ва фақат ўхшашлик белгисига асосланади. Кейинчалик эса бола нарса ва ҳодисаларнинг ташқи сифат ва хусусияти белгиларини гуруҳларга ажратиши ва таснифлашга, нарса ва ҳодисаларнинг хоссалари, қонуниятлари, мураккаб ички боғланиш ва муносабатларнинг муҳим белгилари бўйича умумлаштиришга ўтади.

I ва II синф ўқувчилари ўқув фаолиятларини буюмларнинг жозибадор ташқи белгиларига таяниб фикрлайдилар: қуёш, момақалдирак, автомобиль, қуш ва бошқалар тўғрисида фикр юритишда “Қуёш иситади, ёритади” “Момақалдирак гулдирайди” “Автомобил юк ташийди” “Қуш сайрайди” каби ҳукмлар чиқарадилар, шунинг учун агар ўрганилаётган материалларнинг муҳим белги ва аломатларини бевосита аниқлаш зарурати туғилса, дарров кўринадиган мисолга мурожат қиладилар. Ўқувчилар III синфга ўтгандан сўнг умумлаштиришдан моддий дунёдаги воқеиликнинг энг муҳим муносабат ва боғланишларни акс эттирувчи ички белгиларига таянадилар. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар таълим жараёнида илмий тушунчаларни ўзлаштирсаларда олдинги дарсларда ўзлаштирилган турли аломатлар, белгилар, хусусиятларини қориштириб, чалкаштириб ҳам юборадилар. Чунки уларда тушунчалар таркибига кирадиган нарса ва ҳодисалар билан уларнинг белгилари ўртасида узвий боғланиш таркиб топмаган бўлади. I ва II синф ўқувчилари узунлик ўлчов бирликларини ўзлаштиришда ҳам қийналадилар, чунки улар узунлик ўлчовининг асосий белгиси унинг узунлигини ажратишни билмайдилар.

III синфга ўтганларидан кейин мураккаб фазовий муносабатларни эгаллашга кучлари етади. Чунки таълим жараёнида уларнинг фазо тўғрисидаги тасавурлари, тушунчалари кун сайин режа, масштаб, ер шари ва қатор шартли белгилар ҳақидаги билимлар билан бойиб боради. Ўқувчиларнинг билим доираси кенгайгани сари улар қатъий ҳукмлардан тахминий ҳукмларга кўча бошлайдилар нарса ва ҳодисаларнинг турли хусусиятларига эгаллигини воқелик атиги бир ҳаракатдан бир сабабдан эмас, балки кўп сабаблардан пайдо бўлишлигини англаш босқичига кўтариладилар. Тахминий ҳукмлар II синфдан бошлаб пайдо бўлади. III синфдан бошлаб ўқувчиларда тушунча ва ҳукм ривожланиши билан бирга турли нарса ва ҳодисалар ҳақида юритилган муҳокамалар асосида хулоса чиқариш ҳам ўзгариб боради. Ўқувчиларда индуктив ва дедуктив хулоса чиқариш алоҳида аҳамият касб этади. Хулоса чиқариш аввал бевосита идрок қилинаётган нарсалар асосида вужудга келади. У бевосита кузатиш, идрок қилиш жараёнида нарса ва ҳодисаларнинг муносабатини боғланишини акс эттирадиган хулоса чиқариш бўлиб, боланинг тафаккурида асосий ўрин эгаллайди. Чунки бунда яққол–образли тафаккурга таяниб хулоса чиқарилади. Кейинчалик мавҳум шарт-шароитлардан вужудга келадиган хулоса чиқариш тури пайдо бўлади.

Таълим жараёнида тафаккурнинг аналитик – синтетик фаолияти муҳим рол ўйнайди. Ўқувчилар таҳлил қилиши жараёнида яхлит муносабатни ёки нарсани бўлақларга ажратиб уларнинг, узвий боғланишини аниқлайди, синтезда эса бунинг аксини бажаради, яъни бўлақларнинг яхлит буюмга боғланишини аниқлайди. Ўқувчилар таҳлил ва синтезни, таққослашни машқ қилиш орқали нарса ва ҳодисаларнинг муҳим белгиларини тасодифий билишларидан ажратишни ўрганадилар ва шу тариқа ўзларининг мавҳумлаштириш фаолиятларини такомиллаштирадилар. Бошланғич синф ўқувчиларининг умумлаштириш фаолиятини ривожланиш мақсадида амалга оширилган тадқиқотлардан маълумки, йил охирига бориб, болаларнинг ўзлари мустақил равишда нарсаларни муҳим белгиларига асосан умумлаштириш имкониятига эга бўладилар. Уларда маҳаллий тушунчалар, атамалар, тушунчалар миқдори кескин камади. Болаларда мавҳумлаштириш ва умумлаштириш усулларини ўргатиш болалар тафаккурининг ривожини янги босқичга кўтаради. Уларнинг тафаккури мантиқий фикрлаш, мулоҳаза юритиш, ҳукм ва хулоса чиқариш, таққослаш, таҳлил қилишнинг турли усуларини қўллашдан ўзига хос хусусиятлари билан мактабгача ёшдаги болалардан ва ўсмирлар тафаккуридан кескин фарқ қиладди. Болалар тафаккурида маълум даражада устун туради ва уларнинг тафаккури ёш хусусиятига мутлоқо мослигини кўрсатади. Таълим жараёнида тафаккур операцияларини, мустақил фикирлашни ўргатиш кичик мактаб ёшдаги ўқувчиларни камол топтириш гаровидир.

Кичик мактаб ёшдаги ўқувчиларда нутиқнинг ривожланиши.

Мактабга келиш арафасида боланинг сўз бойлиги ўз фикрини баён эта оладиган даражада ортади. Агар бу ёшдаги нормал ривожланаётган бола ўз нутқида 500–600 сўзни ишлатса, олти–ёшли бола 3000–7000 сўзни ишлатади. Бошланғич синф ёшидаги болалар нутқи асосан от, феъл, сифат, сон ва боғловчилардан иборат бўлади. Бу ёшдаги болалар ўз нутқларида қайси сўзларни ишлатгани афзалу, қайсиларини ишлатиш мумкин эмаслигини фарқлай оладилар. 6–7 ёшли бола ўз жумлаларини мураккаб грамматик тизимда туза олади. Бола бутун болалик даврида нутқни жадал равишда эгаллаб борадилар ва нутқни ўзлаштириш маълум бир фаолиятга айлана боради. 7–9 ёшли болаларнинг ўзига ҳос яна бир хусусияти бола нутқида ўз фикрини баён этибгина қолмай, балки ўз суҳбатдошининг диққатини ўзига жалб қилишини ҳам биладилар. Бу даврда ёзма нутқ ҳам шакллана бошлайди. Ёзма нутқ жумлаларини тўғри тизимли ва сўзларни тўғри ёзилган маълум талаблар қўйилганлиги билан характерланади. Бола сўзларни қандай эшитган бўлса, шундайлигича ёза олмаслигини билиши, учун тўғри талаффуз этишга ва ёзишга ўргатиши зарур. Ёзма нутқни эгаллаши асосида болаларда турли матнлар ҳақидаги маълумотлар юзага келади. Бу даврда ёзма нутқ эндигина шакллана бошлаганлиги боис, болада ҳали ўзи ёзган фикрларни сўз ва ҳарфларни назорат этиши малакаси ҳали ривожланмаган бўлади. Лекин унга ижод қилиш имконияти берилади. Ушбу мустақил ижодий иш мактаб ёшидаги ўқувчиларда берилган мавзунинг англаш, унинг мазмунини аниқлаш фикрини баён этиш учун маълумот тўплаш, муҳим жиҳатларини ажратиб олиш, уни маълум кетма-кетликда баён этиш, режа тузиш малакасини юзага келтиради. Жумлаларни тўғри тузиш, айнан шу мазмунга мос сўзларни топиш ва уларни тўғри ёзиш, тиниш белгиларини тўғри қўйиш, ўз ҳолатларини топа олиш ва тўғирлаш ақлий ривожланишнинг кўрсаткичларидан ҳисобланади.

Мактабдаги ўқиш ўқувчилар нутқининг мазмунига катта таъсир кўрсатади. Ўқувчиларнинг луғати янгидан-янги сўзлар ва тушунчалар билан бойиб, нутқи эса махсус сўзлар, терминлар ва янги иборалар билан тўлиб боради. Ҳар хил ўқувчи предметлари ўқув нутқи олдида янги талаблар қўйди. Математикада қисқа аниқ нутқ керак бўлса, ўқув дарсларида ўқувчиларга кенг, образли иборалар билан тўлдирилган гаплар керак бўлади. Болалар монологик нутқдан фойдаланишда катта қийинчиликларга дуч келадалар. Болаларнинг оғзаки ва ёзма нутқлари ўртасида катта фарқ борлигини кўрамиз. Бу фарқ шундан иборатки, мактабгача ёшидаги болалар бир-бирлари билан оғзаки нутқ ёрдамида муносабатда бўладилар, ёзма нутқ эса кичик ёшдаги ўқувчилар учун янги нотаниш соҳадир. Шу сабабли ёзма нутқни ўқувчилар қийинчилик билан эгаллайдилар. Ўқувчилар нутқини такомиллаштириш учун актив нутқ билан доимий равишда машқ қилиш талаб этилади, бунини таълим жараёнида ҳар доим эса тутиш керак.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда иродавий–эмоционал ҳолатлар.

Мактабдаги таълим жараёнида билимларни эгаллаш ўқувчидан иродавий зўр беришни талаб қилади. Чунки ўқиш материали ҳар қачон ҳам эмотционал характерга эга бўлавермайди, унинг маълум қисми зерикарли ва завқсиз бўлиши мумкин. Мана шундай материал ўқувчидан иродавий зўр беришни талаб қилади. Маълумки, I синф ўқувчиларида диққатнинг ривожланиши узоқ давом этмайди, лекин ўқиш материалини ўқишдаги иродавий зўр беришнинг такрорланиши таъсири натижасида ирода аста-секин ривожлана боради, мустаҳкамланади: ирода ўқув материалини ўзлаштиришда катта ўрин эгаллайди. Ўқувчиларга кўп нарсаларни ўқиб олишга, дарсда ва уйда кўп нарсаларни эса қолдиришга тўғри келади, кўпинча ўқувчига шеър ва грамматика қоидаларини ёдлаш топширилади. Мана шу ҳолларнинг барчасида ўқувчилардан ирода талаб қилинади. Ихтиёрий ақлий жараёнларнинг муваффақиятли бўлиши ўқувчининг иродасига боғлиқдир, ақлий жараёнлар ирода билан биргаликда ривожланади. Шу вақтнинг ўзида ироданинг ўзи ҳам фаолиятда, ўқиш жараёнида таркиб топа боради. Ироданинг ўсишида мактабдаги интизомга ахлоқ қоидаларига риоя қилишнинг зарурлиги катта аҳамиятга эга. Мактабда ўрнатилган интизом ва тартиб ўқувчиларда ихтиёрсиз ҳаракатларнинг вужудга келишига йўл қўймайди.

Ўқувчининг ўзида мана шу ихтиёрсиз фаолига ундаб туриши учун, ундан иродавий зўр бериш талаб қилинади. Иродавий акт фаол ҳаракатлардагина эмас, балки бирор ҳаракатни қилишдан ўзини тийишда ҳам ифодаланиши мумкин. Ироданинг асаб- физиологик асослари кўзғалиши ва тормозланиш жараёнлари мувозанатлигининг тараққий этиши билан боғлиқдир. Бу асаб жараёнлари мувозанатлигининг ўсишига синфдаги ўқувчиларнинг жамоаси билан ўрнатилган ўзаро нормал муносабат ҳам таъсир этади. Кўзғалиш ва торморланиш жараёнлари мувозанатлигининг, маълум мақсадга қаратилган онгли ҳаракат тариқасида ироданинг ўсиши, бирор қийинчиликни ечиш учун иродавий зўр бериш - буларнинг барчаси асаб тизими тез кўзғалувчи бола учун қийин жараён дидир. Чунки бу ёшдаги болаларда кўзғалувчанлик кучли бўлади, улар ўз ҳаракатларида эмоционаллик ва импульсивликка тез берилиб кетадилар. Кичик ёшдаги ўқувчилар уйга берилган топшириқларни кўпроқ ўқитувчиларнинг мақтовига сазовор бўлиш мақсадида бажаришга интиладилар. III – IV синфларда эса ўқувчилар, улар билан олиб борилган тарбиявий ишлар натижасида, ўқишга ижтимоий аҳамият бера бошлайдилар. Кичик мактаб ёшдаги ўқувчиларда иродавий ҳаракатларнинг мотиви ва бу ҳаракатдан кўзда тутилган мақсад жуда беқарор бўлади. III – IV синф ўқувчилари ўз мулоҳазаларида бурч ҳиссига амал қиладилар. Яхши тарбияланган болалардаги ирода талаб қилинадиган ҳаракатларида бурч ҳисси катта роль ўйнай бошлайди. Тиришқоқ ўқувчиларда бурч ва жавобгарлик ҳислари кучли намоён бўлади. Бу ҳислар уларда иродани ўстириши воситаларидан биридир. Баъзан бурч ҳиссининг барқарор кўриниши беқарорликка ўтиб кетади. Бу кўпинча болаларда узоқ вақт иродавий зўр бериш натижасида толиққанда рўй беради. Ўқувчида ироданинг ўсиши унинг кичик мактаб ёшидаги характернинг иродавий ҳислатлари таркиб топишининг бошланишидир. Болаларнинг ўқиш фаолияти ва ўсишидаги ёш хусусиятлари билан боғлиқ бўлган ўзига хос типик ҳислатлар ҳам пайдо бўлади.

Кичик мактаб ёшдаги ўқувчида қатъийлик каби муҳим шахс ҳислати шаклланади. Ёзиш, ўқиш ва санаш каби янги таълим малакаларининг пайдо бўлиши ирода ҳислатларининг шаклланишига ёрдам беради. Шахснинг муҳим ҳислати бўлган қатъийлик III синф ўқувчиларининг кўпчилик қисмига хосдир. III синф ўқувчилари масалаларни мустақил ечган ҳолда, қандай қилиб бўлмасин мақсадга эришадилар. Болалар орасида ўз ҳаракатларини тўғри ёки нотўғрилигига ишонмайдиганлар учрайди. Улар ўзлари учун нотаниш янги шароитга янги жамоага тушиб қолганларида айниқса, кўрқоқ бўлади. Бунга боланинг ўз кучига ишонмаслиги, ўз ҳаракатларида тез – тез муваффақиятсизликка учраб туриши ҳам сабаб бўлиши мумкин. Мана шунинг учун ҳам, бола кўпроқ иродавий ҳислатларини ўстирадиган ва мустаҳкамлайдиган шароитда бўлиши, вазифаларни бажариши муҳимдир. Қийинчиликларни ва тўсиқларни ўқувчилар енга оладиган бўлиши керак, ўқувчи бу қийинчиликларни бартараф этиб, эришган ютуқларидан қувонсин. Боланинг кучи етмайдиган унинг ёш хусусиятига тўғри келмайдиган тўсиқлар бола олдида берк кўча пайдо қилади ва бола иродасни чиниқтириш ўрнига заифлаштиради. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда ҳис- туйғулар анча вазминлашиб катталарнинг туйғуларига анча ўхшаб қолади. Аммо туйғуларнинг ўз характерида бутунлай қарама – қарши ҳолда кескин ўзгаришини ҳам кузатиш мумкин. Бу ҳолатлар ўқиш фаолиятларидан бирортасининг ёки бир хилдаги меҳнат ва ўйинининг узоқ вақт давом этиб, таъсир этиши натижасида пайдо бўлади. Кичик ёшидаги ўқувчиларга хос бўлган жуда кўп эмоционал кечинмалар мустаҳкамланиб, ҳатто характер ҳислатларига ҳам айланади. Ўқувчининг ҳали кичик пайтида, таркиб топган характер ҳислатлари катта ўзгаришларга учрайди. Тасаввур, тушунча, хоҳиш ва ҳис-туйғулар, сўзсиз, ўзгара боради ёки улар ижобий ҳислатлар даражасига кўтарилиб, мустаҳкамланиши ёки аксинча йўқолиб кетиши мумкин. Таълим-тарбия жараёнида болаларнинг ҳаёти ва фаолиятини шундай уюштириш лозимки, бунда болаларда шахснинг кичик ёшда –ўқувчилигида таркиб топган ижобий ҳислатлар тобора бойиб ва мустаҳкамланиб борсин.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда индивидуал ҳислатлар.

Ўқувчилардаги темперамент ва характер хусусиятлари бир-бирига жуда ҳам яқиндан боғлиқ бўлиб улар ўйин, ўқиш ва меҳнат фаолиятлари жараёнида тарбия таъсири билан ўзгариб, тараққий қилиб боради. Бола темпераментини тараққий эттириш учун, аввало, унинг ижобий ва салбий, кучли ва заиф томонларига эътибор берилиши керак. Тажрибали ўқитувчи ўз ўқувчиларининг темпераментидаги индивидуал хусусиятларни аниқлаб олади ва улар билан қилинадиган ишни тегишли тарзда йўлга қўяди. Темперамент типи туғма сифат бўлганлиги сабабли темпераментни тарбиялаш ишини иложи борича эртароқ бошлаш керак. Бундай иш учун кичик мактаб ёши жуда қулай даврдир. Мактабда туғри йўлга қўйилган таълим-тарбиявий иш болалар темпераментидаги баъзи салбий хусусиятларни тузатади. Холерикларни анча ўзини тутган, сангвиникларни ўзларига анча ишонадиган ва атрофдагилар билан кўпроқ муомала қиладиган бўлиб қоладилар. Мактаб интизоми шунингдек, жисмоний тарбия ва бошқа соғломлаштириш тадбирлари темпераментни ҳамма типларига фойдали таъсир кўрсатади. Темперамент устида ишлаш одамда ўз темпераментнинг қўлига айланиб қолмаслик, балки уни идора қила билиш имкониятларини берадиган ирода ва мустахкам характерни тарбиялаш билан узвий равишда боғланиб кетади.

Кичик мактаб ёшдаги даврида характер эндигина таркиб топа бошлайди. Болалардаги характерологик хатти-ҳаракатлар ўзининг беқарорлиги ва қарама-қаршилиги билан фарқ қилиши мумкин. Шу муносабат билан баъзан улардаги ўткинчи психик ҳолатларни хато равишда характер хислатига қўшиб юбориш мумкин. Бу даврда ўқувчиларнинг хатти – ҳаракатларида олий асаб фаолиятининг типологик хусусиятлари анча аниқ ва ёрқин намоён бўлади. Бу хусусиятлар кейинчалик бориб одатда ҳаётда таркиб топган хатти – ҳаракатларнинг одатдаги шакллари билан қоришади. Уятчанлик, тортинчоқлик асаб тизими кучсизлигининг бевосита кўринишида бўлиши мумкин. Импульсивлик, ўзини тута билмаслик– тормозланиш жараёнининг кучсизлиги натижасида намоён бўлиши мумкин. Реакциянинг бир фаолиятдан бошқа бир фаолиятдан кўчишнинг сустлиги–асаб тизимининг кам ҳаракатчанлиги натижасида намоён бўлиши мумкин. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчи характери ўзининг айрим хусусиятлари билан фарқ қиладди. Даставвал улар характернинг импульсивлиги (беихтиёрлиги) уларнинг ўйламасдан ва барча ҳолатларини ҳисобга олмай бевосита импульслар, майллар ва тасодифий сабаблар таъсири остида дарҳол ҳаракат қилишга мойиллиги ёш муносабат билан хатти –ҳаракатларни ирода орқали бошқаришнинг сустлиги ва фаол ташқи вазиятга бўлган эҳтиёждир. Шунинг учун кичик мактаб ёшдаги ўқувчилар томонидан мактабнинг ички тартибини бузиш ҳодисаларини интизомсизлик деб тушунтириб бўлмайди.

Кичик мактаб ёшдаги ўқувчилар характеридаги кўп учрайдиган камчиликлар, яъни уларнинг инжиқлиги ва қайсарлиги оила тарбиясидаги нуксонлар оқибатидир. Бундай бола ўзининг барча талаб ва хоҳишлари қондирилишига одатланиб қолган бўлади. Болаларнинг характерида хос ёш хусусиятларига меҳрибонлик, билимга қизиқувчанлик, туғрилик ишонувчанлик каби ижобий хислатлар ҳам киради. Кичик мактаб ёшдаги ўқувчиларнинг муҳим ёш хусусиятларидан бири тақлидчанликдир. Улар катта ёшли кишиларга ва баъзи тенгқурларига, шунинг билан бирга яхши кўрган китоблари ва кинофильмлардаги қаҳрамонларга тақлид қилишга интиладилар.

Кичик мактаб ёшдаги давр характерининг ижобий хислатларини тарбиялаш учун катта имкониятларга эгадир. Ўқувчиларнинг тез кўниқувчанлиги ва маълум даражада таъсирчанлиги, улардаги ишонувчанлик, тақлид қилишга мойиллик, ўқитувчининг улар орасида жуда катта обрўси борлиги тарбиявий ишнинг асосини ташкил қиладди ва ўқитувчи ўз иши фаолиятида буларга амал қилиши зарур. III синф таълимнинг бошларига келиб тобора ортиб бораётган талаблар таъсири ва туғри ташкил қилинган таълим-тарбия ишларининг таъсири билан кичик мактаб ёшдаги ўқувчиларда меҳнатсеварлик, тиришқоқлик, интизомлилик, ҳамда батартиблилик таркиб топади. Секин-асталик билан ўз хатти- ҳаракатларини иродавий томондан бошқариш қобилияти ривожланади. Ўзини тута билиш ва ўз хатти -ҳаракатларини назорат қилиш ҳамда бевосита турли ножўя таъсирларга берилмаслик малакаси юзага келади, қатъийлик ва қийинчиликларни енгиш малакаси ўсади.

Ўқувчиларда III – IV синфлардан бошлаб бурч ҳиссини англаш сезиларли равишда намоён бўла бошлайди. Аммо бу ёшдаги бурч ҳисси ҳали етарли даражада барқарор ва батамом мустақил бўлмайди. Мактаб таълими бошидан бола икки томонлама ҳам оилада, ҳам мактабда тарбиявий таъсир остида бўлади. Шу сабабли тарбиявий таъсирларнинг, бир хил йўналишда бўлиши комил шахсни тарбиялашга асос бўлади. Мактаб ва ўқитувчининг вазифаси ўқувчиларга таълим беришгина эмас, балки уларнинг қобилиятларини ҳам ўстиришдир. Қобилиятларни ўстиришда ўқув ишининг аҳамияти ниҳоятда каттадир. Болалардаги қобилиятларнинг борлиги ҳақида, аввало уларнинг қандай ўқишларига ўқув материални қандай тушунишларига, эслаб қолишларига, ўз билимларини қўллай билишларига, масалаларни ечишда қанчалик пухта фикр юритишларига, ёзма ва оғзаки нутқни қанчалик эгаллаганликларига қараб ҳукм чиқариш мумкин. Қуйдаги сифатлар: зийраклик, тез ва пухта эслаб қолиш, ўйлай олиш, топқирлик, ривожланган ҳаёл, ишда ташаббускорлик, мустақиллик ва унинг маҳсулдорлиги болалар қобилиятларининг баъзи бир кўрсаткичлари бўлиши мумкин. Ўқитувчи болалар билан ҳар бир ишда ташаббус ва ижодкорлик кўрсаткичларида уларни ҳар жихатдан рағбатлантириб туриш керак. Ўқувчи қийналиб қолганда унга ёрдам беришга шошилиш ярамайди, қийинчиликларни аста – секин ошириб бориш муҳим аҳамият касб этади. Ўқувчи олдига қўйилган вазифалар ундан ақлни зўр бериб ишлатишни талаб этиши даркор. Бироқ мактаб ўқувчиларига индивидуал тарзда ёндошиш, улардаги тафовутларни ҳисобга олиш, уларга дифференциацияланган топшириқлар бериш зарур. Кучли ўқувчиларнинг дарсида зеркиб қолмасликлари ва уйда етарлича иш билан банд бўлишлари учун уларга қўшимча иш бериш зарур. Бўш ўқувчиларга кўпроқ ёрдам бериш, уларнинг олдига қўлларидан келадиган талаблар қўйиш, уларга муваффақият билан бажара оладиган енгиллаштирилган турдаги топшириқларни бериш керак. Бундай ўқувчиларни тез–тез мактаб туриш, ишда эришган арзимаган нутқларини ҳам назарда тутиш лозим бўлади, бу уларни ўз кучларига ишонадиган ва ўқишни истайдиган қилади. Ота–оналар ва катта болаларни бўш ўқувчиларга мунтазам равишда ёрдам кўрсатиш ишига жалб этиш даркор. Одатда бундай тадбирлар яхши ёрдам беради, болалар бошланғич синфни муваффақият билан тугаллайдилар ва ўрта мактабда қониқарли ўқийдилар. Истеъдодли ўқувчиларга нисбатан эҳтиёж бўлиши уларни ҳаддан ташқари мактаб юбормаслик уларда ўзбилармонлик, манманлик, кеккайиш ҳислатларини тарбиямаслик учун уларнинг ажойиб болалар эканликларини таъкидлаб ўтмаслик керак.

Истеъдодли бола одатда ўзининг бошқалардан қобилиятлироқ эканлигини тушунади, лекин шу муносабат билан унда иш учун юксак маъсулият ҳиссини ҳам тарбиялаш лозим.

Кичик мактаб ёшдаги баъзи болалар фаолиятининг бирор турига: нафис санъат, музыкага қобилиятли эканликларини кўрсатадилар. Бундай қобилиятларни янада ўстиришга ёрдамлашиш даркор, лекин бу шахсининг бошқа томонлари ҳисобига бўлмаслиги керак. Шунини унутмаслик лозимки, мактабнинг вазифаси болани ҳар томонлама ўстириш, унинг маънавий ва жисмоний кучларини авж олдиришдир.

Кичик мактаб ёшида ўқувчилар шахсининг таркиб топиши.

Ўқув фаолияти кичик мактаб ёшидаги ўқувчи учун нафақат билиш жараёнларининг юқори даражада ривожланиши, балки шахсий хусусиятларни ривожлантириш учун ҳам имконият яратади ва бола шахси шаклланади. Етакчи бўлган ўқув фаолиятдан ташқари бошқа фаолиятлар ўйин, мулоқот ва меҳнат фаолияти ҳам ўқувчи шахси ривожланишига бевосита таъсир кўрсатади. Бу фаолиятлар асосида муваффақиятга эришиш мотивлари билан боғлиқ бўлган шахсий хусусиятлар таркиб топа бошлайди. Ўқув фаолияти кичик мактаб ёшидаги болаларда ўқишда маълум нутқларга эришиш эҳтиёжини қондиришга шунингдек тенгдошлари орасида ўз ўрнига эга бўлишига имконият ҳам яратади. Бу ёшдаги болалар доимий равишда ўзлари эришган муваффақиятини бошқа тенгдошлари муваффақияти билан солиштирадilar. Улар учун доимо биринчи бўлиш ниҳоятда муҳим. Кичик мактаб даврида болалардаги мусобақага киришиш мотиви психик эҳтиёж ҳисобланиб, бу мотив уларга кучли эмоционал зўриқишни беради. Бу хусусиятлар аслида бошқа даврдан бошлаб юзага

кела бошлайди ва кичик мактаб даврида, шунингдек ўсмирлик даврида ҳам яққол кўзга ташланади. Кичик мактаб ёшидаги болалар катталарнинг у ҳақидаги берган фикр ва баҳоларига қараб, ўзларига-ўзлари баҳо берадилар. Ўқувчининг ўз-ўзига берадиган баҳоси, асосан тўғридан-тўғри ўқитувчининг берадиган баҳосига ва турли фаолиятлардаги муваффақиятларига боғлиқ. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда ўз-ўзига берадиган баҳолари турлича –юқори, адекват- мос ёки паст бўлиши мумкин. Бу ёшдаги болаларда мавжуд бўлган ишонувчанлик, итоаткорлик каби хусусиятлари уларни шахс сифатида тарбиялаш учун яхши имконият яратади. Кичик мактаб ёши даврини боланинг турли фаолиятларида муваффақиятга эришишни белгилаб берувчи асосий, шахсий хусусиятларини юзага келиши ва мустаҳкамлаш даври деб ҳисоблаш мумкин. Бу даврда муваффақиятга эришиш мотивлари таркиб топиши билан бир қаторда, меҳнатсеварлик ва мустақиллик каби сифатлар ривожланади. Болаларда мустақиллик хусусиятининг шаклланиши асосан катталарга боғлиқ. Агар бола ҳаддан зиёд ишонувчан, итоаткор, очиқ бўлса, унда аста-секинлик билан бўйсунувчанлик, тобелик хусусияти мустаҳкамлана боради. Бироқ болани вақтли мустақиллика ундаш, унда баъзи салбий хусусиятларнинг шаклланишига ҳам олиб келиши мумкин, чунки ҳаётий тажрибаларини, асосан кимларгадир таклид қилган холда ўзлаштиради. Мустақилликни шакллантириш учун болага мустақил бажарадиган ишларни кўпроқ топшириш ва унга ишонч билдириш ниҳоятда муҳимдир. Шунингдек шундай бир ижтимоий психик муҳит яратиш керакки, унда болага бирон бир масъул вазифани мустақил бажаришни топшириш, бу ишни бажариш жараёнида бола ўзини тенгдошлари катталар ва бошқа одамларнинг лидери деб ҳис қилсин, ана шу ҳис болада мустаҳкам бўлишга ундовчи мотивларни юзага келтиради. 7-11 ёшли болалар ўзларининг индивидуал хусусиятларини англай бошлайдилар. Боланинг ўз-ўзини англаши ҳам жадал ривож беради ва мустаҳкамлана бошлайди. Бу даврда болалар ўзларининг исмларини тенгдошлари ва атрофдагилар томонидан ижобий қабул қилинишига ҳаракат қиладилар. Бола ўзининг ташқи кўриниши ва гавда тузилишига берадиган баҳоси ҳам ўз-ўзини англашда аҳамияти жуда катта. Кичик мактаб даврининг охирига бориб болалар, айниқса қизлар ўзларининг юз тузилишларига алоҳида эътибор бера бошлайдилар. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ўқув фаолияти жараёнида ўзидаги хулқ-атворини ва фаолиятини ўзи томонидан мувофиқлаштириш қобилияти ривожланади, онгли равишда бир фикрга кела олиш қобилияти ривожланади, ўз фаолиятини ўзи уюштиришга ҳамда билим олиш жараёнига бўлган қизиқишнинг қарор топишига ёрдам беради, ўқувчи хулқ-атворини мотиви ҳам ўзгаради. Бунда дўстлари ва жамоанинг фикрлари асосий мотивлар бўлиб қолади. Ахлоқий ҳис-туйғулар ва шахснинг иродавий хусусиятлари шаклланади.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ўйин фаолияти.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг етакчи тури ўқиш ҳисобланиб, уларнинг ҳаётида меҳнат эса камроқ ўрин тутаяди. Бу ёшдаги ўқувчилар ҳаракат билан боғлиқ бўлган ўйинларни яхши кўрадилар. Бу ўйинлар ҳаракатларнинг уйғунлашувини такомиллаштиради, куч- қуввати ва чаққонлигини ўстиради, ички органларнинг ишини нафас олиш, қон айланишини яхшилайдди, болалар соғлигини мустаҳкамлайди. Ўйин идрок, диққат, хаёл, қизиқиш, таффақкурни ўстиришга ёрдам беради, ташаббус ва активликни ўстиришга кўмаклашади, ўйин фаолиятини уларсиз тасаввур этиб бўлмайдиган ижобий эмоцияларни келтириб чиқаради. Бундан ташқари, ўйин ўқувчининг ўқиш жараёнида ақлий ишдан жуда яхши дам олиши учун хизмат қиладди. Ўйин болаларни ҳаётга таёрлайди, холбуки улардан бирортаси ҳам ўйиннинг бу ҳақидаги аҳамиятини ўйламайди. Болалар ўзларини бирдан-бир эҳтиёжларини қондириш, хурсанд бўлиш учун ўйнайдилар. Ўйин жараёнида болалар муайян ишларни бажарадилар. Улар иморат қиладилар, саёҳат қиладилар, уларни даволайдилар, бир-бирларига иш ўргатадилар, хўжалик ишлари билан шуғулланадилар. Ватанни душманлардан химоя қиладилар, қахрамонлик кўрсатадилар ва ҳокозо. Ўйиндан кўзланадиган мақсад ўйин натижаси эмас, ўйин фаолиятининг ўзидир. Кўпгина ўйинларда бир киши эмас, балки кўпчилик иштирок этади. Бу болаларда жамоатчилик хиссини тарбиялашга ёрдам беради. Улар биргаликда, уюшган холда ҳаракат қилишни ўрганадилар

гоҳ бошқаларга бошчилик қиладилар, гоҳ ўзлари уларга бўйсундилар, муайян қоидаларга амал қилиб, уларни бажарилишини қаттиқ назорат қиладилар. Буларнинг ҳаммаси иродани тарбиялашга, интизомга одатланишга имкон беради, ўз хатти- ҳаракатлари ва хулқ -атвори учун жавобгарлик ҳиссини юзага келтиради, бола шахсининг маънавий сифатларини таркиб топтиришга ёрдам беради, маълумки ҳар бир ўйинда болалар ўйинни ўйналадиган муайян шартлар ҳақида келишиб оладилар, борди-ю бирор бола ана шу мажбуриятни бузса, уни ўйиндан чиқариб юборадилар ёки ўйинни давом эттиришдан бош тортадилар. Ўйинларнинг кўп қисми мусобақалар билан боғлиқ, бу нарса боланинг жисмоний ва психик жиҳатидан зўр беришни кучайтиради, камол топишга ёрдамлашади.

Ўйиннинг амалий натижалари эмас, балки унинг қатнашчиларга бахш этадиган мамнуният ўйин фаолияти учун мотивлар бўлиб хизмат қилади. Ўйинда кўп нарса ҳаёл асосида қурилади. Болалар мутлақо реал буюмларсиз ёки унча-мунча буюмлардан фойдаланган ҳолда ўйнашлари мумкин. Шунинг учун ўйлаб юзага келтирилган вазиятлар реал ва кўпинча кучли таъсир этувчи хис-туйғулар бўлиши мумкин. Кичик ёшдаги ўқувчиларнинг ўйинлари жуда хилма-хил бўлади.

1. Ҳаракатли ўйинлар: Ҳаракатли ўйинларнинг баъзилари спорт ўйинларга яқинроқ бўлади. Бу ўйинлар соғлиқ учун жуда фойдалидир. Бундай ўйинларнинг кўпларида шахсий биринчилик ёки жамоатчилик биринчилиги учун курашилади. Уларда жисмоний сифатлардан ташқари шахснинг жасурлик, ўзини қўлга ола билиш, қатъиятлилиқ сингари хусусиятларини ўстиради.

2. Ролларга бўлиниб ўйнайдиган ўйинлар. Бу ўйинлар болалар кузатадиган ё катталардан эшитадиган ҳодиса ва жараёнларни акс эттиради. Бу ўйинларда ҳар бир бола ўзига муайян ролни, масалан врач, ўқитувчи, ўт ўчирувчи ролини олади ва тегишли фаолият турини тасвирлаб ўйнайди. Баъзан ўйин сюжети олдиндан белгилаб қўйилади, воқеа ва ҳаракатлар муайян режа асосида авж олиб боради. Бошланғич синфларда ҳам улар ҳали кўғирчоқ ўйнайдилар, уни аллалайдилар, даволайдилар, унга таълим берадилар. Баъзан улар ўйинчоқларсиз ҳам ўйнайверадилар, бунда кўпинча кўғирчоқ ўрнини укалари ва сингиллари эгаллайди, ўзлари эса оналик бурчини адо этган бўладилар. Кичик мактаб ёшидаги болаларда техникага қизиқиш пайдо бўлади. Уларнинг ўзлари самолётлар, автомашиналар ясаб уларни ўйнайдилар.

Қизлар ўйинларида маиший характердаги ишлар билан шуғулланишни ёқтирадилар: кўғирчоқ учун кийим –кечак тикадилар, стол тузайдилар, идиш-товокни, кўғирчоқ учун тикилган кийим-кечакни ювадилар ва дазмоллаб қўядилар. Бунга ўхшаш ўйинлар кейинчалик аста-секин меҳнат фаолиятига айланади, стол устига қўйиб ўйналадиган ўйинлар: бу ўйинлардан баъзилари билишга қизиқишни ошириш ва ақлий камолотни ўстириш учун жуда фойдалидир. Расмли ва ҳар-хил топишмоқлар, ребуслар, ўйлашни талаб қиладиган ўйинлар кабилар киради. Айни шу вақтда кўпчилик болалар шашка, шахмат ўйнай бошлайдилар. Бошланғич синф ўқитувчилари ўқувчиларнинг ўйин фаолиятидан бир четда турмасликлари керак. Ўқитувчилар танаффус пайтида ўйинларни кузатиб турадилар, баъзан эса болаларнинг дам олишларини йўлга қўйиб, ўйинларда ўзлари ҳам иштирок этадилар. Ўқитувчининг роли биринчи навбатда, болаларга фойдали ўйинларга қизиқиш уйғотиш, зарарли ўйинлар ўйналишига, болаларнинг урушиб қолишларига йўл қўймаслик ва ҳоказолардан иборат. Лекин ўйинга зўр назорат, эҳтиёткорлик билан раҳбарлик қилиш лозим. Болалар мустақиллигини, уларни мустақилликка бўлган табиий интилишларини бўғиш ярамайди: болаларни оқилона ўйинлар ўйлаб топишларини ва ўзлари учун ўйинда кўп имкониятлар яратадиган ижодиётнинг бошқа формаларини рағбатлантириб бориш даркор.

Кичик мактаб ўқувчиларида меҳнат фаолияти.

Болалар мактабга борганларида меҳнат учун ҳали жисмоний ва техник жиҳатдан етарлича таёргарлик кўрмаган бўладилар. Улар ҳали ўз ҳаракатларини ҳамиша ҳам қисмларга ажратиб ва бир-бирига мувофиқлаштира олмайдилар, уларда кўз билан қўл етарлича бир-бирига мувофиқ тарзда ишлай олмайди, кинестетик (муқул) сезгилари

унча ўсмаган бўлади. Аммо 9 ёшга кирганда боланинг унча мураккаб бўлмаган ишларга жисмоний таёргарлиги анча ортади.

Бошланғич синфларда болалар меҳнат фаолиятига таёрланадилар. Улар 1-синфдан бошлаб қоғоз, картондан жуда оддий буюмлар тайёрлайдилар, шунинг ҳам айтиш керакки, бу машғулотларга улар жуда қизиқадилар. Биринчи синф ўқувчилари иш жараёнининг ўзи билан меҳнат натижаларига қараганда кўпроқ қизиқадилар, бироқ кейинчалик улар ўз ишларининг сифатига ҳам қизиқиб қарайдиган бўладилар. Улар ўзлари ясаган буюмларни намуна билан таққослаб кўрадилар ва ишни аниқ бажаришга интиладилар. Агар биринчи синфда болалар ўз хатоларидан кўра кўпроқ ўртокларининг ишдаги камчиликларини сезсалар иккинчи ва учинчи ўқув йилида ўз меҳнатлари маҳсулига ҳам анча танқидий муносабатда бўладилар, унинг сифатини баҳолашга объективроқ ёндашадилар. Қўлидан келадиган меҳнат машғулотлари болаларда аввало бу машғулотлар ҳаракатланиш билан боғлиқ бўлгани учун кувонч хисларини юзага келтиради. Лекин тез орада мақсадсиз меҳнат кичик ёшдаги ўқувчини қизиқтирмай қўяди. Агар у масалан тайёрлаган ўйинчоқлардан энг яхшилари болалар боғчасидаги кичкинтойларга берилишини билса ўз ишига зўр масъулият билан киришиб кетади ва уни яхшилаб бажариш учун бор кучини ишга солади.

Ўқишнинг дастлабки йилларидан оқ меҳнат болаларда шахснинг эҳтиёжи тарикасида юзага келади. Бунда катталарга тақлид қилиш ҳам фойдали бўлиши истаги ҳам катта рол ўйнайди. Бу жихатдан кичик ёшдаги ўқувчининг маиший меҳнати, оилада ўздан кичик болаларга қараб туриши, синфни йиғиштиришда иштирок этиши, гуллар ва тирик бурчак жонворларига қараши муҳим аҳамият касб этади. Ўқитувчи ўқувчиларни фақат ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилбгина қолмасдан, ота-оналар болаларда меҳнатга меҳр-муҳаббат ҳамда одатланишни кунт билан тарбиялаб боришлари учун уларга таъсир кўрсатиб туриши ҳам керак. Болаларнинг меҳнат тарбиясига синф жамоаси ҳам таъсир кўрсатади. Ўқитувчи бир ўқувчининг ишига баҳо берар экан, умуман, бутун синфнинг фикрига мурожат этади. Бундан ташқари, кўпгина ишлар жамоат тарзда бажарилади.

Ўқитувчи болаларда ижтимоий фойдали меҳнатга меҳр-муҳаббат ва ишлай олиш қобилиятини тарбиялашда уларни қизиқтиришга интилади. Бироқ айни вақтда ўқувчиларни айрим меҳнат операцияларини бажаришда уюшқоқлик ва изчилликка ўргатиш зарур. Болалар янги ишга берилиб киришадилар-у, лекин уни нимадан бошлаш кераклиги, қандай материал олиш, қандай меҳнат қуролларидан фойдаланиш ва хоказолар ҳақида ўйлаб ўтирмайди. Улар ўз ишларини режалаштиришга, ишни белгиланган муддатда тугаллаш учун вақтларини тўғри тақсимлашга унча қодир эмаслар. Шундай ҳам бўладики, болалар ишда тартибга риоя қилмай, ҳамма нарсани сочиб ташлайдилар, натижада меҳнат ўнгидан келмайди, муваффақият кўзга кўринмай қолади. Бундай ҳолларда ўқитувчи болаларга ўз меҳнатларини дурустроқ йўлга қўйиш, уни ўйлаб режалаштиришда ёрдамлашиш керак. Агар иш юришиб кетадиган бўлса, унда ўқувчиларда ўз кучларига ишониш хисси ва уни охригача муваффақият билан етказиш истаги пайдо бўлади. Ўқитувчи болаларга бошчилик қилар экан, уларни мустақилликка ўргатиши лозим. Ташаббус, ижодиёт, оқилона равишда ўйлаб олинган ишлар рағбатлантирилиб борилиши даркор.

Талабаларни ижодий фикрлаши учун саволлар:

1. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ўзига хос психологик хусусиятлар.
2. Мактабга ижтимоий- психологик мослашув йўллари қандай?
3. Болаларни интеллектуал (ақлий) ривожланишда кичик мактаб даврининг аҳамияти.
4. Ўқув жараёни давомида юзага келадиган муаммолар:
5. Кичик мактаб давридаги болалар шахси ривожда юзага келадиган янгиликлар.
6. Ўқиш фаолияти хусусиятлари нимадан иборат?
7. Ўқув фаолияти мотивларини изоҳлаб беринг?
8. Ўқувчиларнинг ўйин ва меҳнат фаолияти хусусиятлари тафсифномасини беринг?
9. Ўқувчиларни ўз-ўзини англаши ва қизиқишлари қандай шаклланади?

10. Кичик мактаб ўқувчилари ва ўқитувчилар орасидаги ўзаро муносабатлар қандай характерга эга бўлиши лозим?

VI боб

Ўсмирлик даврининг психологик хусусиятлари.

Ўсмирлик 11-12 ёшдан, 14-15 ёшгача бўлан даврни ўз ичига олади. Аксарият ўқувчиларда ўсмирлик ёшига ўтиш, асосан 5-синфдан бошланади. «Энди ўсмир бола эмас, бироқ катта ҳам эмас»- айтиш таъриф ўсмирлик даврининг муҳим характери билдиради.

Ўсмирлик болаликдан катталиққа ўтиш даври бўлиб, физиологик ва психологик жиҳатдан ўзига хос хусусиятлари билан характерланади. Бу босқичда болаларнинг жисмоний ва психик тараққиёти жуда тезлашади, ҳаётдаги турли нарсаларга қизиқиши, янгиликка интилиши ортади, характери шакилланади, маънавий дунёси бойийди, зиддиятлар авж олади.

Ўсмирлик балоғатга етиш даври бўлиб, янги хислар, сезгилар ва жинсий ҳаётга тааллуқли чигал масалаларнинг пайдо бўлиши билан ҳам характерланади. Булар таъсирида ўсмирнинг характери, атрофдаги кишилар билан муомаласи, жамиятда содир бўлаётган воқеаларга муносабати тез ўзгариб боради. Баъзан ижтимоий масалалар тўғрисида нотўғри тасаввур ва янглиш фикрлар ҳосил бўлиши туфайли у муайян тартиб қоидаларга танқидий кўз билан қарайди.

Бола камолотининг бу даврини кўпинча «кийин», «мураккаб», «муҳим» давр дейилади. Ота-оналар ҳамда ҳали тарбиявий иш соҳасида етарли тажрибага, шунингдек ўсмирлик ёшидаги болаларнинг ёш ва индивидуал хусусиятлари ҳақида зарур билимларга эга бўлмаган ёш педагоглар, одатда ўсмирларни тарбиялаш жуда қийин деб ўйлайдилар. Лекин ҳозирги кунда ўсмирларни тарбиялашни ўзига хос хусусиятлари, қонуниятлари, имкониятлари, хатти ҳаракат мотивларининг ифодаланиши ва вужудга келишининг мураккаб механизмлари фанга маълумдир.

Ўсмирлик даври ўзининг тақлидчанлиги, муҳим нуқтаи назарнинг шакилланмагани, ҳиссиётга берилувчанлиги, мардлиги, тантилиги билан фарқланади. Бу ўсмирларга хос хусусиятдир. Шунинг учун ташқи таъсирларга берилувчан ўсмир ўғил- қизларга алоҳида эътибор бериш талаб қилинади.

Бу ёшда ўсмир ривожда кескин ўзгаришлар рўй беради. Бу ўзгаришлар биологик, физиологик ҳамда психологик ўзгаришлардир. Физиологик ўзгариш жинсий етилишнинг бошланиши ва бу билан боғлиқ равишда танадаги барча аъзоларнинг мукамал ривожланиши ва ўсиши, хужайра ва организм тузилмаларининг қайтадан шакллана бошлашидир. Организмдаги ўзгаришлар бевосита ўсмир эндокрин системасининг ўзгаришлари билан боғлиқдир. Ўсмирлик ёшида болаликдан катталиққа ўтиш жараёни содир бўлади. Ўсмирда психик жараёнлар кескин ўзгариши билан ақлий хусусиятида ҳам бурилишлар содир бўлади. Бу ўзгаришлар жараёнида қийинчиликлар туғилади. Булар аввало таълим жараёнида рўй беради: янги ахборот, маълумотларни баён қилиш шакли, услуби ва услублари ўсмирни қониқтирмай қўяди. Кўпгина ўсмирларда ўздан қониқмаслик ҳолати кузатилади. Шунингдек, ўзи ҳақидаги мавжуд фикрларининг бугун унда содир бўлаётган ўзгаришларга тўғри келмаётганлиги ўсмирни асабийлашишига олиб келади. Бу эса ўсмирда ўзи ҳақида салбий фикр ва қўрқувни юзага келтириши мумкин.

Ана шунга ўхшаш ўзгаришлар кўпинча ўсмир руҳиятига ўз таъсирини ўтказида. У тажангроқ, баъзида ҳуда-беҳудага инжиқлик қиладиган, серзарда, гап кўтармас бўлиб қолади.

Ўсмирлик даврида етакчи фаолият- бу ўқиш, мулоқот ҳамда меҳнат фаолиятидир. Ўсмирлик даври мулоқотининг асосий вазифаси бу – дўстлик, ўртоқликдаги элементар қоидаларни аниқлаш ва эгаллашдир.

Ўсмирда психик жараёнларнинг кескин ўзгариши билан ақлий фаолиятида ҳам бурилишлар сезилади. Шунинг учун шахслараро муносабатларда, ўқувчи билан ўқитувчи мулоқотида, катталар билан ўсмирларнинг муомаласида қатъий ўзгаришлар жараёнида

кийинчиликлар пайдо бўлади, булар аввало таълим жараёнида рўй беради, янги ахборотлар, маълумотларни баён қилиш шакли, услуби ва усуллари ўсмирни қониқтирмай қўяди.

Бутун аъзоларида кескин физиологик ўзгаришлар содир бўлади. Унда ўпка, юрак, жигар, талок, буйрак ҳажмлари катталашади. Бундан ташқари гавда тузилиши ҳам ўзгаради.

Катталарнинг ўсмир ёшидагиларга таъсир кўрсатиши, тарбия бериши учун энг қулай шароит бу- меҳнат билан шуғулланишидир. Агар кичик ёшдаги болалар ёрдамчи бўлиш ролларидан қониқсалар, ўсмирлар, айниқса катта ўсмирлар катталар билан тенг равишда фаолият кўрсатаётганларидан, лозим бўлганда уларнинг ўринларига ҳам ишлай олишларидан қониқадилар. Энди ўсмирлар ўзини фаолиятига камроқ вақтларини ажратган ҳолда кўпроқ жиддий ишлар билан шуғуллана бошлайдилар ва уларнинг билиш жараёнлари жадал ривожлана бошлайди.

Ўсмирнинг психик ўсишини ҳаракатга келтирувчи куч унинг фаолиятини вужудга келтирган янги эҳтиёжлар билан уларни қондириш имкониятлари ўртасидаги қарама-қаршилиқлар тизимининг намоён бўлишидир. Вужудга келган зиддиятларни психологик камолотни таъминлаш, фаолият турларини мураккаблаштириш орқали ўсмир шахсида янги психологик фазилатларни таркиб топдириш билан аста-секин йўқотиш мумкин.

Ўсмир ўқувчи руҳий дунёсида пайдо бўладиган бундай ҳолатлар балоғат даври ўтиши билан бир меъёрга келиб қолади. Лекин фарзанд ўстираётган ҳар бир ота-она боланинг ўсиши тўғрисида, унинг ўзига хос хусусияти ҳақида зарур тушунчага эга бўлсалар фойдадан холи бўлмайди, албатта.

Шу нарса алоҳида таъкидлаш керакки, бу ёшдаги ўсмирлар ўта таъсирчан, айниқса ташқи таъсирга, ташқи воқеаларга берилувчан бўладилар. Ишқий китоблар ўқиш, шунга ўхшаш кинофильмларни томоша қилишга жуда қизиқадилар. Ўзларининг ташқи киёфаларига кўпроқ эътибор бера бошлайдилар. Ўғил болаларда соч қўйиш, дурустроқ кийиниш иштиёқи туғилади, қизлар эса ойнага кўпроқ қарайдиган бўлиб қоладилар. Улар ўзларига оро беришни, маликалардай гўзал кўринишни истайдилар, ораста кўринишга уринадилар. Бу табиий ҳолдир.

Юқори синф ўқувчилари ўзларининг маънавий хусусиятлари билан бошқа ёшдаги болалардан кескин фарқ қиладилар. Улар ҳам жинсий, ҳам жисмоний, ҳам ақлий жиҳатдан етилган бўладилар. Шу туфайли улар вазмин табиатли, мулоҳазали, катталарга ҳурмат-эҳтиром билан қарайдилар.

Ота-оналар фарзандлар билан муомала қилишда уларнинг шахсий хусусиятлари, ёш давлари ҳислатларини ҳисобга олган ҳолда иш тутсалар, оилада Ўзаро тушуниш, тотувлик, ҳамжиҳатлик, умуман яхши маънавий вазият вужудга келади. Отанинг онага ёки онанинг отага қилган муносабатлари ҳам шу вазият шарт-шароитларига мос тушиши керак. Чунки ота-онанинг ўзаро тотув ҳаёт кечиришлари, иноқ ва барқарор, мустаҳкам оиланинг бош омилидир.

Ўсмирлик ёшининг ўзига хос хусусиятлари катталардан уларга нисбатан жиддий муносабатда бўлиш лозимлигини тақозо қилади. Катталар улар фаолиятини назорат қилишлари, фаолият мотивларини доимо эътибордан чиқариб қўймасликлари лозим, акс ҳолда ўсмир ҳаётида нохуш хусусиятларнинг пайдо бўлиши ҳам мумкин. Шунинг учун ўсмирлик ёши бола тараққиётида муҳим аҳамиятга эга.

Ўсмирлик ёшидаги болаларнинг жисмоний хусусиятлари.

Ўсмир организмда рўй берадиган ўзгаришлар бола ривожланишининг айна шу даврида биологик, физиологик етуклиги борасида амалга ошади. Физиологик ривожланиш ва жинсий балоғатга етишиши жараёнининг янги босқичи бошланади. Ўсмирлик ёшида қизлар ва ўғил болаларнинг жисмоний киёфасида муҳим ўзгаришлар рўй беради. Бу даврнинг бошланишида қизлар ўғил болаларга нисбатан тезроқ ривожланадилар. Бу нарса қиз болаларнинг эртароқ жинсий балоғатга етишишига боғлиқдир. VII-VIII синфларда ўғил болалар тез ўсиб, қиз болалар билан тенглашиб оладилар. 9-10 синфга ўтганларида бу босқич

ўғил болаларда юқорилаб кетади. Қизлар 14 ёшда, ўғил болалар 15 ёшда балоғатга етадилар. Ўсмирлик даврида ўғил болаларнинг бўйи 25-30 см, қиз балаларники 18-20 см ўсади.

Ўсмирлик ёшининг 2- даврида юз суяклари, айниқса унинг ўрта қисми (бурун, юқори жағ, ёноқ) жуда тез шакиллана бошлайди. Оғиз бўшлиғи ва халқум ўзгаради, бўғизда ҳам ўзгариш рўй беради: Овоз пайлари узаяди ва кўпаяди. Натижада ўсмирларнинг айниқса, ўғил болаларнинг овози йўғон ва паст бўлиб қолади. «Овознинг бузилиши» ёш болаларга хос ўткир, жаранглаган овознинг нисбатан паст катталарга хос овоз билан алмашилишидир. Қиз болаларнинг овози ўғил болаларникидек кескин ўзгармайди, шундай бўлса ҳам қизчаларга хос ўткир, жаранглаган овоз аста - секин, текис ва нозик салгина пасайган овозига ўз ўрнини беради.

Ўсмирлик ёшида мускул тизимининг ўсиши ҳам ўзига хос хусусиятларга эга. Мускуллар тез ўсиб, мустаҳкамланиб борсада, лекин оёқ ва қўл суякларининг ўсишидан орқада қолади. Натижада ўсмир гавдаси номутаносиб, ҳаракатлари, юриши нотекис, бесўнақай бўлади, оёқлар узун, мускуллар нозик бўлганидан ўсмир юришидаги бесўнақайлик кўзга ташланиб туради.

Қўл-оёқ ўсиб, хатто ота-онанинг кўзига бесўнақай кўринади. Шундай пайтларда айрим ота-оналар боладаги бу ўзгаришни кузатиб, унинг юриш-туришига разм солиш, сўнг тўғри муомала қилиш ўрнига гоҳида, « Эй мунча кўпол, беўхшов бўлиб кетаяпсан, ҳеч нарсага қовушмайсан» деб уни ранжитиб қўядилар.

Кўкрак қафаси тананинг бўйга ўсишига нисбатан секинроқ ўсади. Натижада ўсмир кўкраги тор бўлади. Бу эса ўз навбатида муайян даражада кислородга кўпроқ эҳтиёж сездиради. Кислородга эҳтиёж ўсмирнинг психик фаолиятига таъсир этиб, мия мускул системасидан фарқли равишда кислородни бир неча марта кўп исьтемом қилади.

Юрак ва қон айланиш тизимининг ўсишига нисбатан ўзига хос характерга эга. Ўсмирлик ёшининг ,биринчи давридаёқ юрак ўсиб боришининг ҳамма цикллари асосан тугалланган бўлади. Қон айланиш системаси юрак ўсишидан бирмунча орқада қолади. Натижада у ўсмирларда, айниқса қизларда юрак уриш тартиби бузилади.

Мия ва асаб тизимининг ўсиши 13-18 ёшларда такомиллашади. Ўсмирлик ёшининг иккинчи ярмида миянинг энг мураккаб психик жараёнлар содир бўладиган пешона қисмида асаб толалари миелинизациялашиб бўлади.

Бу ёшда хужайралар ичидаги мураккаб ўзгаришлар натижасида бош мия илон изи чизиқлари асосан шакилланиб бўлади. Бош мия пустлоғининг айрим қисмларини ва мия ярим шарларини бирлаштириб турувчи ассоциатив ўзгаришлар ўсмирнинг тез улғайиши ва уларнинг бутун психик ҳаётининг мураккаблашувига асос бўлади.

Ўсмирлик даврида кўзғалиш жараёни тормозланишга нисбатан кучлироқ бўлади. Ўсмирларнинг ўзини идора қила олмаслиги, муддатлилиги, таъсирланувчанлиги, қизиқиш ва ҳавасларининг беқарорлиги, фаол фаолиятдан бирданига пассивликка тушишининг бойиси ҳам кўп жихатдан ана шунда.

Ўсмирнинг жисмоний жихатдан ўсишида жинсий балоғатга етиш катта роль ўйнайди, жинсий балоғатга етиш ўсмир организми фаолиятида жиддий ўзгаришлар ясайди. Жинсий балоғат натижасида ўсмирларда ўзига хос психик ҳолат вужудга келади. Шунинг учун бу даврда мактаб ва оилада таълим- тарбия ишлари тўғри йўлга қўйил- маса, ўсмирнинг ёш физиологик хусусиятлари ҳисобга олинмаса, унинг хулқ атворидаги салбий сифатлар ортиб бориб, бола характерининг таркиб топишига салбий таъсир кўрсатиши ва кейинги ҳаёти давомида ҳам ўзгартириш қийин бўлган чуқур из қолдириши мумкин.

Ўқитувчилар, тарбиячилар, синф раҳбарлари даставвал шуни чуқур англашлари лозимки, жинсий етилиш организмнинг жисмоний тараққиётга таъсир қилишдан ташқари ўсмирнинг психик тараққиётига ҳам албатта таъсир қилади. Ўсмирларда жинсий етилиш муносабати билан шу пайтгача уларга номаълум бўлган ва қандайдир маънода улар учун қутилмаган жинсий мойиллик ва тегишли фикрлар, хислар, кечинмалар, қарама-қарши жинсга специфик

кизиқиш, маълум мазмундаги китобларга, кинофильмларга, катталарнинг гапларига бўлган кизиқишларнинг пайдо бўлиши мутлақо зарур, табиий ва меъерий ҳолдир.

Жинсий тарбиянинг муҳим воситаларидан бири ўсмирлар диққатини одамлар ўртасидаги интилиш муносабатлар доирасидан бошқа объектларга кўчиришдир. Бу ўсмирлар диққатининг жинсий кечинмалар устида тўрежаишини озайтиради.

Ўсмирнинг ҳаёт кечириш тарзи ва унинг психик тараққиётга таъсири.

Кичик ёшдаги ўқувчилардан фарқли равишда ўрта ёшдаги ўқувчиларнинг ҳаёт кечириш тарзида жиддий ўзгаришлар рўй беради. Оилада, мактабда ва ўқувчилар жамоасида ўсмирнинг мавқеи сезиларли даражада ўзига хос хусусиятларни юзага келтиради. Ўсмирларнинг оила аъзолари билан ҳам янги муносабат ўрнатишлари лозим бўлади.

Ўсмир шахсининг такомиллашуви ва шакилланишига туртки бўлган омиллардан бири ўқув фаолияти мотивларидаги сифат ўзгаришлардир. Ўсмир энди фақат билимлар тизимига эга бўлиш, ўқитувчининг мақтовини эшитиш ва «5» баҳоларни кўпайтириш учун эмас, балки тенгқурлари орасида маълум ижобий мавқени эгаллаш, келажакда яхши одам бўлиш учун ўқув мотивлари устувор бўлиб боради, лекин ўқув фаолияти мотивлари орасида билиш, янги билимларга эга бўлиш мотиви кучсиз бўлгани сабабли, улар мактабга боргиси келмайди, ўқишга оғриниб келиб, салбий хис туйғулар ва хавотирлик хисларини бошдан кечиради. Катталар томонидан ўсмирнинг юриш туриши, хулқига жавоб бериш талаб қилинади. Ўсмирга унинг илгари қондирилиб келинаётган эҳтиёж ва хоҳишлари энди қондирилмаслиги, уларнинг кўпидан воз кечиш лозимлиги уқтирилади. Ўсмир қийинчилик билан бўлсада, ўзининг янги мавқеини тушуна бошлайди, ўз хулқини ўзгартириб унга мослаша боради.

Мактабда ўсмирнинг мавқеи янада кескин ўзгаради. Уни энди бир неча ўқитувчи ўқитади. Ўсмир олдида ҳар бир ўқитувчининг ўзига хос метод ва усулларига мослашиш, уларнинг талабларини англаб, билиб олиш каби мураккаб вазифа туради. Энди ўсмир кўпгина янги ўқув фанларини ўрганиб олиши керак бўлади.

Ўсмирнинг болалар жамоасига бўлган муносабати ҳам мураккаблашади. Ўсмирга ўзининг ўқиши, меҳнати ва хатти-ҳаракатларига масъулият билан қараш жамоат топшириқларини аниқ бажариш, билим ва кўникмаларни эгаллашда режа бўйича системали равишда кўтарила бориш каби аввалгидан кўра жиддийроқ талаб қуйилади.

Ўсмирнинг оиладаги мавқеининг ўзгариши, мактабда ўқишнинг янги шароити, болаларнинг ижтимоий ҳаётида мураккаб муносабатлар ўрта ёшдаги ўқувчилар олдида кўпгина янги талаблар кўяди ва уларнинг бутун психик ҳаётида янги қийинчиликлар туғдиради. Аввал мустақкам ўрнашиб қолган кўникма ва малакалар янги ҳаёт кечириш тарзига кўп жиҳатдан мос келавермайди. Шунинг учун ўсмирларнинг психик жиҳатдан нормал ҳаёт кечириши ва ўсишини таъминлаш учун ўсмирлик ёшининг ўзига хос психологик хусусиятлари эътиборга олинган таълим-тарбиявий тадбирлар қўлланилиши зарур.

Ўсмирлик даври қарама-қаршиликларга бой даврдир. Уни баъзи олимлар « кризислар » « таназзуллар » даври ҳам деб атайдилар. Сабаби ўсмир руҳиятида шундай инқирозий ҳолатлар рўй берадики, у бу инқирозни бир томондан ўзи ҳал қилгиси келади, иккинчи томондан, ўзи ҳал қилишга имконияти, кучи ва ақли етмайди.

Психологик жиҳатдан ўсишида унинг руҳиятида кескин бурилишлар юз беради. Бу кўринишларни биз уларнинг ҳарактер хусусиятидаги « оғиш » ликларда кўришимиз мумкин ва бу оғишликлар уларнинг хатти-ҳаракатларидаги « портлаш » ва агрессияга (тажовузкорликка) мойил бўлган аффектив қўзғалувчанликдир. Бу ҳолат кўпинча ижтимоий адаптациянинг (мослашишнинг) бузилишини, жумладан қонунбузарликнинг сабабларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Маълумки аффектив қўзғалувчанлик кўп жиҳатидан ўсмирлик даврига тўғри келади. Бу ҳолат меъёрда ҳам кузатилади. Унинг вужудга келиши бу ёш фазасининг вегетатив эндокрен системанинг қайта қурилиши бўлса психологик ўзгариш портлаш ва агрессияга (

тажоввузкорлик) мойил бўлган аффектив кўзгалувчанликдир. Бу ҳолат кўпинча ижтимоий адаптациянинг (мослашишнинг) бузилишини, жумладан, қонунбузарликнинг сабабларидан бири бўлиб ҳисобланади. Аммо психик соғлом атроф муҳитнинг қулай шароитларида тарбияланаётган ўсмирларда аффектив кўзгалувчанлик адаптациянинг бузилишига олиб келмайди.

Ўсмир шахси характеридаги оғишларнинг шаклланиши уларнинг типларини аниқлаш, тиббий психологик ва тиббий педагогик ишларни актив олиб бориш учун зарурдир.

Хулқ - атвори оғир ўсмирларнинг шахси шаклланишига кўпчилик ҳолларда оилавий шарт-шароитлар, ота-онанинг ёки қариндошлар-нинг ичкиликбозлиги, уларнинг ахлоққа зид хулқ-атворлари салбий таъсир кўрсатади. Тарбияси оғир ўсмирлар учун одатда ўқишга, умум эътироф этган қоидаларга нисбатан зид муносабат бўлиб, охир- оқибатда бу уни синфига, мактабга, билим юрти жамоасига, қарама- қарши қилиб қўяди. Аксарият ҳолларда тарбияси қийин ўсмирлар- ички салбий муносабатлар натижасида мактаб жамоасида ўз ўрнини топа олмаган ўқувчилар бўлиб чиқади. Ўсмирлик ёшида катта ёшдагилар, ота-оналар ва ўқитувчилар билан келишмовчиликлар рўёбга чиқадики, бу фақат табиий ўсиш жараёни билангина эмас, балки, ўсмирни катта ёшдагилар ва тенгдошлараро муносабатлари ўзгариши билан изоҳланади . Тенгдошлар билан доимий мулоқотга эҳтиёжнинг кучайиши, ўзлигини тасдиқлашга интилиш, тенгдошларининг ўзи ҳақидаги фикр мулоҳазаларига таъсирчанлик ўсмирлик даврига хос хусусиятлардир.

Психолог тадқиқотчилар тарбияси қийин ўсмирларнинг вужудга келишига ижтимоий муҳитдан ташқари, педагогик, психологик сабаблар ҳам борлигини кўрсатади. Назарий мулоҳазалар анализи, ўсмирларнинг хатти-ҳаракатлари мотивини системали ўрганиш жараёни тарбияда меъёрдан четга оғиш сабаблари, хилма-хил эканлигини кўрсатади.

Балоғат даврида ўқитувчилар, ота-оналар ва жамоатчилик ўсмирни назоратсиз қолдириши, бўш вақтини тўғри уюштирмаслиги, ўқишга нисбатан салбий муносабат, синф жамоаси билан алоқани ёмонлашуви, спиртли ичимликка ўрганиш, тажоввузкор, серзардалик тарбияси қийин ўсмирларни келтириб чиқарувчи муҳим омиллардан бўлиб ҳисобланади.

Тарбияси қийин ўсмирларни ўрганишда ижтимоий муҳитдан ташқари педагогик-психологик сабаблар мавжудлигини ҳисобга олиш, қонунбузарликни келиб чиқиш сабабларини диагностика ёрдамида аниқлаш, тарбияси қийин ўқувчилар шахсини аниқлаш уларнинг психологик муносабатларини инobatга олган ҳолда типологиясини тузиш типологик хусусиятларга биноан индивидуал иш олиб бориш, қонунбузарликни олдини олиб ва тарбияси қийин болаларни қайта тарбиялаш методларини амалга тадбиқ қилиш, бу муаммони ечилишига ёрдам беради.

Юқорида таъкидланган номақбул оилавий шарт- шароитлар билан бирга тарбияси қийинликни келтириб чиқарувчи мактаб, қариндош- уруғ, маҳаллаларни болалар тарбиясига эътиборсизлигини ҳам киритишимиз мумкин. Бироқ ёмон ота- онанинг боласи албатта ёмон бўлади деб ҳисоблаш хатодир. Ўсмир номақбул ташқи таъсирларни ўз истаганича ранг-баранг тарзда идрок этади ва ўзлаштиради. У салбий таъсирларни қабул қилмаслиги, рад этиши, уларга қарши курашиши ҳам мумкин.

Ўсмирларда ўз- ўзини тарбиялашга интилиш.

Шахсининг ахлоқий жиҳатдан таркиб топиши, ахлоқий онгнинг таркиб топиши, хатти - ҳаракатларининг ахлоқий - этик тушунчаларини ўзлаштириши ўсмирлик ёшининг муҳим психологик характеристикасидир.

Ўсмирлик ёшида фақат жисмоний тараққиёт юзага келмай, балки боланинг шахси ҳам сезиларли ривожланади. Бола шахсининг ривожланиши теварак-атрофдаги воқеликнинг таъсири остида мактабдаги таълим-тарбия жараёнининг таъсирида жамоа ва тарбиячиларнинг ғоявий раҳбарлиги остида амалга ошади. Ота-она ва тарбиячи шуни назарда тутиши лозимки, худди анашу ёшда ахлоқий онг тараққиётига замин қўйилади. Ўсмирнинг қандай ахлоқий тажриба орттиришига, қандай ахлоқий фаолиятни амалга оширишига қараб унинг шахси ҳам таркиб топа бошлайди.

Лекин худди мана шу ўсмирлик ёши ахлоқий жиҳатдан тез ривожланиш ёши бўлганлиги туфайли шуни эсдан чиқармаслик керакки, кўпинча ўсмир онгида, тарбиячи ўқувчи онгига сингдирмоқчи бўлган хислатларга қарама—қарши унда ахлоқий тушунчалар таркиб топиши мумкин.

Ўсмирларда ўзини англашнинг ривожланиши уларнинг ўз хатти-ҳаракатларини англашдан бошланади, ундан сўнг ўзларининг ахлоқий сифатларини, характерларини ва ўз қобилиятларини англашдан бошланади.

Даставвал таълим фаолиятини бажариш билан боғлиқ бўлган сифатлар (меҳнатсеварлик, матонат, диққатлилик, тиришқоқлик) англана бошланади. Ундан сўнг бошқа кишиларга бўлган муносабатларни ифодаловчи сифатлар (ўртоқлик хисси, меҳрибонлик, вазминлик, қайсарлик хисси) англанади. Ундан ҳам кейин ўз-ўзига нисбатан бўлган муносабатларни ифодаловчи сифатлар (камтарлик, ўз-ўзини танқид қилиш, мақтанчоқлик, такаббурлик) англанади. Ниҳоят, шахснинг кўп томонлама муносабатларни ифодаловчи мураккаб сифатлар (бурч хисси, кадр-қиммат ва виждон хисси, мақсадга интилиш хисси) англанади.

Ўсмирлик даврининг оғир, мураккаб давр эканлиги кўплаб пси-хологик, физиологик, ижтимоий омиллар билан боғлиқ. Бу даврда ривожланишнинг барча жиҳатлари, яъни жисмоний, ақлий, ахлоқий, ижтимоий ва бошқаларнинг мазмун моҳияти ўзгаради. Ўсмир ҳаётида унинг руҳияти, организмнинг физиологик ҳамда ижтимоий ҳолатида жиддий ўзгаришлар содир бўлади. Аксарият ҳолатларда уларда бир-бирига қарама-қарши бўлган турли хил ҳолатлар кузатилади. Бу давр-га келиб бола энди « бола » эмас ва шу билан бирга ҳали « катта » ҳам эмас. Унинг ўз-ўзига ва атрофдагиларга нисбатан бўлган муносабатлари бутунлай бошқача характер кашф этиб боради. Унинг қизиқишлари тизими, ижтимоий йўналганлиги қайтадан шаклланади, ўз-ўзини англаши, ўз-ўзини баҳолаши, қадриятлари тизими ўзгаради. Унинг учун ўз « мен » и ва шу « мен »нинг аҳамити ортади. Ўсмир энди « ёш бола» эмас, энди у « катта одам », катта одам эса мустақил бўлиши, ўз муаммоларини ўзи ҳал қилиши кераклигини тушунади. Бу даврда катталар ёрдамига мурожат қилиш тенгдошлар томонидан қораланади ва буни ўсмирнинг ўзи ҳам хоҳламайди. Бу даврда ўсмирларга катталар томонидан олдингидек кўрсатиладиган илтифот, эркалалашлар эриш туюлади. Энди улар ўзларини эркалаб, силаб- сийпалашларини «арзимаган нарсалар» учун катталар томонидан билдириладиган олқишларни ёқтирмайдилар. Энди улар атрофдагиларни ҳиссий қўллаб-қувватлашларидан ҳолироқ бўлишга ўз муаммоларини ўзлари шахсан ҳал қилишга интиладилар. Олдинлари кўчада, боғчада, мактабда юз берган воқеалар ҳақида уйдагиларга шикоят қилиб, ота-онасидан ёрдам сўраган бўлсалар, энди оиладан ташқарида биронтасидан дакки эшитиб, калтак еб келган тақдирда ҳам бу ҳақда ота-онасига билдармасликка ҳаракат қилади ва имкон қадар ота-оналарини унинг « ишларига» аралашмасликларини хоҳ-лайдилар. Буларнинг барчаси ўсмирларда кузатиладиган « катталик ҳисси» нинг таъсиридир. Ўсмир тенгдошлари билан тенглик асосида қилинган муаммолар муносабат асосида алоҳида бир ижтимоий муносабатлар мактабини ўтайди. Ўзаро қизиқишлар, атроф дунёни, бир-бирларини англашлари ва тушунишлари улар учун жуда қимматли-дир. Ўсмир ўз ишларини, сирларини энди ота-оналарига эмас, балки тенгдошига кўпроқ ишонади. У ўз тенгдошлари билан мулоқат ва муносабат жараёнида ўз шахсини эркинлик билан тўла намоён эта олади. Шахсий эркинликни у катта бўлиш ҳуқуқи деб англайди. Ўс-мирлар ўзини хурмат қилишини, ўз фикрини ва қизиқишини ҳимоя қилишни билмаган тенгдошларига жуда паст баҳо берадилар.

Балоғат даврида ўғил қизлар ўзларини катталардек хис этиш билан бирга бошқалар ҳам уларни ақилли, хушли, ор-номусли, катта одам деб ҳисоблашларини хоҳлайдилар. Катта ёшдаги бегона кишиларга тақлид қилиш одати кучаяди. Атрофдагиларнинг нима билан шуғулланаётганлиги, нимага эътибор бераётганлиги, ўзларини қандай тутаётганлигига разм соладилар. Табиийки, ўсмирда ўзига ёқиб қолган, кўнглига маъқул тушган шахсдай бўлиш ҳаваси туғилади. Аммо афсуски, катталар боладаги ана шундай ўзгаришларни ё пайқамай

қолишади, ёинким сезишса ҳам у нарсаларга дуруст аҳамият беришмайди. Катталар томонидан ўринсиз танбех бериш, кесатиш, дўқ-пўписа қилишлар ўсмир ҳиссиётида нохуш кечинмаларни вужудга келтиради. Мазкур даврда у ўта таъсирчан, ҳамма нарсани кўнглига яқин оладиган бўлиб қолади. Турмуш жараёнида таълим ва тарбияда буни ҳисобга олиш даркор. Юқорида айтиб ўтганимиздек, ўзини катталардек ҳис қилаётган ўсмирга бирор юмуш буюрганда уддалай олишига ишонч билдирган йўсинда « сен энди катта боласан, бу иш қўлингдан келади » каби сўзлар билан муружаат қилиш унинг қувончига қувонч қўшади.

Ўзимиз сезмаганимиз ҳолда ўсмир тарбиясида катта ва қўпол хатога йўл қўямиз. Бу бепарволик оқибатида завқ- шавққа тўлиб, вояга етиб келаётган ўсмир нотўғри йўлга кириб кетиши ҳам мумкин. Негаки, худди шу ёшда яхшидан кўра ёмон одатларга берилиш майли унда кучлироқ бўлади. Шунинг учун ўсмир бола шахсига жуда эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш керак.

Шундай қилиб, ўсмирлик ёшида болада катталиқ ҳиссини таркиб топишида ўз-ўзини англашнинг аҳамияти ва роли кучая боради. Демак, мана шу даврда бола муҳит ўртасидаги муносабатнинг янги типини белгиловчи тараққиётнинг ички факторлари борган сари кўпроқ аҳамият қозона бошлайди. Ўсмир ўз-ўзини тарбиялаш ва ўз-ўзини ўстириш орқали мустақил ўсиш қобилиятига эга бўлиб қолади.

Ўсмирларнинг билиш жараёнларини шаклланиши.

Ўсмирлик даврида асосан билиш жараёни юқори даражада ривожланади. Ўсмирнинг идроки кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар идрокдан сифат жиҳатидан фарқ қилади. Ўсмир воқелиқдаги билиш жараёнларини ташқи томонларинигина идрок қилиш эмас, балки нарса ва ҳодисаларни анча мураккаб таҳлил ва синтез қилиш қобилиятига ҳам эга бўлиб қолади. Кўргазмали материални идрок қилишда ўсмирларда фикрлаш жараёни катта ўрин ола бошлайди.

Мантикий идрок қилиш кичик мактаб ўқувчилари идрокдан фарқ қилади. Ўсмирнинг ўқиш жараёнида кузатиш маълум мақсадга қаратилган ташкилий идрок сифатида катта ўрин эгаллай бошлайди, аммо ўсмирлик ёшидаги ўқувчиларни мустақил кузатиш ҳам ҳали унга етилмаган ва агар ўсмир олдиндан белгиланган мақсадга таянмаса, унинг кузатиши кўпинча атайин четдан уюштирилган характерга эга бўлиб қолади, атайин уюштирилган кузатиш кўпинча атайин ўқитувчи томонидан ташкил этилади ва у ўсмир фаолиятига қўшилади ва бу орқали ўсмир борлиқни фаол равишда била бошлайди. Ўсмирлар нарса ва ҳодисаларни таҳлил қилишга, уларнинг ўзаро таққослашга ҳаракат қиладилар. Муҳим ўхшаш томонларини, фарқларини аниқлашга ҳаракат қиладилар. Ўсмирларни нарсаларни аниқ кузата билишга ўргата бориш зарур, бу билан уларда кузатувчанлик сифатларини тарбиялаш мумкин.

Ўсмирлик даврида хотира диққатда муҳим ўзгаришлар юз беради. Ўз психик функцияларини уюштириш анализ қила олиш, уларни идора қила билиш ўсиб боради. Бу иккинчи сигналлар системасини бошқаришнинг ўзига хос кўринишидир. Хотира ва диққат аста- секин уюшган, идора қилинадиган ва бошқариладиган жараёнлар характерини касб этади.

Гарчи ўсмирлик ёшида сўз ва мавҳум материални эсда олиб қолиш анча тараққий этганлиги сезилиб турсада, ўсмир хотираси кичик мактаб ёшидаги боланинг хотирасига қараганда “ умуман ” яхши тараққий этган деб бўлмайди. Бироқ ўсмирлар бирор материални эсда олиб қолиш юзасидан фикрлаш ишини уюштира олиш, эсда олиб қолиш воситаларини эгаллаш, кичик мактаб ёшидаги болалардагига қараганда анча тараққий этган бўлади. Эсда олиб қолиш тезлиги ва хотирада сақланадиган материал ҳажми ортади. Механик эсда олиб қолиш борган сари мантикий тушуниб эсда олиб қолишга ўз ўрнини бўшатиб боради,

хотиранинг махсулдорлиги ортади. Агар ўқувчилар илгари одатда материални сўзма-сўз эсда олиб қолишга интилган бўлсалар эндиликда ўсмир ўқитувчининг ёдлаб олишдан иборат

(таърифни, қонунни) талабига қарши кўпинча эътироз билдириб, материални “ ўз сўзлари билан ” айтиб беришга мойил бўладилар.

Ўсмирлик ёшида хотира хусусиятлари сезиларли даражада ўзгаради. Уларда кўпроқ мантикий хотира асосий ўрин тутаяди. Мавзуларни ўзлаштириш ва тартибга солиш, нарса ва ходисаларнинг моҳиятини билиш натижасида, ўсмир мантикий эсда олиб қолиш ва мантикий эсга тушуришнинг афзаллигини тушуниб олади. Эсда қолдириш ихтиёрий ва ихтиёрсиз бўлиши мумкин. Ўсмирлик ёшида, хусусан, мактабда ўқиш таъсирида ихтиёрий эсда қолдириш ривожланади. Ёрқин, нотаниш ва янги нарсани эсда олиб қолаверадиган ёшдаги болалар (мактабгача тарбия ва кичик ёшдаги болалар) дан фарқли равишда ўсмирларда эсда қолдириш ва ёдлаб олиш тобора онгли ва тушунган ҳолда бўлади. Уларнинг ўзлари матинни эсда қолдириш ва ёдлаб олиш учун қатор усулларни ишлатадилар.

Ўсмирларда эсга тушириш устидан ўтказилган тажрибалар эсга туширилган материал ҳажми кичик ёшдаги ўқувчиларга нисбатан кичик ўсмирларда икки марта, катта ўсмирларда эса тўрт марта ортиқлигини кўрсатади. Ўсмирларда хотиранинг сифати ҳам ўзгаради яъни улар кичик ёшдаги ўқувчиларга нисбатан ўқув материални кўпроқ эсга туширадилар. Бу улардаги тафаккур таракқиёти билан боғлиқ бўлади.

Ўқувчилар тассаввурини бойитиш учун дарсни кўрсатмали ва таъ-сирчан қилиб олиб бориш лозим. Тўғри, кичик ёшдаги ўқувчиларга нисбатан ўсмирлар билан дарсларни камроқ кўрсатмали қилиб олиб бориш мумкин. Чунки ўсмирлар кўп умумий ва аниқ тассаввурларга таянмай туриб, мураккаб илмий фикрларни тушина олмайдилар. Ўсмирлар эса етарли даражада тасаввур ва тушунчалар заҳирасига эга. Шунинг учун ҳамма илмий фикрлар кўрсатмалилик талаб қилавермайди. Ўқитувчининг ҳали ўсмир зарур тассаввурларга эга бўлмаган соҳада мураккаб материални баён қилиши лозим бўлиб қолган ҳолларда кўрсатмалилик керак бўлади.

Ўсмирларда бошқа билиш жараёнларига боғлиқ ҳолда хаёл ҳам ривожланади. Уларда хаёл икки кўринишда намоён бўлади. Тассаввур хаёли ва ижобий хаёл. Тассаввур хаёли ўсмирларда анча ривожланган ва таълим билан боғлиқ ҳолда содир бўлади. Ўсмирларда тасаввур хаёли билан бирга, ижодий хаёл тез ривожлана боради. Бу хаёл тури ўсмирлардаги қизиқишларда намоён бўлади.

Ўсмирларда ўқув ва меҳнат фаолиятининг муваффақиятли бўлиши кўп жиҳатдан уларнинг диққатини тўғри йўлга солиб боришга боғлиқ. Диққатини йўлга солишга одатланадиган ўсмир ўқишда ҳам, меҳнатда ҳам яхши натижаларга эришади, улгурмайдиган болалар кўпинча паришонхотир бўладилар. Ўсмирлик ёшида кўзғалиш ва тормозланиш жараёнларининг алоҳида нисбати кўзғалиш жараёни тормозланишга нисбатан анча кучли. Уларнинг диққатидаги алоҳида хусусиятларни туғдирувчи сабаблардандир.

Диққатнинг таракқий этиши маълум зиддиятлари билан: бир томондан, ўсмирлик ёшида барқарор , ихтиёрий диққатнинг таркиб топиши билан , бошқа томондан, ўсмирдаги таассуротлар, кечинмалар, жўшқин фаолликка импульсивлик кўпинча бекарор диққатга олиб бориши билан, унинг тез чалғиши билан ажралиб туради. Диққатнинг танловчанлик қобилияти, яъни турлича характеристикаси ўша нарсага бўлган қизиқиш кўлами даражасига боғлиқ бўлиши ўсмирда жуда яққол ифодаланган.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ўсмирлик ёшида диққатнинг кўлами, шунингдек диққатни бир операциядан бошқа операцияга қаратиш, фаолиятнинг бир туридан бошқа турига жалб этиш қобилияти сезиларли даражада ортади. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилардан фарқли ўлароқ, ўсмир учун одатда ўз фаолиятини ўзгартиришга қандайдир алоҳида психологик тайёргарлик кўриш талаб этилмайди.

Болалар бошланғич синфларданок ўқитувчининг мунтазам талаби таъсирида « диққатли бўлиб кўринишга» ўрганадалар. Лекин бу кўриниш ўсмирларда ҳамма вақт ҳам чинакам диққат мавжудлигидан дарак бермайди. Кўп ҳолларда ўсмир диққат қилиб турган кишидек ўтиради, лекин дарсни тушунмайди, чунки унинг фикри бошқа ёқда сайр қилиб юради. Ўсмирларнинг таъсирчанлиги, ҳаракатчанлиги ва қизиқарли ажойиб нарсаларга интилиши улар диққатининг чалғишига сабаб бўлади. Натижада диққат дарсга ёки бажарилаётган уй ишига тааллуқли бўлмаган бошқа объектларга кўчади.

Ўсмирлар улғайган сари уларда масъулият ҳисси ортиб боради, диққатнинг барқарорлиги ўсади. Ўсмирлар иродасининг мустаҳкамлана бориши улар диққатининг кичик ёшдаги ўқувчилар диққатидан фарқли равишда 40 мин давомида барқарор бўлиб туришига имкон беради. Кичик ёшдаги ўқувчилар диққати 15-20 минут давомида барқарор бўлади, бу нарса иш шаклини дарс давомида 2-3 марта ўзгартириб туришни талаб қилади. Диққатни кўчириш, яъни бир ишдан бошқасига онгли равишда ўтиши муҳим аҳамиятга эга, жозибатор, қизиқарли ва жонли ишдан кейин, мураккаб ишга ўтишда диққатни кўчириш қийин бўлади. Бундай ҳолларда ўсмирлар анча вақтгача « янги тартибга» туша олмайдилар. Дарс жадвалларини тузишда диққатни кўчиришнинг қийинлигини назарда тутиш муҳим рол ўйнайди.

Диққатни ташкил этишнинг энг яхши усули ўқитувчининг қандайдир алоҳида усулларни қўлланишга эмас, балки ўқиш фаолиятини ўсмирда диққатни узоқ вақт мобайнида бирор нарсага чалғитиш учун на вақт, на истак ва на имконият қолмайдиган қилиб уюштира олишга боғлиқдир. Қизиқарли иш, қизиқарли дарс ўсмирни шунчалик қамраб олишга кодирки у жуда узоқ вақт давомида зўр иштиёқ билан ишлайди.

Ўсмирлик ёшида фикрлаш фаолиятида муҳим силжишлар юз беради. Кичик мактаб ёшида эришилган тафаккур тараққиётининг даражаси ўсмирга фан асосларини муваффақиятли ва системали ўрганиш имконини беради. Ўрганиладиган фанларнинг мазмуни ва ўқув курслари тузилишининг мантиқий билимларини ўзлаштиришнинг янги характерини мустақил тафаккурга таянишни талаб этади. Мавҳумлаштириш ва умумлаштириш, таққослаш, мулоҳаза юритиш, хулосалар чиқариш, исботлаш қобилияти зарур бўлади.

Ўсмирларнинг тафаккури умумлашган чуқур ва анча мавҳум бўлади. Улар илмий тушунчаларни ўзлаштириб, деярли умумий ҳукмлардан фойдаланади. Умумлаштирилган ва муҳокамали тафаккурни тараққий эттириш учун математика ўқитиш жуда муҳимдир.

Мактаб талими ва мустақил билим олиш фаолияти таъсири остида ўсмирда аналитик-синтетик фаолият жадал суратлар билан ривожлана бошлайди. Шунинг учун унда сабаб ва натижани изохлаш ўқуви мустаҳкамланиб боради. Ўқувчи материалларни муҳим белгиларини ажратишга кенг маъноли умумлаштиришни амалга оширишга ҳаракат қилади.

Ўсмирлик даврида ўқувчиларда аналитик-синтетик фаолият етарлича ривожланмаганлиги ҳам учраб туради. Шунинг учун математика, физикадан масалани ечиш усулларини ёки исботлаш йўли кўрсатилмаса, қийинчиликлар туғилади.

Ўсмир фикрлаш фаолиятининг асосий хусусияти мавҳум тафаккур қобилиятининг йилдан-йилга ўсиб боришидан, аниқ образли ва мавҳум тафаккур ўртасидаги нисбатнинг мавҳум тафаккур фойдасига ўзгаришидан иборат.

Ўсмирнинг энг муҳим хусусиятларидан яна бири мустақил фикрлаш, ақлнинг танқидийлиги тез ривожланишидир. Мактаб таълимининг бевосита таъсири билан ўсмирда ўзини англаш жараёни ривожлана бошлайди. У ўзининг фикрига мустақил, қарашига бирор масала юзасидан ўз мулоҳазасига эга бўлиши учун ҳаракат қилади. Шунинг учун ўқитувчи ва ота-онанинг айтганларига танқидий нуқтаи назар билан қарайди. Тафаккурнинг мустақиллиги инсон учун жуда катта аҳамиятга эга. Ўқитувчи дарс жараёнида ва дарсдан

ташқари вақтларда, ҳар қандай оғир шарт-шароитларда ҳам турли усуллар билан бу хислатни кўллаб қувватлаши лозим, акс ҳолда ўсмир ақлининг ажойиб сифати барбод бўлади.

Ўсмирларнинг ақл-заковатини камол топдириш учун уларга доимо мантиқий тафаккур усулларини ўргатиб бориш зарур. Ушбу ёшнинг энг муҳим хусусияти фаол мустақил, ижодий тафаккурнинг таркиб топиши ҳамдир. Психологлар айтганидек, ўсмирлик ёши ана шундай тафаккурнинг таракқий этиши учун сензитив (қулай) ёшидир.

Ўсмирларнинг ирода ва ҳиссиётини ўсиши.

Ўсмирларнинг ўсиш ёши даври ироданинг ўсиш даври бўлиб ҳам саналади. Ирода маълумки, белгиланган мақсадга эришишдаги қийинчиликларни енгишда намоён бўлади. Ўсмирнинг олдида жуда кўп вазифалар туради, бунда ўсмир қийинчиликлари енгишга қодир бўлсагина ана шу вазифаларни тўла ҳал қила олади. Ўсмирларнинг чиниқиши ҳам вояга етиши ҳам фаолиятни бажариш орқали намоён бўлади. Демак вазифа фаолиятни тўғри ташкил этишдан иборатдир. Ўсмир мактабда ўқир экан, унинг олдида кўпгина вазифалар туради, у шу вазифаларни қанчалик қийин ва мураккаб бўлмасин бажариши керак. Шунинг учун ўсмирларда иродани таркиб топдиришга шундай раҳбарлик қилиш зарурки, ўсмир ҳар қандай мақсадга эришиш мумкинлиги тўғрисидаги ишончни йўқотмасин. Қийинчиликларни енгишда ўсмирга ёрдам бериш зарурдир. Ирода сифатларини таркиб топиши асосан кўйилган мақсадга эришиш учун кишининг қандай ҳаракатлар қилиши билан боғлиқдир. Ирода сифатларининг таркиб топишида фаол ҳаракат қилиш, ҳаракатларнинг уюшганлиги ва барқарорлиги катта аҳамиятга эгадир. Демак, ҳаракатларнинг фаоллиги дадиллик мустақиллик ва ташаббускорлик каби ирода сифатларини ҳосил қилади, ҳаракатларнинг уюшганлиги эса ўсмирда ўзининг тута билиш, матонат, ўз-ўзини назорат қилиш, интизомликни ўстиради. Уларда чидамлик ва жасурликни ўстиришга ёрдам беради. Ўсмирларда ирода шакилланиши билан бир қаторда ҳиссиёт

ҳам шакилланиб боради. Ўсмирнинг эмоционал ҳаётида янги босқич бошланади. Ўсмирнинг ўз эмоционал ҳолати ўзгаради. Бу умумий эмоционал тонусга ҳамда кайфият ва рухий ҳолатнинг ўзгаришига тааллуқлидир. Ўсмирда янги ижтимоий боғланишлар, ижтимоий ҳаёт ҳодисалари ва бошқа одамларнинг хатти-ҳаракатларига нисбатан янги муносабатлар вужудга келади. Мана шу муносабатлар асосида ўзи учун аҳамиятсиз бўлган нарсаларга нисбатан унда эмоционал муносабатлар туғилади.

Яна бу ёшда характернинг иродавий хислатлари яъни матонат, мақсадни амалга оширишда қатъийлик ва бунда учрайдиган тўсиқларни ва қийинчиликларни енга олиш каби хислатлари сезиларли даражада ривожланади. Ўсмир кичик мактаб ёшидаги ўқувчидан фарқ қилиб фақат айрим иродавий ҳаракатларгина эмас балки, иродавий фаолиятга ҳам боғлиқдир.

Агарда кичик мактаб ёшидаги ўқувчи қиз олдида амалга оширилиши, иродани талаб қиладиган мақсад ва вазифаларни ҳамиша ҳам мустақил тарзда қўя олмаса, ўсмир бундай мақсадларни кўпинча ўзи қўяди ва бу мақсадларни амалга ошириш учун фаолиятларини ўзи ривожлантиради.

Аммо ўсмирларда ироданинг етишмаслиги қисман уларнинг ҳамма фаолият турларида ҳам ўз иродаларини ҳамма вақт намоён қила олмасликларида кўринади: фаолиятнинг бир турида матонат намоён қилсалар (масалан; спорт фаолиятида) бошқа турларида ирода чидам намоён қила олмайдилар (масалан, ўқиш фаолиятида) математикани ўзлаштиришда иродани кўрсатсалар, чет тилини ўзлаштиришда уни кўрсата олмайдилар ва шунинг кабилар.

Бундай муносабатларга энг аввало ўсмирнинг катталар билан муносабати ва улар билан боғлиқ бўлган кечинмалар, ундан ташқари ўз тенкурлари билан боғлиқ бўлган кечинмалар киради. Улар ўзаро муносабатларда юрак сирларини изҳор этиш эҳтиёжини сезади, ўзига энг яқин дўст ахтаради, бундай дўст тополмаса, юракдаги гапларини хотира дафтарига ёзиб боришга одатланади. Ўсмирнинг кечинмалари ичида жамоа ҳаёти билан боғлиқ бўлган кечинмалар катта ўрин ола бошлайди. Жамоа ўсмирга шунинг учун ҳам керак бўлиб

борадика, ўсмир жамоада ўз тенқурлари билан муносабатда бўлиш истагини қондира олади, умумий хаяжонланиш, маълум кечинмадан, ташаббус ёки ўйланган ишдан келиб чиқадиган умумий эмоционал ҳолатларни жамоа билан бирга бошидан кечиради.

Жисмоний ривожланиш хусусиятлари муносабати билан ўсмирлик ёши учун характерли бўлган характернинг баъзан мувозанатсизлигини, кучли кўзгалувчанлигини, кайфиятнинг нисбатан тез ва кескин ўзгарувчанлигини қайд қилиш мумкин, бу хислатлар жўшқин ҳаракат ва фаоллик билан қўшилиб интизомнинг ва вазминликнинг ёпишмаслиги асосида кўпинча болалар жамоасида шовқин-суронга, енгилтак қилиқларга, қий-чув тўполонга ва шу кабиларнинг намоён бўлишига олиб келади.

Хулоса қилиб айтганда ўсмирлик ёшида ижтимоий характерга эга бўлган туйғулар пайдо бўлади, ўсмирнинг ҳаммага яхшилик қилгиси келади.

Ўсмирларнинг характер хусусиятларини шаклланиши.

Характер шахснинг хулқ ва ҳаракатларида намоён бўладиган қарор сифатлари йиғиндисидир. Бола улғайиши билан унинг характерни таркиб топа бошлайди. Характер хусусиятларининг шаклланишига турмушнинг ижтимоий- тарихий, оилавий тарбия шароитлари, таъ-лим-тарбия ишларининг шакл ва мазмуни таъсир қилади.

Ўсмирнинг характер сифатларини била олиш ва қандай сифатлар мустаҳкамланган, қайсилари йўқолиб кетяпти ва ниҳоят қайсилари пайдо бўлаётгани ва мустаҳкамланаётганини аниқлаб олиш педагог-лар учун жуда муҳимдир. Характер сифатларини чуқур ва аниқ би-лиш учун уларни гуруҳларга ажратиш лозим. Характер сифатларини икки катта гуруҳга бўлиш мумкин. Интеллектуал иродавий ва эмоци-онал сифатлар 1-гуруҳни ташкил қилади. Характер сифатларининг 2 гуруҳни ўсмирнинг моддий дунёга, жамият ва кишиларга, фаолиятга ва ўз-ўзига муносабати хусусиятлари билан боғлиқ ҳолда шакллана-ди. Такрорланиб турадиган, воқеликка бирор муносабатни акс этти-рувчи ҳаракатлар аста-секин характер сифатларига айланиб боради. Доимий, одат тусига кириб қолган ўйинчоқларга, китобларга, мактаб буюмларига, кийимга, мактаб мулкига ва бошқаларга муносабат, характернинг саранжомлик, тежамлилик, режалилик ёки эътиборсизлилик, хасислик, бепарволилик каби сифатларига айланади.

Ўсмирларни муваффақиятли тарбиялаш кўп жиҳатдан ўқитувчининг болалар жамоасида дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашига боғлиқлигини эсда тутиш лозим. Баъзан ўсмирлар ўртоқлик ва дўстлик хиссини нотўғри тушунадилар. Бундай ҳолларда ўсмирлар орасида « бир-бирини ҳимоя қилиш » вужудга келади. Ўртоғининг нотўғри хатти-ҳаракатини катталардан яширади, гуноҳларини турли йўллар билан беркитади.

«Бир-бирини ҳимоя қилиш» одатига қарши кураш ўқитувчидан хушмуомалалик ва ўсмирлар психологиясини тушуна олишини талаб қилади.

Ўсмирларнинг ахлоқий сийсий хисларини яхши билиш ва улардан таълим-тарбияда тўғри фойдаланиш ўсмирларни ахлоқий жиҳатдан тарбиялашда яхши натижалар беради.

А.С.Макаренко болаларни тарбиялашда болалар жамоасининг ҳал қилувчи ролига катта эътибор берган. Ўсмирнинг жамоада яшаши ва ишлаши унда масъулият, бурч хисси каби энг қимматбаҳо хиссиётларни ўстиради. Ўсмирлар ўз ютуқлари, хатти-ҳаракатлари учун масъулиятни, ота-оналари, мактаб ва Ватан олдидага вазифа ва бурчларини яхши тушунадилар. Шу билан бирга ўсмирларнинг масъулият ва бурч ҳақидаги гаплари билан хулқларининг бир хил бўлмаслиги каби ҳолларини ҳам учратиш мумкин. Ўсмир бирор айб иш қилиб қўйиб, бундай қилиш ярамаслигини яхши англайди, айби учун афсусланади. Бундай сўз билан хулқ атвор ўртасидаги зиддият одатда ташқи таъсирларга тез берилувчанлиги ва жўшқинлигини ҳисобга олмаслик, фақат оғзаки насихатгўйлик билан чекланиш натижасидир.

Инсонга, жамоага, жамоат ташкилотларига нисбатан доим такрорланиб турадиган муносабат меҳрибонлик, ўртоқлилик, дўстона муносабат, инсонпарварлик, дилкашлик ёки

одамлардан узоклашиш, сир-ни яшириш, одамларга аралашмаслик каби ҳарактер сифатларга айланади. Шунингдек, фаолиятга муносабатдаги доимийлик ҳарактернинг ижобий ёки салбий сифатларига айланади. Бундай сифатларга тиришқоқлик, мустақиллик, маъсулиятлик, ташаббускорлик ёки шошқалоқ-лилик, ховлиқмалик кабилар киради. Ҳарактернинг бу сифатлари боланинг кичиклигидан тарбиялана бошлайди. Кейинчалик ўз-ўзига муносабатни акс эттирадиган ҳарактер сифатлари пайдо бўлади.

Ўсмирлик даврида ўсмирнинг шаклланиши.

Ўсмир шахсининг тараққиётида энг муҳим кўринишлардан бири, унда ўзини англашнинг таркиб топишидир, ўзини шахс сифатида англаш эҳтиёжининг таркиб топишидан иборатдир. Кичик мактаб ёшидаги даврда ўзига баҳо бериш истаги бўлмайди: Мен қандай одамман?. Мен қандай фойда келтиришим мумкин?. Менинг қандай яхши ва ёмон томонларим бор? деган савол туғилмайди. Ўсмирда бўлса, ўз-ўзига нисбатан, ўзининг ички ҳаётига, ўз шахсининг сифатларига қи-зиқиш юзага келади. Ўзини бошқа кишилар билан таққослаш, ўзига баҳо бериш эҳтиёжи пайдо бўлади. Ўсмир ўзига назар солиб қарай бошлайди, ўзи учун қандайдир тарзда ўзининг « мен » ини очади (кашф этади), ўз шахсининг кучли ва кучсиз томонларини билишга интилади.

Ўзини англашнинг дастлабки таркиб топиши ва бундан кейинги тараққиёти ўсмирнинг бутун психик ҳаётига ўқиш фаолиятининг ҳарактерига, теварак атрофга бўлган муносабатларининг таркиб топишига, унинг бошқа одамлар билан бўлган муносабатларига тасир қилиб, чуқур из қолдиради. Ўзини англашнинг воқелиқдан узилиб, ўз ички кечинмалари оламига кетиб қолиш деб тушуниш тўғри келмайди. Ўзини англаш ўз-ўзини билишга, бефойда ва чексиз равишда ўз-ўзини анализ қилишга қаратилган ўзига хос интилишнинг намоён бўлиши деб тушуниб бўлмайди. Ўзини англаш эҳтиёжи ҳаёт эҳтиёжларидан ва амалий фаолиятлардан келиб чиқади. Ўзини англаш эҳтиёжи катталарнинг, жамоанинг ўсиб бораётган эҳтиёжлари билан белгиланади.

Ўсмирларда ўзини англашнинг ривожланиши уларнинг ўз хатти-ҳаракатларини англашдан бошланади (олдин айрим қилиқларини, ундан сўнг барча хатти-ҳаракатларини бутунлигича англашларидан бошланади), ундан сўнг ўзларининг сифатларини, ҳарактерларини ва ўз қобилиятларини англашдан бошланади. Дастлабки пайтларда ўсмирларни ўзини англаши асосида у ҳақида бошқа одамларнинг катталарнинг (ўқитувчилар, ота-оналарнинг), жамоанинг ва ўртоқларининг мулоҳазалари ётади. Кичик ёшдаги ўсмир ўзига гўё атрофдаги одамларнинг кўзи билан қарайди. Ёш улғайиши билан ўз шахсини мустақил таҳлил қилиш ва баҳолаш ҳолатлари бошланади. Ўтказилган тадқиқотлардан маълум бўлишича, ўсмир шахсининг ҳамма сифатларини ҳам бир вақтни ўзида англай бошламайди. Даставвал таълим фаолиятини бажариш билан боғлиқ бўлган сифатлар

(меҳнатсеварлик матонат, диққатлилик, тиришқоқлик.) англана бош-ланади. Ундан сўнг бошқа кишиларга бўлган муносабатларни ифода-ловчи сифатлар (ўртоқлик ҳисси, меҳрибонлик, вазминлик, қайсарлик ҳисси) англанади. Ундан ҳам кейин ўз-ўзига нисбатан бўлган муносабатларни ифодаловчи сифатлар (камтарлик, такаббурлик) англанади. Ниҳоят шахсининг кўп томонлама муносабатларини ифодаловчи мураккаб сифатлар, бурч ҳисси, кадр-қиммат ва виждон ҳисси, мақсадга интилиш ҳисси англанади. Ўсмирларда ўзини англашнинг муҳим хусусиятларидан бири ўзини билишга бўлган эҳтиёж билан шахсининг намоён бўлишини етарли даражада тўғри таҳлил қила олмаслиги, ўзи ҳақида етарли даражада билимларга эга эмаслиги ўртасидаги қарама-қаршиликдир. Мана шу асосда баъзан ўсмирдаги тиришқоқлик даражаси билан унинг жамоадаги ҳақиқий мавқеи ўртасида, унинг ўз-ўзига нисбатан, ўз шахсининг сифатларига нисбатан бўлган муносабати билан унга ҳамда унинг шахсининг сифатларига нисбатан катталарнинг ва тенгдошларининг муно-сабатлари ўртасида ихтилоф юзага келади. А.Г Коволев адолатли равишда таъкидлайдики, ўсмирларда 2та бир-бирига қарама-қарши аммо ҳар иккиси ҳам айна бир вақтда салбий бўлган

кечинмаларни, яъни бошқалардан устунлик ва бошқалардан камлик хиссини туғдирмаслик учун ўсмир шахсига тўғри баҳо бериш муҳимдир. Ўсмирларда ўзини англашни ривожланишининг янги босқичи ўзига бир наъмунани, ўзига хос ахлоқий эталонни ажратиш билан боғлиқдир. Ўсмир ўзига наъмуна бўлган эталон билан ўзини солиштириб, ўз хатти-ҳаракатларига баҳо беради. Мана шундай намуна бўладиган эталонлар ўсмирнинг хатти-ҳаракатларини йўлга сола бошлайди. Ўсмирлик ёшида психологик жиҳатдан энг муҳим ҳисобланган янги ҳислатларни таркиб топиши унда ўзига хос катталиқ хиссининг юзага келишидир. Ўсмир бу ҳиссиётни ўз-ўзига катта ёшли одам сифатида бўлган шахсий муносабатларни катталар жамоасида улар ҳаётининг тўлақонли ва тўла ҳуқуқли аъзоси сифатида яшашга тайёр эканлигини субъектив тарзда ичидан кечиради. Катталиқ хисси ўсмирларда мустақилликка ва маълум даражада эркинликка интилишни юзага келтиради. Мана шунинг натижасида улар катталарнинг баҳоларига ғайри табиий ҳолда жавоб берадилар ва катталарнинг уларнинг қадр-қимматларини камситишларига, уларнинг эркинликларини инкор қилишларига, уларнинг ҳуқуқларига етарли баҳо бермасликларига жуда ўткир реакция билан жавоб берадилар.

Худди шу даврда ўсмир шахсининг шаклланишида турли хил қизиқишлар юзага келади. Бу қизиқишлар психологиянинг алоҳида категориясини ташкил этиб, у бир томондан майл, бошқа томондан иштиёқ ва ҳавасни ўртасида жойлашади.

Ўсмирлик ёшида мактаб ва мактабдан ташқари муассасалар таълим-тарбия ишининг таъсири остида, фан асосларини ўрганиш таъсири остида ўсмирларда фаолиятнинг у ёки бу турига қобилиятлар таркиб топа бошлайди. Кичик мактаб ёшида ҳам, ҳатто мактабгача тарбия ёшида ҳам қобилиятларнинг намоён бўлиш ҳоллари юз беради, албатта. Лекин бу қобилиятлар(тегишли кўникма ва малакаларни нисбатан тез ҳамда осон эгаллаш, объектив тарзда юқори натижаларга эришиш назарда тутилади) айниқса ўсмирлик ёшида чинакамига ривожлана бошлайди. Бунинг сабаби шуки, айниқса ўсмирлик ёшида чуқур, таъсирчан, барқарор қизиқишлар юзага келади, теварак атрофга онгли, актив муносабат таркиб топади, мустақил ижодий тафаккур тараққий этади.

Биринчи навбатда мусиқа, бадиий-тасвирий, адабий-ижодий қобилиятлар яққол намоён бўла бошлайди. Математикани жиддий ва системали ўргана бошлаганлиги муносабати билан математика бўлган қобилиятлар таркиб топади. Математика ва физикани ўрганиш асосида ўсмир ўғил болаларда конструкторлик-техник қобилиятлар жуда сезиларли даражада таркиб топади.

Ўсмирлар турли билимлар тўғарақларининг ва ижодий тўғарақларнинг фаол иштирокчиларидир. Уларда унча мураккаб бўлмаган мусиқа асарлари ва кўшиқларни мустақил равишда ижод қилиш, бўёқлар билан расмлар чизиш, унча катта бўлмаган ҳикоялар ва айниқса тилнинг ифодали воситаларидан фойдаланиб, шеърлар тўқиш эҳтиёжи яққол намоён бўлади. Ўсмирларнинг адабий ижоди уларда таркиб топган ҳаётга муносабат ва дунёни ҳис этиш қобилиятларида, уларнинг табиатни ҳайрон қоларли даражада яққол идрок қилишларида ифодаланади.

Бизнингча бу қизиқишларни қуйидиги таснифини олишимиз мумкин.

1. Интеллектуал-эстетик қизиқишлар предметга (мусиқа, тасвирий санъат, радиотехника ва адабиёт ва ҳоказо) нисбатан чуқур қизиқиш билан ифодаланади. Атрофдагилар учун бундай қизиқишлар аҳамиятсиз, ҳатто ғалати туюлиши мумкин. Лекин ўсмир учун аҳамияти беқиёсдир.
2. Жисмоний қизиқишлари ўз кучи, чидамлилиги, чаққонлиги ва моҳирлигини оширишга бўлган ҳаракатлар киради. Бунга шунингдек турли жисмоний қизиқишлар автомобиль ёки мотоциклни бошқаришга қизиқишлар тааллуқлидир.
3. Информацион коммуникатив қизиқиш янги енгил ахборотларга эга бўлишга интилишда мавжуд бўлади. Ушбу қизиқиш тасо-дифан учраб қолган суҳбатдош билан бўлиб ўтадиган кўп соатлик куруқ гапга мосланган суҳбатда намоён бўлади. Шунингдек турли саргузашт фильмларни кўриш орқали ҳам кўриш мумкин.

Ўсмирлик даври хусусиятлари ҳақида сўз борганда, албатта, уларнинг меҳнат фаолиятига ҳам алоҳида эътибор беришимиз зарур. Чунки меҳнат фаолияти ўсмир шахсини шаклланишига катта таъсир кўрсатади.

Одатда ўсмирлар меҳнат билан зўр ҳафсала билан шуғулланадилар. Биринчидан, бунда ўсмирларнинг фаоллик сингари яққол ёш хусусияти ифодаланади. Иккинчидан, жиддий меҳнатда улар ўзларида таркиб топадиган катталиқни ҳис этиш туйғусини амалга ошириш имкониятига эга бўладилар, бундай имкониятни эса ўсмирлар жуда қадрлайдилар. Учинчидан, меҳнат одатда жамоа ичида қилинади, ўсмир учун эса жамоадаги турмуш ва фаолиятнинг аҳамияти, биз юқорида кўриб ўтганимиздек, ниҳоятда каттадир. Шундай қилиб, ўсмирларнинг меҳнат фаолияти уларнинг ёш хусусиятлари ва эҳтиёжларига тўла жавоб берадиган фаолиятдир. Учраб турадиган (кўпроқ учрайдиган) ялқовлик, меҳнатдан бўйин товлаш, ўз меҳнат мажбуриятларини назарга илмаслик, меҳнат топшириқларига бепарволик билан қараш ҳоллари вақат нотўғри тарбиянинг самарасидир.

Ўсмирлар меҳнатини уюштиришга алоҳида эътибор бериш лозим. Бу мактаб устахоналарида меҳнат қилишга ҳам, мактаб ҳузуридаги ўқув-тажриба участкасида ишлашга ҳам, уйда қилинадиган меҳнатга ҳам, ижтимоий фойдали меҳнатга ҳам (унинг турли ҳислари ва формаларида) тааллуқлидир. Афсуски, кўпчилик мактабларда сўнгги йилларда болалар меҳнатини уюштиришга эътибор берилмай қолди. Бу ҳол ўқувчиларга ҳам таъсир этмоқда: ўсмирлар бир қанча мактабларда меҳнатнинг уюштирилишидан норозидирлар, уларда меҳнатга бўлган қизиқиш йўқолиб бормоқда, улар меҳнатга бефарқ ёки ҳатто салбий муносабатда бўлмоқдалар. Бунга қисман сабаб шуки, педагоглар жамоаларининг бутун куч ва эътибори янги дастурларни ўзлаштириб олишга қаратилган, бироқ баъзан меҳнатнинг тарбиявий аҳамиятига етарлича баҳо бермаслик ҳам таъсир қилмоқда. Шунини унутмаслик керакки, мактабларимизни ихтисослаштиришдан воз кечиш болаларни меҳнатга ошно қилишдан воз кечишни англамайди.

Психологлар ва педагогларнинг тадқиқотлари шунини кўрсатдики, меҳнат ўсмирлик ёшида тегишли тарзда уюштирилган, хусусан у ўсмир учун ижтимоий фойдали, жамоа, ижодий, қизиқарли ва ўсмирнинг қўлидан келадиган қилиб уюштирилган тақдирдагина тарбиявий аҳамиятга эга бўлади.

Юқоридаги ўсмирларда учрайдиган қизиқишлардан келиб чиқиб шунини айтиш мумкинки, ўсмир ўз-ўзини англашида, ўз-ўзига баҳо беришида, ўз-ўзини тарбиялашда ушбу қизиқишлар муҳим ўрин тутаяди.

Хулоса қилиб айтганда, ўсмирлик даври бола шахсини шаклланишида асосий босқичлардан бири бўлиб ҳисобланади. Шундай экан ота-оналардан, педагоглардан, атрофдагилардан ўсмирларга эътиборли бўлиш талаб этилади.

Назорат саволлари.

1. Ўсмирлик даврининг психологик хусусиятлари деганда нимани тушунасиз?
2. Ўсмирлик ёшидаги болаларнинг жисмоний хусусиятлари нималардан иборат?
3. Ўсмирнинг ҳаёт кечириш тарзи ва унинг психик тараққиётга таъсирини изоҳлаб беринг.
4. Ўсмирларда ўз-ўзини тарбиялашга интилиш.
5. Ўсмирларнинг билиш жараёнларини шаклланиши қандай?
6. Ўсмирларнинг ирода ва ҳиссиётини ўсиши ҳақида нималарни биласиз?
7. Ўсмирларнинг характер хусусиятларини шаклланиши нималардан иборат?
8. Ўсмирлик даврида ўсмирнинг шаклланиши қандай кечади?

VIII боб

Ўспиринларнинг психологик хусусиятлари

15 ёшдан 18 ёшгача бўлган давр ўспиринлик давридир, ўспиринлар асосан 9-синф, касб-хунар коллежлари ва лицей ўқувчиларидир.

Бу даврда ўспирин жисмонан бақувват, ўқишни тугатгач, мустақил меҳнат қила оладиган, олий мактабда ўзини синаб кўрадиган имкониятга эга бўлади, маънавий жиҳатдан етукликка эришади. Ўспирин 16 ёшда мамлакат фуқароси, 18 ёшида эса сайлаш ҳуқуқига эга бўлади. Буларнинг барчаси ўспиринга фуқаро сифатида ижтимоий жиҳатдан вояга етиши, ҳаётда ўз ўрнини топиши, ўз тақдирини ўзи ҳал қилиши ва етук шахс сифатида маънавий ўсиши учун жамики шарт-шароитларни яратади. Ўспиринлик-бу шахснинг фуқаро сифатида шаклланиши, ижтимоий жиҳатдан етилиши давридир.

Илк ўспириннинг шахси ижтимоий ҳаётда мактаб, лицей ёки коллеж жамоасида, тенгқурлари билан муносабатларда эгаллаган мутлақо янгича мавқеи таъсирида, ўқиш ва турмуш шароитидаги ўзгаришлар таъсирида таркиб топа бошлайди.

Мазкур даврнинг яна бир хусусияти-меҳнат билан таълим фаолиятининг бир хил аҳамият касб этишидан иборатдир. Коллеж ва лицей ўқувчилари ижтимоий ҳаётдаги долзарб вазифаларни ҳал қилишда фаол иштирок эта бошлайдилар. Ижтимоий ҳаётда фаол қатнашиш, таълим характерининг ўзгариши йигит ва қизларда илмий дунёқараш, барқарор эътиқоднинг шаклланишига, юксак инсоний ҳис-туйғуларнинг вужудга келишига, билимни ўзлаштиришга ижтимоий ёндошиш кучайишига олиб келади.

Ҳаётда ўз ўрнини топишга интилиш, касб-хунар эгаллаш, ихтисосликни танлаш, истиқбол режасини тузиш, келажакка жиддий муносабатда бўлишни келтириб чиқаради. Бироқ бу давр куч –ғайрат, шижоат, қаҳрамонлик кўрсатишга уриниш, жамоат, жамият ва табиат ҳодисаларига романтик муносабатда бўлиш билан бошқа ёш даврларидан кескин фарқ қилади. Бу давр дунёқараш, маънавий эътиқодларнинг шаклланиши даври, онгнинг тараққий этиши давридир. Романтика ва орзу –ҳавас қилиш ва уни яхшилашга интилиш, ўртоқлик, дўстлик, биринчи севги каби ҳисларнинг уйғониш давридир. Айниқса турмуш ва ўқиш фаолиятларининг янгича шарт-шароитлари ўқув жамоасидаги ўзгача вазият, ўспиринларнинг коллеж ёки лицейда эгаллаган мавқеи, жамоатчилик ишларида тажриба орттиришлари улар олдига юксак талаб ҳамда маъсулиятли вазифалар кўяди.

Ўспиринлик даврида жисмоний ривожланиш хусусиятлари.

Ўспиринлик даврида балоғатга етиш ниҳоясига етади.

Йигит ва қизлар 18 ёшда жисмонан етукликка эришади. Уларнинг жисмоний ривожланиши катталарникидан деярли фарқ қилмайди. Энди организмнинг гуркираб ўсиши ва ривожланиши асосан тўхтади. Жисмоний ривожланишнинг “тинч” даври бошланади. Органларнинг таркиб топиши ва организм тўқималарининг такомилланиши ниҳоясига етади. Ўспиринларнинг жисмоний баққуват, меҳнатга қобилиятли бўлиши уларда бир қатор жисмоний ва ақлий ишларни мустақил бажара олиш хусусиятининг таркиб топишига таъсир этади.

17-18 ёшли қиз ва йигитнинг бўйига ўсиши, оғирлигининг ортишига қарамай спорт билан ҳаддан ташқари кўп шуғулланиши ёки ўта оғир жисмоний меҳнат қилиши унинг организмида, айниқса, суякларида ёмон из қолдиради. Ўспиринларнинг ўз ёши ва кучига яраша жисмоний меҳнат, физкультура билан мунтазам шуғулланиши ҳаётий аҳамият касб этади. Ўспиринлик даврида унинг организми мустаҳкамланиши керак. Бу даврда ўспириннинг жисмоний нормал ривожланишига аҳамият бермаслик ёки уни ўз ёши ва кучига мос келмаган иш билан банд қилиб қўйиш ниҳоятда зарарлидир. Организмдаги бу ўзгаришлар фақат ўспириннинг оғирлигига, бўйига мос бўлмай, балки ўпка, юрак, қон томирларига ҳам, асаб тизимининг фаолиятига ҳам таъсир этади. Ўспиринларда юрак чарчаша-ҳарсиллаш, юракнинг тўхтаб-тўхтаб ишлаши каби ҳоллар аста-секин йўқолиб боради. Бундай ҳоллар бўлмаслиги учун ўспириннинг асаб тизими соғлом бўлиши керак.

Демак, йигит ва қизлар учун жисмоний меҳнат, ақлий фаолият ва дам олишни тўғри йўлга қўйиш жуда катта аҳамият касб этади.

Бу даврда ўспириннинг асаб тизимида ҳам, фаолиятида ҳам ўзгариш бўлади. Бу ўзгариш мия ҳажмининг кенгайиши билан боғлиқ бўлмай, балки мия хужайралари тузилишининг ривожланиши билан ҳам боғлиқдир.

Ўспиринликда бош мия пўстлоғидаги хужайраларнинг тузилиши катта кишиларнинг мия пўстлоғи хусусиятига аста-секин яқинлашади. Бош мия пўстлоғининг атрофларида асаб боғланишларининг сони кўпаяди. Ўқиш ва меҳнат қилиш натижасида бош мия ярим шарларида аналитик ва синтетик фаолиятнинг ривожланишига имконият туғилади. Бу ҳолат, ўз навбатида ташқи таъсирни аниқ ажрата оладиган хусусиятни ўстира олади, фарқ қилиш характеридаги (дифференциаллашган) тормозлашни вужудга келтиради. Уларда абстрактлаш, атрофдаги воқеа ва ҳодисаларни умумлаштириш қобилиятининг ўсиб боришини, ақлий фаолиятида аналитик ва синтетик жараёнларнинг мураккаблашишини кўриш мумкин. Шунинг ҳам айтиб ўтиш керакки, ўспиринларда бош мия ярим шарларида ташқи қўзғатувчиларга нисбатан таъсирланишнинг ҳаддан ташқари кучайганлиги аниқланадики, бунда нормал фаолият бузилади. Бунга асосан ўқиш режимининг бузилиши, кам ухлаш, чарчаш, чекиш, қаттиқ ишлаш, тартибсиз овқатланиш ва бошқа одатлар сабаб бўлади.

Ўспиринларда билиш жараёнларининг ўсиши ва сифат жиҳатдан ўзгариши.

Ўспиринларнинг билиш жараёнлари таълим ва унумли меҳнатнинг ҳал қилувчи таъсири остида тараққий этиб боради. Унинг тараққийси билан ўқув фаолияти бир-бирига чамбарчас боғланган: бир томондан ўқув фаолияти билиш жараёнларини тараққий эттирса, иккинчи томондан, тараққий этиб ва мураккаблашиб борувчи билиш жараёнлари ўқув фаолиятига муносабатни ўзгартиради.

Ўспиринлик ёшида ўқишга муносабат кескин ўзгаради. Ўқиш кўпроқ онгли, маълум мақсадга қаратилган бўлиб қолади, кўпчилик йигит ва қизлар маълум ихтисосликни танлаб ўқийдилар, янги билим, атама ва тушунчаларни завқ билан

ўзлаштирадилар, масъулиятни ҳис қиладилар, халққа хизмат кўрсатиш иштиёқи ўқишнинг асосий мотиви бўлиб қолади. Бу ватанпарварлик туйғусинининг шаклланишига сабаб бўлади.

Шунингдек, бу даврда ўспиринларнинг ўқитувчи баҳосига муносабати ўзгаради. Баҳони ошириб ёки камайтириб қўйиш уларни хаяжонлантиради ва ҳатто фанга бўлган қизиқишини камайтиради.

Ёшлик даврида ақлий тараққиётда ҳам катта ўзгариш рўй беради. Тез такомил этаётган онг барча билиш жараёнларига таъсир кўрсатиб, уларни мукамаллаштиради. Мушоҳада қилиш қобилияти болаларнинг қизиқиш, идрок ва хотира жараёни билан шаклланади.

Ўрта махсус касб-ҳунар ўқув юртлари ўқувчилари бўлган ўспиринларнинг билиш жараёнлари ўсмирларнинг билиш жараёнларидан сифат жиҳатидан фарқланади. Улар ўзларининг билиш жараёнларини (идрок, хотира, хаёл, тафаккур, шунингдек ўз диққатини) тўла тўқис эгаллаб оладилар. Уларни ҳаёт ва фаолиятнинг муайян вазифаларига бўйсундирадилар. Хотирани ривожлантиришда мавҳум сўз-мантик хотира, маъносига тушуниб, эсда олиб қолишнинг роли сезиларли равишда, ортади. Гарчи ихтиёрий хотира устунлик қилсада, ихтиёрсиз эсда олиб қолиш ҳам ўспирин тажрибасидан чиқиб кетмайди. У фақат ўзига хос хусусиятга эга бўлади. Ўспиринларнинг қизиқишлари, хусусан уларнинг билимга оид ва касб танлашга оид қизиқишлари билан кўпроқ боғланади. Шу билан бирга актив равишда билим эгаллаш, ўқиш ва жамоат фаолиятида ҳар ҳолда ихтиёрий хотира етакчи роль ўйнайди. Такрорлашга асосланган сўзма-сўз ёдлаб олиш бу ёшда кенг тарқалмайди. Сўзма-сўз ёдлаб олиш қандай алоҳида ҳолларда зарурлигини (баъзи бир қатъий таърифлар, ифодалар ва қоидаларни ёдлаш) ўқувчилар яхши тушунадилар. Ўспиринлар эсда сақлаб қолиш усулларида режа матнларини, жадвалларни, маърузаларни тузиш, асосий фикрларни ажратиб кўрсатиш ва остига чизиш, илгари маълум бўлган фикрларга таққослаш, солиштириш усулларида ўсмирларга қараганда беқиёс даражада кенг суръатда фойдаланадилар. Шу билан бир қаторда, ўсмирлар баъзан маъносига тушуниб ёдлаш усулларида, масалан, ўқув матнининг айрим қисмларини қайта эсга тушириш билан алмашинадиган такрорлаш усулига эътиборсизлик билан қарайдилар, бу усуллар уларнинг фикрича, “кичик ўқувчиларга” хос. Ўспиринлар эсда олиб қолишга одатда алоҳида-алоҳида ёндошадилар, нимани сўзма-сўз эсда олиб қолиш, нимани эсда олиб қолмасдан фақат тушуниб олиш кифоя қилишини қайд қиладилар.

Юқорида хотира тўғрисида айтилган кўп нарсаларни ўспиринларнинг диққатига оид тавсифларга ҳам тўла асос билан тадбиқ қилиш мумкин. Қизиқишларнинг дифференциаллашганлиги диққатнинг танловчанлигини, ихтиёрий диққатдан кейинги диққатнинг роли анча ортишини белгилаб беради. Лекин ихтиёрий диққатдан кейинги диққат фақат эпизодик тарзда вужудга келиши билан ўспиринлик ёшидан фарқли ўларок, ўсмирлик ёшида барқарор ҳаётий қизиқишлар мавжуд бўлган шароитда бу диққат доимий бўлиши мумкин. Ўспиринлик ёшида ихтиёрий диққатдан кейинги диққат билан бир қаторда ихтиёрий диққатнинг аҳамияти ҳам ортадики, уни И.В.Страхов кўрсатиб ўтган бўлиб, у ўқувчилар ўқув материали билан бевосита қизиқмасдан, ўрганилаётган ҳодисаларнинг ҳаётий аҳамиятини тушуниб унга диққатларини қаратишларига оид ҳолатларни текширган.

Диққатни кўчириш ва тақсимлаш қобилияти сезиларли равишда ривожланиб, такомиллашиб боради. Хусусан, диққатни тақсимлаш бир вақтнинг ўзида ўқитувчининг тушунтирган нарсаларини ҳам тинглаш, ҳам маъруза –суҳбатни ёзиб бориш, ўз жавобининг ҳам мазмунини, ҳам шаклини кузатиб бориш маҳоратининг шаклланишида ўз аксини топади. Лецей ва коллеж ўқувчилари ўқув ишлари жараёнида ўзларига таъсир қиладиган чалғитувчи нарсаларга ўсмирлардан кўра кўпроқ қарши туришга, бардош бериб енгилга қодирдилар.

Хулоса тариқасида диққатнинг ўспиринлар учун характерли бўлган яна бир хусусиятини, унинг танловчанлигини ҳам айтиб ўтмоқчимиз. Ўспиринларнинг айримларида диққатни танловчанлиги шу нарсада ҳам кўринадики, улар ўқув материални идрок қилар эканлар, ҳамма вақт унинг аҳамиятига баҳо беришга, уни амалий жиҳатдан аҳамиятлилиги нуқтаи назаридан идрок қилишга ҳаракат қиладилар. Ўқувчи мазкур бўлимнинг муҳимлигини аниқлаб олгач, уни активлик билан идрок қилади. Агар унга материал муҳим бўлиб туюлмаса, у ўз диққатини сусайтиради. Шуниси қизиқки, диққатнинг бу ўзига хос ҳаракати кўпинча атайин рўй бермайди: Ўспирин ҳамма вақт ҳам ўз диққатининг иккиланишлари ҳақида ўзига ҳисоб беравермайди. Одатда ўспириннинг диққати шу соҳадаги муайян билимларни амалда татбиқ этиш ҳақида гап борган вақтдагина ихтиёрсиз ана шу предметга қаратилади.

Лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқув фаолиятининг ўзига хос тарзда ташкил этилишининг таъсири остида ўспиринларнинг фикрлаш фаолитида, ақлий ишлар характерида муҳим ўзгаришлар содир бўлади. Маъруза типидagi дарслар, лаборатория ва бошқа амалий ишларни мустақил равишда бажариш, рефератлар, мустақил ишлар ёзиш тобора кўпроқ аҳамият касб эта бошлайди, ўспирин ўзи ўрганаётган материални кўпинча мустақил тушуниб олишга тўғри келади, бунинг натижасида унинг тафаккури тобора актив, мустақил ва ижодий характер касб эта боради, фикрлаш фаолияти янада юқорироқ умумлаштириш ва абстракциялаш-тириш даражаси билан ҳодисаларни салбий жиҳатдан тушунтириш тенденциясининг ўсиши, айрим фикрларнинг ҳақиқий ёки сохта фикрлар эканлигини далиллар келтириб исботлай олиш билан, чуқур хулосалар чиқара олиш, ўрганилаётган нарсани системага солиб боғлай олиш билан характерланади.

Ўспирин барча фаолият босқичида мустақил фикр юрита олмаслиги унинг психикасидаги жиддий камчиликдир.

Ўспиринларга адабий қаҳрамон қиёфасини ифодалаш, асар моҳияти, мазмуни ва ғояси юзасидан мустақил ҳолда ҳукм ва хулоса чиқариш топширилганда улар, биринчидан, асарни ўқишган, бироқ ҳеч қандай хулоса чиқаришмаган, иккинчидан, мавзуга ижодий ёдошмасдан ўқитувчининг ҳар бир сўзини эсда сақлаб қолиб, ҳеч ўзгаришсиз қайтадан айтиб беришга ҳаракат қилишган учинчидан, ўзлари мактабдан ва синфдан ташқари фаолиятларида эшитганлари, ўқиганлари билан ўқитувчининг ахбороти, маълумоти, хабарни умумлаштириб жавоб беришган, тўртинчидан, ўз фикрларини баён этишга қийналганларида асардан кўчирма келтиришган Ўспиринларда назарий тафаккурни шакллантиришда тўғарак ва факультатив машғулотлар муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, ўспирин ўқувчининг мустақил фикрлашини ривожлантиришда фан ўқитувчилари, гуруҳ раҳбарларининг сиймолари муҳим роль ўйнайди, улар ўспиринларда ўрганилаётган нарса ва ҳодисаларнинг объективлиги, ҳаққонийлиги, тўғрилилигига ишонч ҳосил қилишлари, улардан қаноатлантиришлари ва уларни исботлашга ўргатиб боришлари зарур. Иккинчидан фан ўқитувчилари уларни нарса ва ҳодисалар тўғрисида оригинал фикр юритишга йўллашлари керак. Учунчидан, ўқувчиларнинг машғулотларда қўлланавериш, маънавий эскирган, бир қолипдаги сўзлардан, иборалардан фойдаланишларига йўл қўймасликлари керак. Тўртинчидан, фан ўқитувчилари ўспирин йигит ва қизларга билимларини амалиётга татбиқ қилишни ўргатишлари шарт, бунинг учун уларда амалий малакаларни шакллантиришга ҳаракат қилишлари лозим.

Ўспирин фан асосларини ўқиш ва тушуниш орқали мустақил фикрлашга, мулоҳаза юритиш ва мунозарага ўргана боради. Унда аста-секин табиат ва жамият ҳақида ўзининг нуқтаи назари, эътиқоди, қараши шаклланади. Уларда моддий дунё тўғрисида шахсий фикрлар, мулоҳазалар, илмий дунёқараш таркиб топганидек кейингина тафаккурнинг танқидийлик хусусияти ривожлана бошлайди. Тафаккурнинг танқидийлигини тарбиялашда ўқитувчи ўқувчининг ўзига хос типологик хусусиятига, ақлий камолот даражасига, билимлари савиясига, мулоҳаза доирасининг кенглигига,

нутқ қобилиятига, шахсий нуқтаи назарига, ўқишга нисбатан муносабатига, қизиқишининг хусусияти ва даражасига, ақлий фаолият операцияларини қанчалик билишига, мавжуд ўқиш кўникмаси ва малакаларига алоҳида эътибор бериши лозим.

Ўспирин тафаккурининг сифатини унинг мазмундорлиги, чуқурлиги, кенглиги, мустақиллиги, тезлиги ташкил қилади. Тафаккурнинг мазмундорлиги деганда ўспирин онгида теварак –атрофдаги воқелик бўйича мулоҳазалар ва тушунчалар қанчалик жой олганлиги назарда тутилади. Тафаккурнинг чуқурлиги деганда моддий дунёдаги нарса ва ҳодисаларнинг асосий қонунлари, хоссалари, сифатлари ўзаро боғланиши ва муносабатлари ўспириннинг фикрлашида тўлиқ акс этиши тушунилади. Тафаккурнинг кенглиги эса ўзининг мазмундорлиги ва чуқурлиги билан боғлиқ бўлади. Ўспирин нарса ва ҳодисаларнинг энг муҳим аломат ва хусусиятларини мужассамлантирса, ўтмиш, ҳозирги замон ва келажак ҳақидаги мулоҳазаларини билдира олса, буни кенг тафаккур дейилади. Тафаккурнинг мустақиллиги деганда, ўспирин ташаббускорлик билан ўз олдига янги вазифалар қўя билиши ва уларни ҳеч кимнинг ёрдамисиз оқилона усуллар билан бажара олиши тушунилади. Ақлнинг ташаббускорлиги деганда ўспириннинг ўз олдига янги ғоя, муаммо ва вазифалар қўйишини, уларни амалга оширишда самарадор воситаларни ҳам ўзи топишига интилишини англаймиз. Ақлнинг пишиқлиги вазифаларни бажаришда янги усулларни тез излаб топиш ва қўллаш олишда, эскирган воситалардан қутулишда намоён бўлади. Агар у муайян вақт ичида маълум соҳа учун қимматли янги фикрларни айтган бўлса, назарий ва амалий вазифаларни ҳал қилишда ёрдам берса, буни самарадор тафаккур дейилади. Тафаккурнинг тезлиги саволга тўлиқ жавоб олинган вақт билан белгиланади.

Ўспирин тафаккурининг тезлиги қатор омилларга: биринчидан, фикрлаш учун зарур материалнинг хотирада мустаҳкам сақланганлиги, уни тез ёдга тушира олишга, муваққат боғланишнинг тезлигига, турли ҳис – туйғуларнинг мавжудлигига, ўқувчининг диққати ва қизиқишига: иккинчидан, ўспириннинг билим савиясига, қобилиятига, эгаллаган кўникма ва малакаларига боғлиқдир.

Ўспиринлик даврида ўқиш фаолияти ўсмирлик давридагидан фарқ қилади. Лицей ва коллежларда ўқиш машғулотлари анча мураккаблашади, бир қатор янги фанлар ўқитила бошлайди, дарс мазмуни кенгаяди, билим ҳаёт ва амалий ишлар билан қўшиб олиб борилади, ўқувчидан назарий фикрлаш, билимларни амалий масалалар билан қўша билиш талаб қилинади. Ўспирин материални тушуниб ва уни ҳаётга тадбиқ эта билишнинг зарурлигини тушуна боради, тажрибаси ортади ва билимнинг мустақил ҳаётга нима кераги бор деган саволни қўя бошлайди. Шунинг учун ҳам дарс ҳаёт билан, тажриба билан боғлансагина ўқувчида қизиқиш уйғотади.

Яна шу нарса характерлики, бу даврга келиб ўспиринлар ўзларига маъқул бўлган йўналишни - илмини ошириши ёки касб-ҳунар эгаллашни танлаган бўладилар, ўқувчиларнинг қизиқишлари уларнинг эҳтиёжлари, интилишлари асосида таркиб топади. Бундай ўқувчилар кўп ҳолларда бошқа фанларни ўзлаштиришга етарли аҳамият бермайдилар. Фан ўқитувчилари бу ҳолнинг тезда олдини олишлари зарур. Бунинг учун дарсда ўқувчиларнинг ижодий фаоллигини оширишга ҳаракат қилиш, савол-жавоблар, мунозараларни, янги педагогик технологияни кенг қўллаш керак. Ҳар бир фан ўқитувчиси ўқувчиларда ўз фанига қизиқиш уйғота олиши, мазкур фаннинг ўспириннинг келажак ҳаётида муҳим аҳамият касб этишини улар онгига етказа билиши керак. Ўспиринларнинг ўрганаётган фанларининг фақат назарий томонларини эмас, уларни амалиёт билан, ҳаёт билан боғлашга ўргатиш керак.

Бу даврда ўспиринлар кўп нарсага қизиқиб очиқ саволлар бера бошлайдилар, уларнинг саволлари жавобсиз қолмаслиги, уларни ўз ички кечинмаларини яширмасликка ўргатиш керак.

Лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларнинг ўқиш фаолиятидаги характерли хусусиятаридан яна бири уларни мустақилликка, мустақил равишда ишлашга ўргатишдир. Бу даврдаги мустақил ишлар, асосан ёзма ишлардан, дарсларда

тушунтиришнинг янги усули – маърузаларни ёзиб олишдан иборат бўлади. Ўқувчилар кўпроқ мусақил фикрлаш, ижодий ишлаш билан банд бўла бошлайди. Ёшлар билим асосларини чуқурок эгаллашга ҳаракат қиладилар. Уларнинг бундай ҳаракатларини, қизиқишларини қўллаш керак.

Лицей ва коллежларда яратилган шарт-шароитлар билим олиш ва касбий кўникмаларнинг шаклланишига пухта замин яратувчи моддий техник асос уларнинг пухта билим олишларида муҳим омилдир. Ўспиринларда, воқеликка илмий жиҳатдан муносабатда бўлишнинг таркиб топиши уларнинг ўсмирлардан асосий фарқ қиладиган томонидир. Уларда назарий билимларнинг ортиб боришида синфдан ташқари ишлар, тўғараклар, уларда реферат ва маърузалар билан иштирок этиш, илмий тадқиқот ишларида иштирок этиш ижобий роль ўйнайди.

Ўспиринларда материални чуқур, кенг ўзлаштиришда хаёл жараёни муҳим ўрин тутди. Маълумки, ўқув материални ўзлаштиришда тасаввур хаёли катта роль ўйнайди. Кўпгина ўқувчилар тарихий воқеалар, географик маълумотлар, адабий образлар, ҳато, математик билимларни яққол тасаввур эта олмаса, уларнинг маъносини чуқур тушуна олмайди. Йигит ва қизларда тасаввур хаёли билан бирга ижодий хаёл ҳам муҳимдир. Масалан, асбоб в машиналарнинг техник конструкциясини ясашда, драматик тўғаракларда ва бошқа қатор фаолиятларда бу хаёллардан фойдаланилади. Орзу хаёлнинг махсус шаклидир. Ёшлик давридаги орзу шахсий сифатларнинг шаклланишига жуда кучли таъсир кўрсатади.

Ўспирин шахсининг шаклланиши

Ўспирин шахсининг ҳар томонлама камол топишида ақлий фаолиятларидаги ўзига хос хусусиятлардан ташқари, уларнинг ҳиссиётлари, ирода ва шахсларидаги ўзига хос индивидуал хусусиятларнинг роли ҳам ниҳоятда каттадир.

Ўспириндаги ўзини англаш турмуш, ўқиш, меҳнат ва спорт фаолиятлари тақозоси билан намоён бўлади. Ўқув даргоҳидаги одатланилмаган вазиятнинг, шахслараро муносабат ва мулоқот кўламининг кенгайиши ўзининг ақлий, ахлоқий, иродавий ҳис-туйғуларининг хусусиятларини оқилона баҳолаш, қўйилаётган талабларга жавоб тариқасида ёндошиш ўзини англашни тезлаштиради. Улар аввал, ўзларининг кучли ва заиф томонларини, ютуқ ва камчиликларини, муносиб ва номуносиб қилиқларини аниқроқ баҳолаш имкониятига эга бўладилар, ўз шахсий фазилатини, хулқ-атворини, ақлий ва жисмоний меҳнат фаолиятини таҳлил қилиш, қиёсий баҳолаш майли кучаяди. Ўспирин ўсмирга қараганда ўз маънавияти ва руҳиятининг хусусиятларини тўлароқ тасаввур эта олса ҳам, уларни оқилона баҳолашда камчиликларга йўл қўяди. Натижада у ўз хусусиятларига ортиқча баҳо бериб, манманлик, такаббурлик, кибрланиш иллатига дучор бўлади, ўртоқлари ва ўқитувчиларига ғайритабiiй муносабатда бўла бошлайди, айрим ўспиринлар эса, ўз хатти –ҳаракатлари, ақлий имкониятларига паст баҳо берадилар.

Ўспиринлик ёшида яна бир хусусият – мураккаб шахслараро муносабатларда акс этувчи бурч, виждон ҳисси, ўз қадр –қимматини эъзозлаш, сезиш ва фаҳмлашга мойилликдир. Масалан, ўспирин йигит ва қиз сезгирлик деганда нозик, нафис ҳолатларнинг фарқига бориш, заруратни тез англаш, холисона ёрдам уюштиришни шахснинг нафсониятига тегмасдан амалга оширишни тушунади. Ўспирин ўзининг эзгу ниятини баҳолашга жамоада ўз ўрнини белгилаш нуқтаи назаридан ёндошади, чунончи, “Ўзим танлаган мутахассисликка яроқлиманми?” “Жонажон республикам, ота-онамга муносиб фарзанд бўла оламанми?” “Жамиятнинг тараққиётига ўз улушимни қўша оламанми?” деган саволларга жавоб қидиради. Ўқитувчи унга жуда усталик, зийраклик билан ёрдам бериши, ҳар бир мулоҳазасида педагогик – психологик назокатга риоя қилиши керак, шунда ўспирин йигит- қизларда ўз кучига ва имкониятига ишонч ҳисси пайдо бўлади.

Ўспирин ўқувчида ўзини англаш негизида ўзини ўзи тарбиялаш истаги туғилади ва бу ишнинг воситаларини топиш, уларни кундалик турмушга тадбиқ қилиш эҳтиёжи вужудга келади. Лекин ўзларининг ўзини ўзи тарбиялаш психологиясидаги мавжуд нуқсонларга барҳам бериш, ижобий хислатларни шакллантириш билан кифояланиб қолмай, уларни катталарга хос кўп қиррали умумлашган идеалга мос равишда таркиб топтиришга йўналтирилган бўлади.

Ўспиринларда идеаллар бир неча кўринишда намоён бўлиши ва акс этиши мумкин. Масалан, улар таникли кишиларнинг қиёфалари, бадий асар қаҳрамонлари тимсолида ўзларида юксак фазилатларни (сифатларни) гавдалантиришни орзу қиладилар. Бироқ йигитлар билан қизлар ўртасида идеал образини танлашда катта фарқ бўлади. Масалан, қизлар кўпинча меҳнаткаш аёлнинг жозибали, назокатли, иболи, ифбатли жамоат арбобининг, бадий асар қаҳрамонининг хусусиятлари мужассамланган қиёфаларни идеал даражага кўтардилар. Аммо айрим ўқувчилар идеаллаштиришга арзимаган салбий хусусиятларга эга бўлган шахсларга тақлид қиладилар –бақувват йўлтўсар, кишиларни лаққилатиб кетадиган қаллоб, кинофильмдаги “мафия бошлиғи” кабилар эмаслигини тушунтириш керак.

Ўқитувчи ва тарбиячилар ўқув юрти билан биргаликда ана шундай идеалларни усталик ва эҳтиёткорлик билан фош этишлари, ўспирин йигит – қизларга тақлид қилиш учун муносиб намуналар танлашда ёрдам беришлари керак. Бу жиҳатдан ўқитувчи ва тарбиячиларнинг шахсий намунаси ва катталарнинг обрўси жуда катта роль ўйнайди.

Ўспиринга ўз шахсининг хусусиятларини, характер хислатларини объектив равишда таҳлил қила билишда, иродавий сифатларини тарбиялашнинг аниқ мақсади ва сабабларини англаб етишида, ўзининг нуқсонларини аниқ ҳис қилиш ва шунга қараб характернинг қандай хусусиятларини ўзида ривожлантириши зарурлигини, қайси хусусиятларга эса барҳам бериши кераклигини ҳал этишда ёрдам кўрсатиш зарур.

Шуни назарда тутиш керакки, ўспиринлар баъзан (гарчи ўсмирларга қараганда анча озроқ бўлсада) ўзларида айрим иродавий сифатларни нотўғри усуллар билан ривожлантиришга ҳаракат қиладилар. Улар сохта кўрқмасликлари билан ўзларини ботир қилиб кўрсатишга, беихтиёр хатарли хатти-ҳаракатларга мойил бўладилар. Ўзларида кўрқмасликни, иродани тарбияламоқчи бўлиб, баъзан электр симининг очик жойларини ушлайдилар, баланд қирғоқдан дарёга сакраб, ҳаётларини хавф остида қолдирадилар. Матбуотда хабар қилинишича, ўнинчи синф ўқувчиларидан бири пешонасини тириштирмасдан олов тепасида қўлини тутиб турган ва ўз иродасини чиниқтирмоқчи бўлган. Яна бир сафар иккинчи қаватдан сакраб, ўртоқларини қойил қолдирмоқчи бўлган, бир кун химия дарсида эса соғлиқ учун зарарли бўлган бир неча томчи аралашмани ютиб юборган, натижада касал бўлиб қолган. Яна бир ўспирин йигит бўрон турган пайтда дарё бўйлаб мутлақо кераксиз ва жуда хатарли саёҳат қилган ҳамда муздек сувда ҳалок бўлишига оз қолган.

Ўспиринларга бундай машқларнинг ҳеч бир ижобий натижа бермаслигини тушунтириш зарур. Иродали бўлиш, иродавий сифатларни чиниқтириш ҳаётда учраб турадиган ҳақиқий қийинчиликларни енгиш учун зарурлигини, сунъий, сохта тўсиқларни енгишни машқ қилиш йўли билан ҳеч нарсага эриша олмасликларини улар онгига етказиш, шунингдек, уларни оқилона, мақсадга мувофиқ, самарали усуллардан фойдаланиш йўллари билан таништириш, ҳақиқий чиниқиш малакалари билан курулантириш –жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиш, ақлий жиҳатдан ўзини чиниқтириш (ўқув топшириқларини ўз вақтида бажариб бориш) меҳнат кўникмаларини ўзида мужассамлаштиришнинг ўспирин йигит ва қизлар келажак ҳаёти ва фаолиятида муҳим ўрин тутишини, характер кундалик қийинчиликларни енгишда чиниқишини тушунтириш керак.

Ўспиринларда иродавий сифатларнинг ва характер хислатларини тарбиялаш ўқув даргоҳидаги жамоатчилик ташкилотлари, педагоглар жамоасининг тарбиявий таъсири доирасида амалга ошиши шарт. Зеро, ўспирин шахсининг такомиллашуви жамоада

муносиб ўрин эгаллаш, ижтимоий бурчни англаш ва фойдали меҳнатга қизиқишига хизмат қилиши керак. Жамоанинг қийинлиги борган сари ортиб борадиган топшириқларини бажаришга одатланар ва тобора ортиқ мустақилликни ҳамда ташаббускорликни талаб қиладиган ҳаракатларни амалга оширар экан, ўспирин ўзида зарурий иродавий сифатларни таркиб топтиради, мувофақиятли иродавий ҳаракатлар туфайли ўз кучига ишонч ҳосил қилади, ўсаётганини сезади ва бошқалар билан биргаликда қиладиган фаолиятдан тобора кўп қаноатланиш ҳиссини кечиради.

Ўспиринларда балоғатга етиш туйғуси такомиллашиб бориб, ўзининг ўрнини белгилаш ва маънавий дунёсини ифодалаш туйғусига айланади. Бу ҳол унинг ўзини алоҳида шахс эканлигини, ўзига хос хислатини тан олинисига интилишида акс этади. Бунга эса модага майл кўйиш, мураккаб тасвирий санъатга, мусиқага, касб-хунарга қизиқишини намойиш қилиш яққол далилдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ўспирин қизлар катта ёшдагиларнинг таъсирига осонроқ бериладилар, ўспирин йигитлар эса катталардан кўра тенгдошлари таъсирига кўпроқ бериладилар. Шунинг учун ўспирин шахсининг таркиб топишига ўқув даргоҳидаги муҳит, хусусан гуруҳ жамоаси, расмий ва норасмий тенгқур бошлиқлар кучли таъсир этади, гуруҳ жамоаси умумий мақсадни белгилашга, жамоа аъзолари ўртасида илиқ муносабатлар ўрнатишга, шахсий ва жамоатчилик муносабатлари ривожланишига имкониятлар яратади. Жамоа таъсирида матонатлилик, жасурлик, сабр-тоқатлик, камтарлик, интизомлилик каби фазилатлар такомиллашади ва худбинлик, лоқайдлик, мунофиқлик, лаганбардонлик, дангасалик, кўрқоқлик, ғайирлик сингари иллатларнинг барҳам топиши тезлашади. Жамоа аъзолари ўртасидаги аҳиллик, бирлик, ягона мақсадга интилиш, илиқ психологик иқлим мавжуд салбий хатти-ҳаракатларни йўқотиш учун хизмат қилади.

Ўспирин шахсининг шаклланиш жараёнида жамоат ташкилотлари алоҳида аҳамият касб этади. Уларнинг юксак талаблар қўйиши натижасида ўспиринларда фаоллик, ташаббускорлик, мустақиллик, масъулиятлилик, танқидийлик сингари фазилатлар барқарорлашади, ғоявий-сиёсий ватанпарварлик, ҳамкорлик туйғуларини мукамал босқичга кўтаради. Ана шуларни кузатиб тадқиқ этган психолог Л.И.Уманский ўспиринлардаги ташкилотчилик қобилияти ўзаро узвий боғлиқ қуйидаги қисмлардан иборатлигини таъкидлайди:

1. Ташкилотчилик туйғуси (психологик топқирлик, кашфиётчилик, одоб, амалий, ақл-идрокда ўз ифодасини топади)
2. Тенгдошларига эмоционал-иродавий таъсир кўрсатиш имконияти (муаммолар ечимига жалб қилиш, уларнинг куч ғайратини бириктириш)
3. Ташкилотчилик фаолиятига мойиллик (эмоционал ҳис-туйғу, ижобий муносабат, қатъий қизиқиш ва х.к)

Л.И.Уманскийнинг фикрича, ўспирин намунали ташкилотчи бўлиши учун унда қуйидаги хислатлар бўлиши керак: а) ахлоқий хислатлар –жамоатчилик, самимийлик, ташаббускорлик, меҳнатсеварлик; б) иродавий хислатлар-қатъият, батартиблик, интизомлилик; в) эмоционал ҳислар –хушчақчақлик, янгиликни ҳис этиш, ўз кучига ишонч ва бошқалар.

Ўспиринларни яна бир муҳим хислати уларда юксак даражада дўстлик, ўртоқлик, улфатчилик, муҳаббатнинг вужудга келишидир. Шу ҳис-туйғулар йигит ва қизларнинг маънавияти ва психологиясида қандай тус олишига қараб, тарбиявий чора ва тадбирларни амалга ошириш яхши натижа беради. Бу ёшдаги дўстлик ўзидан кичиклар орасидаги дўстликдан ўз мотивларининг чуқурлиги ва унинг олдида қўйилган талабаларнинг юксаклиги билан фарқ қилади, беғаразлиги, бир-бирига ишончи, доимий ёрдамга тайёрлиги, биргаликдаги фаолиятларида баб-баравар ҳаракат қилиш билан ажралиб туради. Психолог тили билан айтганда, дўст-бу “Алтер эго”, яъни иккинчи “Мен” бўлиб , у ўша пайтдаги “Мен”нинг бир қисми сифатида идрок қилинади. Бу шундай одамки, шахс у билан барча дарду-ҳасратларини муҳокама қилади,

муаммоларини унинг олдига тўкиб солади. Дўстликни асосий шарт –ўзаро бир-бирини тушуниш, шу шарт бажарилмаса, дўстлик ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Агар ана шундай тушуниш бўлса, дўстлар гап –сўзсиз ҳам, қилиқлар, юз ифодаси, юриш-туришига қараб ҳам бир-бирларини тушуниб олаверадилар. Дўстликнинг бошқа интим, эмоционал хислатлардан фарқи шуки, у одатда бир жинс вакиллари ўртасида бўлади ва дўстлар одатда 2 киши, айрим ҳолларда 3-4 киши бўлиши мумкин. Икки жинс вакиллари ўртасида ҳам дўстлик бўлиши мумкин. Фақат у кўпинча танишув билан севги- муҳаббат ўртасидаги ораликни тўлдиришга хизмат қилади. дўстларга хос бўлган сифатларга бир-бирини аяш, ғамхўрлик қилиш, шахсий муаммоларга бефарқ бўлмаслик, қўллаб қувватлаш, меҳр қабилад киради. Уларнинг ардоқланиши дўстликни узоқ давом этиши ва иккала томон манфаатига мос ишларни амалга оширишга ундайди. Дўсти йўқ ўспирин ўзини жуда бахтсиз, ночор ҳисоблайди. Айниқса, агар дўсти хоинлик қилса ёки унинг кутишларига зид иш қилса, бу ҳолат жуда қаттиқ рухий изтиробларни келтириб чиқаради. Шунинг учун ҳам ҳар бир ёш ўз дўстини хафа қилиб қўймаслик, унинг кўнглига қарб иш қилишга ҳаракат қилади. Агар илк ўспиринликда дўстлик мазмунан анча юзаки, бевосита мулоқот мақсадлари асосида ташкил этилган бўлса, ёш ўтган сари у ҳаёт мазмуни ва юксак қадриятга айланиб боради.

Агар дўстлик аттракция (лотинча *attrahere* “ёқтириш”, “ўзига жалб этиш” бир инсоннинг бошқа бир инсонга ижобий муносабат асосида ёқиши ва ёқтириши, ўзаро мойилликни тушунтирувчи ҳолат) намоён бўлишининг биринчи кўриниши бўлса, севги қалблар яқинлашувининг муҳим аломатидир. Севги бу нафақат ҳиссиёт, балки бошқаларни сева олиш қобилияти ҳамда севимли бўла олишдир. Шунинг учун ҳам ўспиринлар учун бу ҳиссиётнинг борлиги жуда катта аҳамиятга эгадир. Айнан ўсмирлик ва илк ўспиринликдаги севги беғубор, самимий бўлиб, ёш ўтган сари унинг мазмуни бойиб, бошқа қадриятлар ҳам ўрин эгаллай бошлайди, ўсмир билан ўспирин севгисида ҳам сифат фарқлари бор. Масалан, ўсмирлар бир-бирига меҳр қўйганда кўпроқ ташқи қиёфалари, интеллектуал имкониятлари ва ижтимоий мавқеларига эътибор берадилар, ҳақиқий севги ўспиринлик йилларининг охирларида пайдо бўлиб, унинг асосий мезони энди ташқи белги ва афзалликлар эмас, балки инсоний фазилатлар ҳисобланади.

Ўспиринлик даврида вужудга келадиган ҳис-туйғуларни тўғри ирода этиш, йигит ва қизларга севги муносабатларининг нақадар нозиклигини, бўлажак оиланинг бахти ҳақидаги тушунчаларни тўғри англатиш яхши натижа беради. Йигит ва қизларнинг маънавий оламида учрайдиган айрим зиддиятларни бартараф этишда, уларни келажакда оиланинг тақдирига юзаки муносабатда бўлмасликка ўргатишда ва оила қуришга тайёрлашда жинсий тарбия муҳим аҳамиятга моликдир.

Ота-оналар ва ўқитувчилар йигит ва қизларга севгининг икки тури –шаҳвоний туйғу заминида вужудга келадиган беқарор севги ва чинакам дўстлик, инсоний муносабатлар асосида пайдо бўладиган ҳақиқий севги борилигини тушунтиришлари лозим.

Ўспирин йигит ва қизларга эркак ва аёлнинг муносабатларини ётиғи билан тушунтириш ота-она, шифокор, психолог ва ўқитувчиларнинг муҳим вазифаларидир. Ўспиринларни турмуш қуришга тайёрлашда, ўқув юрти билан оиланинг ҳамкорлиги зарур, рўй бериши мумкин бўлган рухий, жисмоний изтиробларнинг олдини олишда ҳамкорликка таяниб иш кўриш керак бўлади.

Ота-онанинг ўзаро яхши муносабатлари, меҳрибонлиги, ғамхўрлиги оиладаги фарзандларнинг муносабатларини тўғри шакллантиришга ёрдам беради. Она қизида мулойимлик, қизларга хос орият, уятчанлик, ибодат каби фазилатларни тарбиялаш билан бирга, унга уй-рўзғор юмушларини ҳам ўргатиши лозим. Акс ҳолда нималар бўлишини маънавий қашшоқ, енгил-елпи ҳаётга кўникиб, тубанлик ботқоғига ботиб қолган айрим аёлларнинг аянчли қисматидан мисоллар келтириш орқали тушунтириш зарур.

Оиладаги тарбиявий ишлар мактабда мустаҳкамланиши ва ривожлантирилиши, ўспиринларни турмуш масаласига илмий нуқтаи назардан қарашга ўргатиш, йигитнинг бурчи қизни авайлаш, унинг шарм-ҳаёсини паймол қилмаслик, тақдирига юзаки қарамаслик, қиз эса ўз навбатида уятчан, шарми-хаёли, қизларга мос ғурурли бўлиши зарурлигини гуруҳ раҳбари, психолог, ўқитувчилар ўзаро суҳбат, савол-жавоб, мунозаралар уюштириш орқали ўспирин йигит-қизлар онгига етказишлари керак.

Кўпчилик ота-оналар ўқувчилик йилларида пайдо бўладиган севги ҳиссидан бироз чўчийдилар, уни чеклашга, ҳаттоки, қизларга тақиқлашни ҳам афзал кўрадилар. Лекин айнан шу ҳиснинг борлиги ёшларни улуғворроқ, самимийроқ, ҳар нарсага қодир ва кучлироқ қилади.

Олимлар севгининг ёшларда пайдо бўлиши ва унинг психологик тахлилини ўрганишган. Маълум бўлишича, севгининг дастлабки босқичи –ўзаро ёқтириб қолиш – симпатия бўлиб, бунда асосан севги объектининг ташқи жозибаси роль ўйнайди. Масалан, ўзбек хонатласини чиройли қилиб тиктириб кийиб олган қизчанинг даврада пайдо бўлиши, табиий кўпинча йигитларнинг эътиборини беихтиёр тортади. Уларнинг кўпчилиги бирданига, бир вақтда айнан шу қизчани “ёқтириб” қолишади. Лекин даврадаги қайси йигит унга ҳам маълум жиҳатлари билан ёқиб қолса, ўзаро симпатия шу икки шахс ўртасида рўй беради. Вақтлар ўтиб бу икки ёш бир неча марта учрашиб туришса, оддий ёқтириш севгига айланиши мумкин.

Яна шу нарса аниқланганки, севги билан боғлиқ ҳиссиётлар ҳар бир жинс вакилида ўзига хос хусусиятларга боғлиқ экан. Масалан, ўспирин ёшлар қизларга нисбатан романтизмга берилувчан, тезгина яхши кўриб қоладиган бўлишаркан. Уларнинг тасавуридаги севги анча романтик, идеал кўринишга эга бўлади. Қизлар эса йигитларга нисбатан секинроқ севиб қолишади, лекин севгини унутиш, ундан воз кечиш уларда осонроқ кечаркан. Агар йигитлар бир кўришдаёқ ёқтириб қолган қизни севиб ҳам қолиш эҳтимоли юқори бўлса (экспериментларда севги билан симпатиянинг корреляцион боғлиқлиги кучли), қизларда бундай боғлиқлик анча паст экан, яъни ҳамма ёқтирганларини ҳам севмас экан, умуман симпатиянинг пайдо бўлиши бироз қийин экан.

Бундан ташқари, ўспиринлик йиллардаги севги ва муҳаббат ҳисси нафақат қарама-қарши жинс вакилига қаратилган бўлади, балки айнан шу даврда ота-онанинг кадрланиши ва уларга нисбатан севги – муҳаббат, яқинлари – ака-укалар, опа-сингил, ҳаётда ибрат бўладиган кишиларни яхши кўриш, Ватанни севиш каби олий ҳислар ҳам тарбияланади. Шунинг учун ҳам ҳақиқий юксак муҳаббат соҳиблари бўлмиш ёшларни тарбиялаш – жамиятда инсоний муносабатларни барқарорлаштириш, одамлар ўртасида самимий муносабатлар ўрнатиш ва маънавийтни юксалтиришга хизмат қилади.

Таълимнинг барча босқичларида маънавий тарбиянинг ажралмас бўлаги сифатида ана шундай самимий муносабларни тарбиялаш, тарғиб этиш, керак бўлса, ана шундай севги ва садоқат ҳақидаги кадриятларимизни улар онгига сингдиришимиз керак. Севги ва муҳаббат ҳислари кенг маънода – Ватанга, юртга, борлиққа, касбга ва яқин кишиларга қаратилган бўлиши мумкин. Юксак ҳис - туйғуларнинг энг олийси Ватан туйғуси бўлиб, у туйғу инсон боласининг илк ёшлик давриданок онгга ва қалбга сингиб боради. Зеро Ватан ҳисси, шу Ватаннинг эгаси бўлмиш халқини билишдан, унинг кадрига етишдан, нималарга қодир бўлганини тан олишдан, буюклигини эътироф этишдан бошланади. Ватан ва халқ эгизак тушунча бўлиб, бирини ҳис қилиш учун иккинчиси билиш керак. Шунинг учун Ўзбекистон деганда ўзбек халқини тушунамиз, ўзбексиз Ўзбекистонни ҳаёлга келтира олмаймиз. Ватан ҳисси – халқни севмоқ, ҳурмат қилмоқ, кадрига етмоқ ва эътироф этмоқдир. Ўзбекистонликлар учун, ўзбекистонлик ёшлар учун, шу юрт, шу тупроқни севиш, унинг кадрига етиш – буюк неъмат ва шу билан бирга юксак масъулият ҳамдир.

Ўспиринларда эътиқод ва дунёқарашнинг шаклланиши

Эътикод шахсинг шундай онгли йўналишики, унга ўз карашлари, принциплари ва дунёкарашига мос тарзда яшашга имкон беради. Эътикоднинг предмети турлича бўлиши мумкин – Ватанга эътикод, динга, касбга, ахлоқий меъёрларга, гўзаликка ва шунга ўхшаш. Ўспиринлик ёшида ахлоқий эътикоднинг, ахлоқий онгнинг роли кучайиб бориши билан ажралиб туради. Педагоглар ва тарбиячилар йигит ва қизлардаги ахлоқий эътикоднинг мазмунига бефарқ карамасликлари, демократик руҳдаги тўғри ахлоқий эътикоднинг таркиб топишига алоҳида эътибор беришлари зарур. Ўспиринларнинг Ватанга, халққа, касбига, фанларга, ахлоқий меъёрларга бўлган эътикоди уларнинг мустақил жамиятдаги ҳаёти ва фаолияти таъсири остида, жамоа ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этиши таъсири остида ривожланади, ахлоқий эътикоднинг мазмуни ва моҳиятини анча чуқур тушуна бошлайдилар. Ўспиринлар кўпгина ахлоқий тушунчаларнинг ижтимоий жиҳатдан кўп маъноли эканлиги билан боғлиқ энг нозик томонларини ҳам сезишга қодирдирлар. Бурч, виждон, шахсий ғурурлик ва ўзининг қадар –қимматини билиш туйғулари ҳақидаги энг мураккаб тушунчалар ўспиринларни чуқур ва ҳар томонлама тушуниб олиш учун етарлидир, улар ўспиринлардан шу жиҳатдан ҳам фарқ қиладилар.

Мисоллар келтирамиз.

Ўспиринлар жамоа бўлиб муҳокама қилиш ва фикр алмашиш жараёнида бир-бирларини тўлдириб, ўқитувчининг ёрдамисиз энг мураккаб ахлоқий тушунчаларни жуда тезлик билан тасвирлайдилар ва уларнинг мазмунини очиб берадилар.

“Виждонлилик” тушунчаси (X синф ўқувчиси) “Виждонли киши нима билан ажралиб туради? Аввало, у халқ мулкни ва шахсий мулкни ҳурмат қилади, ҳеч қачон бировнинг нарчасини олмайди, мунофиқлик қилмайди, виждонлик киши ҳеч маҳал муғомбирлик қилмайди, ёлғон гапирмайди, ҳамиша ва ҳамма шароитда ҳақиқатни гапирди. Албатта, ҳар – хил вазиятлар бўлади. Масалан, душманни (шахсий душманни эмас, балки жамиятнинг, халқнинг душманини) хийла билан енгиш ва уни алдаш мумкин, бу ҳам виждонан қилган иш бўлади. Агар иш манфаатлари талаб қилган ҳолда душманга ҳақиқатни айтиш виждонсизликдир. Виждонли киши ўз сўзида қаттиқ туради, ўз ишига ҳалол муносабатда бўлади, унга ўзининг бутун кучини сарфлайди, ўз вазифаларини сўзсиз бажаради. Бундай киши ўзига танқид назари билан қарайди ва ўзига талабчан бўлади, агар хатога йўл қўйса, уни ошкора тан олади ва уни тўғрилайди. Яна бир нарса: ҳаётда ҳеч қандай ёмон иш қилмаган шу билан бирга яхши иш ҳам қилмаган ва бошқаларнинг нотўғри хатти - ҳаракатларига бефарқ ва ўтиб кетган кишини виждонли киши деб бўлмайди.”

“Фахрланиш” тушунчаси (коллеж ўқувчиси) “Фахрланиш – кишининг ўз меҳнатини бекор кетмаганлигини, Ватан фойдасига хизмат қилишини англатадиган туйғудир. Бу – ўз муваффақият-ларининг ёки жамодаги бошқа аъзо муваффақиятларининг қувончини ҳис этишдир. Агар сен яхши меҳнат қилсанг-у, ҳамма ўртоқларинг ёмон меҳнат қилса, ҳақиқий фахрланиш бўлмайди. Ҳақиқий фахрланиш – ўзини катта олиш эмас, кибрланиш, димоғдорлик, бошқаларнинг соясида ўзининг алоҳида бўлиб кўриниши осон бўлиши учун уларнинг мағлубиятга учрашини истаб шуҳратпарастлик қилиш эмас.”

“Ор-номус” тушунчаси (XI синф) “Ор-номус” одамни бошқалар кўз ўнгида ўз обрўсини, мавқеини, шуҳратини ёки унинг ўзи аъзо бўлиб турган жамоанинг обрўсини, мавқеи ва шуҳратини сақлашга мажбур қиладиган ҳисдир. Бу ҳис барча хатти-ҳаракатларда ўз дунёкарашига, эътикодига амал қилишга ундайди, ҳушомад гўйликка, беномуслик қилишга, ўзини ва бошқаларни ерга уришга йўл қўймасликка мажбур қилади. Бу ҳис ўз хатти –ҳаракатининг нуқсонсиз бўлишига, маънавий софликка ундайди.

Бизнинг мамлакатимизда шахсий ор-номус жамоа ор-номусидан ажралмасдир: бир кишининг ор-номуси – у ишлаётган жамоанинг ор-номуси ва аксинча, жамоанинг ор-номуси бир кишининг ор-номусидир (тадқиқот материалларидан).

Ўспиринларнинг ҳаммаси ахлоқий тушунчаларни ана шундай юксак даражада англайди деб айта олмаймиз. Ўспириннинг эътиқоди унинг теварак – атрофдаги воқелик таъсирида ривожланиб боришдан тўғри ахлоқий қарашлар ва тасаввурлар албатта таркиб топиши учун демократия ва мустақиллик шароитида яшашнинг ўзи етарлидир, деб асло хулоса чиқармаслик керак.

Психологлар ва педагогларнинг ўтказётган кўп сонли тадқиқотлари шуни кўрсатадики, кўпгина ўспиринларнинг лицей ёки коллежларни битириш вақтида келиб жамоа ва тарбиячилар томонидан тўғри ғоявий раҳбарлик қилмасдан туриб шаклланаётган ахлоқий эътиқоди ҳатто, нотўғри ва етилмаган бўлиши мумкин. Ўспириннинг ахлоқий эътиқодига тўғри ғоявий раҳбарлик қилганда ҳам, тасодифий ҳолатлар, баъзи бир ўртоклар, кўпинча эса катта ёшдаги кишиларнинг ножўя хатти-ҳаракатлари ҳам таъсир кўрсатиши мумкин (таъсир кўрсатмоқда ҳам). Ўспирин йигит ва қизлар ҳамisha ҳам ўзлари кузатаётган у ёки бу ҳодисалар ва фактларни, баъзи бир адабий асарлар, кинофильмлар, айниқса чет эл фильмлари мазмунини тўғри тушуна олмайдилар. Баъзи алоҳида жиддий ҳолларда нотўғри тарбия, ҳаётдаги ноқулай шароитлар, вазиятлар таъсирида баъзи бир йигит ва қизларда шунчаки айрим янглиш фикрлар ва нотўғри тушунчалар пайдо бўлибгина қолмасдан, жамиятимизга ёт бўлган маънавий принциплар ва установакалар ҳам қарор топиши мумкин. Бунинг натижасида тегишли вазиятларда хатти – ҳаракатлардаги салбий ҳолатлар, ахлоқсизлик, сурбетлик, шахсий нарсалар билан ижтимоий нарсалар ўртасида ички зиддиятлар ва ихтилофлар. меҳнатни ҳурмат қилмаслик каби хусусиятлар келиб чиқади. Бунда педагог ва психологларнинг асосий вазифаси нотўғри эътиқод ва қарор топиб бўлган салбий хатти – ҳаракатларни ўзлаштиришдангина иборат эмас, сохта ва демократик ғояларимизга ёт бўлган ахлоқий эътиқоднинг таркиб топишига йўл қўймасдан, маънавий эътиқодни қарор топтириш жараёнида унинг мазмунига таъсир кўрсатишдан иборатдир.

Ижтимоий ахлоқ тажрибаларини аста-секин эгаллаб бориш, маънавий онгнинг ўсиши, фан асосларини ўрганиш, назарий тафаккурнинг шаклланиши оқибатида ўспиринлар дунёқараши қарор топа бошлайди. Фақат ўспирин ёшларга нисбатангина чинакам дунёқарашни шакллантириш тўғрисида жиддий гапириш мумкин, бунинг учун маънавий, ақлий, психик етукликнинг муайян даражасига эришилган бўлиши зарур. Бизнинг шароитимизда тўғри дунёқараш автоматик тарзда ўз-ўзидан таркиб топади, деб ўйлаш керак эмас. Ёт идеологик таъсирларнинг имконияти ҳам мавжудлигини ҳаёт тажрибалари кўрсатиб турибди. Шунинг учун ўқув юртларининг раҳбарлари, ўқитувчилар, тарбиячилар ўқувчиларда чинакам илмий дунёқарашни таркиб топтиришда ўз маъсулиятларини ҳис этмоғи лозим. Мустақиллик даврида шаклланаётган янгича дунёқараш ёшларда Ватанга садоқатни, миллий қадриятлар, анъаналарни эъзозлашни, ўз яқинларига меҳрибон ва танлаган йўлига – касби, маслағи ва эътиқодига содиқликни назарда тутди. “Янгича фикрлаш” ва янгича тафаккур айнан мустақиллик мафкураси руҳида тарбия топиб, сайқал топган миллий онг, дунёқараш ва эътиқоддир. Дунёқараш –шахснинг шахслигини (индивид эмас), унинг маънавиятини, ижтимоийлашуви даражасини кўрсатувчи кучли мотивлардандир. Шунинг учун ҳам унинг шаклланиш ва ўзгариш масаласи муҳим масалалардан бўлиб, ҳамма вақт ва даврларда ҳам ўта долзарб бўлиб келган. Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришгач жамиятда туб ислохатлар бошланди. Ана шу ислохатларнинг асосий йўналишларидан бири –маънавий-маърифий ислохатлар бўлиб, унинг асосий мақсади жамият аъзолари дунёқарашини истиқлол руҳида шакллантиришни мақсад қилиб қўйди. Давлатимизнинг ёшлар борасидаги сиёсатининг асосини ҳам уларда янгича хурфикрлилик билан янгича дунёқарашни шакллантириш ташкил этади. Бу ўринда психология ўзгаришлар шароитида эътиқод, дунёқараш ва идеаллар ўзгаришига сабаб бўлувчи омилларни қуйидагиларга ажратади:

Маънавият ва маърифат. Маърифат бу одамнинг табиат, жамият ва инсонлар тўғрисидаги турли билимлари, тушунчалари, маълумотлари мажмуи бўлиб, унинг мазмуни бевосита шахс дунёқарашининг мазмун моҳиятини белгилайди, демак ёшларга қаратилган ва улар ўқиб, ўрганиш учун йўналтирилган барча турдаги маълумотлар (китоблар, оммавий ахборот воситалари орқали, мулоқот жараёнида), улар асосида шаклланадиган янгича тасаввурлар янгича дунёқараш учун заминдир. Мустақиллик йилларида, эски, ўзини тарих олдида оқламаган мафкурадан воз кечилди, янги мустақиллик ғояси, унинг асосий тамойиллари, ёшларни маърифатли қилиш борасидаги вазифалар белгиланди. Улар асосида “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури қабул қилинди. Улар ёшларнинг энг илғор илм-фан ютуқларидан бохабар қилиш, буюк алломалар меросини чуқур ва теран ўрганиш, замонавий технологиялар асосида таълим-тарбия жараёнини ташкил қилиш, ёшларни маърифатли қилишнинг барча шарт-шароитларини яратишни назарда тутди. Бу сайёҳ-ҳаракатлар маънавият борасидаги ислохотлар, ўзбек маданияти, санъати, адабиётини ривожлантириш ишларига, тарихимизни тиклаш борасида амалга оширилаётган оламшумул ишлар табиий, ёшларимизда янгича дунёқарашнинг шаклланишига асос бўлади.

2. Оила. Юртимизда оила ҳамиша давлат химоясида ва олий кадрият сифатида эъзозланади. Оила ижтимоийлашувнинг асосий ва муҳим ўчоғи бўлган учун ҳам унинг шу муҳитда тарбияланаётган ёшлар эътиқоди ва дунёқарашидagi роли сезиларлидир. Республикамизда “Оила йили” деб эълон қилиниши, “Оила” илмий –амалий Маркази ўз фаолиятини бошлаши, жамиятда ёшлар тарбияси борасида оиланинг роли ва масъулиятини оширишга қаратилган муҳим тадбир бўлди ва уларда юртга, Ватанга, яқинларига садоқат, муҳаббат ҳисларини тарбиялаш орқали дунёқарашлари мазмунига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

3. Мафкура. Ҳар бир даврнинг ўз мафкураси бўлади. Ва у шахс ижтимоийлашуви жараёнида унинг онгига таъсир кўрсатувчи муҳим омиллардан ҳисобланади. Коммунистик мафкурадан батамом воз кечган жамиятимизда янги, мустақиллик мафкураси шаклланмоқда. Зеро, мафкура жамият аъзоларининг табиат, жамият ва ижтимоий жараёнлар хусусидаги ғоялари, билимлари мажмуи бўлиб, ҳар бир ижтимоий гуруҳ ўз эътиқодига мос мафкурани танлайди. Мустақилликдан руҳланган, унинг моддий ва маънавий неъматларидан баҳраманд бўлаётган ўзбекистонликлар ўтган қисқа вақт мобайнида унинг кадриятлари, ҳар бир шахсга яратилаётган чексиз имкониятлари, илм ва билим борасидаги шарт-шароитларни англаб ўзлари онгли равишда ана шу тузумга садоқат ва уни севиш, ардоқлаш ва химоя қилишга тайёргарлик фалсафасини шакллантирмоқдалар. Янги мафкура мустақиллик ва миллий кадриятлар ғояси таъсирида шаклланмоқда ва бу табиий, биринчи навбатда ёшлар дунёқарашини ўзгартирувчи муҳим шартдир. Бунда фан асосларини ўспирин томонидан пухта ўзлаштирилиши муҳим аҳамият касб этади. Лекин билимлар амалий тажриба билан қўлланилгандагина эътиқодга айланади. Дунёқарашни ёдлаб олиш, ўзлаштириш мумкин эмас.

Педагогларнинг (Т.К, Мухина, Г.Е. Заленский), тадқиқотлари шуни кўрсатадики, ижтимоий фанлар бўйича ўзлаштирилган материалнинг ҳақиқийлиги, унинг ишонарли эканлиги эмоционал равишда ҳис этиш билан боғлансагина билимларни ўзлаштириш ўспириннинг актив мустақил фикри билан боғланган тақдирдагина эътиқод характериға эга бўлади. Г.Е. Заленскийнинг тадқиқоти ўспиринларда илмий дунёқарашни шакллантириш жараёни ижтимоий ҳодисаларга тўғри баҳо бера билишни таркиб топтириш билан, уларга тўғри муносабатда бўлишни тарбиялаш билан боғлиқ эканлигини кўрсатди, Г.Е. Заленский ўқувчиларга социал- иқтисодий ҳамда ижтимоий фактлар ва ҳодисаларни мустақил равишда илмий таҳлил қилиш ва уларга баҳо бериш усуллариини махсус ўргатиш жуда ҳам мумкин ва зарур эканлигини эксперимент асосида

кўрсатиб берди. Бу ўринда ҳам асосан ўқувчиларнинг мустақил фикрлашини фаоллаштиришга, тўғри раҳбарлик қилган ҳолда таяниш керак.

4. Ижтимоий установакалар. Соф психологик маънода янги тафаккур ва дунёқарашни шакллантирувчи ва ўзгартирувчи ижтимоий психологик механизм –бу ижтимоий установакалардир. Бу-шахснинг атороф муҳитда содир бўлаётган ижтимоий ҳодисаларни, объектларни, ижтимоий гуруҳларни маълум тарзда идрок этиш, қабул қилиш ва улар билан муносабатлар ўрнатишга руҳий ички хозирлик сифатида одамдаги дунёқарашни ҳам ўзгартиришга алоқадор категориядир.

Рус психологи В.А. Ядов ўзининг диспозицион концепциясини яратиб, унда установакаларни тўрт босқич ва тўрт тизимли сифатида тасаввур қилган.

А) Элементар установакалар (set)-оддий, элементар эҳтиёжлар асосида кўпинча онгсиз тарзда ҳосил бўладиган установакалар. Уларни ўзгартириш учун моддий шарт-шароитларни ва одамдаги эҳтиёжлар тизимини ўзгартириш кифоя.

Б) Ижтимоий установакалар (attitud) –ижтимоий вазиятлар таъсирида ижтимоий объектларга нисбатан шаклланадиган установакалар. Уларни ўзгартириш учун ижтимоий шарт-шароитлар ва шахснинг уларга нисбатан баҳо ва муносабатлари тизимини ўзгартириш керак.

В) Базавий ижтимоий установакалар – улар шахснинг умумий йўналишини белгилайди ва уларни ўзгартириш эътиқодлар ва дунёқарашни ўзгартириш демакдир.

Г) Қадриятлар тизими – улар авлодлараро мулоқот жараёнининг маҳсули сифатида жамиятда қадр-қиммат топган нарсаларга нисбатан установакадир.

Масалан, саҳиҳ ҳадислар шундай қадриятлардир, биз уларни танқидсиз, муҳокамаalarsиз қабул қиламиз, чунки улар ҳам илоҳий, ҳам энг буюк инсонлар томонидан яратилган, авлоддан-авлодга ўз қадрини йўқотмай келаётган қадриятлардир. Ижтимоий установакаларни ўзгартиришнинг турли усул ва психологик воситалар орқали ҳам ёшлар дунёқарашини ўзгартиришга эришиш мумкин.

Ўспиринларнинг касб танлаши.

Яхши касб-хунар эгаси бўлиш инсоннинг энг катта зийнатидир. У фароғатга, камолотга ва иззат икромга ўз касб-хунари туфайли эга бўлади. Ўз фарзандларини илмли, хунарли қилиб вояга етказиш миллатимизга хос хислат бўлиб, ота-боболаримиз фарзандларининг саводини чиқариш, хунарли қилиш учун энг яхши муаллимларга, уста хунармандларга шогирдликка берганлар, бошқа шаҳар ва юртларга билим олиш учун юборганлар.

Ўспиринлар касб танлашга қандай ёндошадилар? Бу мавзуда ўзбекистонлик психологлар М.Г.Давлетшин, Э.Ғозиев, Р.Ю.Тошимов, И.М. Асадов, чет эл психологлари А.В.Алексеев, В.А. Крутецкий, Е.А.Климов, Л.Головей ва бошқалар ўз илмий изланишларини олиб борганлар.

Психологик тадқиқотлардан маълумки, ўсмирлик ёшининг охирларига келиб, ўқитувчи ва ота-оналарнинг саъи-ҳаракатлари туфайли (касбга йўналтириш, касблар ҳақида маълумотлар бериш, тарғибот ишлари ва х.к.) унда ўзининг келажакдаги касбини белгилаб олиш интилиши пайдо бўлади, касбни ўйлаб танлайдилар, нима учун шу касбни танлаганликларини аслаб берадилар ва ўз хоҳиш- истакларига кўра ўқишнинг 3 йиллик таълимга асосланган академик лицей ёки касб-хунар коллежларини танлайдилар.

Минг-минглаб касблар бор, лекин муайян меҳнат турига индивидуал мойиллик билан унга бўлган қобилият ва унинг ижтимоий аҳамиятига юқори баҳо бериш (психологлар буни касбнинг социал мавқеи деб атайдилар) қўйилгандаги касб кишига маънавий қониқиш беришини ўспиринларнинг кўпи англаб етадилар.

“Таълим тўғрисида”ги Қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастурига мувофиқ амалга оширилаётган ислохотларнинг устуворлик ва босқичма-босқич

принциплари асосида кадрлар тайёрлаш ва таълим тизимини ислоҳ қилишнинг узок муддатли стратегияси ишлаб чиқилди. Дастурнинг таркибий қисми бўлган узлуксиз таълим тизимига киритилган 3 йиллик ўрта махсус касб-хунар таълимининг жорий этилиши том маънодаги янгилик бўлди – ёшлар 9 йиллик таълимни тугатгандан сўнг 3 йиллик ўрта махсус касб-хунар ўқув юртлари –академик лицейлар ва касб - хунар коллежларида таълимни мажбурий –ихтиёрий давом эттирадilar.

Мажбурийлик –бу икки йўналишдан бирида ўқишни давом эттиришнинг шартлиги.

Ихтиёрийлик эса, ўқувчининг ўзи қизиққан ҳамда лаёқатига мос йўналишни эркин танлашидир.

Академик лицей ва касб - хунар коллежларининг мақоми тенглаштирилган, уларнинг битирувчилари олий ўқув юртига киришда ёки танланган йўналиши бўйича фаолият кўрсатишда тенг ҳуқуқлидирлар. Шу билан бирга академик лицей ва касб-хунар коллежи ўз олдида қўйган мақсадлари билан бир-биридан фарқ қилади.

Академик лицей ўқувчиларининг қизиқишлари ва қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг жадал интеллектуал ривожланишини, чуқурлаштирилган, ихтисослаштирилган ҳолда ўқитишни таъминлайди. Академик лицейларда ўспирин ёшлар ўзлари танлаган йўналиш бўйича билимларини ошириш ва муайян фан асосларини чуқур мукамал ўзлаштириш имкониятига эга бўладilar.

Инсон тафаккури, ақлий салоҳияти ижтимоий бойлик ҳисобланади. Улар ҳар қандай жамиятнинг ижтимоий –иқтисодий тараққиётини белгилайдиган омиллардир. Шундай ёшларимиз борки, умумий ўрта таълим жараёнида маълум йўналиш бўйича ўзларининг иқтидорларини, истеъдодларини намоён этадилар. Бу бойликдан оқилона фойдаланиш, уни тўғри йўналтириш муҳим аҳамият касб этади. Академик лицейлар айнан шу мақсадни амалга оширишга, иқтидорли, истеъдодли болаларни тарбиялашга хизмат қилади.

Касб-хунар коллежлари эса ўқувчиларнинг касб-хунарга мойиллигини, лаёқатини, билим ва кўникмаларини чуқур ривожлантириш, уларга танланган йўналишлари бўйича бир неча замонавий касбни эгаллаш имкониятини беради. Масалан, Қўқон шаҳридаги педагогика коллежида ҳам ўспирин ёшлар бошланғич таълим йўналиши билан биргаликда тасвирий фаолият соҳасини ёки мусиқа соҳасини ҳам эгалламоқдалар.

Жойларда ташкил қилинаётган касб-хунар коллежлари, академик лицейлар, вилоят марказлари ва Тошкент шаҳрида ташкил этилган Ташҳис марказлари 9 синфни тамомлаётган ёшларни иқтидори ва лаёқати, қизиқишларини ўз вақтида аниқлаш, уни психологик методлар ёрдамида диагностика қилишни амалга оширади. Бу тадбирлар ёшлардаги касб-хунарга бўлган йўналишни адекват билиш, ўз яшаш жойидан узок бўлмаган шароитда зарур, ўз лаёқатига мос хунар эгаси бўлиб етишишига ёрдам беради.

Коллежларга ўқувчиларни қабул қилишдан бошлаб ўқув жараёнининг ташкил этилиши, мазмуни билан мезони ва пировард натижасида бир неча касб-хунар эгаси – уста, кичик мутахассис бўлиб ўқишни тамомлашдан иборат. Ўқув жараёнини жаҳон талабларига мос келувчи ўқув таълим стандартлари, яъни замон талабларига жавоб берувчи, истиқбол ва келажакни кўзлаб ишлаб чиқилган ўқув дастури ва режалар асосида ташкил этилмоқда, замонавий типда қайта таъмирланиб, замонавий асбоб-ускуналар, ўқув услубий қурооллар, кўргазма воситалари, ахборот технологиялари, компьютерлар билан жихозланганлиги билан аввалги билим масканларидан тубдан фарқ қилади.

Коллежларда касб-хунар турининг кўплиги бугунги кун талабларига, иқтисодий ислохатлар эҳтиёжига жавоб бериши алоҳида аҳамиятлидир. Касб-хунар коллежларида ишчи кадрлар эмас, балки кенг ихтисосликдаги кичик мутахассислар тайёрланади. Яна бир афзаллиги –касб-хунар коллежларида ҳар бир худуднинг ўзига хос жўғрофий ва демократик шарт-шароитлари ва мутахассисларга бўлган эҳтиёж ҳисобга олинади.

Шунингдек мутахассислар тайёрлаш ўқув жараёнида икки томонлама (дуал) тизим асосида амалга оширилмоқда, ўқувчиларга бериладиган ишлаб чиқариш таълими ўқув муассасасининг замонавий жихозланган устахонасида, корхоналарда ишлаб чиқариш амалиёти билан узвий боғлиқ ҳолда олиб борилмоқда. Шу билан бир қаторда умумий билим асосларини бериш ёшларнинг дунёқарашини кенгайтириш, уларни ҳар томонлама ривожлантириш ва замон талабларига жавоб берувчи мутахассис бўлиб етишиши учун берилётган таълим миллий кадриятларимизга ҳурмат, мустақил давлатимизга содиқлик ва ифтихор туйғулари руҳидаги тарбия билан муштарикликда амалга оширилмоқда.

Ўспиринлар учун характерли хусусият –касбларга кескин танлаб муносабатда бўлишдир. Уларнинг кўплари айрим касбларни юқори баҳолайдилар, ўқувчиларнинг кўз ўнгида бу касбларнинг ижтимоий мавқеи жуда улуғдир, бошқа касбларнинг ижтимоий мавқеи ниҳоятда паст. Лекин муаммо шундаки, кўпгина касбларнинг бундай мавқелиги жамият учун, мамлакатимиз халқ хўжалиги учун реал аҳамиятга эга бўлмайди.

В.Шубкин қизиқарли маълумотлар келтиради. Маълум бўлишича ўспирин ёшлар суд-прокуратура, иктисодиёт, ҳарбий компьютер, чет тилларини ўрганиш соҳаларига қизиқадилар ва мазкур касбларни жуда юқори баҳолаганлар. Қишлоқ хўжалиги соҳасига, саноат ишлаб чиқариши соҳасига оид касбларни, шунингдек тарбиячилик, ўқитувчилик касбларининг мавқеини паст баҳолаганлар. Ўспиринларнинг касбларга берган баҳоси халқ хўжалиги эҳтиёжларига мос келмайди. Айниқса, ишлаб чиқариш касбларининг мавқеини кўтариш муҳимдир.

Лицей ёки касб-ҳунар коллежларига кириб таълим олаётган ўспиринларнинг ҳаммаси ҳам ўзининг келажакдаги касбини қатъий танлаб олган деб айта олмаймиз. Бир қанча психологларнинг берган маълумотларига қараганда, турли шаҳарлар ва туманларда ўзининг келажакдаги касбини қатъий бегилаб олган ўқувчилар 65%-85% ни ташкил этади, яъни лицей ёки касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларнинг айримлари ўз келажаги ҳақида хира тасаввурга эга бўлади. “Мен қайси касбнинг қизиқарли эканлигини билмайман, коллежга эса уйимизга яқин бўлгани туфайли кирдим” (айримларини акам ўқиганлиги ёки ота-онам тавсияси билан) деб кўрсатганлар. “Яна ўқимоқчиман, лекин қаерга киришни ўйлаб кўрганим йўқ” дейди лицей ўқувчиси тадқиқот материалларидан). Ўқувчилар келажакларини, ўз имкониятларини тўғри белгилаб олган кўпгина ҳолар ҳам маълум.

“Мен ўтлоқларни, дала ва ўрмонларни жуда яхши кўраман”. Айниқса ўсимликларни парвариш қилишни жуда ёқтираман. Коллежни тамомлагач, агрономликка ўқийман. Ёзги каникул вақтида далада ишлайман. Менинг шундай режам бор –даставвал сабзавотчилик биригадасида, кейин пичанзорда, сўнгра боғда, шундан кейин комбайн ёнида ишламоқчиман, мақсадим-кўпроқ малака орттиришдир”

“Мен педагоглик касбини танламоқчиман. Бу касб менга ёқади. Мен болалар билан вақт ўтказишни, улар билан шуғулланишни яхши кўраман. Мен келгуси авлодни тарбияламоқчиман. Бу йил ёзда оромгоҳда етакчи бўлиб ишлаш учун бораман. Мен барибир педагогика институтига кириб, ўз мақсадимга эришаман” (Тадқиқот материалларидан)

Профессионал ниятларнинг барқарорлигини ўрганиш юзасидан Н.И.Крилов ўтказган текшириш шуни кўрсатадики, ҳатто ўз ниятларини амалга ошириб, олий ўқув юртига кирган талабалар орасида ҳам кўплари ўзларининг ким бўлишларини охиригача ҳал қилмаганлар. Бунга сабаб ёшларни мазкур олий ўқув юртига олиб келган касб ҳақидаги тасаввур билан бу касбнинг ҳақиқий, амалий мазмуни ўртасидаги номувофиқликдир. Кўплари мазкур олий ўқув юртига тасодифан кирган бўладилар “отам ҳам врач бўлгани сабабли кирдим”, ўртоғим кираётгани сабабли кирдим”, “чунки бу ерга кириш осонроқ бўлди” ва хоказо.

Ахир ўзининг профессионал тақдирини тасодифан ҳал қилиш мураккаб кечинмаларга, танлаган касби соҳасида иккиланишларга, оғир ички зиддиятларга олиб

келиши мумкин ва олиб келади. Бу нарса йигит ва қизлар учун ҳам, жамият учун ҳам катта зарар келтиради.

Ўспирин ёшлар олий маълумот олишга, ўқишни олий ўқув юртида давом эттиришга бир томонлама ёндошишларини айтиб ўтиш керак. Лицей ва коллеж ўқувчиларининг 80% идан кўпроғи олий маълумот олишга интиламиз, деб қатий қарор қилган, фақат озчилик қисмигина ўқишдан кейин ишлаб чиқаришга бормоқчи эканликларини айтишган (олий ўқув юртларига битта ўринга 15-20 та абитуриент хужжат топширади). Бироқ уларнинг маълум қисмигина олий ўқув юртига реал кира олишига умид қилиши мумкин. Қолганлари ишлаб чиқариш соҳасида фаолият юритишлари керак. Ёшларнинг олий маълумот олишга интилишининг яхши томонлари бўлиши билан бирга бунинг салбий оқибатлари ҳам бор. Биринчидан ўқувчилар ўзлари танлаган олий ўқув юртига кириш учун топширадиган 3-4 фанни чуқур ўрганишни мўлжаллайдилар холос. Бошқа фанларни ўрганишга вақт сарфлаш оқилона ва самарали иш деб ҳисобланмайди. Иккинчидан, танлаган фанларни ўрганиш ҳам М.Г.Давлетшин тўғри кўрсатиб ўтганидек, тест талабаларига мос келадиган прагматик характерга эга бўлади, яъни асосий эътибор тест саволларига тўғри жавоб топишга қаратилади.

Олий ўқув юртига киришга бир томонлама психологик установка ўз ниятларини амалга ошира олмаган битирувчиларга салбий таъсир қилади. Муваффақиятсизлик уларга оғир таъсир кўрсатади, кўпинча бу ҳолни ўз умидларининг барбод бўлиши деб қарайдилар. Ўқувчилар: агар олий ўқув юртига бу йил кира олмасам, бир икки йил кутаман, тайёргарлик кўраман деб ўйлайдилар.

Буларнинг ҳаммасига бизнинг тарбиявий ишларимизнинг бир мунча бўш олиб борилаётганлиги сабаб бўлмоқда, биз йигит ва қизларга оддий ишлаб чиқариш касбларига муҳаббатни сингдириш, бу касбларнинг ижтимоий мавқеини оширишга диққат-эътиборни кучайтиришимиз зарур. Астойдил иш олиб бориш, бу касбларни қатъият билан моҳирона тарғиб қилиш, уларнинг юксак ижтимоий берадиган тараққиёт истиқболларини кўрсатишимиз зарур. Мамлакатимизда бозор иқтисоди шароитида хусусий тадбиркорликнинг катта аҳамиятга эга эканлиги, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун ҳукуратимиз томонидан кенг имкониятлар ва шароитлар яратиб берилганлиги, унумли меҳнат соҳасида ишлаётган кишилар қанчалик ҳурмат – эҳтиромга сазавор эканлигини ишонарли тарзда кўрсатиб бериш, ҳатто бундай кишилар бир мунча юқори моддий таъминотга эга эканликларини таъкидлаш ҳам керак. Ўспирин ёшлар бу касбларни жон деб танлашларига эришмоқ зарур, агар йигит ва қизлар ишласалар ҳам, мажбуран, “яхши касб топилмаганлигидан”, ўз хоҳламасликларини қийинчиликлар билан енгиб ишлар эканлар, бу ҳол бизни қониқтира олмайди.

Ўспиринларда касб танлаш ниманинг таъсири остида рўй беради? Бундай танлашнинг мотивлари нима?

Социологик тадқиқотлар ўспиринларда ўзларининг келажакдаги касбларига қизиқишни тарбиялашда ўқув юрти ва ўқитувчилар маълум даражада роль ўйнашларини кўрсатади. Ўтказилган тадқиқотлар маълумотларига кўра, сўраб чиқилган лицей ва коллеж ўқувчиларининг 40-50% келажакдаги касбини танлашга бирор ўқув предметига бўлган қизиқишлари сабаб бўлганини айтади. Кўпгина ўқувчилар халқ хўжалиги учун зарур бўлган касбларни танлайдилар. Бунга Ватанга фойда келтириш истагини сабаб қилиб кўрсатадилар, лекин бу касбларни ўзларининг индивидуал хусусиятларига, қобилиятларига мувофиқ келишини ҳисобга олмайдилар. Ўқувчиларнинг кўпчилик қисми касб танлашга мотив қилиб ўз қобилиятларини кўрсатадилар. (қобилиятлари ҳақида ўзлаштиришлари, материални осон эгаллашлари, мактабдан ташқари машғулотларнинг муваффақиятли бориши ва ҳоказоларга қараб фикр юритадилар) Кўп ўқувчилар оилавий анъаналар мавжудлигини (соф ташқи сабаб) моддий – маиший таъминганлик сабабини, дўстлари ва ўртоқларидан намуна олганлигини мотив қилиб кўрсатиб ўтадилар. Айрим ҳолларда иш жойи ёки олий ўқув юртининг уйга яқинлиги, “бу ерга киришнинг осонлиги” мотив бўлган. Психологик тадқиқотлар битирувчилар

касб танлаш вақтида йўл кўядиган типик хатоларни аниқлаб берди, бу хатолар: 1) бирор касбнинг “мавқели эканлигига” баҳо беришдаги бидъатлар (ўспирин йигитлар хайдовчилик, боғбонлик, чорвадорликни эмас балки банкда кассир, АЁҚШ да ишчи, меҳмонхоналарда официант бўлиб ишлашни афзал кўрадилар) 2) Касбга узоқ ва ноаниқ тасавурга мувофиқ баҳо бериш, (кўпинча касбни ўқув фани билан бир нарсага ўхшатадилар); 3) бирор касб эгаси бўлган кишига нисбатан ижобий ёки салбий муносабатда бўлишни тегишли касбга кўчириш; 4) касбнинг оддий кундалик томонини назар писанд қилмай, унинг ташқи томонга махлиё бўлиш; 5) ўртоқларининг таъсири остида “компания” учун касб танлаш.

Кўпдан кўп тадқиқот натижаларига асосланиб ўспирин ёшларнинг касб танлашга тўла тўкис тайёрлиги тўғрисида гапириб бўлмайди, деб хулоса чиқаришга тўғри келади, чунки биринчидан ўспиринлар кўп касблар тўғрисида аниқ тасавурга эга бўлмаганликлари сабабли уларни тўғри танлаб олмайдилар. Мазкур касб одамнинг сифатларига қандай талаблар қўйишни ҳам билмайдилар. Иккинчидан улар ўзларининг бирор касбга лаёқатли эканликларини ҳамма вақт ҳам объектив аниқлай олмайдилар. Реакциянинг тезлиги ва аниқлиги, ҳаракатларнинг мофиқлашганлиги, сезиш хусусиятлари, нерв жараёнлигининг ҳаракатчанлиги ва ҳоказо характеристикалар одатда нотаниш бўлади, чунки кўпинча булар махсус тадқиқотларни талаб қилади.

Демак, ўқитувчилар, айниқса психолог ўспиринларда касб танлашдан иборат ҳаётий муаммо албатта пайдо бўлишини, давлатнинг, жамиятнинг манфаатларини ва эҳтиёжларини шахсий мойиллик ва қобилиятларни ҳисобга олган ҳолда уларга касбни анча мақсадга мувофиқ ҳолда танлашда ёрдам бериши зарур.

Ўспиринларни касб танлашга йўллаш муаммосини махсус ўқув юртлари жамоат ташкилотлари, корхона ва муассасалар, ишга жойлаштириш органлари билан биргаликда ҳал этишлари мақсадга мувофиқдир. Аввало ўқувчиларга касбларни яхши билиб олишда ёрдам бериш, бунинг учун касблар ҳақида жуда хилма-хил ахборот манбаларидан фойдаланиш, (“кам мавқели” касбларни ҳам тарғиб қилиш) турли касб эгалари билан учрашувлар, корхоналар ва олий ўқув юртларига экскурсиялар, очиқ эшиклар куни, китоб кўرғазмалари, кутубхоналарда маълумотлар тизими ва ҳоказолар ташкил этиш лозим.

Ўспиринлар касбни онгли равишда танлаш вақтида, биринчидан халқ хўжалигининг у ёки бу меҳнат турига бўлган эҳтиёжини, ва иккинчидан, ўз мойиллиги ва қобилиятларини ҳисобга олиш, ўз шахсий сифатлари у ёки бу касбга кўядиган талабларга қанчалик мувофиқ келишини, бу жиҳатдан тўғри келмайдиган хусусиятлар (хусусан, ўз асаб тизими хусусиятлари, анализаторлар характеристикаси, кўриш ва эшитиш анализаторлари, эмоционал – иродавий соҳалар ва ҳоказолар) бор йўқлигини ҳисобга олиш зарурлигини тушунишлари лозим.

Лицей ва касб – ҳунар коллежлари ўспиринларининг профессионал қобилиятлари ва профессионал лаёқати тўғрисида хулоса чиқариб бериш имкониятига эга эмас, лекин ўқитувчилар ва психологлар уларга ўз қобилиятлари, хаваслари қизиқишлари, билими, малака ва кўникмаларига, битирувчиларнинг характериға, одамлар билан муомалада бўла олишиға, жисмоний имкониятларига баҳо беришда ёрдам кўрсата оладилар.

Хулоса қилиб айтсак, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида кадрлар тайёрлаш давлатимиз равнақи, шахс бахт саодати, келажаги ва тақдирини кўзлаб ташкил қилиняпти.

Фараз қилайлик, ёшларимиз 12 йиллик таълимни умумий билимлар асосларига ҳамда бир неча замонавий касб-ҳунарға эга бўлган ҳолда тамомлайдилар. Мустақил ҳаёт бошида турган йигит –қизларимизнинг олган мутахассисликлари бўйича меҳнат қилишлари ёки олий ўқув юртиға ўқишға киришлари учун шароит яратилади. Энг асосийси бозор иқтисоди шароитида ёшларни ижтимоий химоя қилиш таъминланади.

Хулоса қилиб айтсак бугунги кунда боболаримиз орзу қилган БАҲАМОЛ АВЛОД ни тарбиялаш, шакллантириш учун Давлат Дастури ишлаб чиқилиб, у давлат

сиёсати даражасида босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Юртимизни азалдан донолар юрти деб ҳамиша фахрланиб келамиз: Имом Бухорий, Ибн Сино, Фаробий, Беруний, Фарғоний, Улуғбек, Алишер Навоий каби буюк алломаларимиз ўзларини ёрқин истеъдодларини жуда ёшлик чоғлариданоқ намоён қилганлар. Шунинг учун буюклик, юксак истеъдод эгаси бўлиш қонимизда бўлиб ҳозирги кунда кўплаб иқтидорли болаларнинг етишиб чиқаётганлиги бежиз эмас.

Фаробий бир олим сифатида маърифатли жамият ғоясини илгари сурди ва у ғоя қонимизда орзу бўлиб оқди, китобларда орзу бўлиб муҳрланди. Бугунги маърифатли жамият, баркамол авлодни тарбиялаш давлат сиёсатининг устувор йўналиши деб эълон қилинди. Унинг амалга оширилиши аввало мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий муҳитни янада яхшиланишига олиб келади, жамиятимизда янги шахслар – комил инсонлар вужудга келади, ёшларнинг жамиятда ўз ўрнини топиш жараёни тезлашади. Зеро, ҳар бир инсон вояга етиш арафасиданоқ жамиятда ўз ўрнини топа олиши ва белгилай билиши лозим.

Ҳозирги кунда республикаимизда кўплаб лицей ва касб-ҳунар коллежлари фаолият кўрсатяпти, табиийки, бу жараён йилдан – йилга такомиллашиб бормоқда. Ўзи хоҳлаган, кўнглидаги касб бўйича ишлаган ёшларимизда танлаган ишидан, ҳаётдан қониқиш ҳиссини пайдо қилади, албатта. Табиийки, жамиятдаги ҳар бир шахс, ҳар бир ёш йигит – қизни тўла намоён этишлари учун барча шароитлар яратилмоқда. Агар ҳар бир ўспирин ўз имконияти ва истеъдодини ўзининг оиласининг фаровонлиги учун, халқи, юрти учун сарф этса, жамиятимиз нақадар юксак даражага эришишини тасаввур этиш қийин эмас.

Бундай ёшларнинг, шахсларнинг кўпайиши жамиятда онгли ҳаёт кечириш тизимини вужудга келтиради. Ҳар бир ўспирин йигит – қиз ўз ақли, ўз меҳнати, ўз хулосаси билан яшай бошлайди, уларга ҳеч қандай нопок куч, бузук ғоялар таъсир эта олмайди, уларни ўз танлаган йўлларида ҳеч қандай куч тойдира олмайди. Ўзбекистон халқи ўз олдида ҳуқуқий демократик жамият қуриш мақсадини қўйган экан, бу жамиятни қуриш ўспирин ёшлар зиммасидадир ва юқорида кўрсатиб ўтилган имкониятлар ва шароитлар мамлакатимиз ёшларининг баркамол шахс бўлиб шаклланишига, янгича онгга, тафаккурга эга бўлган шахсларнинг кўпайишига олиб келади. Негаки, дунёнинг бугунги ривожини шундай мавқедаки, ҳал қилувчи омил интеллектуал салоҳиятда, фикрда, ақлда, илғор технологиядадир.

Назорат саволлари:

1. Ўспиринликнинг ижтимоий жихатдан етилиш даври эканлигини изоҳлаб беринг.
2. Ўспиринлик даврида жисмоний ривожланиш хусусиятларини кўрсатинг.
3. Ўспиринларда билиш жараёнларининг ўзига хос хусусиятлари қандай?
4. Ўспиринлар мустақил фикрлашда қандай камчиликларга йўл қўядилар?
5. Ўспириннинг мустақил фикрлашини ривожлантириш омилларини санаб беринг.
6. Лицей ва касб – ҳунар коллежлари ўқувчиларининг ўқув фаолиятидаги характерли хусусиятлар қайсилар?
7. Ўспиринларда ўз – ўзини англаш қандай намоён бўлади?
8. Ўспирин ёшларда илмий дунёқарашни шакллантириш деганда нималар назарда тутилади?
9. Ўспиринлар касб танлашга қандай ёндошадилар?

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон келажагининг пойдевори. Т., 1997
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик

- шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., Ўзбекистон, 1997
3. Левантуев П.И., Асқархўжаев А., Чудновский В.Э., Воҳидов М.В. Болалар психологияси очерклари. Т., “Ўқитувчи”, 1964
 4. Давлетшин М.Г. ва бошқалар. Ёш даврлари ва педагогик технология. Т., 2004
 5. Давлетшин М.Г. Замонавий мактаб ўқитувчиси психология. Т., 1998
 6. Шербаков А.И. Ёш психологияси ва педагогик психологиядан практикум. Т., 1991
 7. Воҳидов М.В. Мактабгача тарбия психологияси. Т., “Ўқитувчи”, 1970
 8. Ғозиев Э. Психология. Т., “Ўқитувчи”, 1994
 9. Крутецкий В.А. Педагогик психология асослари. Т., “Ўқитувчи”, 1976
 10. Каримова В. Ва бошқалар. Мустақил фикрлаш. Т., “Шарқ”, 2000
 11. Аҳлоқ-одобга доир Хадис намуналари.-Т., 1990
 12. Иброхимов А. Ва бошқалар. Ватан туйғуси. – Т., “Ўзбекистон”, 1997

Мундарижа

Мукаддима.....	2
Болалар психологияси фанининг предмети, вазифалари.....	4
Илк ёшдаги болаларнинг психологик хусусиятлари.....	24
Боғчагача тарбия ёшидаги болаларнинг психологик хусусиятлари.	309
Боғча ёши даврининг психологик хусусиятлари.. ..	39
Кичик мактаб ёшдаги ўқувчиларнинг психологик хусусиятлари.....	66
Ўсмирлик даврининг психологик хусусиятлари.	863
Ўспиринларнинг психологик хусусиятлари.....	99
АДАБИЁТЛАР	1187

